

Жўра Фозил



ОШИҚ  
**БУХОРИЙ**  
ҚИССАЛАРИ

---

ТУРКУМ  
ҚИССА  
ҲИКОЯ  
ЭССЕ



ЯНГИ АСР АВЛОДНИ

Тошкент

2017

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)6**

**Ф – 79**

**Фозил, Жўра**

Ошиқ Бухорий қиссалари: туркум, қисса, ҳикоя, эссе / Жўра Фозил. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2017. – 320 б.

ISBN 978-9943-27-829-5

«Ошиқ Бухорий қиссалари» Бухорои шариф узоқ ва яқин тарихи ҳақидаги уч қиссадан иборат туркум. Биринчи қисса – «Бухоро маликаси»да арабларнинг Бухорога ҳужуми ва Бухоро маликаси Қабожнинг уларга қарши мардонавор кураши, бу йўлда чеккан алам-изтироблари тасвирланади. Иккинчи қисса – «Ибтидо ва интиҳо» Сомонийлар давлатининг вужудга келиши, гуллаб-яшнаши ва инқирозига бағишлиланган. Учинчи қисса «Қизил қуюн» деб аталади. Бу асарда большевикларнинг Бухорони истило этиши ва халқимизнинг миллий озодлик кураши тасвирланган. Ушбу китобдан жой олган тўртингчи қисса – «Бойқўнғир лолалари» деб номланган. Бу қиссада ўтган асрнинг етмишинчىй йилларида Бойқўнғирда хизмат қилган ўзбек йигитларининг ҳаёти, саргузаштлари тасвирланади. Шунингдек, ушбу тўпламдан «Севиш ҳуқуқи» ҳикояси ва «Саҳродаги ёлғиз дараҳт» эссеси ҳам ўрин олган.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-27-829-5

© Жўра Фозил, «Ошиқ Бухорий қиссалари». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

## **МУАЛЛИФДАН**

*Азиз китобхон!*

Ҳар бир ёзувчининг, у қайси мавзуда қалам тебрат-масин, очилмаган ўз қўриги бўлади ва у ана шу қўриқ-ни очишига интилади. Бухорои шариф мавзуи мен учун очилмаган қўриқ бўлса, ажаб эмас. Бу ўринда мени тўғри тушунишингизни истайман. Чунки Бухоро мавзуи шунчалар улкан қўриқки, уни биргина ижодкор очолмайди. Мен ана шу улкан қўриқ очилишига қўша-жак озгина ҳиссам ҳақида фикр юритаман, холос.

ЭндиGINA қўлимга қалам олиб, машқ қилаётган пайтларимдаёқ Бухоро тарихи мени беҳад ҳаяжонга солар, руҳлантиради. Айни пайтда она шахримиз тарихини яхши билмаслигимиз, айрим бирёёлгама талқинлар, нохолис баҳолар бениҳоя қийнар эди. Бу тарих шунчалар жозибали ва мураккабки, бу ҳақда биргина асарда мухтасар сўз айтиши мушкул. Шундай бўлса-да, мен Бухоро тарихида гоят катта ва мураккаб, зиддиятли даврлар – VII – XX аср воқеаларини баҳоли қудрат бадиий-публицистик тадқиқ этишига ҳаракат қўлдим. Зукко китобхон, жуда олис VII ва XX аср воқеалари ўртасида қандай боғланниш бўлиши мумкин, дея савол беришга ҳақли. Фикримча, узоқ ва яқин ўтмиши воқеалари ўртасида зоҳиран бўлмас-да, ботинан кучли боғлиқлик мавжуд. Биргина мисол, ўша олис, VI – VII асрларда, араблар истилосига қадар Бухорода фан, маданият, меъморчилик санъати гуллаб-яшинамагандга Сомонийлар давлати жаҳон майдонида бу қадар юксак мавқега эга бўлмасди. Ва ўз навбатида, бу давр жаҳон цивилизациясига Ибн Сино,

*Рудакий, Фирдавсий, Дақиқий каби күплаб олиму шоирларни беролмасди.*

*Енкүи рус истигосидан кейинги инқироз ва караҳтликни олиб күрайлик. Бунинг сабабларини тарихнинг гоят узок, чукур қатламларидан излашга тұғри келади.*

*«Ошиқ Бухорий қиссалари» уч қиссадан иборат түркүм.*

*Уч қисса Бухоро тарихининг уч фожиали дағридир.*

*Воқеалар турлы асрларда, турлы замонларда рүй берса-да, үларда шитирок этувчи шахслар бир-бiriдан жуда йироқ одамлар бўлсалар-да, қаҳрамонларни ягона манзил – Бухоро бирлаштиради. Ва бу асарнинг якка-ю ягона бош қаҳрамони ҳам Бухорои шарифдир!*

*Қиссаларнинг аксарият қаҳрамонлари тарихий шахслар. Мен үларни яхши, ёмон, ватанпарвар ёки хоинга ажратмадим, фақат она-шаҳримиз тақдиррида тутмаган ўрнига қараб, оддий бир ижодкор баҳосини беришига интилдим.*

*Айрим тарихий ҳужжатларни, тарихий шахсларнинг хотира ва эсдаликларини воқеалар ривожи билан bogлашга ҳаракат қилдим.*

**1997 йил, сентябрь**



ОШИҚ  
БУХОРИЙ  
ҚИССАЛАРИ

---

ТУРКУМ

## **МУҚАДДИМА**

Саҳро шамоли сон-саноқсиз қум зарраларини учиривб үйнар, унинг бир маромда гувиллаши аро дилгир оҳанг эштилар ва олис-олисларда, тирамоҳ қуёшида товланаётган малла барханлар ортида кимдир нола чекаётгандек бўларди. Симоби салла ўраб, оқ яктақ кийган, қирқ-қирқ икки ёшлар чамасидаги қорасоқол йўловчи юз-кўзларига урилиб, тишлари остида гичираётган қум зарраларига эътибор қилмай, кўзларини қисиб, барваста қаддини бир оз буқканича олга интилади. Унинг қўлида асо, онда-сонда қуёшга назар ташлайди, елкасидаги гулдор хуржунни тўғрилаб қўяди ва мана, уч кундирки, ўзини таъқиб этаётган оҳангларни илғаб олмоқчи бўлади. «Бу оҳанг «Шашмақом»дан эмас, «Бухоро ироғи» ёки «Гиря»га ҳам ўхшамайдур... Қандай куй бўлди экан? Ё она Бухоро мен бирлан шу тахлит видолашадурми?.. Ҳа, худди шундоқ, нола Бухорои шариф томондан келадур, дод саси ўшал ёқдан келадур. Эвоҳ, ахир мозорлари топталган, ибодатхоналари отхонага айлантирилган Бухоро йифламай, мен йифлайнми?!»

Йўловчи юришдан тўхтаб, яна шамол увиллашига қулоқ тутди, чеҳраси жиддийлашиб, катта-катта, чиройли қўй кўзлари намланди. Уни тўхтовсиз таъқиб этаётган нолаю афғон энди мунгли бир куй бўлиб вужудига оқиб кирап, боши айланиб, кўзи тинарди, сархуш эди гўё.

У саксовул соясига ўтирди, хуржунини кавлаштириб яrim қулочча келадиган қизгиш-қора сурнайни қўлига олди ва вужудини қамраган ўша ўтли нола оҳангига мослаб чала бошлади.

Кўп ўтмай куй алангадек бутун борлиқни қамраб олди. Тубсиз осмону тобора баландлаётган қуёш, саҳро султони саксовулу гердайган кавраклар, янтоғу явшанлар сеҳрланиб қолдилар. Ҳатто бебош ша-

мол ҳам сурнай навосини узоқ-узоқларга олиб кетар экан, унга бир муддат қулоқ тутгандек бўларди.

Куй тобора авжига чиқар, чолғувчининг кўз ўнгида замину осмон ҷархпалак бўлиб айланар, дийдасидан оққан ёш томчилари инжудек товланиб, соқолида осилиб қолар, сурнай эса кимларнингдир номини айтиб, нола қиласарди.

Чолғувчининг юрагида бўрон қўзғолганди. «Нақадар олийжаноб, сахийсан, эй она шаҳрим! Сендан бош олиб кетмоқда бўлган ожиз қулингга ҳам шу қадар шоҳона совға қиладурмисан?! Ҳа, сен инъом этган бу куй менга ҳар қандай шоҳона совғадан-да авлороқдур! Ва уни сенинг шарафингга «Фохира» дея атайдурман! Сендан йироқда шу куй менга мадад берадур, сенинг руҳинг сифатида ёр бўладур...»

Ҳозиргина «Фохира» дея номланган куй ўз номидан фахр этгандай тобора илоҳий оҳанг касб этар, ноласи шу қадар ғамгин, мунгли тус олганники, ҳиссиз, тилсиз, гунгу лол туюлган барҳанлар сийнаси ҳам безовта кўтарилиб тушарди. Бирдан чолғувчининг нигоҳи ўзидан ўн-ўн беш қадам нарида қари саксовул панасида турган бир жуфт оҳуга тушди. Диққат билан разм солган эди, оҳуларнинг кўзларида ёш ёлқинини илғагандай бўлди, титраб кетди, лекин куй чалишдан тўхтамади.

Оҳулар қулоқлари динг, сеҳрли оҳанг таъсирида маст эдилар. Чолғувчининг кўнглидан эса шукроалик туйғулари кечарди. «Фохира шундайин куй бўладики, уни эшигтан нафақат инсонлар, балки жониворлар ҳам кўз ёш тўқадурлар, бутун дунё нолаю афғон чекадур. Фохира, Фохирам... Эй шаҳри азиз, Сенга алвидо демайдурман, кўришгунча!..»

Сурнай навоси энди майинлашиб, аллалай бошлади. Оҳулар ҳамон одамдан кўз узмай, куй тинглар эдилар.

У бир ҳафта олдин кўрган, Бухорони тарк этишига сабаб бўлган тушини эслади.

...Саҳар маҳали эди. Марҳум устози, шеър, қўшиқ, мусиқа сири ва сеҳрини ўргатган пири комил Бобо Шайдо Сурудий оппоқ оҳори сарупода унинг хузурига ташриф буюрдилар. Шогирднинг таъзиму саломидан сўнг дабдурустдан шундай дедилар:

– Бўтам, сиз Бухородан кетинг. Бу дилхун шаҳарни тезроқ тарк этинг!

– Нечун бундай демоқдасиз, пирим? Ахир, Сизнинг чироғингизни ким ёқадур?

– Сиз тилингиздан ашъорни, қўлингиздан созни қўймай, дилингизга Бухоро руҳини жо қиласр экансиз, менинг чироғим ўчмагай. Менинг қисматим – шу ерда қолиш, Сиз эса тез кетишингиз керак!

– Пирим, бу қўрқоқлик саналмайдурми? Ахир Ватаним, олтин бешигим қон ютаётганда мен нечун бош олиб кетайин?!

– Сиз кетишига шарм этманг, бўтам. Бу қўрқоқлик эмас, Сиз қайтиб келиш учун кетинг. Ҳа, қайтиб келиш учун! Сиз Бухорои шариф руҳини пок сақдаш учун кетинг. Тоғу тошга, чўлу биёбонга, ёғий қадами етмаган ерларга кетинг, токи юрагингиздаги тоза гавҳарлар тозалигича қолсин. Чунки бу топталган, хўрланган, муқаддас қадамжолари вайрон этилган масканда қалб гавҳарингизни тоза сақдаб қололмагайсиз. Сиз кетинг ва буюк Фохири Сизнинг сиймоингизда ўзлигини сақдаб қололсин!

– Пирим, бундайин оғир хизматни мендан талаб қилманигиз, мен бу ердан кетолмайдурмен. Сизни ташлаб кетолмайдурмен!..

– Такрор айтадурмен, Бухорода қолиш менинг қисматим! Калтабин, худписанд бўлманг, бўтам. Сиз қайтиб келиш учун кетадурсиз. Эслайдурмисиз, мен сизга Бухоронинг гўзал маликаси Қабож хотун ҳақида ҳикоятлар айтиб берар эдим. Араблар Пойкент ва Ромитанни олиб, Бухорога босқин қилмоқчи бўлғанларида подшоҳ Бидун Бухорхудот лашкар йиғиб келиш баҳонасида шаҳарни ташлаб қочди. Лекин унинг ёш ва бағоят барно хотини малика Қабож пошшолик инон-ихтиёрини ўзи қўлига олиб, араб босқинчиларига юзма-юз бўлди. У керак бўлганда ҳийлаю тадбиркорлик, керак бўлганда дуру жавоҳирини ишга солиб, кези келганда ўзи қўлига қилич олиб ёғий ҳамласини қайтарди. У ҳукмрон бўлган ўн беш йил мобайнида Бухорога бирор бир босқинчининг қадами етмади. Гўзал Фохирамиз гуллаб-яшнади. Мана энди

эса марҳуманинг қабри совимай туриб, биз шаҳримизни бой бердик. Шунча марду майдон бир заифа эплаган иш улдасидан чиқа олмадик. Бухоро ғайридинлар отлари туёқлари остида топталаётганини кўрган малика Қабож руҳи чирқираб, бизни тарк этди. Қўрқоқлар, хоинлар, қориндан бўлак нарсани ўйламайдиган муртадлар қўли баланд келди.

Энди нега Бухорони тарк этинг деяётганим сабабини тушунаётгандурсиз, бўтам? Ҳа, боракалло, Сиз юрагингизга пок шаҳримиз пок руҳини жо қилинг-да, Қабожнинг уйғоқ руҳини қидириб топинг. Бухоро учун жонфидо бўлишга тайёр лак-лак бухорийлар бор бу жаҳонда. Ҳаммангиз шу маслак йўлида бирлашинг-да, биз томонга қайтинг. Ва биз бу масканни қора вабодан халос этгаймиз. Мен сизларни қўзларим тўрт бўлиб кутгайман. Мен сизларни қучоқ очиб қарши олгайман, бўтам!..

– Ташаккур, устоз!

– Сизни гўдаклигинизда тарбиятимга олганимда Шамс исмингизни қўйиб, Ошиқ Бухорий дея номлаган ва бир умр покиза, озод руҳ, тоза қалб, хур Ватан ошифи бўлишингизни умид қиағон эдим. Кўриб турибмен, умидларим пуч эмас. Оқ йўл, бўтам! – Бобо Шайдо Сурудийнинг овози титраб, салқи ёноқларидан бир неча томчи ёш сизиб тушди.

– Ҳамма айтқонингиз тожи сар, пири! – Ошиқ Бухорий устози томон талпиниб, уни қучмоқчи бўлди. Қучмоқчи бўлди-ю уйғониб кетди. Ёстиғи кўз ёшларидан жиққа ҳўл эди. У кўрган тушини туш эмас, пири комилнинг васияти дея тушунди ва тез орада ёру биродарлари билан хайрлашиб, ёғий қўлида қолган шаҳарни яширинча, қаландар либосида тарк этди.

У Бобо Шайдо Сурудийнинг энг содиқ ва иқтидорли шогирдларидан бири эди. Бобо Шайдо ота-онасидан эрта ажраган бу зеҳни ўткир, тиришқоқ болани ўз уйида тарбиялаб, мадрасада ўқитди, шеър, фазал ёзиш, созчалиш, мусиқа басталаш, қўшиқ айтиш сирларини ўргатди.

Бобо Шайдо шаҳарнинг бадавлат, нуфузли кишиларидан бўлиб, ўзи оташнафас шоир, бастакор эди. У хо-

тин, бола-чақа қилмаган, сон-саноқсиз шогирдларию мухлислари даврасида умр кечиради.

Ошиқ Бухорий ҳам пири комил изидан бориб дунё ҳою ҳавасига берилмади, ажойиб шоир, бастакор бўлиб етишди. Савдо карвонларига қўшилиб Мағрибу Машриқни кезди, қўшни мамлакатларга ҳам танилди. Бобо Шайдо Сурудий тўқсон ёшдан ошиб вафот эттагч, унинг вориси ва энг яқин шогирди сифатида устози яратган мактабга бош бўлди.

...Замину осмонни бир муддат сеҳрлаб кўйган куй поёнлади. Ошиқ Бухорий чукур «уф» тортиб, сурнай-нинг у ёқ бу ёгини кўздан кечиргач, хуржунга солди, оҳулар турган томонга назар ташлади. Жониворлар бошлирини маъюс ҳам қилгандарича, бархан ортига ўтиб кетмоқда эдилар.

Оҳулар кўздан фойиб бўлгунча Ошиқ улардан кўз узолмади. «Эй фалак, ҳатто шу жониворлар ҳам ғам нима эканини биладурлар-а. Бош этиб кетишларини қаранг!..»

Дунё кезган Ошиқ она шаҳрини кўп марталаб тарк этган, лекин ҳеч вақт юраги ҳозиргидек қонланмаганди. Чунки у ҳар доим озод ва обод юртини тарк этар, энди эса ёйиб босган, таланганд, вайрон этилган Ватандан кетмоқда. Унинг қалби ҳислар тўфонидан ларзада, фақатгина устозидан тушида эшитган «Мен кўзларим тўрт бўлиб сизни кутгайман», деган сўзлар унга андак тасалли берарди.

У ўрнидан туриб хуржунини елкасига ташлади, оҳулар изидан кўз узмай, бир-бир қадам босиб, бархан тепасига кўтарилиди. Қўлинин пешонасига соябон қилиб, уфқقا тикилди. Олисда улкан кўзгудек ярқираб, дарё кўзга ташланди. «Шу тахлит юриб турсам, чошгоҳда кечувга етиб оладурман», ўйлади у йўлда давом этар экан ва яна хаёлот уммонига гарқ бўлди.

...Авжи тут пишиғи маҳали. Хонақоҳ ёнидаги улкан тут дараҳти мевалари фарқ пишган. Кимдир бехос тўкиб юборган марварид доналаридек ер билан битта бўлиб ётарди.

Ўшанда ўн саккиз ёшлардаги Ошиқ дутор машқидан сўнг томир ёзиш баҳонасида тутхўрлик қилгани дараҳт тагига борди. У тараддудланиб тураркан, бир-

дан «дув» этиб устига сон-саноқсиз мевалар ёғилди ва нафис бир овоз қулоғига қалинди. Йигит «ялт» этиб тетпага қаради. Қаради-ю ҳайратдан лол бўлиб қолди. Даражатнинг ерга эгилган шохидა ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги бағоят гўзал бир қиз гуноҳкорона табассум ила унга боқиб турарди. Қиз сариқ шоҳи кўйлакда, пешонабогини пайваста қошлиари устидан дол танғиган, қирқ кокили латиф елкаларида паришон эди.

– Маъзур тутгайсиз, сизни тутхўрликка таклиф этмак ниятида эдим, баногоҳ оёғим тойиб, азият етказдим чоғи, – деди қиз кўзларидаги ўша табассум билан.

Ним очиқ дудоқлар, қирмизи ёноқлар, узун эгма мужгонлар шу қадар гўзал, сеҳрли эдики, бечора йигит қизнинг ўтли нигоҳларидан кўзи қамашиб, бир муддат гапиролмай қолди. Сўнг ўзини қўлга олиб жавоб қайтарди:

– Ҳеч бокиси йўқ. Ахир устимдан дуру жавоҳир тўкилди-ку!

– Фақат мени тантиқ, овсар экан деган гумонга бормангиз... – қизнинг овози ўзидан-да гўзал, мусиқий эди.

– Мен бу тушимми, ўнгимми дея гумон қиладурман, холос, ҳамшира.

Ошиқ қизни ҳамон гунгу лол томоша қиласади.

Қиз йигитнинг илтифотидан дадилланиб, пастроқقا тушди-да, кафтида йирик гавҳардек мевалардан узатди. Йигит миннатдорчилик билдириб, тутни оғзига солди. Қиз нафис ҳаракатлар билан яна бир неча маротаба тут узатгач, йигитни саволга тутди:

– Ҳар тонг, ҳар оқшом бир йигит ўртаниб мунгли қўшиқлар айтадур, ҳазин куйлар чаладур. Шул сиз эмасми?

– Ўшал менман, ҳамшира, куй-ғазал машқини оладурман.

– Бўлмаса айтинг-чи, қўшиқларингиз нечун бунчалар ғамгин, сернола? Овозингизни эшитиб юм-юм йифлайдурман.

– Устозим, пири комил Бобо Шайдо Сурудий айтадурларки, инсонлар ғамини туймаган юракдан куй-ғазал ҳам, ашъор ҳам чиқмагай.

– Бобо Шайдо сизнинг устозингизми? Ул зоти шарифни Бухоро, Шому Ироқда шоир, бастакорлар пири

деб эшитганман. Нақадар баҳтлисиз! – ҳавас билан хитоб қылди қыз ва қўшиб қўйди: – Мен ҳам ёшлигимдан шеъруғазал шайдосидурман. Бибижоним ажойиб қўшиқлар айтадурлар.

Улар жим қолдилар. Енгил шамол қўзғолиб, тут барглари шивир-шивир бошладилар, яна шифил мева-лар Ошиқ оёқлари остига секин-аста ёнидилар. Сариқ шоҳи қўйлакли соҳира тараддузданиб, унга илтижоли нигоҳ ташлади.

– Энди сиздан бир ўтинч, сал нарироққа бориб турсангиз, шамол қўзғолди, дараҳтдан тушиб олайин. – Қизнинг майин овози ибо, шарму ҳаёга тўла эди. Товуш ўз оҳанги билан йигит қалбининг энг нозик пардаларини чертиб юборди. У сархуш одамдек, билиб-бilmай нари кетди ва дараҳт томон боқишига ўзида журъат сезмади. Бир неча дақиқадан сўнг ўша майин овоз уни яна ўзига келтирди.

– Омон бўлинг, мен бу оқшом ҳам қўшиқларингизни йиғлаб-йиғлаб тинглагайман! – қыз шундай деди-ю, ёш оҳудек енгил ҳаракат билан хонақоҳ ортига ўтиб, қўздан фойиб бўлди. Йигит анча вақтгача жойидан қимир этмай, қыз кетган томонга тикилиб турди. Шундагина у ҳатто қизнинг исмини ҳам сўрамаганини эслади, афсус чекди, лекин энди афсуснинг фойдаси йўқ эди.

Ўша оқшом Ошиқ устози ва ўзининг газалларига басталанган энг сара қўшиқларини шунақаям берилаб, шунақаям сел бўлиб куйладики, шаҳристоннинг диққинафас, тор қўчаларида ғалаён қўпгандек бўлди. У ўзини сеҳрлаб кетган қыз юм-юм йиғлаб тинглаётганини билганидан бутун вужуди оҳанг, созу овозга айланиб нола чекарди. Қўшиқ пурвиқор тоқу гумбазлар оша узоқ-узоқларга парвоз этар, минглаб юракларда акс садо берарди.

Ошиқ куйлаб бўлиб дуторни бир чеккага қўйган ҳам эдики, устози Бобо Шайдо сассиз қадам ташлаб ёнига келди.

– Бўтам, ошиқлик муборак бўлғай, ишқингиз муборак бўлғай Сизга! Энди исмингиз жисмингизга монанд бўлибдур. Юрагингизга ишқ, меҳмон бўлибдур.

Ана энди Сизга ашъорнинг, мусиқанинг ҳақиқий сир-синоати намоён бўлғусидир. Фақат ҳақиқий ошиқлар-гина ҳозир Сиз куйлаганингиздай куйлай оладурлар. Бахтингиздан фоят сарафроздурман, бўтам. – Бобо Шайдонинг овози титраб кетди, шогирдининг елкаси-дан қучиб, пешонасидан беозоргина ўпди.

Ошиқ устозининг ишқ билан муборакбод этганидан уялиб кетди, кўзларига тик қараёлмади, фақат унинг нақадар нуктадон, зукколигига яна бир бор қойил қолди. «Пирим илми нужум, илми ғайбдан ҳам боҳабар кўринадурлар. Нақадар комил инсон», деб қўйди ўзича.

Устоз каромат қилган эканлар. Ўша тут тагидаги уч-рашувдан сўнг йигитнинг юраги куй-ғазалга тўлиб кетди, ҳар куни ҳаётнинг янги-янги қирралари очила борди, оламнинг ранг-баранглигини қайта ҳис этди. Лекин не ажабки, уни ҳаёт икир-чикирлари узра шу қадар юксалтирган соҳиранинг ўзи ҳеч қаерда кўринмас эди. Унинг ҳатто исмини ҳам сўрай олмаган бечора йигит кимдан сўраб-суриштиришни билмас, тут тагида неча соатлар, неча кунлар интизор кутса-да, қиздан дарак йўқ эди.

Орадан яна бир тут пишиғи ўтди. Ошиқ Мағрибу Машриқнинг энг ҳассос шоирлари шеърларини туну кун мутолаа қилди, ўзи арузда гўзал ғазаллар битди. Унинг ҳар бир ғазалида покиза ишқ нафаси уфуриб турар, ўзи битган мисралар орасидан ўша сариқ шоҳи кўйлакли қизнинг ўтли нигоҳини туйгандек бўлар, «Мен бу оқшом ҳам қўшиқларингизни йиглаб-йиглаб тингла-гайман», деган каломи қулоқлари остида қайта-қайта акс садо берарди. Йигит қанча ўртаниб-ёнмасин, қан-ча сарсон изламасин, қизни қайта учратолмади.

Баҳор қаригач, у савдогарлар карвонига қўшилиб Рум сари отланди. Шогирдининг изтиробларини сезиб юрган Бобо Шайдо унга оқ фотиҳа бераркан, шундай деди:

– Куйинманг, бўтам, ошиқлик сизнинг қисматингиз. Ҳа, қисматингиз! Ошиқлик ва шоирлик бир бутун мўъ-жиза, уларни бир-биридан ажратсалар, ҳалок бўлади-лар. Сизга тўзим берсин, бўтам!

Бобо Шайдо яна каромат қилган эканлар. Ўшандা, ўн саккиз ёшида сариқ шоҳи кўйлакли қизни севиб қо-

либ, ишқи аввални бошидан кечирған йигитнинг қисматы ҳақиқатан ҳам ошиқлигү шоирлик бўлиб қолди.

...Шамол кучайган, кум бўрони кўз очиргани қўймайди. Ошиқ Бухорий эса тепасида тубсиз осмонни, оёқдари остида гичирлаётган қумни, шамолдан паришон ўт-ўланларни сезмагандай одимлади. Қирқ йиллик умри давомида Бухорода ва Бухородан олисда бошидан кечирғанларини, юрагида ўчмас из қолдирган хотираларни бирма-бир кўнглидан ўтказади. Аллақандай тушункисиз, ўртагувчи туйгу вужудини ёндиради. Кўкси ачишиб, жизилаб оғрийди.

Хотиралар уни тўхтовсиз таъқиб этадилар. Хотиралар унга тинчлик бермай, она юртини тарк этаётгани учун хун бўлган бағрини батарроқ қонлантирадилар, орадан ўтиб кетган шунча йиллик шамол ва суронлар аро ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қиласидилар.

\* \* \*

Бухоролик бир гурӯҳ шоири хонандалар Хонтушар яйловига Наврўз сайли – «Сайли Гули сурҳ»га чиққан эдилар. Уларни чорвачилик билан шугулланувчи шу ерлик уруғ оқсоқоли таклиф этганди.

Кўксида қип-қизил лолалар ял-ял ёнган Хонтушар афсонавий гўзаллик касб этган, олис-олисларда серка қўнгириғи садоси, қўй-қўзилар маъраши қулоққа чалинар, ям-яшил ўт-ўланлар баҳор насимида енгил тебраниб, таъзим бажо келтирадилар.

Ёшлар икки томон бўлиб байтбарақ қиласидилар, соз чалиб қўшиқлар айтдилар, этак-этак гул териб бир-бirlарини «Сайли Гули сурҳ» билан муборакбод этдилар.

Йигитлар улоқ чопдилар, кураш тушдилар. Сўнгра меҳмонлар бир неча гуруҳга бўлинниб, ажойиб гулдор гиламлар билан безатилган ўтовларга ташриф буюрдилар. Ноз-неъматга тўла дастурхонларга ёфи жизилаб турган барра кабоблару қази-қарта тортилди. Гулдор, чиройли косалар қимиз, бўзаю қимронга тўлдирилди.

Ошиқ уруғ оқсоқоли ўтовида меҳмон эди. Бу ердаги зиёфат кечгача давом этди. Шоир йигит шеърлар ўқиди, дуторини қўлига олиб қўшиқлар айтди. Унинг

санъатидан беҳад таъсирангган оқсоқол елкасига мовут чакмон ташлади. Оқсоқолнинг якка-ю ягона соҳибжамол қизи Гулнигор ойим шоирни ўзининг алоҳида ўтовига таклиф этди. Гулнигорнинг дугоналари, Ошиқнинг жўралари уларга ҳамроҳ бўлдилар.

Гулнигор ойимнинг оппоқ ўтови яйлов юзига холдек ярашиб тушган, ичкариси ранг-баранг гиламлар билан безатилиб, шоҳию атлас кўрпачалари тўшалган, тўкин дастурхон эса меҳмонларга муентазир эди.

Гулнигор ва дугоналари бир томон, Ошиқ ва ҳамроҳлари бир томон бўлиб, алламаҳалгача байтбарак қилдилар. Ярим кечада бундоқ қарашса, ўтова бека Гулнигору Ошиқдан бўлак ҳеч ким қолмабди. Гулнигорнинг эгнида оқ шоҳи кўйлак, кўйлак устидан қора кимхоб нимча кийган, бошида қарқарали сувсар қалпоқ. Қоп-қора олудек кўзлар хумор-хумор боқадилар, янги очилган гунча янглиғ лабларда ҳуркак табассум, бўлиқ сийналар қўш кабутардек безовта. Ичилган бўзаю қимиз таъсириданми ёинки ёнгинасида оқи оқقا, қизили қизилга ажралиб турган малакнинг ҳусну латофатиданми, йигитнинг боши айланарди.

– Шоирим, энди ёлғиз иккимиз мушоира қилгаймиз. Мен ҳаммага жавоб бериб юбордим. – Гулнигор бир чеккада турган доторни олиб келиб меҳмоннинг кўлига тутқазди. – Ўша отамнинг ўтовларида куйлаганингиз – «Бухоро санами»ни яна бир марта айтиб беринг ва малол келмаса, у кимга аталганини ҳам ошкор этинг. Хўпми, шоирим? – Қизнинг овози шу қадар нозли эдик, йигитнинг бадани жимиirlаб кетди.

У ҳеч сўз демай қизга тикилар, сариқ шоҳи кўйлакли қиз ва Гулнигор ўртасида ўҳшашлик излар, бу ўҳшашликни дам топар, дам йўқотарди. Лаблари ўз-ўзидан «Кўзлари ўхшар экан, кўзлари ўша соҳиранинг кўзларидай», дея пичирларди.

У ихтиёрсиз равишда доторни созлаб, Гулнигор илтинос қилган қўшиқни куйлай бошлиди. Кўзлари эса ҳамон икки гўзал хилқат ўртасида ўҳшашлик излардилар.

Ниҳоят куйлагувчи ва тинглагувчининг кўзлари тўқнашди. Қизнинг кўз қорачиқларида шам нури ўй-

нар, уларнинг туб-тубида ҳайрат, ҳавас, илтижо ва яна алланималар яширин эди.

Қўшиқ авж пардада янграй бошлади. Ошиқ бу қўшиқча сариқ шоҳи кўйлакли қизни севиб, чеккан барча ранж-аламларини тўкиб солган, юрак қаъридан чиққан сўзлар ҳар бир тинглагувчининг қалб тўрига етиб борарди.

Қўшиқ тугади. Қизнинг шаҳдо кўзлари намланган эди. У чуқур бир «уф» тортди-ю, овозига хушчақчақ тус беришга интилиб сўради:

– Ёш, шоирим, энди қўшиқ кимга бағишлианганини айтадурмисиз? – қизнинг ҳозиргина ёш ялтираган кўзларида нимагадир чорловчи, даъват этувчи шўх бир учқун «ялт» этди.

Савол шунча йиллардан бери қидириб тополмаётган ўша қизни яна эсига туширди, у озорланиб жавоб қилди:

– Қўшиқ – кўнгил мулки, кўнгилдан чиққач эса ҳамманинг мулкига айлангусидир.

– Тўғри жавобдан қочмоқ бўласиз. Қўшиқ кўнгил мулки экани менга аёндур. Шу кўнгил мулкининг сultonи ким, билмоқ истайдурман.

– Бегойим, кўнгил дастурхон эмаски, дуч келган меҳмон ўтрусида очаверсалар.

– О, о, шоирим, шунчалар шафқатсизмусиз, мени ранжитмоқ истайсиз? Мен сизга бегона эмасмен ахир. Мен сизни юз йиллардан бери биладурмен, юз йиллардан бери кутадурмен!

Шоир яна қизнинг кўзига тикилди, тикилди-ю инон-ихтиёридан айрилаётганини, ботиний бир куч уни ўз домига тортаётганини ҳис қилди. Ўтов бекасининг катта-катта бўлиб кетган кўз қорачиқларида киши ақлинни шоширувчи бир ўт, чексиз эҳтирос бор эди. У сўзида давом этди:

– Мен ҳали ўспиринлигимдаёқ сultonим шоир ёки қўшиқчи қиёфасида пайдо бўлишини билардим. Наҳот бундан огоҳ эмасдурсиз, шоирим?

Шоир лол эди. «Юз йилдан бери кутадурмен дейди, сultonим дейди. Бу не ҳол, во ажаб...»

Ўтов бекаси эса ҳамон ўша эҳтирос-ла сўзларди:

– Наҳот мен ўша сиз куйлаган санамга ўхшамасман? Эҳ, шу қўшиқ менга аталган бўлиши учун кўп нарсанинг баҳридан ўтган бўлардим.

Ошиқ ортиқ чидаб туролмади, ўзини борган сари қамраб олаётган қизнинг ҳусну латофатига бор кучи билан қаршилик қилиб шундай деди:

– Маъзур тутгайсиз, бегойим, мен бари бир, қўшиқ эгаси ҳақида сизга ҳеч нима деёлмайман. Мени ортиқ қийнаманг...

Гулнигор уни тушунди. Дарров икки косага бўза қўйиб, бирини ўзи олди, бирини меҳмонига узатди.

– Олинг, бўза сипқоринг-да, дадил бўлинг! Бахтилизни қўлдан бой бермайлик! – Гулнигор унинг шундоқ ёнгинасига келиб ўтирди. Унинг қайноқ нафасидан бечора шоирнинг боши гир-гир айланди. У ўша, ошиқ бўлганидан бери бирор аёл билан бундай яқиндан ҳамсуҳбат бўлмаганди.

Ошиқ косани бир кўтаришда бўшатди, сўнг алам, афсус-надомат билан деди:

– Бахтилизни бой бермайлик, дейсиз... Мен сизни баҳтли қиломайман, бегойим. Мен бир умр дунё кешишга маҳкум одамман.

– Ҳой, шоирим, бунчалар юраксизсиз? Мен сиздан бир умрлик улкан баҳт талаб қилмайдурман. Менга бир зумлик баҳт ҳам кифоя. Наҳот мени бир зумгина баҳтли этолмайсиз, шоирим? – Гулнигорнинг нафис овози титраб кетди.

Ошиқ нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, Гулнигорнинг икки мори печон кокилига қўл узатди, уларни силаб атридан маст бўлди ва:

*Бунчалар хуширўйсиз, бегойим,  
Сиз гулга ўхшайсиз, илоҳам...*

дея ним очиқ, муштоқ дудоқларга лаб босди. Оловга айланган итоаткор вужуд дир-дир титраб, йигитнинг қўйнига сингиб кетди.

Шу тун улар бутун борлиқни унутдилар. Ошиқ қўйнида оҳ чекиб, тўлғониб ётган қизни ўша тут тагида

учратган малагим дея ўзини ишонтириди. Чунки қизни узоқ вақт ахтариб тополмагач, мен уни тушимда кўрдим ёинки у парилар зотидандур деган хаёлга ҳам борганди. Гулнигорнинг шаҳдо кўзлари сариқ шоҳи кўйлакли қиз кўзларига ўхшаб кетиши йигит бардошига чек қўйди.

Гулнигор ҳам мен кутган султон шу шоир йигит дея астойдил ишонди.

Кўзда юлдуз шуъласи ўчмай, йигит балофат ва висол атрига, Гулнигор соchlари бўйига тўла ўтовни тарк этди.

\* \* \*

Тирамоҳ қуёши тобора баландлар, Ошик Бухорий қўлидаги асони илиқ қумга бир-бир ботириб одимлар, ўй-хаёлларининг чек-чегараси йўқ эди. «Ҳа, Бухоро санами ҳам, Гулнигор ойим ҳам энди ширин бир хаёл. Шу хаёллар энди менинг давлатим, бойликларимдур. Мана, йигирма йилдурки, шу хаёлот дунёсида умр басар қиласурман. Шу дунёning ҳокими мутлақидурман», шивиrlайди унинг саҳро шамолидан тарам-тарам ёрилган лаблари.

Рўпарадан рутубат, ўт-ўланлар ҳидига тўйинган шамол эса бошлади. Кўп ўтмай у қирғоқларига сифмай ёйилиб оқаётган дарё соҳилига етиб келди. Дарёдан эсган намчил шамолга кўкрак тутиб, анвойи рангларда товланаётган тўқайзору гулоби қовун тусини олган қамишзорларни бир муддат томоша қиди. Сўнгра узун, ясси қайифида хира пашшаларни қўриб ўтирган кемачи ёнига бориб, қўлинини кўксига қўйиб салом берди.

Кемачи, соч-соқоли оқара бошлаган, ўрта яшар киши эринибгина алик олди, йўловчини синчков нигоҳ билан бошдан-оёқ кузатди, сўнгра сўради:

- Хўш, ўзларини қайлардан сўраймиз, тақсир?
- Биз... Биз Бухори шарифдан келадурмиз. Дунё кезишни ихтиёр этган сайёҳдурмиз. Нариги соҳилга ўтказиб қўярмисиз деган илинжда ёнингизда келиб турибмиз...

- Ҳ-и-и-м-м, дунё кезадурган сайёҳмиз денг... Бу дунёй дун шунчалар кезишга арзирмикан? – деди кемачи

норози оҳангда ва сўнгра қўшиб қўйди: – Хўш, қани, нариги соҳилга ўтказиб қўйсам, муздига нима берадурсиз?

– Муздигами? Муздига берадурган ҳеч вақоим йўқ. Болаларингиз ҳақига дуо қилгайман, – деди Ошиқ ўнгайлизалиниб.

– Дуо?.. Дуоингизга қора қозон қайнамайдур, тақсир. Қани, хуржунни кавланг!

Ошиқ бениҳоя мулзам бўлди. «Эҳ, сиз, қориндан бошиқга илинжи бўлмаган гумроҳлар! Аслида биз сиз сингари пастарин кимсалар касрига қолиб, дунёда дарбадар кешишга маҳкуммиз. Агар сизга ўхшаган нафс, ҳирсу ҳавас бандалари кўпайиб кетмаганида, менинг жаҳоноро Фоҳирам ёғий отлари туёқлари остида асло топталмас эди», ўйларди у юрагида чексиз бир армон билан.

У беихтиёр хуржунни кавлай бошлади. Лекин кемачига бергулик ҳеч нимаси йўқдигини у шундоқ ҳам яхши биларди. Ошиқ қандайдир илинж билан хуржун кўзларини кавлашда давом этди. Ва шу аснода бир мўъжиза юз берди: қўлига аллақандай танга илинди! Унинг юраги хаприқиб кетди. Наҳотки мушкули осон бўлса?! У яқин орада қўлига бирор танга ушламаганди-ку! Хуржунга ким солиб қўйди экан?.

Ошиқ қўлини секин хуржундан чиқарди, кафтини очди. Кафтидаги олтин танга қуёш нурида ярқираб кетди. У танганинг у ёқ бу ёғини айлантириб кўрди. Танганинг бир томонига Ҳумо қуши, иккинчи томонига от мингган хоқон тасвири туширилганди.

Кемачининг кўзи чарақлаб, тунд чеҳраси ёришди. Жон ҳолатда қўлини узатди. Ошиқ ижирғаниб тангани унинг кафтига қўйди. Кемачи аввал тангани тишлаб кўрди, сўнг ёруқقا солиб томоша қилди-да, йўловчини қайифига таклиф қилди.

– Қани, кетдик, тақсир, сиздайин мижознинг садафаси кетса арзигай!

Қайиқ майда, малла тўлқинларни кескир шамширдек иккига бўлиб, нариги қирғоқ томон суза кетди. Кемачи жон-жаҳди билан эшкак эшар, тинмайин алланималарни бидирларди.

Ошиқ унинг сўзларига қулоқ солмас, гоҳ эшкакдан сачраган билур томчиларга, гоҳ олисда кўринаётган нариги соҳил томонга назар ташларди.

Дарё тўлқинлари тобора кучаймоқда, сувдан эсган шамол бадани жунжиктиради.

Ниҳоят қайиқ тумшуғи билан соҳил қумлоғи тириллаб кемачи сакраб сувга тушиб, уни қозиққа боғлади, йўловчисининг қирғоққа чиқиб олишига кўмаклашди.

Ошиқ Бухорий у билан хайр-хўшлашиб тик қирғоққа кўтарилид. Тўлқинланиб оқаётган дарёга, қайифи ёнида куйманаётган кемачига сўнгги бор назар ташлади-да, Мағриб томон юришда давом этди. У қош қорайгунча навбатдаги карvonсаройга етиб олишни мўлжалларди.

Ошиқ чўл ичкарисига қараб юз қадамча юрган ҳам эдики, тик қирғоқда уч отлиқ пайдо бўлди. Улар се-кин-аста кўздан узоқлашиб бораётган йўловчини бир муддат сўzsиз қузатгач, ўзаро шивирлашдилар ва отлиқларнинг бири сал олдинга чиқиб, йўловчини мўлжаллаб ўқ-ёй отди.

Ёй ўқи шамолдан-да, қушдан-да тез учеб, хуржунидан олтин танга қаердан пайдо бўлганига ҳамон тушуниб етолмай одимлаётган шоирнинг чап қураги остига «гарч» этиб санчилиди.

Ошиқ нима бўлганини тушунолмай қолди. Елкасидан бирор қаттиқ итаргандек бўлди-ю, худди шу аснода чап қураги остида ўтли бир оғриқ сезди. Шоир юзтубан йиқилди ва шундагина қураги остидан кирган ёй ўқи юрагини ёриб юборай деб турганини англади. У амаллаб ёнбошига ағдарилиди, ўнг қўли билан ўқни чиқариб олмоқчи бўлди. Лекин оғриқ шундай кучайдики, у беихтиёр инграб қўлини қимирлатолмай қолди.

Оғриқ тобора кучаяр, томоги қуруқшаб сув ичгиси келар, боши мисдек қизиб бормоқда эди. Ярадан силқиб қон оқар, яктаги қип-қизил рангта бўялган, қумда қоп-қора доғлар ҳосил бўлганди.

Соҳилдан ўқ узган бадкорлар олисдан кузатиб туришар, қора қузгуналар мисол унинг тезроқ жон таслим қилишини кутишарди.

Ярадан қон тобора күпроқ сизар, Бухорий бутунлай ҳолдан тойганди. Унинг гезарган лаблари унсиз пи-чиirlарди. «Наҳот бу ўлим бўлса?! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Пирим Бобо Шайдо Сурудийнинг васи-ятларини бажармай, рихлат этурга ҳақим йўқ менинг! Мен Бухорои шарифга қайтиб келиш учун кетмоқда-ман. Пиримнинг руҳларига озор беришга ҳақим йўқ. Мен ўлмайдурман! – бу ўлим олдидан алаҳдаш бўлиб, шоирнинг қонсиз юзидағи ҳаёт нури сўниб борарди.

Бухорий сўнгги нафасини олар экан, қандайдир кўзга кўринмас меҳрибон бир қўл унинг бошини кафтига олиб, лабига муздек сувли коса тутди. Иккинчи бир қўл курагидаги ўқ-ёйни ҳеч оғритмай сууриб олди. Яра-дорнинг жони бир оз ором олгандай бўлди, кўзи «ярқ» этиб очилди. Бироқ ўқ сууриб олинган ердан тўхтов-сиз қон оқа бошлади ва орадан бир неча сония ўтмай, шоирнинг боши «шилқ» этиб кўксига тушди. Унинг очиқ қолган кўзларида яккам-дуккам оқ булуллар суз-иб юрган тирамоҳ осмонининг акси қотиб қолган эди.

Соҳида уни кузатиб турганлар бараварига от боши-ни қўйиб, шоирнинг жасади томон ошиқдилар. Худди шу аснода кучли бир шамол қўзголиб, чунонам чанг-тў-зон кўтарилдики, отлиқлар саросимада нима қилишла-рини билмай қолдилар.

Улар юз-кўзлари чангга беланиб, бир амаллаб шоир ииқилган ерга этиб келганларида унинг жасадидан ном-нишон йўқ эди. Жасад ётган ерда ёй ўқи, катта-катта қора доғлардан бўлак ҳеч нима кўринмасди.

Қотиллар ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилдилар, чор атрофга от суриб қидирдилар. Жасад йўқ эди. Ахир шундоқ кўз олдиларида тўлғана-тўлғана жон берган кимса қаёққа йўқолади? Бу не синоат?

Қум бўрони тобора кучайр, барханлар остин-устин бўлар, қиёмат қўпгандек эди. Бирдан шамолнинг увиллаши аро даҳшатли ўкирик эшитила бошлади: «Эҳ, сиз, хоинлар, кўрқоқлар, ҳирсу ҳавас бандалари! Нечун сиз-ларни ер ютмайдур? Нечун ер ўз комига тортмайдур?!»

Бу товуш борган сари кучайиб, ваҳшат касб этди. Қотиллар саросимага тушиб қулоқларини беркитишар,

ўзларини тўрт томонга уришар, лекин даҳшатли товуш тобора авжига чиқар, уларга омонлик бермасди. Охири ваҳима шу даражага етдики, уч қотил ўзлари нима қилаётганларини ҳам билмай, қоп-қоронғи зулмат аро уч томонга от қўйиб кетдилар. Гулдиракдек овоз эса уларни ҳамон таъқиб этарди. «Эҳ, сиз қотиллар, хоинлар, ҳирсу ҳавас йўлинда ВАТАННИ, ОЗОДЛИКНИ, ОЗОД РУҲНИ сотган бадбахтлар!..»



# БУХОРО МАЛИКАСИ

---

БИРИНЧИ ҚИССА

## ***Руди зар соҳилидаги бағри қон лолалар. Хиёнат***

674 йил баҳори Харқонруд, Овхатфар, Коми Даймун ва бошқа серсув анҳорлар ёқасидаги қишлоқларнинг дехқонлари кўклам ташвишига тушиб қолдилар. Бухоро ҳисори ва шаҳристони сув ичадиган Руди Зар соҳилида кўкси қора додли лолақизғалдоқлар жамол кўрсатдилар. Бозори Моҳ янада гавжумлашиб, ранг-баранг палослар, дарпардалар, яздий кийимликлар, айниқса, олача, занданийча матолар савдоси авжига чиқди. Бу кийимлик ва матолар шу қадар машҳур эдики, бунга эга бўлмаган подшоҳ, амир, ҳукмдор йўқ эди.

Баҳор Бухорони ўраб турган чексиз қумликларни ҳам уйғотди, улар киприклидаги қиши мудрогини сидириб ташлаб, яшил либосга буркандилар.

Ана шундай маъсуд дамларда халифа Муовия Бухорога юриш қилиш тўғрисида фармон берди. Хуросон амири Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигидаги араб истилочилари Амударёдан кечиб ўтиб, Шири шутур (Туя сути) саҳросига етдилар. Сўнг Пойкентни вайрон этиб, Ҳаромком (Зарафшон) соҳилидаги Ромитан қалъасини қамал қилдилар.

Араблар Ромитанни олиб, бу ерда бир оз нафас ростлагач, Бухорога ҳужум қилиш ниятида эдилар.

\* \* \*

Бухоро подшоси Бидун Бухорхудот жуда барваҳт уйғонди. Кеча ярим тунда Ромитандан келган айғоқчилар хабари уни жуда паришон қилганди. «О, марҳаматли тангрим Ахурамазда! Мадад бер, куч-куvvват, сабр-бардош бер! Бухоро ғайридинлар оёғи остида топталмасин!» дерди у қўлларини баланд кўтариб. Подшоҳ хизматкорларига сездирмай кийинди-да, шабистонни тарк этиб, Дарвозаи Фуриёндаги Сиёвуш қабри томон йўл олди.

...Дарвозаи Фуриён кўҳандиз узра юксалиб, машриқ томонга кўкрак тутиб турар, баданни жунжиктирувчи

салқин шабада эсар, атроф ҳали фира-шира эди. Бидун секин-аста юриб қабр тепасига келди-да, нидо қилди: «Эй Сиёвш, шаҳид ўғлон! Сен тирикларнинг тиригисан, шу боис руҳингдан мадад истаб келдим. Чунки сен бунёд этган бу қасрда яшаган ҳеч бир подшоҳ мағлуб бўлган эмас. Ва ҳеч бир подшоҳ бу қаср ичида вафот этмаган. Ажали етгандар қандайдир сабаб билан қасрни тарқ этган ва бошқа ердан ўлим топган. Мана энди, тақдир тақозоси билан мен ҳам сен қурган буюк масканни тарқ этишимиғга тўғри келадур. Мен ҳам ё ҳалок бўламан ёки ҳузурингга ғалаба билан қайтаман. Буни сен тушунасан, тушунишиңг керак. Чунки сен ноҳақ ҳалок этилган жабрдийдасан. Лекин мен малика Қабожга қандай тушунтираман? Йўқ, у тушунмайди, ёйиб босқини олдидан юртни тарқ этган ҳукмдорни тушуниш мумкиндурми ўзи?

Айгоқчиларимнинг хабар беришларича, араб лашкарлари лак-лак, жуда жангари, яхши тайёргарлик кўришган, уларнинг ҳамласига бардош беролмаслигимиз аниқ. Шу боис мен тадбир қидирмоғим керак. Донолар айтмишлар: «Шоҳлар учун энг тўғри тадбирлардан бири шудир: душманнинг устунлиги, қудрати кенглиги равшан бўлганда, улар мол-мулк ҳисобига бўлса-да, фалокатнинг олдини олишлари, аҳолини қирилишдан холос этишлари керак... Зотан, фил билан урушганлар унинг оёғи остида топталгайлар».

Бидун Бухорхудот бир муддат жимиб қолди, сўнг машриқ томонга назар ташлади. Уфқ энди ложувард тус олмоқда эди. У яна Сиёвшга мурожаат этди:

«Ишон, эй тирикларнинг тириги, буюкларнинг буюги Сиёвш! Бухорони, сен қурган масканни тарқ этиш мен учун жуда оғир. Чунки бу ерларга менинг-да меҳнатим сингандур. Мен руҳингни шод этиш учун сенинг бошингдан сўнг вайрон бўлган қасрни тиклашга фармон бердим. Лекин тикланаётган қаср ҳар сафар қандайдир номаълум сабаб билан вайрон бўлаверди. Охири ҳукамоларни йиғиб маслаҳат сўрадим. Қасрни осмондаги Етти қароқчи юлдузлари шаклида еттита устунга қуришга қарор қилдик. Мана, ўшандан бери

қасринг обод, гуллаб-яшнаб турибди. Яна Ражфандун<sup>1</sup> аталмиш бир қалъа ва қаср бунёд этдимки, уни гўзаликда намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ҳисор иккита ариқдан сув ичадур».

Подшоҳ Сиёвуш билан шу тариқа мулоқот қилгач, қасрга қайтиб, хотини Қабож ва ўғилчаси Тағшода ухлаб ётган шабистон томон жўнади. У малика шабистони бўсағасида ухлаб ётган хожасароларни<sup>2</sup> уйғотиб, ҳовлига чиқариб юборди-да, ўғлини безовта қилмаслик учун секин юриб хотини ётган чорпоя олдига борди.

Сочлари ёстиқ узра битта, қошлиари пайваста, юзлари нури шабистонни ёритгудек малика беозоргина ухлаб ётарди. Подшоҳ маликага бир зум тикилиб турди. «Эҳ, яхши кўрган аёлинг ҳуснини уйқусида томоша қилишдан ортиқ баҳт борми?.. Наҳот шундай гўзал маликани лаънати арабларга бериб қўйсам?! Бу не ситам, бу не шармандалик?! Бухорхудотлар бундай маломатларга чидай олурларми?! Мен шунчалар паст тушдимми? Йўқ, қўшин тўплаб, албатта Бухорога қайттайман! Қабожни, баҳт юлдузимни босқинчиларга бериб қўймагайман! Асло! Тағшодани уларга қул қилиб қўймагайман, ҳеч қачон!»

Ухлаётган маликага тикилиб турган подшоҳ миясида турли хаёллар гужон ўйнарди. Подшоҳ ўз хаёллари билан банд экан, малика чўчиб уйғонди, тепасида эрини кўриб шошилиб савол берди:

– Баҳайр, шоҳим, тонгла шабистонимга ташриф буюрмишсан?

– Қабож, жоним, сенинг ўтлиф жамолингни қуёшдан олдинроқ қўрсам дедим...

– Мен эсам, сенинг нигоҳингдан уйғонмоқдикни ўзимга баҳт санадим.

Подшоҳ ҳеч сўз демай хотинига тикилиб қолди. У юрагида ҳислар мўллигидан каловланар, туни билан миясида пишитган фикрларини қандай айтишни билмай қийналарди.

Малика эрининг юзидаги паришонлик аломатлари-га унчалик эътибор бермай илтимос қилди:

---

<sup>1</sup> Ражфандун – Варахша.

<sup>2</sup> Хожасаро – бичилган қуллар

– Маъзур тутгайсен, шоҳим, мени бир оз холи қолдирсанг. Сару либосларимни тартибга келтирсам...

Подшоҳ индамай ўз хонасига чиқиб кетди. У ўзи учун беҳад ёқимсиз бўлган сұхбат яна орқага сурилганидан хурсанд эди. Орадан кўп ўтмай ювиниб-тараниб, гул-гул очилган, нафис либосларини кийган малика подшоҳ хузурига келиб таъзим қилди.

Хос хизматкорлар нонушта ҳозирладилар. Подшоҳ ва малика у ёқ бу ёқдан гапириб нонушта қила бошлидилар. Ниҳоят малика юрак ютиб савол берди:

– Ромитандан нохуш хабарлар келибдур деб эшитаман, шул ростми?

– Рост, жоним, ёйи Ромитанни ҳам қамал этди. Но-бакорлар энди Бухоромиз сари юрмоқ бўлиб, тадорик кўрар эмишлар. Сени тонгла безовта қилғонимга сабаб ҳам шул эди.

Маликанинг чиройли кўзларида изтироб учқунланди.

– Хўш, энди сен не тадбир кўрмоқчисан, шоҳим?

– Ҳозир оз сонли лашкаримиз бирлан ёйига қарши туришимиз мушкул. Шарқий Туркистондан лашкар тўплаб келиш лозимдур. Бу ишни мендан бўлак одам эплаёлмайди. Шуни сенга маслаҳат солмоқчи эдим.

Орага нохуш жимлик чўқди. Подшоҳ маликанинг изтироб, хавотир соя соглан кўҳдик юзига зимдан назар ташлади.

– Шоҳим, – деди ниҳоят Қабож, – сен лашкар тўплашга кетар бўлсанг, Бухоро қўшинига ким бошчилик қилгай? Ёйи оstonада турганда шаҳардан кетиш жоизмикан?

Подшоҳ маликанинг ана шу сингари мантиқли саволларидан кўрқарди. У хотинининг ўткир ақд-заковат соҳибаси, мард ва тадбиркор аёл эканини яхши биларди. Шу боис Қабожнинг кўзларига тик қараёлмади.

– Қўшинга лашкарбошилар бошчилик қиладурлар. Кўрсатма берсам бас, – жавоб қилди подшоҳ сўзларига ўзи ҳам ишониб-ишонмай.

– Лашкарбошилар ўз йўлига, сенинг ўрнинг бошқа. Қўшин олдига сен чиқиб далда бермасанг, руҳлари тушгай, парокандалик юз бергай. Сен буни мендан юз чандон яхшироқ билурсан, шоҳим!

Бухорхудотнинг маликани ишонтириш учун тўқиётган ҳар бир баҳонаси ана шундай чилпарчин бўла-верди. Подшоҳ бу кўнгилсиз сұхбатни давом эттириш фойдасизлигини тушунди.

– Майли, бу хусусда яна ўйлашиб кўрармиз, – деди мавҳум оҳангда.

Нонушта аллақандай кўнгилсиз руҳда тугади. Малика хайрлашиб, ўз хонасига чиқиб кетди.

Бухорхудот яна чукур ўйга толди. «Бухорони ташлаб, лашкар тўплагани кетишм зарурат эканига маликани ҳам ишонтиrolмадим. Демак, аъёнар билан машварат қилиш ҳам фойда бермагай. Улар ҳам малика берган саволларни такрор этсалар, не дейман? Таваккал қилишга тўғри келадур. Ёғий Ромитанда нафас ростламоқда. Эрта-индин Ҳаромкомдан кечиб, Бухоро сари юз тутадур... Сўнгра нима бўлиши эса ойдай равшан...

Подшоҳ бир қарорга келди. Лекин худди шу аснода мурғак гўдаги Тағшоданинг маъсум чеҳраси кўз ўнгида намоён бўлди. Юраги зирқираб кетди. Лекин ўзини кўлга олди. «Йўқ, йўқ, энди орқага қайтмагайман. Бари бир шу тун жўнаб кетаман. Охир-оқибат мени тўғри тушунгайлар. Ахир ўзимни ўйлаб эмас, лашкар тўплаш учун кетмоқдаман-ку!»

Шу тун Бухорхудот икки юздан ортиқ яхши қуролланган хос навкарлари билан энг чукур бедовларни танлаб, хуржунларни олтин ёмбилар, озиқ-овқату чоғирга тўлдириб, Бухорони тарқ этди.

Қабож эри жўнаб кетганидан бехабар бўлса-да, жуда паришон, безовта эди. Ўғли Тағшодани ухлатгач, ўзи шам нуридан гира-шира шабистонда узоқ хаёл сурди, кўзларига сира уйқу инмади. Нонушта пайтида эри билан бўлган кўнгилсиз сұхбатдан сўнг малика ларзага тушганди. У ўзини нақадар улкан синовлар, жабру ситамлар кутаётганини юрак-юракдан ҳис этди. «Наҳот Бидун бизни ташлаб кетса? Наҳот гуноҳсиз гўдак Тағшода қул қилиниши, ёки боши сапчадай узилишини ўйламаса? Демак, мен ўзим билан бир ёстиқقا бош қўйган одамнинг кимлигини, қийин пайтда нималарга қодир эканлигини билмаган эканман. Ё қисма-

тим шундайми экан?! Майли, йиллар ўтиб, хотин-болосини ташлаб кетгани эл кечирар, лекин Ватанни ташлаб кетган, Ватанни сотган одамни халқ кечирар-микан? Наҳот подшоҳ, элнинг отаси шундай хиёнатга қодир бўлса?! Ахир ҳали эрта тонгда, шабистонда у жуда меҳрибон, тилидан бол томарди-ку! Лекин тунда, одатдагидек, уйқу олдидан хайрли тун тиламади, ҳатто Тағшодани ҳам келиб кўрмади. Наҳотки... Йўқ, йўқ, бундай бўлиши сира мумкин эмас!»

Малика хаёлнинг сон-саноқсиз кўчаларига бирма-бир кириб чиқди. «Наҳот, она Бухоро ҳам Пойкент ва Ромитан сингари ёғий оёғи остида топталса?!»

Қабож ўринда бетоқат ағанар, кўнгли ёмон бир нарсани туйиб безовталанаарди.

Тун яримдан оққандада қўлида ёниб турган шам кўтарган жория шабистонга кириб келди. Безор ётган малика тез ўрнидан турди.

– Сўйла, не гап, нега бемаҳалда шам кўтариб юрадурсан?  
– Сени Абу Зар кўрмоқ истайдур, – деди жория.

Абу Зар Бидуннинг хос хизматкорларидан бўлиб, сарой аъёнлари ўргасида «Малика Абу Зарга ошиқ ва Тағшоданинг ҳақиқий отаси ўша», деган гийбатлар юарди.

– Абу Зарнинг не юмуши бор экан? – норози чимирилди малика. Лекин вазият нозиклигини кўнгли сезиб тез кийинди ва шамни жориянинг қўлидан олиб даҳлизга чиқди.

Абу Зар – бутун вужудидан шиддат, куч ёғилиб турган барваста, кенг елкали йигит маликага таъзим қилиб шундай деди:

– Маликам, айғоқчилар хабар келтирдилар. Ромитан ишғол қилинибдур. Ёғий Ҳаромкомдан кечиб ўтмоқда эмиш. Подшоҳи олам Туркистондан лашкар тўплаб келиш учун шошилинч жўнаб кетдилар. Тез бўл, у кишининг ўринларини эгалла, акс ҳолда ўзингга маълум бўлган айрим қариндошлари исён кўтариши мумкин...

Малика ўйланиб қолди. У шундай хавф борлигини яхши биларди. «Эй, Ахурамазда! Наҳот Аҳраман қўли баланд келишига йўл қўйсанг! Шунчалар пешонам шўрми менинг?! Подшоҳ юртни ташлаб кетмиш, бир

томонда шафқатсиз душман, бир томонда ички ғанимлар... Ўзинг мадад бергайсан! – хитоб қилди малика ва Абу Зарга буюрди:

– Тезда хабар етказ, вазири аъзам, барча лашкарбошилар, аъёнлар боргоҳга йиғилсинлар! Қутвол қаља соқчилигини кучайтирсин. Шамширбардор йигитларни огоҳдантири. Мен тезда етиб боргайман.

– Бош устига, маликам, – Абу Зар таъзим қилиб чиқиб кетди.

Малика шабистонга қайтиб, беозоргина пишиллаб ухлаб ётган гўдаги тепасига келди, унинг ёноғидан секингина ўпиб қўйди. Энагага Тағшодадан боҳбар бўлишни тайинлаб, кишилик кийимларини кийди-да, боргоҳ сари йўл олди.

У қўлларига шам ушлаган хожасаролар ҳамроҳлигига кетиб бораракан, бир ҳафта бурун кўрган тушини эслади.

...Малика кимсасиз бийдай далада от чоптириб борар, мағрибга томон тезлиқ билан оғиб бораётган қуёшга етиб олмоқчи бўлар, остидаги отни аёвсиз қамчиларди. Йўқ, бари бир қуёшга етиб боролмади, офтоб заррин кокилларини бирин-кетин йиғиштириб олиб, уфқ ортига ботиб кетди.

«Ҳа, – ўйлади малика, – ботиб кетаётган қуёш – бу орзулаrim ушалмаслигига, бошимга тушажак ташвишу синовларга ишора экан-да? Эҳ, афсус...»

Боргоҳда вазири аъзам, лашкарбошилар, қутвол, барча нуфузли аъёнлар жамулжам, фақат кечагина Бидун Бухорхудот савлат тўкиб ўтирган сарҳашам таҳт бўм-бўш эди. Маликанинг юраги «шиф» этиб кетди, лекин у ўзини қўлга олиб, шахдам одимлар билан таҳтга бориб ўтириди.

Фала-ғовур боргоҳ бир зумда жимиб қолди. Малика нигоҳи билан тўплангандарни бирма-бир кузатиб чиқди. Ҳамманинг юзида ташвиш-таҳдика, хавотир, бетоқатлик аломатлари сезиларди. Маликанинг юраги ҳам ҳислар тўғонидан ларзада эди. Унинг нигоҳи эшик ёнида турган, яхши қуролланиб олган Абу Зарга тушди. Абу Зар қўзлари билан «Ҳаммаси жойида» ишорасини қилди. Бу малика содиқ кишилар ҳимоясида эканини билдиради.

Қабожнинг кўнгли жойига тушгандай бўлди. У аъёнларни яна бир карра назардан ўтказди. Нигоҳи ўзига диққат билан тикилиб турган паҳдавонкелбат лашкарбоши Хин билан тўқнашди. Лашкарбошининг кўзларида адоват эмас, аллақандай тарааддуланиш, хавотир сезиларди. Фақат икковларигагина маълум бўлган сабабларга кўра улар бир-бировларидан ҳадиксирап эдилар.

Малика ўзига қараб турган нигоҳлардан ҳокимиятни дарҳол қўлга олиши кераклигини сезди. Ҳозир фурсатни бой бериш ўзи учун ҳам, Бухоро учун ҳам ўлим билан баробар. Бухорони сақлаб қолиш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қилиш керак, вассалом! Буни малика яхши биларди. Лекин бу ҳақда қандай гапириш керак, қандай тадбир лозим, ҳозир шуни зўр бериб ўйламоқда эди.

Ниҳоят у фикрларини бир ерга жамлаб, сўз бошлидади:

– Ёғий Ромитанни ишғол қилди. Подшоҳ ҳазратлаши Шарқий Туркистондан лашкар тўплаб келиш учун шошилинч жўнаб кетди. У қайтиб келгунча подшолик инон-ихтиёрини менга топширмиш. Ҳозир араблар Ҳаромкомдан кечиб, Бухоро сари йўл олаяптилар.

Малика гапиришдан тўхтаб, сўзлари қандай таъсир эттаётганини билиш учун яна аъёнларига тикилди.

Араблар бостириб келаётганидан кўғчилик аъёнлар хабардор эдилар, лекин Бидуннинг Бухорони тарк этганлиги тўғрисидаги хабар уларни саросимага солиб қўйди. Шивир-шивир бошланди. Малика бир оз қўйиб берди. Сўнгра яна сўз қотди:

– Ҳозир баҳслашиш фурсати эмас. Ёғий нари борса эрта тонгда шаҳар дарвозаларига келиб қолгай. Шу боис, келинглар, ҳамма ўтган гапларни, ўзаро гина-кудуратни унутиб, ҳаммамиз учун азиз бўлган Бухоро тақдирини ўйлайлик.

Кўғчилик аъёнлар маликанинг фикрини қувватладилар. У вазири аъзамга юзланди:

– Қани, вазири аъзам, сендан эшитамиз, давлат ишларида тажрибанг катта.

Вазири аъзам бир оз сукут сақлаб, шундай деди:

– Лашкар билан ёгийга қарши чиқамиз, сўнгти томчи қонимиз қолгунча шаҳарни ҳимоя қиласиз!

– Буниси ойдай равшан, вазири аъзам! Лекин қандай тадбир қилиш керакки, биздан сон жиҳатдан устун душман шаҳарни ишғол қиломасин, юртни талаёлмасин! – малика ҳаммага бирма-бир савол назари билан қаради.

Ҳеч кимдан садо чиқмас, подшоҳнинг шаҳарни ташлаб кетиши ҳаммани карахт қилиб қўйган, айримлар эса Бухорхудот эплай олмаган ишни хотини қандай эпласин дея унга ишонмасдилар. Фақат вазири аъзам бўлакча фикрда эди. У маликани ўшлигидан яхши билар, фоят ақлли, тадбиркор ва фидойи бу аёл ёгийга қарши турла олишига қўзи етарди. Ҳамма жим туравергач, вазири аъзам яна сўз бошлади:

– Ҳозир энг яхши тадбир сўзимизнинг бир ердан чиқишидур. Подшоҳ ҳазратлари лашкар тўплаб келгунча, сенга сўзсиз бўйсуниб, айтганингни бажо келтирамиз. Ана ўшанда ёгий даф этилгай.

Малика ўткир зеҳнли, зуқколигидан давлат ишларида лашкарбошилар феъл-хўйи, лашкарларнинг эса аҳволидан боҳабар эди. Шу боисдан ортиқча гап-сўзсиз вазирнинг фикрини қувватлади:

– Маъқул, ҳамонки, менга сўзсиз бўйсунар экансизлар, гапларимга яхшилаб қулоқ беринг. Лашкарбошилар қандай қилиб бўлмасин, ёгийнинг дарёдан кечиб ўтишига тўсқинлик қилингиз, уларнинг пешқадам лашкари шаҳарга яқинлашувига йўл қўймангиз. Кун ёришгунча биз, вазири аъзам иккимиз шаҳарни дахлизиз сақлаб қолиш тадбирини белгилаймиз. Етса – мол, етмаса – жон!

Маликанинг шиддатли сўzlари ҳаммага бирдай таъсир этди. Лашкарбошилар ҳозироқ қалъани тарк этиб, ҳар ер-ҳар ерда пистирма қўйиш, душманни йўлдан чалғитиб, жангни чўл ичкарисига қўчириш, сўнгра асосий кучлар билан қўққисдан зарба бериш фикрини билдирилар.

– Жанг санъати – сизнинг ишингиздур. Лекин керак бўлса, ор-номус йўлида ўзим ҳам қўлимга қилич олгаймен!

Кўп ўтмай қалъани отлар кишинаши-ю, қурол-яроқ жаранг-журунги тутиб кетди.

Малика ва вазири аъзам ёлғиз қолишгач, Қабож сўз бошлади:

– Вазири аъзам, хазина имкониятларидан хабаринг борми?

– Майзур тутгайсен, маликам, подшоҳ ҳазратлари мени бу сирдан огоҳ этмас эди. Истасанг, ҳузурингга девонбеги ва хазиначини юборгаймен, – деди вазир.

– Майгулумингки, босқинчиларнинг асл мақсади – бойлик, мол-дунё тўплашдур. Шу лаънати арабларга ўлпон тўласакмикан дея ўйламоқдамен.

– Бу хусусда дурустроқ ўйлаб кўришга тўғри кела-дур. Нобакорлар унча-мунчага кўнадурғон эмас.

– Албатта, биз хазина имкониятларини чамалаб кўр-гач, бир қарорга келгаймиз.

Вазири аъзам ўлпон тўлаш тўғрисида ўйлашга ҳали эрта эмасмикан дея иккиланарди. Малика буни дарҳол фаҳмлади.

– Ташвиш чекма, мен хазинани дарҳол босқинчиларга пешкаш қилиш ниятида эмасдурмен. Фақат лашкаримиз эрта тонггача чидаш беришига кўзим етмайдур. Ана шундан қўрқамен, вазири аъзам!

– Ҳа, – хўрсинди вазири аъзам, – аларнинг лак-лак лашкарига бас келмак мушкулдур.

– Шу боисдан ҳам мен сенга аввало тадбир ўйла, дедим. Душманни қуч билан енгиг бўлмас экан, тадбир билан енгса бўлгай! Истагим шулки, Бидун лашкар тўплаб келгунча, она шахрим топталмаса, – малика эрининг қўрқоқдигини тан олгиси келмас, у ҳали замон эшикдан кириб келадигандек эди. Вазири аъзам, бошқа аъёнлар ҳам малика дилини оғритмаслик учун ўзларини шунга ишонтирас эдилар. Зоро, ишончсизлик парокандаликка олиб келиши мумкин эди.

Малика ўйлаб ўтирмай, барча масъулиятини зиммасига олган, чунки душман остонасига келиб қолганда ўйлаб ўтиришнинг фурсати эмасди. Лекин бири-биридан даҳшатли фикрлар Қабож миясини тўхтовсиз кемиради.

«Хўш, Бухорони сақлаб қололмасам нима бўлади?  
Номимга бир умрлик лаънат тамфаси босилмайдурми?  
Агар мени асир олсалар, отларга судратмайдурларми?»

Табиатан иродали ва босиқ малика юрагини остин-устин қилаётган бу изтиробларни сиртига чиқармай, вазир билан сұхбатни давом эттириди. Вазият чигаллашса, Убайдуллоҳ ибн Зиёдга элчилар юбориб, музокаралар олиб боришга қарор қилдилар.

Тонг қоронфисида малика вазири аъзам, девонбеги ва қўлида кичкина машъала ушлаган хазиначи ҳамроҳлигида кўпдан-кўп айланма зиналардан тушиб, зах, қўланса ҳид анқиб турган хазинани кўздан кечирди.

Жуда кўп олтин ём билар, олтин, кумуш, мис тангалар, қимматбаҳо дуру жавоҳирлар машъала нурида кўзни қамаштириб турарди. Малика ҳамроҳларига бир сўз демай бойликларни чамалади. Сўнгра яна ҳаммалири сукут сақдаганларича тепага кўтарилилар. «Ўртада она шаҳрим ор-номуси туарар экан, кўзимга ҳеч қанақа хазина, олтину дуру жавоҳир кўринмайдур. Менинг шон-шарафим, дуру жавоҳирим – Бухоро!» дерди ўз-ўзига малика зиналардан кўтарилиб борар экан.

Қалъя кунгуналари фира-шира кўзга ташланар, ҳали тонг отмаганди. Шундагина малика жуда чарчаганини ҳис этди, ўғли Тағшода ёдига тушди.

– Вазири аъзам, – деди у ортидан ҳарсиллаб келаётган вазирга, – мен гўдагимдан хабар олайн. Сен лашкар жўнаган ерларга одам юбориб, мени аҳволдан хабардор қилинг.

– Бош устига, маликам! – деди вазир.

Қабож шошилиб шабистонга кириб келганида, Тағшодани кўтариб олган энага хонада у ёқдан бу ёққа юриб ширали товуш билан алла айтарди.

Малика бир оз тин олиб, аллага қулоқ тутди. Сўнгра оналиқ меҳри жўш уриб, боласини қўлига олди. Юз-кўзларидан чўлпиллатиб ўпди. Ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган бола онасининг эркалашларидан ийиб, қиқирлаб кула бошлади.

Малика бир зумгина бу машъум тун ташвишларини унутгандек бўлди, сал енгил тортди. «Болагинам,

эрка қўзим, сенинг пешонангга нималар ёзилган экан? Отанг номаълум ёққа кетди, қачон қайтиши ҳам но-маълум. Наҳот биз дарбадар бўламиз, болагинам? Наҳот мен сени душманга бой бериб қўйсам? Йўқ, йўқ, сенинг ана шу митти кўзчаларинг учун мен қилич-га ҳам, найзага ҳам рўбару бўлгайман! – бола онаси-нинг қўлида пишиллаб ухлаб қолди. Боласига терми-лаётган маликанинг тиник чеҳраси илоҳий бир гўзал-лик касб этганди. У гўдакни энагага бериб, ўзи бир оз ором олиш учун ўринга чўзилди. Лекин бу беором тун хаёллари ҳам уни қўйиб юбормас, кўзларига уйқу бер-мас эди. Подшоҳ қалъани тарк этганини эшитгандан буён аёвсиз бир оғриқ малика юрагини ёндирап, унинг эрига, ўз-ўзига берадиган саволлари кўп эди. «Шоҳим, эҳтимол сен ҳақдирсан, эрта-индин қўшин билан ёр-дамга етиб келурсан. Лекин нега суюклигим, ёлғизим, юлдузим дея эркалаётган ёрингни ҳатто бир оғиз хайру хўшга арзитмадинг? Ҳатто ёлғиз зурриёдинг, тахting вориси, шаҳзода Тағшода билан ҳам хайрлашмадинг? Ёки тонгда берган саволларим кўнглингни оғритдими? Ахир биз доим очиқ-ойдин гаплашардик, ўзинг шун-дай бўлишини истардинг, мени шунга ўзинг ўргатган эдинг-ку! Ҳа, мен оstonада ёфий турганда юртни тарк этиш жоизмикан, дедим. Ҳамон шул фикримда событ-ман. Бизни эр-хотин сифатида боғлайдурган ришта-лар не сабабларданур узилган эса, шу жонажон юртга фарзандлик ришталари боғлаб туриши керак эди-ку, шоҳим! Мен бу гапларни сенга таъна учун эмас, юра-гим оғриганидан, мушкул аҳволда қолганимдан айт-моқдаман. Сен ёлғиз ўғлимнинг отасисан ва мен сени юрагимдан чиқариб ташлаёлмайман. Эҳтимол, сенинг мен тушунмаган, тушунолмайдиган олий ҳақиқатинг бордир? Лекин мен учун ҳозир энг олий ҳақиқат – кин-дик қоним тўкилган юртни сақлаб қолиш, уни ёфий қў-лида хор этмаслик! Менинг бошқа ҳақиқатим йўқ!»

Зўр-базўр кўзи илингган малика қанча ухлади, бил-майди. Чўчиб уйғонганида жориялар яна Абу Зар йўқлаётганини билдиришди.

Қалъа кунгурулари ортидан қүёш бош күттармоқда, ичма-ич хоналар ёришиб қолганди. Баҳорнинг хийла салқин тонготари эди. Малика бадани жунжикиб, исикроқ кийинди ва Абу Зар ёнига чиқди.

Йигитнинг кўзлари уйқусизликдан қизарган, чехраси таҳликали, ўзи зўр ҳаяжонда эди.

– Маликам, ҳозиргина лашкарбоши Хиндан чопар келди. У оз сонли навкарлар билан душман чериги сони, унинг сафланиши, қурол-ярогларини аниқлаш учун улар истиқболига чиққан эди. Чопарнинг айтишича, Хиннинг деярли барча навкарлари қириб ташланган, пистирма учун юборилган лашкарлар ҳам тартибсиз жанг қилиб, чўлга қараб қочган. Ёғий палахмон, манжанақ, олов отувчи, қалъа тешувчи қуроллар билан таъминланган. Улар Бухорони ўраб олмоқда эмишлар!

Қабожнинг ичидаги «чирт» этиб узилиб кетгандек бўлди. «Наҳотки Бухорони бой берамиш? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!»

Малика энди маслаҳат-машваратга фурсат йўқлигини, ташаббусни ўз қўлига олиши лозимлигини дарҳол англади. «Обидийда қилишнинг ҳам вақти эмас. Фақат тез ҳаракат қилиш, тадбир қўллаш, душман шаҳарни ўраб олаётган бир паллада саросимага тушмай, фуқаро тақдирини ўйлаш керак».

Малика боргоҳ сари йўналар экан, Абу Зарга буюрди:

– Тез бориб вазири аъзамни топ, ҳузуримга келсин!

«Энг аввало фурсатдан ютишим керак. Фурсатдан ютиш учун эса сулҳ лозимдур. Сулҳнинг ўзи бўлмайди. Кўп қурбонлар, инъомлар, шармандаликлар талаб қиласиди. Ҳеч бўлмаганда бир ҳафталик сулҳ керак. Ана шу етти кун ичидаги туркларга одам юбориб, улардан ёрдам сўрайман. Унгача Бидун ҳам келиб қолса, ажабмас...» – зўр бериб ўйларди Қабож.

У ўз хаёллари билан банд экан, боргоҳга вазири аъзам кириб келди ва маликага таъзим бажо келтирди.

– Вазири аъзам, янгишмасам, бошимизга тушган балолардан боҳабарсан?

– Ҳа, маликам, боҳабарман. Ёғий қалъани ўраб олмоқда. Лашкар сафланиб, палахмонлари, девор тешар

қуролларини шаҳарга тўғрилаб турибдур. Айғоқчилар ҳозиргина шу хабарни етказдилар. Мен шошилиб ҳузурингга келмоқда эдим.

– Энди шошилишнинг ҳожати йўқдур, вазири аъзам. Ёғий остоңада, агар биз у билан шаҳар дарвозаларида жанг қиласурган бўлсақ, бутун шахристон вайрон бўлгуси, фуқаро қирилгусидир. Араблар ўша ўт отувчи қуролларини ишга солсалар, ҳамма ёқ ёниб кетади, ёғий Руди Зарни тўсиб қўйса, сувсизликка узоқ тоб бериб бўлмас. Бас, шундай экан, мен бир қарорга келдим. Араблардан етти кун муҳлат сўраймиз. Мен Убайдуллоҳ ибн Зиёдга «Сенинг итоатингдаман», дея мактуб битаман. Сен мўл олтину кумуш, дуру жавоҳир, асл матолар, учқур аргумоқдарни ҳадя қилиб олиб борасан ва сулҳ сўрайсан. Шул муддат ичida турклардан ёрдам сўраймиз. Агар унгача ҳазратим Бидун етиб келса, нур устига нур бўлгусидир. Бор, ҳадяларни тез ҳозирла! Дарвоқе, Ҳамукни ҳузуримга юбор.

Ҳамук (гавҳар) Бухоро яқинида яшайдиган, катта ер эгаси бўлмиш дэҳқоннинг ўғли эди. У маликанинг энг ишончли одамларидан бири бўлиб, Қабож унга қалтис, хатарли ишларни буюар, шунга яраша ҳурматини жойига қўяди.

Кўп ўтмай хонада Ҳамук пайдо бўлди ва маликага таъзим қилди.

– Ҳамук, – деди Қабож, – сен чиндан ҳам гавҳарсан, Бухоронинг бебаҳо гавҳарисан. Она шаҳринг сендан қаҳрамонликлар кутадур.

– Буюр, маликам, ҳар қандай амрингга тайёрман!

– Боракалло, Ҳамук, ўзи сендан шундай жавоб кутгандим. Ҳозир йўлга чиқасан. Мен Турк хоқонига нома битиб, ёрдам сўрайман, сен биродарларимиз лашкарини Бухорога бошлаб келасан. Сенга қўпи билан бир ҳафта муҳлат, агар кечиксанг, биз ҳалок бўлгаймиз, шаҳrimiz топталгай. Шу боис шошилишинг керак. Энг учқур аргумоқлар, эпчил навкарлар сенинг ихтиёрингда, хазиначи истаганингча олтин-кумуш беради. Фақат улгуришинг керак! Тушундингми?

– Тушундим, маликам! Ҳаммаси айтганингдек бажо этилгай!

– О, Ҳамук, бутун умидим сендан! Бутун ёруғлик олами, қуёш йўлларингни, наинки йўлларингни, балки дилингни ёритиб тургай! Зардушт сенга мададкор бўлгай! Бор, мен мактуб биттунимча йўл тайёргарлигини кўр!

Кун ёйилганда вазири аъзам бошлиқ Бухоро аъёнла-ри қимматбаҳо ҳадяларни от-туяларга юклаб, Убайдуллоҳ ибн Зиёд қароргоҳи томон йўл олдилар.

Элчилар дарвозадан чиққанларида атрофни мўр-ма-лаҳдай босган араблар лашкарини кўриб, ваҳимага тушдилар. Араблар қалъа ташқарисидаги сон-саноқсиз кўшкларни эгаллаб, вақтичоғиқ қилишар, дов-дараҳт от-туялар туёқдари остида пайҳон бўлган, айниқса, сув ёқасидаги тупроққа қоришиб ётган бағри қон лолалар юракни эзарди.

Вазири аъзам ва унинг шериклари Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг ҳашаматли оқ саропардасига кириб, унга таъзим бажо келтирдилар, совғаларни топшириб, ма-лика номидан бир ҳафталик муҳлат сўрадилар.

Убайдуллоҳ ниҳоятда қимматбаҳо моллардан иборат ҳадяларни кўриб рози бўлди.

Элчилар шаҳарга қайтиб, арабларнинг розилигини маликага билдирилар. Малика вақтингчалик сулҳ хабарини эшитиб, чукур тин олди ва яна ўйга толди.

«Етти қун... Етти кечач-ю етти қундуз... Мен қа-фасдаги қуш янглиғ типирчилаб, имкон, чора изла-могим даркор. Лекин қани ўша имкон, қани ўша чора? Бечора – чора истар... Ҳамук улгурмаса, нима бўлади? Ахир йўлда қанчадан-қанча кутилмаган воқеалар рўй бериши мумкин. Сўнг бутун бошли лашкарни тўплаш, дарёю саҳролар оша Бухорога етиб келиш осонми? Дарвое, ҳазратим Бидун етиб келиши мумкин...

Қабож шу тахлит юртни сақлаб қолиш, қалъани му-стаҳкамлаш тўғрисида бош қотирар, шаҳар ташқа-рисида эса араблар атрофдаги қишлоқларни талаб, бояғ-роғларни пайҳон қилишар, ўлжа талашишар, тун-лари гулханлар ёқиб, базми жамшид уюштиришар-

ди. Пойкент ва Ромитандан олинган неча ўнг минглаб асиirlар – аёллар, болалар, қариялар эса очлик, ташнапик азобини чекар эдилар.

Буларни кўриб, билиб турган Қабож беҳад қийналар, лекин Ҳамукдан ҳам, Бидундан ҳам ҳамон дарак йўқ эди. Маликанинг қалъа ичидағи лашкар арабларга бас келолмаслигига кўзи етар, шу боис ёрдам етиб келгунча кутишга қарор қилганди.

Ниҳоят етти кунлик муҳлатнинг еттинчи тонги ҳам отди. Малика иложсизликдан яна Убайдуллоҳ ибн Зиёдга элчилар ва ҳадялар юбориб, тагин етти кунлик муҳлат сўради. Ҳадялар аввалгисидан ҳам мўл ва қимматбаҳо эди. Араблар бу гал ҳам рози бўлишиди. Лекин ушбу муддат тугагач, шаҳар вайрон этилажагини билдиришиди.

Малика ҳамон мадад етиб келишига умид қиласар, оташкадага бориб марҳаматли тангри Аҳурамаздадан шаҳарни омон сақлашни илтижо қиласар, ҳар куни неча марталаб Ҳамукка хаёлан мурожаат этарди. «О, Ҳамук, юртимнинг чин гавҳари, Ҳамук, тезроқ келақолсанг-чи, сен келмасанг биз ҳалок бўлгаймиз, Фохира ҳалок бўлгай. Тезроқ кел, Ҳамук!»

Иккинчи муҳлатнинг тўртинчи куни лашкарбоши Хин малика ҳузурига келиб шундай деди:

– Маликам, рухсат эт, лашкарни қалъа ташқарисига бошлаб чиқай, лаънати арабларнинг таъзирини берай. Улар кўшкларни, ибодатхоналарни вайрон этиб, боғларни форат қилаётирлар. Бу лашкар ва фуқаро норозилигига сабаб бўлаётир.

– Сенинг ватанпарварлигинги ғоят қадрлайман, Хин. Сен биринчи бўлиб арабларга рўбару бўлиб, шамширига шамшир урдинг ва кўрдингки, улар нақадар кўп лашкарга эга. Шу боис доноларнинг бир ҳикматини эслатмоқчимен: «Филлар биланг жанг қилганлар уларнинг оёқдари остида топталгайлар...»

– Юртимиз, муқаддас қадамжоларимиз топталishiни кўриб, жимгина ўтиргандан кўра, ўзимиз топталганимиз афзал эмасми, маликам?!

– Сен ҳақсан, Хин, юрт топталаётганда фақат қўрқоқ, хоинларгина бефарқ қараб тура олади. Мен

ҳам арабларнинг ваҳшийлигини кўриб, интиқом ўтида ёнадурман. Лекин ҳар ишнинг ўз режаси, мавриди бўлади. Бутун-эрта ёрдам етиб келса, жангга кирамиз. Ёрийни енгамиз ёинки азим шаҳримиз остоналарида ҳалок бўламиз! Биз учун бошқа йўл қолмади!

Хин индамай бошини эгганича чиқиб кетди.

### ***Малика Қабож қўлига қилич олади. Маглубият***

Қўёш Ражфандун томонларни алвон рангга бўяб, сеқин-аста ботиб кетди. Унинг ботишини ҳисор тепасидан кузатиб турган малика юрагидаги умиднинг сўнгги учкунлари ҳам қуёш билан бирга сўниб, ер қаърига сингиб кетдилар.

«Мана, сўнгги кун ҳам ўтди. Ҳамук ҳам, Бидун ҳам келмадилар. Қаттол ёғий олдида ёлғиз ўзимман. Эрта тонгда ҳаёт-мамот жангига киришамиз. Ё ҳаёт, ё ўлим! Бошқача бўлиши мумкин эмас! Мен ҳозир шаҳарни жангсиз топширсам, етти пуштим учун маломат тамғаси бўлиб босилади ва буни ҳеч қачон ювиб бўлмагай».

Малика афсус-надомат тўла хаёллари билан банд экан, атрофни секин-аста қоронгилик қоплади. Душман қароргоҳида гулханлар ёқилди.

Малика хомуш, секин-аста қадам ташлаб, боргоҳга қайтар экан, соқчилар, хос хизматкорлар, хожасаролар ва жорияларнинг юз-кўзларига дикқат билан разм соларди. Ҳамманинг юзида ташвиш-таҳлика аломатлари, ҳаммани бир савол қийнайди: «Эртага нима бўлади? Ҳолимиз не кечади?»

Малика боргоҳга қайтиб, вазири аъзамни ҳузурига чорлади. У эртанги ҳал қилувчи жанг хусусида келишиб олмоқчи эди.

Вазири аъзам хонага кириб келган аснода эшикда Абу Зар кўринди.

– Маликам, Ҳамук келди, ҳузурингга киришга изн сўрайдур.

Малика бир зум гангигиб қолди. «Нима, Ҳамук келди?! Наҳот нажот йўли очилган бўлса?!» – кўнглидан ўтказди у ва Абу Зарга нидо қилди:

– Ҳамук изн сўрайдирми, э воҳ, изн сўрамасин, кираверсин, ахир уни кутиб кўзларим кўр бўлаёзди-ку!

Хонага кийимлари, афт-ангари бир аҳволга тушиб қолган Ҳамук кириб келди. У ниҳоятда ҳоргин кўринар, лекин кўзлари чақнаб турарди. Унинг кўзларига нигоҳ ташлаган малика дарҳол ҳаммасига тушунди. Ҳамук истиқболига юрди.

– О, Ҳамук, халоскорим, гапир, гапира қолсанг-чи, нима бўлди?!

– Турк лашкари етиб келди! Коми Даймун соҳилида қароргоҳ қилди. Лашкарга энг довюрак саркардалардан Алпогут бошчилик қилмоқда. У сенга саломлар йўллайдур, маликам!

Малика Ҳамукни қучоқлаб олишдан ўзини зўрга тийиб, хитоб қилди:

– Қандай яхши! Бу кеча арабларнинг бизга берган иккинчи муддати ҳам тугайди. Тонгда уларга қарши жангга киргаймиз! Лашкарга мен ва Хин бошчилик қиласамиз. Эрта тонгда қалъадан чиқиб, арабларга қўйқисдан ҳужум қиладурмиз. Сен Алпогут қўшинини бошлаб келиб, ёғийга орқа томондан ҳамла қиласан. Икки томондан исканжага олиб, лаънати босқинчиларни тутдай тўккаймиз! – малика жўшиб гапирап, унинг бағоят чиройли юзи ҳаяжондан бўғриққан, жон олғувчи кўзларида қатъият учқунлари порлар, шу топда ёш, дуркун оҳуга ўхшаб кетарди.

– Ҳаммаси айтганингдай бўладур, маликам. Бизнинг Бухородан, сендан қимматлироқ бойлигимиз йўқ. Бас, шундай экан, сен ва азиз шаҳримизни сақлаб қолиши учун эртанги жангда жонимизни-да аямагаймиз! – деди Ҳамук садоқат тўла кўзларини чақнатиб.

– Сендан қанчалар қарздорман, азизим! Сен кўп марҳаматларга лойиқдурсан. Ёғийни даф этайлик, бошингдан зар сочгайман, зар! Ҳозир эса, бовурчи, аёқчиларни ол-да, биродаримиз Алпогут ва унинг ботирларини яхшилаб меҳмон қил. Жанг олдидан уларнинг кўнглини кўтармоқ жоиздур. Биз, вазири аъзам иккимиз эртанги жанг режаларини тузадурмиз. Эрта-

га махсус чопар юборганимдан сўнг йўлга тушасиз ва жангга кирасиз.

Ҳамук маликага таъзим қилиб чиқиб кетди. У кетгач, вазири аъзам сўз бошлади:

– Маъзур тутгайсан, маликам, агар малол келмаса, икки оғиз гапим бор эди...

– Сўзла, вазири аъзам!

– Эртага жангга кирмоқ истаюрсен. Ахир Хин, Элтумас, Курт каби лашкарбошилар турганда ёш жонингга жабр этмоққа не ҳожат? Қолаверса, мана, мен борман. Эмизикли бола билан сени жангга киритсак, эл-юрт нима дейди, подшоҳ келса нима дейди? Энг ёмони, душманимиз хотин кишига кунлари қолибди дея устимиздан кулмасми? Ҳеч бўлмаса, Тағшодани, гўдагингни ўйласанг бўларди, маликам!

– Ҳаммасини ўйлайдурман, вазири аъзам, ўйлашга мажбурдирман. Лекин эл-юрт тақдири, ор-номуси гаровга тикилганда четда туролмайман! – деди малика ва қатъий тарзда қўшиб қўйди: – Бу хусусда бошқа гаплашишни истамайман! Амр эт, ҳузуримга Хин, Элтумас ва Қуртни чақирсалар. Мен улар билан елкама-елка туриб жанг қиламан. Бир бошга – бир ўлим! Менинг бир қошиқ қоним туфайли юртим тупроғи бир сониягина енгил нафас олса баҳтиёрдурман ва бундан бениҳоя фахр этадурман! Ахир бундай ўлим ҳаётбахш ўлим-ку, вазири аъзам, наҳот шуни тушунмайсан?!

Вазири аъзам малика билан ортиқ баҳслashiшга журъят этмади. Кўп ўтмай хонага лашкарбошилар кириб келдилар ва ҳаммалари ярим тунгача эртанги жанг режасини туздилар.

\* \* \*

Кўкда Ноҳид<sup>3</sup> юлдузи шуъласи ўчмай уйғонган малика ширин уйқуда ётган Тағшоданинг пешонасидан авайлабгина ўпди, лаблари «Кечир, нуридийдам, бошқа иложим йўқ,...» дея пичирлади.

---

<sup>3</sup> Ноҳид – Зуҳро юлдузи.

Күнгли бузилиб шабистонни тарк этар экан, остоңда хос хизматкори Қублага<sup>4</sup> дуч келди. Бүйи етиб, оқиңа, қызили қызылга ажралып, атиргул фунчаси янглиф очилиб, ифор таратып қолган бу қыз маликага жуда ёшлигиданоқ хизмат қиласы, унга жуда ўрганғанди.

Қыз маликага бир оз тикилиб турды-да, ҳұнграб үйғылаб юборди.

– Йиғлама, Қубла. Ойнинг ўн беші қоронғи, ўн беші ёруғ демишлар.

– Маликам, ўтинаман сендан, жангта кирма! У ваҳшийлар сени ҳалок этишади! Ахир сенга бирор кор-ҳол бўлса, биз нима қиласиз, Тағшоданинг ҳоли не кечади?!

– Йиғлама, гўзалим, биз ҳукмдорларнинг қисматимиз шу. Шундай дақиқалар бўладики, подшоҳ ҳалқ учун, эл-юрт учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлиши керак.

– Сени марҳаматли Тангрим ўз паноҳида асрасин, маликам! – деди Қубла қўз ёшлари томогига тиқилиб.

– Ташаккур, Қубла, сен бокира, гуноҳсизсан. Сенинг дуюинг-ла жангта кирган кишига қилич ўтмаса керак,

– Қабож шу сўзларни айтар экан, ичма-ич хоналардан тез юриб ташқарига чиқди. Хизматкорлар, соқчилар ғимирлаб қолишиди.

Орадан кўп ўтмай малика дубулға, совут ва бошқа жанг кийимларини кийиб, қўлига қиличини олгач, қадди-қомати келишган йигитга ўхшади-қолди.

Ақтачи-мирохўрлар у яхши кўрган Қуғу (Оққуш) номли отни етаклаб келдилар. Отга ҳам жанг ёпинчиқлари ёпилган эди. Қуғу жуда ақлли, учқур от бўлиб, малика шаҳристон ташқариси, Ражфандун томонларга сайрга чиққанида шу отни минар, чавгон ўйини, пойгаларда ҳам жонивор эгасига панд бермасди.

Қабож ҳақиқатан ҳам оқкушга ўхшаб кетадиган Қуғуни бир оз эркалаган бўлди, сўнг рикобдор кўмагидан воз кечиб, енгил ҳаракат билан аргумоқча минди-да, Дарвозаи Фуриён томон йўрттириб кетди. Деҳқон ва маликзодалар авлодидан бўлган икки юз нафар хос навкарлар қиличларини яланғочлаб, чап ва ўнг қанот бўлиб унга эргашдилар.

<sup>4</sup> Қубла – бўса маъносини англатади.

Қабож ва унинг хос навкарлари Фуриён дарвозасидан чиқиб, шаҳарнинг баланд деворлари, дарвозалари бўйлаб сафланган отлиқ, пиёда кўшин қаршисига келдилар.

Атроф анча ёришиб қолган, қуёш қирмизи юзини эндигина очмоқда эди. Малика қиличини боши узра баланд кўтариб хитоб қилди:

– Эй, ҳалқим, азиз Бухоро лашкари! Ёғийнинг омонисиз қонли шамшири бошимиз узра баланд кўтарилгандур ва улардан шафқат бўлмагай! Бу тонг биз уларни улоқтириб ташлаймиз. Бизга турк биродарларимиз ҳам ёрдамга келишиди.

Қаранг, қуёш қирмизи рангдадур. Бизнинг тоза қонимиз ҳам шул рангда. Агар биз шахримиз осто наларида ҳалок бўлар эканмиз, она шахримиз Фохира қирмизи қонимиз ила фахр этгусидир! Бизга марҳаматли тангрим Аҳурамазда ёр бўлгай! Олға! Араб босқинчиларига ўлим!

Ногоралар гумбурлаб, карнайлар fat-fatlab тилга кирдилар. Лашкар қуюндан бўлиб ўрнидан қўзғолди. Шаҳар дарвозалари бирин-кетин очилиб, ҳимоячилар душман томон ташландилар. Лекин араблар ҳам фафлатда эмасдилар. Уларнинг айғоқчилари бухороликлар хужумидан воқиф бўлган эдилар ва шу боис араб лашкарлари жангга шай турадилар.

Олдинги сафларда малика, лашкарбошилар ва яловбардорлар бора дилар. Маликанинг хос навкарлари уни тўрт томондан ўраб олгандилар. Орадан кўп ўтмай сафлар қўшилиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Атрофни отлар кишнаши-ю, одамлар бақириқ-чақириғи, дод-фарёди босди. Қиличлар жарангти, қалқонлар шарақ-шуруғи қулоқни қоматга келтирас, бошлилар сапчадек узилар, отлар жон ҳолатда кишина бийқилар, қон дарёдек оқа бошлаганди.

Тез орада араб лашкарининг қўли баланд кела бошлиди.

Айниқса, отлиқларнинг анча тажрибали, жанг кўрганлиги билиниб қодди. Боз устига, Бухоро ва турк лашкарини қўшиб ҳисоблаганда ҳам араблар бир неча бор кўпроқ эдилар.

Бирдан ғала-ғовур янада күчайиб, бўрон тургандек бўлди: турк қўшини орқа томондан ҳужумга ўтганди!

Бухоро лашкари бундан руҳланиб, араблар сафларини анча пароканда қилди. Малика Қабож ўнгу сўлига қарамай қилич солар, лашкарни тағин ҳам руҳлантиришга интиларди.

Лекин арабларнинг саросимаси узоққа чўзилмади. Улар тезда қайта сафланиб, иккига бўлиндилар ва бу-хороликларни шаҳар дарвозаларига қисиб кўйиб, туркларни чўл томон чекинишга мажбур қилдилар.

Бу хунрезлик тушгача давом этди. Жанг майдони мурдалар, қонли бошлар, оёғи осмондан келган отларга тўлиб, даҳшатли манзара касб этганди.

Охири турк лашкари пароканда бўлиб, чўлга қараб қочди. Бухороликлар қалъя ичкарисига кирдилар.

Малика қора терга ботган Қуфудан ҳорғин тушар экан, бирдан кўзи ўнг оёғига тушди. Ўнг оёғида этик йўқ эди!

«Эсиз, Байт ут-тирознинг қўли гул усталари совфа қилган, қимматбаҳо дуру жавоҳирлар билан безатилган бир пой этик душман қўлида қолибди-да. Энди у лаънатилар бу қимматбаҳо матоҳни дея бир-бирларига қилич солишдан ҳам тоймаслар...»

Қабож жуда дилгир кайфиятда эди. Унинг турк лашкарига боғлаган сўнгги умиди ҳам пучга чиққанди. Начора, улар ҳам подага ўҳшаб чўлга ёйилиб кетдилар... Энди яна тадбир қидириш, шаҳар осойишини беҳисоб мол-дунё билан сотиб олишга тўғри келади. Энг охирги чора шу. Кошкийди бу лаънати босқинчилар унча-мунчага кўна қолишса.

\* \* \*

Араблар Бухоро ва турк қўшинини мағлуб этгач, шаҳар атрофидаги қишлоқдарнинг кулини кўкка совура бошладилар. Улар кўшк, иморатларни вайрон этар, дараҳтларни кесар, ям-яшил экинзорларни от-туялар билан пайҳон этар ва бундан лаззатланардилар гўё.

Пойкент вайрон, Ромитан вайрон, Ражфандун душман илкида, атроф қишлоқлар ўт-олов огушида. Биргина

Бухоро шаҳристони чексиз уммон қўйнидаги ёлғиз оролчадек бўлиб турар, бу қисмат бугун-эрта унинг ҳам бошига тушажагини ўйлаган Қабож зўр бериб чора изларди.

Фолиб араблар жуда оғир шартлар қўйдилар: Бухоро ақчаси билан ҳисоблагандা бир миллион тўрт юз минг олтин ва кумуш дирҳам пул, кўп миқдорда жавоҳир, қимматбаҳо матолар, лашкар ва от-улов учун икки ойга етадиган озуқа эвазига улар шаҳарни вайрон этмай, ташлаб кетадиган бўлишди. Биргина Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг ўзи тўрт мингдан зиёд асир-қулларга эга бўлди. Бундан ташқари, араб лашкари ҳам дуч келганини қўйни-қўнжига тиқиб, жуда кўп қимматбаҳо буюмлар йигиди.

Истилочилар қўйган шартлар оғир, ҳақоратли талончилик шартлари эди. Лекин шаҳристон чор атрофдан ўт-олов оғушида тургани боис малика ҳамма шартларга кўнишга мажбур бўлди.

Сарой аъёнлари ва мулоzимлар талаб қилинган олтин-кумуш дирҳамлар, қимматбаҳо буюмлар, бойликлар, лашкар учун озиқ-овқатларни от-туяларга ортиб, босқинчилик қароргоҳига олиб бориб, қўшқўллаб топширдилар.

Фолиблар яна бир неча кун галаба нашидасини суриб, йўл ҳозирлигини кўришгач, Шири шутур саҳроси орқали изларига қайтдилар.

Қабож лашкар изидан айғоқчилар юбориб, улар Ўкуздарёдан кечиб ўтганига ишонч ҳосил қилгач, кўнгли таскин топгандек бўлди. Ҳа, унинг қўнгли бир оз таскин топди, холос. Чунки у эртами, кечми араблар яна шаҳар остоналарига қайтишларини биларди. Дунёning teng ярмини фатҳ этиб, кўплаб юртларни қул қилган араблар Бухородек ширин луқмадан воз кешилари амри маҳол.

Энди ҳеч кимдан умид қилиб, ёрдам кутиб бўлмайди. Бидун етиб келолмади, турк лашкари сичқон иинини минг танга билиб, тумтарақай қочди. Бухоро лашкари ундан-да баттар аҳволга тушди. Демак, мағлубият сабабларини чуқур таҳдил қилиб, душман яна бостириб келганда фафлатда қолмаслик чораларини кўриш, қалъани янада мустаҳкамлаш зарур. Энг муҳими, лаш-

кар араблар билан жанг тарзини қайта-қайта машқ қилиши даркор.

Қабож маглубият сабоқлари ҳақида ўйлар экан, хона-га Абу Зар кириб келди. Унинг қўлида алланима бор эди.

– Қара, маликам, мен нима топиб олдим! – хитоб қилди ҳаяжонланиб у.

Абу Зарнинг қўлида маликанинг жанг майдонида йўқолган бир пой этиги бор эди.

Малика этикни ҳадиксираш билан, авайлабгина қў-лига олди. Этик чанг-тупроққа беланган, у ер-бу ерида қон доғлари қотиб қолганди. Қабож сесканиб, этикни Абу Зарга қайтарди.

– Байт ут-тиrozнинг қўли гул усталари бутун санъ-атларини ишга солиб, бу этикни олтин, кумуш, дуру жавоҳир билан безаган, менга тортиқ қилган эдилар. Унинг қиймати икки юз минг дирҳам эди. Лаънатилар, ҳамма қимматбаҳо нимарсаларини кўчириб олишибди. Юртимни талаганлари етмагандек, мени ҳам талашди. Во ажаб, шу бир пойгина этик ҳам уларнинг назари-дан четда қолмабди-да. Еб тўймаган, ялаб тўярмиди? Бу сенинг қўлингта қандай тушиб қолди, Абу Зар?

– Жангдан қайтаётганингда бир пой этик йўқлигини пайқаган эдим. Араблар жўнаб кетгач, жанг майдонини ахтариб-ахтариб, охири топиб олдим. Сенинг муборак оёғингни безаган муборак нимарса босқинчиларга ўлжа бўлишини ҳеч истамадим...

– Ташаккур сенга, дўстим. Этик босқинчилар қў-лида кетса, юрагимга малол келар эди. У лаънатилар гўзалликни тушунмайдилар, ёлғиз қилич кучини тан оладилар. Ҳали уларга қилич кучини кўрсатадурган кунлар келадур! Ҳозир эса мағлубу абгор бўлиб, катта товон тўлаган эсак-да, босқинчи қадами шаҳар ичкарисига етмади. Ана шу менга тасалли берадур, кўнглимни оз бўлса-да ёритадур.

Абу Зар хонадан сассиз чиқиб кетди. Малика ҳу-зурига вазири аъзам, лашкарбошилар Хин, Элтумас, Куртни чақиртирди. Ҳамук ҳам ҳозир бўлди.

Шу бир неча кун ичида озиб кетган, чиройли, ёрқин кўзларида ғам-ташвиш, бесаранжомалик аломатлари сезилиб турган Қабож машваратни бошлади.

– Ёй беҳисоб бойлик, бизни беҳад хўрлашлар эвазига нафас ростлашимиз учун озми-қўпми фурсат берди. Эртами-кечми улар шаҳримиз остонасига қайтишлари ҳаммангизга кундай равшандур. Уларнинг асосий мақсади бойлик орттириш, биз муқаддас билган нарсаларни пайҳон қилиш, ўзимизни қулликка маҳкум этишдур. Шундай экан, ёй чекинди дея хотиржам бўломагаймиз. Мен энг аввал бу қадар шармандали мағлубиятимиз сабаблари тўғрисида ўз оғизларингиздан эшитмоқчи эдим. Турк лашкари бирлан ҳамкорлигимиз ҳам кутилган натижани бермади.

Малика лашкарбошиларга бирма-бир савол назари билан қараб чиқди. Биринчи бўлиб Хин сўз бошлади. Мағлубият аламини ҳаммадан кўп у тортаётгани чехрасидан билиниб турар, девдек қомати бир неча кун мобайнида дол бўлган, ҳар доим бургутникидек чақнаб тургувчи кўзлари тик боқолмасди.

– Маликам, ҳозир шу тахлит қаршингда дол тургунча ёй отлари туёғи остида топталмоғимиз афзал эди. Лекин начора, бўлар иш бўлди. Фақат шаҳримизни бой бермаганимиз бир оз тасалли берадур. Менимча, биз турк қўшини билан ҳаракатларимизни мувофиқлаштиrolмадик. Чунки бунга вақтимиз ҳам қолмаган эди. Ёй бундан усталик билан фойдаланди. Кейин улар шаҳарга кўп сонли айғоқчилар юбориб, бизнинг режаларимиздан хабардор бўлиб турдилар.

– Тўғри, – уни қувватлади Ҳамук, – улар турк лашкари етиб келгани, қаерда қароргоҳ қилганидан-да воқиф эканлар. Шу боис қўққисдан ҳужум қилиш имкони бўлмади.

Суҳбатга лашкарбоши Элтумас аралашди.

– Арабларнинг бир неча тезкор гуруҳлардан иборат отлиқ аскарлар дасталари янгича тарзда жанг қиласди. Улар сафларимизни пароканда қилиб юборди, шундан сўнг ўзимизни ўнгләлмадик, – деди.

Қабож лашкарбошиларга жимгина қулоқ солар, уларни синчковлик билан зимдан кузатарди. Ҳар бири паҳлавонкелбат, кўп жанг кўрган довюрак саркардалар, ҳозир гуноҳ иш қилиб қўйган ёш болалардек ер

чишиб ўтиришибди. «Оқ ёғочнинг қайрилгани – сингани, эр йигитнинг уялгани – ўлгани» деганлари шу бўлса керак-да. Талмовсираб гапираётган Элтумаснинг вожоҳатидан ёйи тугул дўст ҳам қўрқади. У мана-ман деган паҳдавон йигитнинг елкасига бир мушт тушириб, ерга киритиб юбора олади. Кўзларини маликадан яшириб ўтирган Қурт эса учқур бедовни бир қўллаб кўтаришга қодир. Лекин гап буларда ҳам эмас. Араб лашкари беҳад кўп ва одам ўлдириш илмини сув қилиб ичган экан. Шуларни ўйлаган маликанинг юраги баттар фашланди. «Эй тангirim, наҳот бу араб аталмиш балодан омонлик бўлмаса? Нажот йўли қайда? Қайда у саодат йўли? Нима қилай, кимга суюнай, кимдан мадад кутай? Суюнадиган одамим борми менинг? Ёинки яна олтину жавоҳир жонимизга ора киармикан? Қачонгача зару зевар ила ёйига хушомад қиласиз?» – Қабож ўзига тўхтовсиз саволлар берар, бу саволларга жавоб тополмай қийналарди.

Шу орада лашкарбоши Қурт сўз олиб орадаги нохуш жимликни бузди:

– Маликам, бир қошиқ қонимдан кечсанг, эътироф этардим...

– Кечдим, Қурт, айт эътирофингни!

– Эътирофим шулки, араб қўшини ҳаммаси бир томон бўлди-ю, лаънатиларнинг нафт (нефть) отар қуороли бир томон бўлди. Лашкар осмондан ёғилган ҳисобсиз оловни кўриб даҳшатга тушди. Туркларнинг-да ўтакаси шундан ёрилди.

– Буларнинг ҳаммаси менга маълум, Қурт. Лекин тасаввур қилиб кўр-чи, шу осмондан ёғилган олов лашкар устига эмас, шаҳарга ёғилганида не бўларди? Тинч аҳолининг ҳоли не кечарди? Шаҳристон кунпая-кун бўлмасмиди? Мен ана шундан даҳшатга тушаман, Қурт! Шу боис уларни юртимизга яқинлаштираслик чораларини кўришимиз керак, – деди Қабож.

Вазири аъзам, барча лашкарбошилар душман қайтиб келгудек бўлса, қандай тадбирлар қўллаш тўғрисида келишиб олдилар. Қалъалар деворлари, улар атрофидаги сув тўсиқларини янада мустаҳкамлаш, қўшни

мамлакатларга айғоқчилар юбориши, Ҳурросон томондан бирон хавф сезилганда дарҳол хабар қилиш, дарёлар соҳилларига тезкор гуруҳлар қўйиб, душман қўшини ҳаракатидан муттасил хабардор бўлиб туришга оид репжалар тузилди.

Ҳамма хонадан чиқиб кетар экан, Қабож Ҳамукка «тўхта» ишорасини қилди. Ёлғиз қолишгач, малика унга мурожаат этди:

– Ҳамук, мен сени ҳалоскорим деб атаганман ва ҳамон шу сўзларимда событман. Айт, сен учун нима қилай?

Ҳамук малика сўзларининг мағзини чақиб бир оз сукут сақдагач, жавоб қайтарди:

– Ҳеч қанақа ҳалоскор эмасман, маликам, агар ғалаба қозонганимизда гапларинг жоиз бўлар эди.

– Йўқ, азизим, сен ғалаба олиб келмаган бўлсанг-да, менга умид ато этдинг, она шаҳримизни сақлаб қолиш ишончини уйғотдинг. Шу боис кўп марҳаматларга лоийиқсан. Тила тилагингни!

– Сенинг лутфу қараминг мен учун ҳар қандай марҳаматдан зиёда, маликам. Наҳот мен Ватаним учун қилган хизмат эвазига сендан нимадир тамаъ этсам?

– Тамаъ эмас, Ҳамук, ҳар бир эзгу ишнинг баҳоси қадр-қиймати бўлиши керак! Мен Руди Зар соҳилидаги бир кўшкни сенга тухфа этишга қарор қилдим. Баҳслашиб ўтиришинг фойдасиз, бир сўзли эканим сенга аён.

– Баҳслашмоқчи эмасман, маликам. Ҳамонки, менга марҳамат қилмоқчи экансан, агар бир қошиқ қонимдан кечсанг, бир илтимосим бор.

– Кечдим, айт ўша илтимосингни!

Ҳамук гапиришни ҳам, гапирмасликни ҳам билмай бир оз жим турди. Сўнг юрак ютиб шундай деди:

– Мен Қублани яхши кўраман... У ҳам... Аҳду паймон қилганимиз. Шунга сенинг розилигинг керак эди...

Малика оғир тин олди. Ҳамук эса бутун вужуди увишиб, унинг қарорини кутарди.

– Қубла... Яхши... Дидинг жойида, Ҳамук. Ўзиям ҳозир унинг гулдек очилган пайти. Ҳар иккингизнинг оёқ олишларингиздан сезган эдим. Начора, қиз боланинг

қисмати шундай, уни кимдир албатта пишган олмадек узиб, қўйнига солгусидир. Сен наинки Қубла, балки бутун Бухоро гўзаллари марҳаматига лойикдурсан.Faқат бир оз сабр қиласан, ҳозир Қубла менинг қўл-о-ёғимга айланган. Тағшода унга жуда ўрганиб қолган, сал улғайсин, сўнг тўйларингга ўзим бош бўлгайман. Унгача ёғий хавфи ҳам даф бўлса ажабмас...

Ҳамук маликага миннатдорчилик билдириб, хонани тарк этди. У ўзида йўқ курсанд эди.

«Ҳозир тўппа-тўғри Қубласининг олдига боради, ундан суюнчи олади. Суюнчиси Қубланинг исми жисмига монанд, бир бўсаси бўлса не ажаб? Нақадар баҳтли улар! Ахир соғ муҳаббат қувончидан лаззатлироқ баҳт борми бу дунёда?!» Малика шуларни хаёлидан ўтказар экан, ўзи Бидун билан бир ёстиққа бош қўйган маъсуд дамларни эслади. Улар тунларни тонгга улаб, ширин суҳбатлар қуришар, баҳтлари тўқислигидан шукроналар қилишарди. Наҳот энди шу тўқис баҳт саробга айланган бўлса?! Наҳот Бидун ёшгина хотинини босқинчилар билан юзма-юз қолдириб, лашкар йиғиш баҳонасида бегона юртларда дарбадар кезиб юрса? Бухорхудотларнинг куни шунга қолдими?

\* \* \*

Қалъа кунгуруларидан «бир амаллаб» ошиб ўтган тўлин ой тобора баландлар, шаҳристон унинг кумуш нурларидан ороланаар, бу ажиб манзара тун сукунати билан уйғуналашиб, бутун мавжудотни сеҳрлаб қўйганди.

Қубла тун салқинлигидан бадани жунжикиб, Ҳамукнинг пинжига тиқилар, баҳтдан йигитнинг боши гиргир айланар, кучли эҳтирос унинг овозини титратарди.

– Биласанми, жоним, бугун маликам менга катта марҳамат қўрсатди. У мени ҳалоскорим деб атаб, Руди Зар соҳилидаги кўшкни туҳфа этди. Мен эсам, «Кўшкингиз керак эмас, менга Қублани ҳадя этинг», дедим. Тўғри қилибманми, Қубла?

– Сен ёмон йигит бўлибсан, Ҳамук! Мен энди маликанинг кўзига қандай қарайман?

– Шундай қарайверасан. Қайтанга малика мени мақтади, «Дидинг жойида», деди. Тағшода сал улгай-син, сүнг түйларингизга ўзим бош бўлгайман», дея ваъда берди. Бу баҳт-ку ахир, жоним, нега қувонмайсан?

– Нега қувонмайсан эмиш, сен лашкар билан қайтиб келгунингча ўлиб қолаёздим, энди кўришолмасак керак деб ўйладим. Сенга бир гап бўлса, мен нима қиласардим, шуни ўйлаб кўрдингми?

– Мен қайтиб келмаслигим мумкин эмасди. Сенга ҳам, маликага ҳам ваъда бергандим. Боз устига, сенинг соғ муҳаббатинг мени бало-қазолардан сақлашига имоним комил эди.

– Тўғри айтасан, Ҳамук. Сенинг омон қайтишингни мен туну кун марҳаматли Тангридан илтижо қилдим. Ҳар тонг қуёш чиққанида, бу сенинг жамолинг дея ўзимни қаттиқ ишонтирдим. Ёруғлик олами бизни қўллади, азизим!

Ошиқлар ойга тикилганларича ширин хаёллар суришар, фараҳли бу тун фақатгина улар учун ороланаар, уларнинг кўнглини олгиси келарди гўё.

– Мана, кўрасан, – дерди Ҳамук ишонч билан, арабларни даф қиласайлик, кейин малика инъом этган қўшкни янада обод қиласурмиз, бизнинг ҳам Тағшодадек ўғлимиз бўлади.

– Ҳаддингдан ошма, – нозланарди Қубла севгилисингни кучоғидан чиқмоқчи бўлиб.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Қубла кетишга чоғланди. Лекин Ҳамук уни қўйиб юборгиси келмас, «Яна бирпасгина ўтири», дея илтижо қиласарди.

– Эсингни йиф, Тағшода уйғониб кетса, балога қоламан, – дерди Қубла хавотирланиб.

Хўроздар учинчи маротаба қичқира бошлагандада ошиқлар хайрлашдиар.

– Эртага яна шу ерда кутаман, Тағшодани ухлатиб чиқарсан, – шивирлади Ҳамук.

– Агар мени шу кечагидек қийнайдиган бўлсанг, энди сирам чиқмасмен, – деди нозланиб қиз.

## **Бухоро осмонида қора булутлар. Амир – ошиқ. Қубла ўзини фидо қиласади**

Малика Қабож туну кун араблар хавфини даф этиш учун бош қотирар, турли тадбирлар тузарди. У Сўғд, Кеш, Нахшаб амирлари билан музокаралар олиб бориб, иттифоқ тузди. Араблар яна бостириб келишса, уларга қарши бирга жанг қилишга келишиб олинди.

Орадан икки йил ўтгач, Убайдуллоҳ ибн Зиёд Хуро-сон амирлигидан туширилди. Саъид ибн Усмон Хуро-сон амирлигига кўтарилди. Кўп ўтмай бу амир ҳам Бухорога юриш қилиш тараддуидига тушиб қолди. Чунки ўзидан олдинги амир Бухородан олиб қайтган сон-саноқсиз асиrlар, беҳисоб мол-дунё тўғрисида кўп эшитган, бу унга тинчлик бермасди.

Малика Қабож Хуросонда юз берган ўзгаришлардан хабар топгач, яна ташвишга тушиб қолди. Бу ҳақда иттифоқчиларини ҳам огоҳдантириди. У араблар ҳамласига бардош бериш жуда мушкуллигини билса-да, жон-жаҳди билан тиришиб, тадбир изларди.

676 йил кўкламида Саъид ибн Усмон ўз лашкари билан Жайхундан кечиб ўтиб, Бухоро сари йўл тутди. Маликанинг айғоқчилари дарҳол унга хабар етказдилар. Қабож иттифоқчилари бўлмиш Сўғд, Кеш, Нахшаб ҳукмдорларига одам юбориб ёрдам сўради.

Бир неча кундан сўнг араб лашкари Бухоро остоналарига етди. Иттифоқчилардан эса ҳамон дарак йўқ эди.

Малика Саъид ибн Усмонга одам юбориб, «Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тузган сулҳимда барқарордурман», деба эътироф этишга мажбур бўлди.

Бу орада иттифоқчилар қўшини етиб келди ва араб лашкарига рўбару бўлди. Малика иттифоқчиларини кўриб руҳданиб кетди ва Саъидга мол юбориб, сулҳ сўраганидан пушаймон эканини билдириди.

Саъид ибн Усмон малика юборган молларни қайтариб жўнатди. «Сен Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан сулҳ тузгансан. Бизнинг орамизда эса ҳеч қандай сулҳ йўқ», деди.

Ҳар икки томон лашкари қарама-қарши саф тортди. Лекин бухороликлар ва уларнинг иттифоқчилари лаш-

кари юрагига қандайдир ваҳима оралаб, жанг майдонини ташлаб қочдилар. Бу тақдири азал ўйини эдими ёинки маликанинг шўр пешонасими, айтиш қийин.

Даҳшатли ҳайқириқлар, карнайлар «ғат-ғат»и, ноғоралар гумбур-гумбурига тўла жанг майдонида Қабож ва унинг ўша икки юз нафарлик хос навкарларидан бўлак ҳеч ким қолмади. Малика орқа-ўнгига қарамай қочиб бораётган лашкар ортидан аламли, ғазабнок назар ташлаб ҳайқириб юборди.

– Тўхтанг, қаёқقا қочаяпсиз, муртадлар, тўхтанг!!! Ахир ортимизда муқаддас Бухоро турибди-ку!

Лекин унга ҳеч ким қулоқ солмас, ҳамма ўз жонини қутқариш билан овора эди. Қабож бир қўлида қилич, юзини Қуғунинг тердан жиққа ҳўл ёлига босганча йифлагд юборди.

– Эй, марҳаматли Тангрим! Қайси гуноҳларим учун мени бунчалар хўрлайсан! Наҳот мен бир умр ёғий оёқдари остида топталишга, бир умр улардан марҳамат сўрашга маҳкумдурман?

Саъиднинг лашкари ғалаба нашидасини суриб қийқирав, «Олло таолло душманларимиз дилига чексиз ваҳм солди ва улар урушиз орқага қайтди!» дея айюҳаннос солишарди.

Хос навкарлар хун бўлиб йифлаётган маликани қалъа ичкарисига олиб кирдилар. Уни ҳеч ким юпатолмас, Қабож нуқул ўз-ўзига савол берарди: Ҳақиқатнинг бағри бунчалар қон?! Нечун босқинчилар ғолиб-у мен ўз уйим, Ватанимни ҳимоя қилаётib мағлубман? Қани у олий ҳақиқат, қани дину диёнат?! Эй Аҳрамазда, нечун у қонхўрларга, ўлаксахўр қизғунларга ўлим юбормайсан?! Бунақада бутун олам қора кучлар салтанатига айланмайдурми, Аҳраманинг қўли баланд келмайдурми?»

Бу саволлар, табиийки, жавобсиз эди ва Қабож яна бошини эгиб, Саъиддан сулҳ сўрашга мажбур бўлди. У олтин, кумуш дирҳамларни, қимматбаҳо буюмларни бир неча ҳисса ошириб талончиларга юборди.

Араблар сулҳни қабул қилдилар. Лекин Саъид ибн Усмон малика учун бир неча таҳқири шартлар қўй-

ди. У Қабожни ўзи ва барча саркардаларига саломга чиқишига мажбур қилди.

Саъиднинг лашкар бошлиқларидан бири Абдуллоҳ Ҳозим деган баҳайбат қизил юзли киши эди. У саропардасида катта гулхан ёқишини буюрди ва ўзи олов қаршисида қилич яланғочлаб турди. Олов иссифидан Абдуллоҳнинг кўзлари қизариб кетди, калласи катталигидан ваҳшатли тус олди.

Саропардага қадам қўйган Қабож Абдуллоҳни кўриб ҳушини йўқотар даражага келди ва тез қочиб чиқиб шундай деди:

Эй гулом, сени худо ажаб гўзал  
қилиб безантирибди,  
Ёмон кўз узоқ бўлсин, сенга яқинлашимасин.

Босқинчилар янгидан-янги шартлар қўяр, малика юраги қонларга тўлса-да, тишини тишига қўйиб чидар, «Буларнинг ҳаммаси она шаҳрим учун», дея ўзини юпатарди.

Саъид Қабож билан учрашувларнинг бирида шундай деди:

– Мен энди Сўғд ва Самарқанд сари йўл тутиш фикридадурман. Сен эса йўлим устидасан, қайтишимда менга душманчилик қиласмилигинг учун сен томондан бирор гаров бўлиши керак.

Малика ўйланиб қолди. Ҳозир агар ақл билан иш тутилса, ҳам шарт бажарилади, ҳам саройдаги душманларидан қутулади.

Ҳикоят қилишларича, малика ўз эрининг хизматкорларидан бирига ошиқ эди, одамлар Тағшода ўша хизматкордан бўлган дер эдилар. Малика душман бўлган бир гуруҳ аслзодалар: «Биз Бухоро таҳтини ҳақиқий Бухорхудот бўлган валиаҳдга олиб берамиз», дея ният қиласдилар. Қабож уларнинг бу ниятидан хабардор эди. Саъид гаров талаб қилгач, малика ўша гуруҳга мансуб Бухоро маликзодалари ва дехқонларидан саксон кишини унга берди.

Саъид ибн Усмон Сўғд сари юриш бошлайман деб турганида бирдан касал бўлди ва Бухоро остоналарида анча вақт қолиб кетди.

Кунларнинг бирида малика Қуғуни миниб, муло-зимлари ҳамроҳлигига амирни кўргани борди. Юзида ҳарир парда билан Саъид ётган саропардага кирди. Беморнинг аҳволини суришириб, мулозамат қилди. Сўнг тилла тўла ҳамёнини қўлига олди-да, ундан иккита нимарса чиқарди ва шундай деди: «Бунинг биттасини ўзим учун сақдайман, мабодо касал бўлиб қолсан ейман, мана бу иккинчисини сенга бераман, уни есанг соғаясан...»

Малика чиқиб кетгач, Саъид аёл шунчалар азиз билиб унга берган нарса нима деб қараса, эскириб кетган бир дона хурмо экан. Шунда у ўз мулоzимларига «Беш туяга хурмо ортиб, маликага элтиб беринглар», дебди.

Қабож беш туя юкни кўриб ҳайрон бўлибди. Қопларга очиб қараса, уларда жуда кўп хурмо бор экан. У хурмоларни ўз ҳамёнидаги нарса билан солишириб, гап нимада эканини фаҳмлабди ва амир ҳузурига узр айтгани борибди.

У ҳар гал амир ҳузурига юзида ҳарир парда билан бораар эди. Бу гал нима бўлди-ю, малика саропардага кираётганда бехос шамол туриб, унинг юзидаги ҳарир пардани бир муддат кўтарди. Шу аснода саропарда ичи ёришиб кетгандай бўлди. Қабожнинг ҳусну жамолига кўзи тушган Саъид гунгу лол бўлиб қолди. У қирқ ёшлар чамасидаги қорасоқол, кенг елкали, забардаст эркак бўлиб, умрида бундай кўхлик аёлни кўрмаганди. Амир маликанинг келишган қадду қомати, ойдек нурланиб турган юзини кўриб, ошигу беқарор бўлиб қолди. Тилидан бол томиб, унга мулозамат қилди, дарров изҳори ишқ этиб, ундан висол талаб қилди.

Қабожнинг кўзига дунё қоронги бўлиб кетди. «Э воҳ, бу не кўргилик, узрга келиб, бу ваҳшнийнинг чангалига тушиб ўтирам-а...» Малика ақлли ва тадбиркор аёл эмасми, билдики, ҳозир амирнинг истагини рад этса, бу ердан соғ чиқиши мушкул. Шу боисдан ўзини хурсанд кўрсатиб, васл кечасига тайёргарлик кўриш учун

Бир кунга муҳлат сўради. Саъид хотиннинг мойиллиги-дан хурсанд бўлиб рухсат берди.

Қалъага қайтган малика нима қилишини билмай ҳайрон эди. Бу гапни бирор вазиру аъёнга айтиб бўлмаса. Бир кеча-кундуз ўз ёғига ўзи қовурилган малика охири чидаёлмай Кублага ёриди.

– Қубла, азизим, маслаҳат бер, нима қилай? Мен бечорани яна бир шармандалик кутадур.

Маликани доим хотиржам, сипо кўриб ўрганган Кубла ҳайрон бўлди.

– Не шармандалик экан, маликам, одамни қўрқитма?

– Лаънати Саъид висол талаб қиласадур. Кўнмасам, шаҳарни вайрон этаман деб қўрқитадур. Айт, не қилай? Мен бир кунгина муҳлат сўрадим. Бу тун унинг саропардасида меҳмон бўлмоғим шарт.

Кубланинг ёз осмонидек тиниқ ва беғубор кўзларида саросима аломатлари сезилди. У маликага жавоб қайтармай ерга боқди.

Гўзал Қубла, бечора Қубла! Икки юрт ҳукмдори ўртасида кечган бу шармандали «ишқ савдоси» ҳақида оддий бир жория нима ҳам дея оларди? Лекин у ўз бекасини жуда яхши кўрар, бирор илиқ сўз айтиб, уни юпатишни, кўнглини кўтаришни жуда-жуда истарди.

Икки аёл узоқ жим қолдилар. Ҳар икки бечора чора изларди. Қабож бу шармандали таклиф сарой аъёнлари, фуқаро қулогига етса, нима бўлишини даҳшат ила ўйлар, лекин шартни бажармаслик даҳшати ундан-да баттар, шаҳар даҳлсизлиги яна хавф остида қолганди. Қубла эса ўз туғишганидек бўлиб қолган оққўнгил ва марҳаматли бекаси номусини қандай қилиб сақлаб қолиш ҳақида зўр бериб ўйларди.

Ниҳоят малика яна тилга кирди:

– Начора, гўзалим, ўзи пешонамга битилгани нуқул азоб-уқубату шармандалик экан. Тақдирни азал, қисмат деганлари шу бўлса керак-да?

Қубла бекасига меҳр билан боқди. Қизнинг гўзал чехраси аллақандай ички бир нурдан ёриша бошлигани, у афтидан бир қарорга келганди.

– Йўқ, маликам, пешонангга битилгани шармандалик эмас, балки юрт халоскори деган қисмат. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлгайсан. Агар сен бўлмаганингда араблар аллақачон ҳаммамизни қул қилиб ҳайдаб кетган бўларди. Фам чекма, маликам, Саъиднинг саропардасига бу тун мен меҳмон бўлгайман! – деди қиз ҳеч қандай эътиrozга қолдирмайдиган бир қатъият билан.

Малика аввалига унинг паст товушда, лекин жуда хотиржам ва қатъият билан айтган сўзларига унчалик эътибор қилмади. Сўнгра қизнинг сўзлари маъносини англаб етгач, «ялт» этиб унга қаради:

– Кўйсанг-чи, Қубла, улар бу олижаноблигингни тушунмаслар, сени ҳалок этишлари-да ҳеч гап эмас. Бу дунёи дунда ҳар ким ўз чекига тушганини ўзи тортмоғи керак!

– Босқинчилар ёлғиз сенинг чекинг эмас, улар ҳаммамизнинг бошимизга битган бало! Наҳот ёлғиз ўзингни балога рўбару этиб, жимгина тураверсак! – эътиroz билдириди қиз.

– Мени қийнама, юрак-бағримни тирнама, гўзалим. Сенинг кўлингни Ҳамук сўраган эди, олмадек қўйнингга солиб қўяман, деб лафз этганман. Мени бебурд қилма!

– Ҳамукка берган сўзингда собит туравер. Айтадурларким, «Ит теккан билан дарё ҳаром бўлмас...»

– О, азизам, нақадар кўнглинг тоза, бегуборсан-а, улар сени қурбон қиласидилар деб қўрқаман. Сенинг уволовингга қолиш мен учун оғир...

– Ташвиш чекма, маликам, бир бошга – бир ўлим!..

– Йўқ, Қубла, мен бир қарорга келдим. Ўзим бораман!

– Маликам, ўзинг ўйлаб кўр, сен бутун Бухоронинг, юртнинг ор-номуси, вижданисан. Сен борсанг, бу эл оғзига тушадир. Менинг йўлим бўлак, оддий бир жорияман, мен борсам-да, қурбон бўлсам-да, буни бирор билдириди.

– Гапингда жон бор. Лекин мен Саъид билан бир неча бор учрашганман, у ёлғонни сезиб қолса, ҳеч иккиланмай бошингни танангдан жудо қиласидир.

– Менинг бошим юртим учун жуда катта йўқотиш эмас. Лекин сенга бирор кор-ҳол бўлса, Ватан эгасиз қолгусидир. Мен шундан ташвиш чекаман.

Маликанинг кўзларида ёш ҳалқаланди, юраги түғёнга келиб, қизнинг пешонасидан ўпар экан, хаёлидан шундай фикрлар кечди: «Шу ёшгина қиз кўнглида бу қадар юрт меҳри бўла туриб, нечун мен мағлуб бўлдим? Бидун ва баъзи малику маликзодалар юрагида шу қиз қалбидаги муҳаббатнинг лоақал бир учқуни бўлганида, мен бу қўйга тушмасмидим? О, Қубла, Қубла, сендеқ пок, бокира қизни аждаҳо комига юбориб, тинч ухлай олармиқанман, сенга бирор кор-ҳол бўлса, бир умр виждан азоби қийнамасми мени?! Ҳамукнинг юзига қандай қарайман, ўз номусини қутқазиб, бир бокира хунига зомин бўлган деб мендан нафрат этмасми?! Эҳ, Бидун, сен ҳақиқий ҳукмдор, ҳақиқий эркак бўлганингда, бу савдолар менинг бошимда йўқ эди. Афсус, сен ширин жонингни ор-номусдан устун қўйган одам экансан ва буни мен жуда кеч англаб етибман. Одам оласи ичида деганлари шу бўлса керак-да...»

Оқшом чўкиб, шаҳар осмонида юлдузлар порлади. Душман қароргоҳи томонда яна гулханлар ёқилди. Маликанинг Саъид ҳузурига бориши лозим бўлган вақт тобора яқинлашмоқда эди.

Кублани маликага ўхшатиб, зар кийимлар кийдирдилар. У тилла қош тақиб, юзига ҳарир парда тортди.

Маликанинг юраги қонга тўлган, Қубла эса ҳам фамгин, ҳам алланечук сарафroz эди.

– Ташвиш чекма, маликам, – деди у бир неча хос хизматкорлар ҳамроҳлигига Саъид ҳузурига отланар экан, – тун салтанати барча алдов ва қабоҳатларни ёпиб юборгусидур.

– Марҳаматли Тангirim, бутун ёруғлик олами сенга ёр бўлсин, гўзалим, халоскорим, Бухоронинг эрка ва довюрак қизи! Кечир мени, ўтинаман, кечир, сени қабоҳат сари йўлламоқдаман!

Қубла ва унинг ҳамроҳлари қоронилик қаърига сингиб кўздан фойиб бўлдилар. Шу дақиқалардан маликанинг азоб-уқубат онлари бошланди. Қубла душман қароргоҳидан соғ қайтмаслигини юрак-юракдан ҳис этар, ўзи бормаганига минг пушаймонлар қиласарди.

Хуросондек юрт амири бўлмиш Саъид аҳмоқ эмас, уни осонликча алдаб бўлмайди, алдоқни сезгач, барι бир айтганини қилмай қўймайди. Унинг айтгани эса... малика висоли... «Висол талаб қилмай тўнғиз қўпгур, босқинчи. Ҳарамингдаги сон-саноқсиз аёллар каммиди сенга, бир юрт ҳукмдорига кўз олайтирасан!»

\* \* \*

Саъид ибн Усмон ибн Аффон бу оқшом ғоят хурсанд, ажойиб, гўзал хилқат васли умиди кўнглини обод этган, қўйлар сўйдириб, турли таомлар ҳозирлатди, дастурхонга гулобу анвойи шарбатлар торттириди. Саропарда ичини қайта безаттириб, юмшоқ ўринлар, парқу болишлар тўшаб, бир чеккада кичкинагина гулхан ёқтириди.

Мана, оқшом чўкаётир ва кўп ўтмай Бухородек гўзal юртнинг маликаси енгил тонг насимидай бўлиб уни саропардасига киради, висолга ташна юрагини булоқ сувидек қондиради...

Саъид ўша, бехос кўтарилиган шамол ёрдамида маликанинг юзини кўргандан буён висол орзусида ширин хаёллар уни бафрига босиши, ором олиш тўғрисида ширин хаёллар сурарди. Унинг ҳарами доимо фатҳ этилган юртлардан олиб келинган беҳисоб гўзаллар билан тўла бўлса-да, Саъид шунчга ёшга кириб, Қабождек гўзал аёлни учратмаганди. Қора олудек шаҳдо кўзлар, қуёшдек чаракдаб турган юз, мўрча миён-у олма янглиф таранг сийналар, алифдек қомат...

Амир ширин хаёллар оғушида фарқ экан, саропардага хос мулозим кириб, у кутаётган одамлар ҳозир бўлганлигини билдириди.

– Маликани ҳузуримга олиб кир, маҳрамларга жавоб бериб юбор! Тонгда маликани ўзим иззат-икром ила кузатгайман! – Саъид эҳтирос ва ҳаяжондан энтикиб кетди.

Кўп ўтмай саропардага зарбофу кимхобга ўралган бир хилқат кириб, амирга таъзим бажо этди-да, итоат ила унинг таклифини кутиб турди.

Саъид мулозамат қилди:

— Хуш келдинг, маликам! Кулбам ҳуснинг чароғидан, кўнглим мурувватингдан чароғон бўлмишдур! Қани, марҳабо!

Меҳмон кўрпача четига омонатгина ўтириди. Унинг ҳаракатларидағи маъсумлик, нозу назокат ва сукунти ўзича ширин висол кечасига нозик ишора дея тушунган амирнинг юраги хаприқиб кетди. «Ана ҳусн, ана қадду малоҳат. Сукут сақдашини қарант, худди бокира қиз янглиф. Дарвоҷе, сукут аломати ризо, демишлар машойихлар», ширин энтиқди амир.

Саъид у ёқ бу ёқдан гапириб, «малика»ни дастурхонга таклиф этди, юзидан пардасини кўтаришни илтимос қилди. Меҳмон унинг илтифотига яна таъзим билан жавоб қайтарди-ю, аммо юзини очмади, бир сўз ҳам демади, дастурхонга ҳам қўл узатмади. Амир буни ҳам ўзича тушунди. «Тўғри-да, висол кечасида ортиқча гап-сўз, мулоzаматга не ҳожат? Улар аҳд-паймон қилгандилар, малика висол ваъдасини берганди, яна нима керак менга?» ўйларди у тезроқ муродини ҳосил қилиш учун.

Саропарда чеккасида ёнаётган гулхан алангаси тобора пасайиб, қоронгилик қуюқлаша борди. Хос хизматкорлар дастурхонни йигиштириб олиб кетдилар.

Амир ўрнидан туриб, секин-аста қадам ташлаб, «малика» ўтрусиға келди, нозик белига қўл юбориб, юзидан пардасини кўтарди-да, ютоқиб лабларига лаб босди. Бечора Қубла қўркувдан «дағ-дағ» титрай бошлади. Саъид эса малика эҳтиросдан титраяпти деб ўйлаб, уни даст кўтариб тўшакка ётқизди, ўзига бўйсунмаётган қўллари билан ечинтиришга тушди. Тоқатсизликдан ёқасини чок этиб, оловдай лабларини диркиллаб турган салқин сийналарга босди. «Малика» кучсизгина «оҳ» тортар, истар-истамай қаршилик қилар, бу ҳаракатлари билан амирнинг эҳтиросини алангалатарди. Амирнинг хаёлидан кечган биргина фикр шундай бўлди: «Бу аёл мен ўйлагандан-да латифроқ ва барнороқ, экан. Ҳатто бокираларнинг ҳам вужуди бунчалар ёқимли бўлмайди. Худди мушки анбарга чўмилгандек...»

Бу тун Саъид учун лаззатли висол кечаси, малика қиёфасида келган Қубла учун азоб, қўрқув ва қийноқ туни бўлди.

...Тун қариб, саропарда ичи ёриша бошлади. Кечаси билан мижжа қоқмаган Қубла Саъид уйғонгач сир очилиши, ўзининг қисмати нима бўлишини ўйлаб безовта эди.

Кўп ўтмай амир уйғонди, ўзига саросимада тикилиб ўтирган тунги меҳмоннинг кўзларига кўзи тушгач, гап нимадалигини тушунди. Шахд билан ўрнидан туриб кийинди. Қизнинг қўлидан судраб, саропарда ўртасига олиб келди. Газабдан ранги оқариб ўшқирди:

– Ҳой кофира, жонингдан умидинг бўлса айт, сени бу ерга ким юборди, кимсан ўзи?

Саъид қиличи дастасини ушлаб турар, важоҳати қўрқинчли эди. Қубла индамай тураверди. Амир яна ўдағайлади.

– Айт, кимсан, одам боласимисан, ё инс-жинсмисан?!

– Одам боласиман, – деди Қубла титраб, – малика Қабожнинг жориясиман.

– О, бу қандай қабоҳат, қандай бедодлик! Мен, буюк Хуросон амири Саъид ибн Усмон ибн Аффон бир жорияга муносиб бўлдимми? О, бадбаҳт кофирлар, бу қилмишингиз учун шаҳрингизга ўт қўяман, ўт! Култепага айлантираман. Маликангиз ҳам менга жория бўладур, ҳа, жория! – жазаваси тутиб қичқиради Саъид.

Қубла ички титробини куч билан босиб, ўзини қўлга олди, амирга тик қаради, қалби чексиз ғазаб ва нафратга тўла ўлимини бўйнига олиб душман қароргоҳига келганди. Ҳозир ҳаёт қанчалик ширинлик қилаётган бўлмасин, юрагида қўрқув ҳиссини маҳв этиб, сўз қотди:

– Адашасан, қонхўр жаллод! Шаҳарни култепага айлантиришинг мумкин, чунки сендеқ босқинчининг қўлидан бошқа нима иш ҳам келарди? Лекин Бухоро ҳеч қачон сенга жория бўлмайди! Унинг мол-мулкига эгалик қилишинг ифлос нафсинг учун бечорани қурбон қилишинг мумкин, лекин унинг озод руҳига, азиз шаҳримнинг исёнкор руҳига сен ҳеч қачон эгалик қи-ломлагайсан!

Қубла, Ҳамукнинг кўзларидан уйқуни ўғирлаган гўзал Қубла юрагини бўшатиш учун ҳали кўп гапирмоқчи эди, лекин кўзлари қонга тўлган Саъид қиличини қи-

нидан шаҳд билан сугуриб олди-да, бечора қизнинг латиф бўйнига зарб билан уриб, бошини танасидан жудо қилди. Ўтли бир чинқириқ, кучли бир аффон саропардани ларзага солди. Жонсиз тана «шилқ» этиб қулади, бўғзида «дод» қотиб қолган калла бир чеккага думалаб кетди, саропарда қонга тўлди, амирнинг серҳашам кийимларига иссиқ қон сачради. Саъид қиличини қинига солди-да, ҳаракатсиз тана устидан ҳатлаб ўтиб, мулозимларини чақириди:

– Бу кофиранинг бошини маликасига элтиб берингиз ва айтингизки, Хуросоннинг улуғ амирлари жорияларни ўзларига муносиб қўрмайдурлар! Мен маликани меҳмонгча таклиф этган эдим. Яна айтингизки, у агар меҳмон бўлиб келишга кўнмаса, ҳузуримга қул бўлиб, занжирбанд бўлиб келади ва бутун хонумонига ўт қўядурман! Мен Саъид ибн Усмон ибн Аффон, гапимни икки қиладургон рақибларим билан пачакилашиб ўтирамайман! Шу бугун тунда малика ҳузуримда бўлсин, акс ҳолда...

\* \* \*

Қабож Тағшодани эмизар ва қўзичноқдек ҳузурланиб тамшанаётган гўдаги билан гаплашарди. У энди йиғлаёлмас, кўзларида қонли ёшлар қотиб қолган, сасиз фарёд чекарди.

– О, менинг ҳеч нарсадан хабарсиз гўдагим! Сен жуда ўрганиб қолган, иккинчи онанг бўлган Қубла йўқ, энди! Қубла қурбон бўлди, Қубла Бухоро учун шаҳид бўлди! Энди менинг навбатим етди, энди мен қурбон бўламан, қўзичогим! Лекин сени кимга ишонай, кимга қолдираи?! Сени бўзлатиб қаерга бораман, қаерга бора оламан?

Малика ҳақсиз, ҳуқуқсиз, у – мағлуб, шу боис қаттол душман талабларини бажаришга маҳкум, мажбур. Бу оқшом у Саъид қароргоҳида меҳмон бўлади, акс ҳолда Хуросон амири шаҳарнинг кулини кўкка совураман дея дағдаға қилаяпти.

Малика Қаринча (Қалдирғоч) исмли жорияни чақириб, унга Тағшодани топширди, сўнгра ҳузурига Абу Зарни таклиф этишни буюрди. У кўп сонли аъёнлари,

хос навкарлари ва шахсий соқчилари кўзини шамғалат қилиб, тун қоронғисида Саъид хузурига бормоқчи эди.

Абу Зар малика рўбарусига келиб таъзим қилди.

– Абу Зар, дўстим. Мени ҳеч ким тушунмаслиги мумкин, сен тушунасан, тушунишинг керак. Виждоним тоза, таним пок, лекин мен мажбурдурман, мен иложсиз эрурман. Дарвозаи Фуриён ёнида Қуфуни ҳозирлаб тур, мен тезда етиб боргайман.

Абу Зарнинг юзидан ҳеч қандай ифода англаб бўлмасди. У топшириқни бажаришга жўнаб кетди. Малика енгил чакмон, қарқарали қалпоқ, баланд пошна этик кишиб, эркак тусини олди-ю, шабистонни тарқ этди.

Дарвозаи Фуриён ёнида Абу Зарнинг қўлидан Қуфунинг жиловини олар экан, унга илтижоли шивирлади:

– Абу Зар, азизим, кел хайрлашайлик! Сендан бир ўтинчим бор, менга бирор кор-ҳол бўлса ёинки ёғий қаррогоҳида тутқунлиқда қолар эсам, Тағшодага фамхўрлик қиласман деб ваъда бер. Унинг мендан бўлак ҳеч бир меҳрибони қолмади... Ваъда берасанми?

– Ваъда бераман, – деди Абу Зар қуруқцина қилиб. Унинг гали оҳангидан Қабожнинг юраги зирқираб кетди, лекин тишини тишига қўйиб чидади, сакраб отига миниб жиловини қўйиб юборди...

\* \* \*

Амир Саъид бу тун ҳам қалъа ортидан келадиган меҳмонга мунтазир, бир бегуноҳ қонини ичган бўлса-да, малика висолига етолмагани унинг эркаклик ҳамиятига теккан, эҳтиросини баттар жўш урдирганди. «Қабож ё шу тун қўйнимга киради ёинки ўша нозик қўлларига кишан кийиб тиз чўкади!..» хаёл сурарди у.

Шу аснода қарқарали қалпоқ, қора чакмон кийган хушсурат бир йигит саропардага бош суқди. Кечаги найрангдан юрак олдирган амир сакраб ўрнидан туриб, қиличига қўл узатди, «Соқчибоши» дея қичқирди.

«Йигитча» қўли билан «тўхта!» ишорасини қилиб хитоб этди:

– Эй, Хурсоннинг буюк амири! Сен шу юрак билан Бухорони фатҳ этишга бел боғламишмисан?! Наҳот ҳузурингга келган меҳмонни қилич билан қаршиласанг. Ахир бир бегуноҳнинг тўкилган қони камлик қиладурми?!

Саъид эркакча кийинглан маликани таниб, қўлини қилич дастасидан олди ва норози тўнгиллади:

– Қон ўз фирромлигининг оқибатида тўкилди, малика! Кўнглим Бухоро жорияси эмас, Бухоро маликаси сұхбатига мунтазир эди. Сен эса шартни буздинг.

– Афв этгайсан, мен ҳузурингга маликадан-да гўзал, бокира қизни юборган эдим.

– Гўзаллиги дунёга татиса ҳам, у бир жория, мен эса аслзодаман, мени таҳқир этаёттанингни ўйламадингми?

– Начора, – хўрсинди малика, – ҳамма ҳақ-ҳуқуқлар сенда, ҳамма мажбуриятлар менда. Бир нарсани яхши билиб ол, амир, дунёдаги жамики мустаҳкам қалъаларни куч билан олиб бўлур, лекин аёл қалбини куч билан олиб бўлмагай...

– Адашасан, малика, биз араблар ололмайдиган қалъалар йўқ. Гарчи бу қалъалар аёл қалби бўлса-да, ё зар кучи билан, ё зўр билан олгаймиз. Бу аёллар ҳар қанча маккор бўлсаларда, араб қиличи зарбига дош беролмагайлар!

Амир Саъид саропарда ўртасига юрди, сўнг ўгирилиб меҳмонига илтифот қилди:

– Хўп, майли, гина-кудуратга чек қўяйлик. Сен меннинг азиз меҳмонимсан ва мен сенинг ошифингман. Бу тун ҳусну жамолинг бирла уйимни равшан этмоғингга энди ҳеч нима монелик қиломагай!

Малика зўрма-зўраки жилмайди ва хаёлидан шундай фикр кечди: «Сенинг азиз меҳмонинг бўлгунча мени қаро ер ютса бўлмасмиди?!»

Ундан кўз узмай иштиёқ билан тикилиб турган амир яна сўз қотди:

– Сенинг латиф вужудингга бу либослар асло ярашмайдур. Мен сенга араб гўзаллари киядиган энг нафис либослардан тортиқ этгайман...

\* \* \*

Бухорода жуда кўп мол-дунёга эга бўлган Саъид ибн Усмон Самарқанд ва Сўғд сари юриш қилиб, у ерларда кўп қон тўкди. Самарқанд ҳам беҳисоб бойликларни қўлга киритиб, ўттиз минг кишини асир қилиб, яна Бухорога қайтди. У шаҳар остоналарига етганда Қабож одам юбориб, ўша, гаровга олинган саксон нафар аслзодаларни қолдириб кетишини талаб қилди. Саъид эса «Ҳали сендан хотиржам эмасман, гаровга олинганлар то Жайхундан кечиб ўтгунимча мен билан бўлгайлар», деган мазмунда жавоб қилди. Араб лашкари Жайхундан кечиб ўтгандан сўнг малика яна одам юборганди, Саъид «Марвга етгунимча қўятур», деди. Марвдан ўтгач эса «Энди Нишопурга этиб олай», деди ва шундай баҳоналар билан гаровга олинганларни Мадинага олиб кетди. Мадинага етгач, фуломларига буюриб, гаровдагилар эгнидаги кимхоб кийимларни, қилич ва камарларни ечтириди, тилла ва кумушларнинг ҳаммасини тортиб олди. Бояқишиларга дағал шолчадан кийимлар бериб, ўзларини экин-тикин ишларига банд қилиб қўйди.

Бухоро аслзодалари бундай сурбетлик, юзсизликдан бениҳоя фазабландилар ва ғалаён қилиб, Саъид ибн Усмонни бурда-бурда этиб ташладилар, ўзлари ҳам ор-номус йўлида ҳалок бўлдилар. Улар қул бўлиб, хорлик-зорликда умр-басар қилгандан кўра, ўлимни афзал билдилар. Бу воқеа Язид ибн Муовия халифалиги вақтида юз берган эди.

***Муслим ибн Зиёд Бухоро орзусида.  
Бидун Бухорхудотнинг ўлдирилиши.  
Энг одил ҳукмдор***

Саъид ибн Усмон ибн Аффон бухоролик гаровга олинганлар томонидан ўлдирилгач, Муслим ибн Зиёд ибн Абийҳ Хурросон амири этиб тайинланди. У Хурросонга келиб катта лашкар тузди. Ажабланарлиси шундаки, ким Хурросон амири бўлса, у албатта Бухорога юриш қилишни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қарз деб би-

ларди. Муслим ибн Зиёд ҳам тушида ҳам ўнгидада Бухоро бойликларини кўрар, тезроқ бу шаҳарни фатҳ этиш иштиёқи билан ёнарди.

Унинг лашкари Шири шутур саҳросида пайдо бўлганда малика Қабож бундан хабар топди. Айғоқчиларнинг хабар беришича, бу лашкар аввалгиларидан ҳам бир неча ҳисса зиёд, андозаси ҳам янгича эди. Маглубиятлар юрагини олиб қўйган малика Бухоро учун яна қора кунлар келганини сезиб, Сўғд подшоҳи Тархунга шундай мазмунда нома юборди: «Бухоро сенинг мулкинг, мен эса хотининг бўлай, сен келиб бу мамлакатдан лаънати араблар қўлини йироқлаштиришинг керак. Бутун умидим сендан. Кўзларим ниғорон бўлиб кутгайман. Тезроқ бўл, лаънатилар қўлида қўғирчоқ бўлгайман. Бусиз ҳам улар бизни неча йиллардан буён талаб, хўрлаб келдилар. Бухоронинг жуда кўп бойлиги, хирожи араблар қўлига ўтаётир.

Тархун, халоскорим, қўшининг бирлан тезроқ йўлга чиқ. Биз бирлашсак, босқинчилар маҳв этилгусидур. Мен бунга ишонаман, кел, халоскорим!..»

Муслим ибн Зиёд лашкари Шири шутур саҳроси бепоён кенгликларини тўлдириб, қуюндай бўлиб, йўлида дуч келган барча шаҳар-қишлоқни талаб, Бухорога тобора яқинлашиб келарди. Сўғд лашкаридан эса ҳамон дарак йўқ эди.

«Эй Тархун, улуф, подшоҳ! Бухородай юрт маликаси ўзини, ўзлигини ва бутун мулкини, шаҳрини сенга қўшқўллаб инъом этишга тайёр турганда сен келмасанг, етиб келоммасанг, мен бечора яна кимнинг оёғига бош урай? Кимдан нажот кутай? Ўзи мен бош урмаган оёқ қолдими? Ёзумим не эрур менинг, ёзуумим?!» йўларди Қабож афсус-надомат, юрагида чексиз заман билан. Неча йилдирки, Бидундан дарак йўқ, малика юрт тинчлиги, осойишталиги дея барча жабру ситамларга, хўрликларга кўксини қалқон қилаётir. У ҳар қанча хўрланмасин, шу кунгача шаҳар остоналаригача етиб келган бирор босқинчи қалъа ичкарисига киролгани йўқ. Фақат ана шугина маликанинг зимистон кўнглига чироқ ёқади, энг оғир пайтларда таскин, тасалли

беради, қандайдир ботиний бир куч ато қиласи. Баъзан унинг ўзи ҳам шунча талотум, босқину балолардан қандай омон қолаётгани, уларни қандай енгиг чиқаётганига ҳайрон бўларди. Ҳа, лашкари мағлуб бўлса-да, у болиб чиқарди, шаҳарни сақлаб қолишни у ўзи учун фалаба манзили ҳисобларди ва бу болиблик қандай йўл билан қўлга киритилиши уни қизиқтирмасди. Фақат она шаҳри омон қолса бас! Улуғ мақсад – шу! У обру́сизланса-да, хўрланса-да, буюк Бухоро обру́си бутун бўлса бўлгани!

Араб лашкари яна шаҳар остоналарига яқинлашди, малика Қабожнинг қора кунлари бошланди. У босқинчиларнинг асосий мақсади нима эканини яхши билганидан, Муслим ибн Зиёдга мол-дунё таклиф этиб, бу сафар ҳам сулҳ тузишга эришди. Лекин бирдан тақдир шамоли бошқа томондан эсиб, Сўғд подшоҳи Тархун бир юз йигирма минг кишилик қўшин билан Бухоро ҳимоясига келди. Кўп ўтмай, Бидун Бухорхудот ҳам Туркистондан кўп лашкар билан келди ва Харқонруднинг нариги соҳилига тушиб, ўзига қароргоҳ қилди. Малика босқинчилар билан тузган сулҳини бузди.

Араблар шаҳар ҳимоячилари бу қадар кўпайиб кетганидан бениҳоя ташвишга тушиб қолдилар. Амир Муслим лашкарбошиларидан бири Муҳаллабни ҳузурига чақириб, Бидун лашкарининг қандай андозада эканлигини билиб келишни ва айғоқчилик шартлари нимани талаб қиласа, шуни бажо этишни буюрди. Муҳаллаб «Ҳеч бир киши бу ишга лашкарбошини ҳам юборадими», дея аввалига кўнмади. Лекин Муслим ўз сўзида қаттиқ туриб олгач, боришга рози бўлди ва шундай шарт қўйди: «Майли, мен бораман, фақат, лашкарнинг ҳар бир тўдасидан бир кишини мен билан қўшиб юбор ва кетганимни ҳеч кимга билдирма». Муслим унинг айтганини бажарди.

Муҳаллаб тун қоронфисида жўнаб кетди ва Бидун лашкарига сездирмай, керакли маълумотларни билиб олди. Сўнг Харқонруд соҳилида пистирмада турди.

Муслим ибн Зиёд эрталабки намозини ўқиб бўлгач, ўз одамларига Муҳаллабни айғоқчиликка юборганини

айтди. Бу хабар тезда лашкар орасига тарқалди. Ўлжа, мол-дунё дея неча-неча дашту саҳроларни босиб келгән араблар галаёнга келдилар «Амир ўлжа олиш учун Мұхаллабни биздан олдинроқ юборибди!» дея айюҳаннос солдилар ва улардан түккіз іоз нафари тез отларига миниб, Харқонруд соҳилига борди. Дарё соҳилида пистирмада турған Мұхаллаб уларни күргач, капалаги учиб кетди. «Азбаройи худо! Бу нима гумроҳлик, мен пистирмада турғандым, сизлар ўзларингизни ҳам, мени ҳам фош этдингиз! Энди коғирлар бизни қириб ташлайди!» деди у.

Араблар шошилинч саф тортган эдилар, Бидун лашкари айғоқчилари уларни қўриб қолди. Мусулмонлар карнай чалиб, отларига миниб, яна сафландилар.

Туркистон лашкари уларга ҳужум қилди. Ўлжа дея асосий қисмлардан ажралиб, олдинга ташланган ўша түккіз іоз навкарнинг тинкаси қуриди ва улар тартибизиз равишда чекина бошладилар.

Бидун лашкари билан уларни қувиб етиб, тўрут юзасини ўлдириди. Қолганлари Муслим ибн Зиёд лашкаргоҳига қочиб бориб, жон сақладилар.

Эртасига тонг отгач, Бидун Харқонруддан ўтиб, Хўтан амири лашкари билан қўшилди. Араблар билан жанг бошланиб кетди.

Бухоро ҳимоячилари аввалига арабларни қуршаб, қаттиқ сиқувга олдилар. Улар саросимага тушиб қоча бошлаган эдилар, лашкарбоши Абдуллоҳ ибн Худон қаттиқ ҳайқирди:

– Ҳой, мусулмон лашкари, орқангизга қарангиз!

Мусулмонлар орқаларига қараб, ўзларига ёрдамга келаётган янги кучларни кўрдилар, руҳданиб кетиб, яна олға юрдилар. Абдуллоҳнинг таклифи билан Муслим ибн Зиёд лашкарга фармон берди: «Отлиқлар отдан тушиб, пиёда жанг қилингиз!» Шундай қилинди ва арабларнинг қўли баланд кела бошлади. Бу орада мусулмонларнинг қаттиқ қуршовига тушиб қолган Бидун ўлдирилди. Саркарда ҳалокатини кўрган шаҳар ҳимоячилари сафлари пароканда бўлиб, қоча бошладилар. Рақиблар уларни қувиб бориб ўлдиравердилар ва бу-

тунлай ғалабага эришиб, катта ўлжаларни қўлга киритдилар. Ўлжалар ўша куниёқ тақсим қилинган эди, ҳар бир отлиқга икки минг тўрт юз дирҳам тегди.

Бечора Қабож яна кўзларидан ёшлар тўқди, яна Муслимга одам юбориб, беҳисоб бойлик эвазига сулҳ тузишга эришди. Ўша вақтларда Бухоро ва унинг атрофидаги унумдор ерлар хирожи бир миллион икки юз минг дирҳам бўлганидан малика ана шундай оғир тўловларни тўлашга қодир эди.

Сулҳ тузилгач, малика Муслим ибн Зиёддан илтинос қилди: «Сендан сўрайманки, менга Абдуллоҳ Ҳозим аталмиш лашкарбошингни бир кўрсатсанг. Аввалла-ри унинг суратини бир маротаба кўриб, беҳуш бўлиб эдим. Менимча, у одам жинсидан бўлмаса керак...»

Муслим Абдуллоҳни ўзи турган саропардага чорлади. Қабож кўк рангдаги ипак кийим кийиб, қизил салла ўраган Абдуллоҳ Ҳозимни кўриб, яна ҳайратга тушди ва унга совфа-саломлар берди.

Муслим ибн Зиёд жуда кўп ўлжалар билан Хурросонга қайтди. Сўғд подшоҳи Тархун ҳам малика олдида мулзам бўлиб, қолган-қутган лашкари билан юртига қайтиб кетди.

Қабож эри Бидун Бухорхудот жасади устида кўз ёш тўкар экан, шундай деди:

– Сен кўз очиб кўрганим, ёлғиз дилбандим отаси эдинг, афсус, умринг қисқа экан. Тўкилган қонинг Бухоро олдидағи гуноҳдарингни ювишини жуда-жуда истайман... Алвидо, мен энди юртимда адолат ўрнатиши ни тўлигича ўз бўйнимга олгайман!

\* \* \*

680 йилда Бидун Бухорхудот Муслим ибн Зиёд томонидан ўлдирилгач, малика Бухоро тахтининг қонуний эгаси бўлди ва 695 йилгacha ақд-заковат, адолат билан подшоҳлик қилди. Унинг юртни идора қилиш услуби тарбия мактаби вазифасини бажаарди. Бу даврда ҳалқдан жабру зулм билан солиқлар ундиришшга йўл қўйилмаган. Малика кўпчилик подшоҳлар сингари базми жамшиidlар уюштирmas, табиатни форат қи-

лувчи шикоргага хуши йўқ эди. У халқقا зулм қилувчи амалдорларга Бухорода бир вақтлар ҳукмдор бўлган Абрўйнинг аянчли қисмати ҳақидаги ҳикоятни тез-тез такрорлаб туради. Бу ҳикоятнинг мазмуни шундай эди:

«Бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жони-ворлар кўп бўлганидан, кишиларга хуш келиб, шу ерга жойлашдилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, вақт ўтиши билан одамлар йиғилишиб, иморатлар курдилар. Халқ кўпайгач, бир кишини сайлаб амир қилдилар. Унинг номи Абрўй эди. Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин, Нур, Харқонруд, Вардона, Таровча, Сафна, Исконалар пайдо бўлган эд. Амир Абрўй турадиган катта қишлоқ Пойкент эди. «Қалъайи Дабусий»ни шаҳар деб атардилар. Бир қанча вақт ўтгач, Абрўй ҳукмдорликда улгайиб, вилоят аҳлига қаттиқ зулм қила бошлади. Халқ чидай олмай, дехқонлар ва бойлар Туркистон, Тароз томонларга қочиб кетдилар.

Бухорода қолганлар ўзларининг қочиб кетган саркардаларига одам юбориб, Абрўй зулмидан озод қилишини сўрадилар. Шунда дехқонлар ва саркардалар Туркистон подшоҳи Қоражурин турк олдига бордилар. Арз-додларини эшлишини илтимос қилдилар. Қоражурин улуғлиги сабабли «Биёғу» лақабини олганди.

Биёғу уларнинг арзига қулоқ солиб, ўғли Шери Кишвар билан кўп лашкар юборди. Шери Кишвар Пойкентда Абрўйни тутиб, банди қилди. Унинг фармони билан катта бир қопни қовоқ арига тўлдириб, шу қопга Абрўйни солдилар. Абрўй шу қоп ичидан ўлди.

Шери Кишварга бу вилоят ёқиб қолиб, отасига хат юборди ва ундан Бухорода туриш учун рухсат беришини илтимос қилди. Отаси рози бўлгач, Шери Кишвар Бухоро шаҳристонини қурди ҳамда Мамостин, Сақматин, Самтин ва Фароб қишлоқларини бино қилди. У йигирма йил подшоҳ бўлиб турди.

...Шери Кишвар одам юбориб, қочиб кетганларни юртларига қайтарди.

– Ана, кўрдингизми, халқقا жабр-ситам қилган Абрўйнинг ҳоли не кечди-ю, эл дардига малҳам бўлган

Шери Кишвар қанчалар обрўга эга бўлди, – дерди Қабож. Маликанинг ўзи ҳам донолик билан ҳукмронлик қилас ва халқ унга итоатда эди.

У ҳар куни эрталаб отга миниб Бухоро ҳисори дарвозасидан чиқар, Регистон дарвозаси ёнига келиб, таҳтга ўтирас, унинг олдида фуломлар, хожасаролар, улуғ кишилар турадилар. Малика халққа яқинроқ бўлиш, унинг барча талаб-истакларини билиш учун, ҳисоб ичидаги таҳтга ўтирамай, пастга тушарди.

Қишлоқ аҳолиси учун шундай қоида ўрнатилган эди: ҳар куни деҳқонлар ва маликзодалардан икки юз нафар йигит заррин камар боғлаб, қиличларини осиб, хизматга ҳозир бўлиб, узоқроқда туришар, Қабож Регистон дарвозаси ёнидаги таҳтга келиб ўтиргач, уни олқишлаб, икки сафга тизилардилар. Хотин эса подшоҳдик ишлари билан машғул бўлар, яхшилик, эзгу ишларга даъват этар, ёмонлиқдан қайтарарди. Эл-юрт учун яхши хизмат қилгандарга сарупо кийдириб, қабиқ ишлар билан машғул бўлганларни шафқатсизларча жазоларди.

Шу тахлит тушгача ўтириб, сўнг қайтиб ҳисорга кипар, дастурхонлар чиқартириб барча хизматкорларига таом берарди.

Кечга яқин ҳам подшоҳ шу йўсинда ташқари чиқиб таҳтга ўтирас, ҳалиги деҳқон ва маликзодалар яна икки сафга тизилиб, унинг хизматига шай турадилар. Қуёш ботгач, подшоҳ таҳтдан туриб отга минар, қасрига йўл олар, йигитлар эса ўз қишлоқларига қайтардилар.

Эртасига бошқа қишлоқ жамоаси келиб, подшоҳ хизматида бўлар, шу тахлит ҳар бир жамоага йилда тўрт маротаба навбат етарди.

Тирамоҳ қуёши Дарвозаи Фуриён ортидан соч ёзаётган гўзалдек жамол кўрсатди. Ҳаво илиқ, самода киши руҳини аллаловчи ҳазин оҳанглар янграр, сунбула саболари қанотида фарқ пишган қовуналар ҳиди димокқа урилар, Бухоро бозорлари ғала-ғовури узоқ-узоқларга эшитилиб туради.

Подшоҳ Қабож барвақт уйғонди бугун халойиқ наздида кўрилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида хаёл сурин ўтирас экан, ўғли Тағшода саломга кириб, она-

сига таъзим қилди. Ўн ёшга кириб, бўйи анча чўзилиб қолган бола юз тузилиши, қош-кўзлари билан онасига ўхшаб кетар, самбитдек қомати, кенг елкалари отасига тортганди. У енгил зарбоф тўн кийиб, белига зар камар тақиб, қилич осган, баланд пошна этикча кийганди.

Она ўғлига тикилиб меҳри жўш урди ва уни бағрига босиб юzlаридан ўпди, сўнг шундай деди:

– Устозингнинг айтишича, от миниш, қиличбозлиқ, чавгон ўйнашга уқувинг яхши эмиш. Бироқ айрим илмларга қизиқишинг суст деб айтадур. Ўғлим, сен Бухородек буюк бир мамлакат таҳт вориси – валиаҳд шаҳзодасан. Келгусида юрт сўрайтурғон одам илмга ташна бўлмоғи, кўп ўқиб, кўп ўрганмоғи лозимдур. Уқ-дингми, ўғлим?

– Уқдим, онажон, – бола яна таъзим қилиб чиқиб кетди.

Подшоҳ нонуштадан сўнг ўзининг севимли аргумоғи Куфуга миниб, мулозимлари ҳамроҳлигида Регистон дарвозаси сари юрди.

Регистон жуда гавжум, фала-ғовур эди. Оқ отда виқор билан келаётган подшоҳни кўриб ҳамма жим бўлди ва таъзимга юз тутди. Бугун Шарф қишлоғининг аслзода йигитлари хизматда эканлар, улар ҳам подшоҳни олқишлиб, икки саф бўлиб тизилдилар.

Қабож таҳтга ўтириб атрофдаги фуломлар, хожасаролар, улуғ қишиларга бирма-бир назар ташлади, сўнг ўзининг подшолик ишларини бошлади. У биринчи бўлиб Таровча (Тороб) қишлоғилик бир дехқонга сарупо кийдирib, бир ҳамён олтин дирҳам ҳадя этд. Бу дехқон ариқ қазишга бош бўлиб, янги ерларга сув чиқарган экан.

Сўнгра Ромитан қишлоғилик, боши танасидан жудо қилишга ҳукм қилинган ёш бир йигит арзини тинглади.

– Қани сўйла, эй йигит, шу навжувон ёшингда қандай қабоҷатга қўл урмишсанки, қози сени ўлимга ҳукм этибдур?

Барваста, ҳар бир елкасида бир одам ўтиrsa бўладиган, қорақош, хушсурат йигит подшоҳнинг кўзларига тик боқди. У гуноҳ иш қилган одамга сира ўхшамасди. Йигит бурро-бурро сўзлай бошлади:

– Мен Кийик исмали бир қызни севардим. У ҳам мени яхши күрарди. Аҳди-паймон қилган эдик. Лекин қишлоғимиз оқсоқоли уйида ўнлаб хотинлари бўлса-да, Кийикни мендан тортиб олиб, номусига тегди. Мен чолнинг киндингига пичоқ уриб ўлдирдим. Бўлган гап шу.

Подшоҳ бир зум ўйга толди. «Ҳа, лаънати чол, ўнлаб хотин устига бир йигит севгилисига тиккан кўзларинг ўйилсин. Ана, оқибатда тўнғиз қавмида кетибсан...» Ҳаётда кўп зўравонликлар, ноҳақлигу номардликлар жабрини кўрган Қабож зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига тоқат қилолмас, ситамгарларни қаттиқ жазоларди. Чолни эса йигитнинг ўзи жазолабди. Албатта, унинг бундай қилишга ҳақи йўқ, қозига арз қилиши лозим эди. Ҳар ким гуноҳкорларни билганича жазолайверса, давлат давлат бўлурми, ҳукмдорнинг нуфузи қаерда қолади?» Шуларни хаёлидан ўтказган подшоҳ йигитга юзланди:

– Ҳақиқат сен томонда, йигит. Лекин оқсоқолни ўлдириб хато қилгансан. Арз қилсанг, нобакорнинг жазосини ўзимиз берардик.

Қабож йигитга чиқарилган ўлим ҳукмини бекор қилиб, дарра билан савалашга амр этди. Йигит подшоҳга тиз чўкиб таъзим этди, кўзларида ёш йилтиради.

Навбатдаги иш жуда нозик эди, подшоҳни кўп ўйлашга мажбур қилди. Искаjjатлик туппа-тузук маликзода оташкадага кириб уни булгабди, вайрон қилмоқчи бўлибди. Қози уни сазойи қилишга ҳукм этибди. Бу шаккоклик эди ва маликзоданинг қилмишига юзаки қараб бўлмасди. Агар одамлар юрагидаги ишонч, эътиқодга дарз кетган бўлса, уни жазолаш, ҳатто маҳв этиш билан тиклаб бўлмайди. Бу қабоҳатнинг илдизини чуқурроқдан – инсон руҳиятининг қат-қатидан излашга тўғри келади.

Подшоҳ маликзоданинг кўзларга тикилди. Кўзлари қандайдир ҳиссиз, совуқ эди ва улардан бирор ифода уқиши мумкин эмасди.

«Ҳа, – ўйлади подшоҳ, – кўз кўнгил ойнаси, деб бекор айтмайдурлар. Кўзлари аллақандай фар кўзлар... Ҳамма бало инсон юрагида ишонч, эзгулик емирилиши-

дан бошланади. Наҳот Ахурамаздага, ёруғлик оламига, муқаддас Қүёшга шак келтирсалар? Наҳот бу мумкин? Ахир ёруғлик оламига шак келтириш – араблар истилосидан юз карра, минг карра даҳшатлироқ-ку! Юраларни ишончсизлик, қабоҳат, қоронфилик истило этса – бу бизнинг ҳалокатимиз-ку! Араблардан кетма-кет мағлубиятимиз сабаблари шу шаккоклиқда эмасмикин?..»

Подшоҳ ҳамон йигитнинг кўзларидан кўзларини узолмас, қозининг ҳукмини тасдиқлашни ҳам, тасдиқламасликни ҳам билмай ҳайрон эди. Қозининг ҳамма ҳукмлари бекор қилинаверса, унинг қозилиги қолурми?

Тасдиқлайин деса, шаккоклиken жазо билан йўқотиб бўлмайди. Чунки жазо унинг юраги тубидаги шаккоклик илдизига бориб етмайди. Сазойи билан ўлган ишончни, нажмурда эътиқодни тиклаб бўлса эди кошки. Ҳукмни тасдиқламай деса, бу эътиқодсизлик моховдек гап, бутун танага тарқаб, ҳалок этиши мумкин. Ҳозир йигит билан баҳслашиб, уни ишонтириш ҳам қийин, ҳурматсизлик қилиб, подшоҳ обрўсини тўкиши мумкин. Қабож бир қарорга келиб мулизимларига буюрди:

– Маросимдан сўнг бу йигитни ҳузуримга олиб кирингиз, у билан яккама-якка суҳбат қилиб, сўнг фикримни айтгайман.

Тушдан сўнг унинг ҳузурига ўша маликзодани олиб келдилар. Подшоҳ унинг кўлидаги кишанларни ечишни, сўнгра ўзларини холи қолдиришни буюрди.

– Искажкатлик эканингни, насл-насабингни билиб олдим. Қани айт-чи, отинг нима, йигит? – сўради подшоҳ.

– Отим Сайёр, – деди йигит пинагини бузмай.

– Яхши отинг бор экан. Хўш, энди яккама-яккамиз, айт-чи, нега оташкадани булғадинг, шаккоклик қилдинг? Бу шунчаки аҳмоқликми ёинки эътиқодингдан қайтдингми?

– Мен оташкадани булғамадим, фақат ўтни ўчирмоқчи бўлдим.

– Нега ўтни ўчирмоқчи бўлдинг, ахир олов биз учун муқаддас, унга топинадурмиз-ку!

– Олов менда қандайдир ваҳима уйғотадур, ўзимни тутолмай қоламан.

«Тушунарли. Оловдан ваҳимага тушар экан, ҳали юрагидаги эътиқоди бутунлай ўчмаган», хаёлидан ўтказди подшоҳ ва йигитга шундай деди:

– Олов муқаддас бўлгани учун ҳам сен ваҳимага тушасан-да. Олов бўлмаганида биз одам бўлиб умр басар қилолмасдик. Хўп майли, оловдан-ку ваҳмланар экансан, лекин худоларимизга нега шак келтирдинг?

– Сенга бутунлай тескари тушунтиришибди. Мен шак келтирмадим, фақат Аҳрамазда билан Аҳраманнинг тинимсиз ўзаро кураши жонимга тегди, дедим. Ахир, Аҳраман қоронфилик олами худоси бўлса, унда нима айб? Нега уларни биз доим қарши қўямиз? Нима, қоронфилик олами бизга керак эмасми? Қоронфилик ҳам табиатнинг бир ҳолати, ҳодисаси-ку! Кун бўлгач, тун ҳам бўлиши табиий-ку, подшоҳим!

Подшоҳ сукут қилди. «Мен унинг кўзлари фар кўзлар, ўзи эса руҳий хаста деб ўйлаб эдим. Йўқ, у кўп гапни билади шекилли...»

– Кун ва тун табиат ҳодисаси, тўғри, лекин ёруғлик ва қоронфилик олами ўртасидаги кураш фақат табиатда эмас, балки инсон юрагида ҳам кечади. Мана, ҳозир сенинг юрагингда қоронфилик ҳукмронми деб гумон этмоқдаман, – деди Қабож.

– Йўқ, адашасан, подшоҳим, юрагимда зулумот ҳукмрон эмас, балки ёруғлик сезадурман.Faқат айтмоқчиманки, ўз мулозимларимиз деб икки худони овора қилмайлик.

«О, о, гап бу ёқда экан-ку! – ўйлади подшоҳ, – о, қабоҳат, разолат, ахир бу мусулмонлар ақидасига нозик ишора-ку! Бу телбанинг бошини танасидан жудо қилмоқ даркор!» – таҳтда илон чаққандек тўлганиб қўйди Қабож. Йигитнинг хотиржамлик билан айтган гаплари унга яшин теккандай таъсир этганди. Лекин у ўзини қўлга олиб, фикр юрита бошлиди. «Хўш, уни ўлдирдим ҳам дейлик, лекин у ёлғиз эмасдир. Эътиқодсизлиги учун ҳаммани маҳв этолмайман-ку! Фуқаро нима дейди?! Йўқ, бу йигитни ишонтироқ лозимдур! Ҳа! Ишонтироқ! Лекин қандай қилиб? Ахир пайғамбаримиз Зардушт ўз юртида қадр топмагач, Виштасп (Дрангия-

на, Сейистон ҳукмдори) саройига келиб, подшоҳни, аъёнлар ва бутун ҳалқни ўз таълимотига ишонтира олган-ку! Мен биргина йигитни ишонтиrolмайманми? Мен ишонтиrolмасам, ким ишонтиради?»

Подшоҳ яна йигитга тикилди. У ҳамон хотиржам, тик боқиб туради. «Нигоҳлари қатъий, демак, ўзи ҳақлигига ишонади. Унча-мунчада сўзидан қайтмаса керак. Уни ишонтиришнинг бирдан-бир йўли ҳозир у ўйлаб олиши, ҳатосини англаши учун имкон, вақт бермоқдур. Мен унга вақт бераман, ўйлаб кўрсин. Жазолаш эса қочиб кетмас. Бир жонлини жонсиз этмоқдик учун катта ақл-заковат талаб қилинмайдур. Ўзи ўйлаб, ҳатосини англаса, нур устига нур бўлғусидир».

– Эй, Сайёр, – деди подшоҳ ниҳоят фикрларини бир ерга жамлаб, – баҳсимиз бошланди, лекин яқун топмади, мен уни очиқ қолдирман. Мен инсоннинг инсонга қиладиган ҳар қандай зўравонлигига қаршиман, шу боис сенга ўз фикримни зўрлаб ўтказиши лозим топмайман. Ҳозир сени озод этаман, қишлоғингга бор, ўз билганингча яша, қачонки менинг сўзларим мағзини чақолсанг, ҳузуримга келиб эътироф этарсан. Негадир сенга ишонгим, тузалишингга умид боғлагим келди. Бор, озодсан, йигит!

Йигит ҳеч сўз демай подшоҳга таъзим этиб эшик томон йўналди. Қабож мулоғимларини чақириб йигитни қасрдан ташқарига кузатиб қўйишни буюрди.

У йигитни озод қилди-ю, ичини ҳамон ит тирнарди. «Энди кўзим очиляпти чамаси. Мана, ҳозир озод қилганим, забардаст йигит. Мен билан туну кун баҳслашгиси бор. Лекин у Ватанини ёғийдан асраб қолиш учун бирор иш қилгани йўқ. Агар унинг юрагида заррача эътиқод бўлганида, шаҳар остоналарида ҳалок бўлиши ўзи учун шараф ҳисоблар эди. Дарвоҷе, унинг ўз эътиқоди, фалсафаси бор. Лекин бу гумроҳ юрагига Ватанга эътиқодни, муҳаббатни қандай куч билан солиш мумкин? Буни мен билмайдурман. Лекин билишим шарт! Акс ҳолда, юрт бошқаришга ҳақим йўқ!..»

Подшоҳ шундай хаёллар оғушида экан, бирдан ёдига улуғ Коҳин тушди. Уни чақириб келишга амр этди.

Улуф Коҳин хонага кириб келгач, подшоҳ унга шундай деди:

– Халқ сенга худди оловга сажда қилгандек топинадур. Қани, айт-чи, шу кунги маросимдан мен саройга олиб келган исказжатлик шаккок йигит қилмиши юрагингта фулгула солмадими? Сен бу тун хотиржам ухлай оласанми?

Улуф Коҳин – узун бўйли, елкалари бир оз букчайган, қоқчакак чол жуда хотиржам эди, Қабожнинг саволига бамайлихотир жавоб қайтарди:

– Кошки эди, ёлғиз мен ухламаганим бу қабоҳатга бас келса, ойлаб кўз юммасликка рози эдим. Сен ул шаккокни афв этиб хатога йўл қўймишсан, подшоҳим!

– Сенингча, уни сазойи қилдирсан тўғри бўлурми эди?

– Мен бироннинг қонига ташна эмасдурман. Лекин бу қабоҳатта қарши курашнинг бошқа чорасини билмасман.

– Майли, қабоҳатга ўлимни қарши қўядурмиз, розиман. Лекин муҳаббат-чи, ёруғлик оламига, Ватанга бўлган муҳаббатни бу шаккоклар, гумроҳлар юрагига қандай солгаймиз? Шуни менга айта оласанми?

– О, о, подшоҳим, нақадар оғир савол берасан, юрагимни тирнайсан! Ахир бу муҳаббат инсон вужудига она сути билан киргусидир.

– Улуф Коҳин, мен онаман, гапларингни жуда яхши тушунаман. Лекин ёлғиз она сути билан киргусидир дея қўл қовуштириб тураверсак, ҳамма ёқни эътиқодсиз кимсалар босиб кетмайдурми?

Улуф Коҳин жим бўлиб қолди. У Қабожнинг тийрак, синчков қўзларига боқиб, қандай жавоб қилишни ўйларди. Ниҳоят у тилга кирди:

– Бир шаккокнинг қилмишидан бунчалар изтиробга тушма, шоҳим. Агар фуқаро қалбида эътиқод бўлмаганида, шаҳримизни омон сақлаб қололмас эди. Исказжатлик йигит хусусида эса, унга сазойи ҳукмини чиқаришга қозига ўзим фатво берган эдим. Фуқаро орасида бундайлар онда-сонда учраб туради. Уни афв этган экансан, начора, подшоҳ амри – вожиб.

– Эй, улуф Коҳин, гап менинг амрим вожиблигида эмас! Гап эътиқод хусусида кетаётир-ку! Наҳот тушунмайсан?

– Тушунадурман, эътиқодсизлик касали ёйилиб, динимизга путур етказишидан ташвиш чекасан. Бунчалар ташвиш чекма, шоҳим. Ёрглиқ, нур оламидан ваҳий келди деб ўзини пайғамбар эълон қилган Моний таълимотини эсла. У ёрглиқ олами ва зулумот ўртасидаги абадий қурашни, руҳ ва жисм мутаносиблиги ҳақидағи таълимотни ўзича талқин этди, ўз динини яратди. Лекин тарих уни қабул этмади. Чунки бу зарарли таълимот эди. Оқибати ўзингга маълум: Моний ҳам, унинг таълимоти ҳам маҳв этилди, ҳалок бўлди. Искажкатлик йигит сингари айрим шаккоклар ҳам шу қисматга маҳкумдурлар.

– О, Улуф Коҳин, кошки айтганинг келса, лекин бунинг акси бўлмасайди деб қўрқаман...

– Хотиржам бўл, шоҳим, ҳаммаси айнан мен айтгандай бўлгусидир!

Қабож ва Улуф Коҳин ўртасидаги суҳбат – мунозара шу тахлит секин-аста якунланди. Подшоҳнинг кўнгли бир оз таскин топгандек бўлди.

Қабож кечки овқатдан сўнг ўғли Тағшода шабистонига борди, уни бағрига босиб эркалади. Она-бала анча чақчақлашдилар. Сўнгра Тағшода илтимос қилди.

– Онажон, менга бирорта янги эртак айтиб бер. Эртак-чим фақат ўзим биладиганларни айтади. Жуда зериқдим.

– Хўп, қўзичогим, – деди Қабож, – мен сенга «Зариадр ва Одатида»<sup>5</sup>ни айтиб бераман.

Подшоҳ ўғлининг шодон чақнаб турган кўзларига меҳр билан тикилганча ҳикоя қила бошлиди.

«Қадим замонларда, Хазар дengизидан Танаис (Сирдарё) дарёсининг чап соҳилигача бўлган ерларда Зариадр деган ақл-заковатда ягона, чиройли, барваста йигит подшоҳлик қилас экан. Танаиснинг ўнг соҳилидан бошланадиган шаклар диёрида эса Омарг исмли подшоҳ ҳукмронлик қиларкан. Омаргининг Одатида деган фоят гўзал ва барно қизи бор экан.

Кунларнинг бирида навкар ва мулоzимлари билан шикоргча чиққан подшоҳ Зариадр соҳилдаги шоҳона саропардасида ухлаб ётиб туш кўрибди.

<sup>5</sup> «Зариадр ва Одатида» – милоддан олдинги даврга оид эпик асар.

...Сўлим боф қўйнида фоят зебо бир қиз ширавли овоз билан қўшиқ айтар, сон-саноқсиз канизаклар унинг атрофида парвона эканлар. Зариадр қизга гул отиб унинг эътиборини ўзига қаратибди, сўнг савол берибди: «Кимсан, эй гўзал қиз, бундай ажойиб қўшиқ айтишни кимдан ўргандинг? Сен севги ҳақида шундай куйла-япсанки, менинг йифлагим келяпти. Айт, гўзал, кимсан?» Қиз садафдек тишларини кўрсатиб табассум қилибди-да, жавоб қайтарибди: «Наҳот мени танимасанг, барно йигит? Мен сенинг қўшнинг, шаклар диёри подшоҳи Омаргнинг суюкли ва якка-ёлғиз қизи Одатида бўламан...»

«Эй гўзал, мен сенга бир кўришда ошигу бекарор бўлдим, менга хотин бўлишга розимисан?» сўрабди Зариадр. Қиз яна табассум қилибди. «Розиман. Фақат бир шартим бор. Мана бу икки отни кўряпсанми? Ана у оқ отни мен миниб қочаман. Сен мана бу қизил отни миниб қувасан. Етиб олсанг сенини бўламан, етолмасанг ўзингдан кўр...» Қиз шу гапни айтиб, оқ отга миниб, елдек учиб кетибди. Зариадр қизил отга қамчи босиб уни қува бошлабди. Энди оқ от минган Одатидага етай-етай деганда уйгониб кетибди. Ҳузурига муナжжим ва таъбирчини чақириб, тушини айтиб берибди.

Мунахжим ва таъбирчи бир-бирларига қараб олиб, шундай жавоб қилишибди:

– Шоҳим, сен улуф бахтга мұяссар бўлиш арафасидадурсан. Фақат бу бахтга эришмоқ учун курашишга тўғри келади.

Зариадр ҳақиқатан ҳам тушида кўрган гўзал Одатидага ошиқ бўлиб қолган экан, шаклар диёрига совчи юборишга қарор қилибди.

Тақдир тақозосини қарангки, Зариадр қизни тушида кўрган худди ўша тунда гўзал боф қўйнидаги ҳашаматли кўшкда ухлаб ётган Одатида ҳам қўшни юрт подшоси бўлмиш гўзал йигитни тушида кўрибди, унга фойибона кўнгил қўйибди. Тушини бировга айтишдан уялиб, энагасига кўнгил очган экан, зукко кампир шундай дебди:

– Муборак бўлгай, қизим, тез орада баҳтинг очиалғусидур. Сенга улуг бир мамлакат ҳукмдори кўнгил қўймиш...

– Оҳ, энага, ундан дема, юрагим ёрилиб кетади.

Хуллас, икки ёш шу тариқа гойибона ошиқ-маъшуқ бўлишибди.

Илк баҳор кунларининг бирида Зариадрнинг совчилари қимматбаҳо совфа-саломлар билан Омарг саройига келибдилар, подшоҳ истагини унга билдирибдилар. Лекин Омарг совчиларнинг совфа-саломларини қабул қилмай, уларни қуруқ қайтарибди.

– Якка-ёлғиз қизимни бегона юртга бермайман. Унга қайлиқ бўлишга муносиб йигит ўз мамлакатимда ҳам топилади, – дебди подшоҳ.

Отасининг бу қарорини эшитиб Одатида зор йифлабди. Совчилар орқали ўзининг гойибона севгилисига мактуб юбориб, унга маҳбуба бўлишга розилигини билдирибди.

Бу орада Омарг Одатидага муносиб қайлиқ топиш мақсадида шоҳона зиёфат уюштиражагини, қизи меҳмонлардан бирини танлаб, унга олтин қадаҳда май узатиши лозимлигини, қиз қўлидан май олиб ичган меҳмон шоҳга куёв бўлажагини билдирибди.

Одатида жуда қайгули аҳволда қолибди. Отаси таклифини рад этиб, Танаиснинг нариги соҳилига, севгилиси Зариадрга одам юбориб, вазиятни билдирибди.

Омарг эса қизи рад этишига қарамай, қўшқда бир неча минг кишилик базми жамшид уюштириб, меҳмонларга шартини айтибди. Жуда кўп боёнлар, аслзодалар подшоҳга куёв бўлиш истаги билан ёниб, Одатида атрофида парвона бўлишар, қиз қўлидаги май тўла олтин қадаҳга термилишар экан.

Қиз эса ҳеч кимга қиё боқмас, унинг изтиробга тўла шаҳдо кўзлари эшикда кириб келаётган ҳар бир янги меҳмонни назардан қочирмасди.

Ниҳоят эшикда қадди расо, қош-кўзлари қоп-қора, соchlари ўзига ярашган гўзал йигит пайдо бўлибди. У скиф кийимида экан. Одатида ўз севгилисини фақат тушида кўрган бўлса-да, бу Зариадр эканини дарҳол

сезибди. Товусдек хиром айлаб, йигит истиқболига юрибди, таъзим бажо этиб, унга олтин қадаҳдаги майни тутиб лутф қилибди:

– Эй, меҳмон йигит, бу олтин қадаҳдаги майни сипқоргайсан. Ҳа, сипқор, ҳеч иккиланма! Бу қадаҳ сенга баҳт келтиргусидир!

– Қуллуқ, гўзал Одатидам! Сенинг муҳаббат тўла майингни сипқориши мен учун чиндан ҳам баҳт! – дебди Зариадр ва майни нўш этибди.

Омарг скиф кийимидағи йигит қўшни мамлакат подшоҳи эканини билгач, сўзидан қайтибди. Лекин Зариадр Одатидани яширинча олиб қочиб, ўз юртида катта тўй-томуша қилиб, мурод-мақсадига етишибди...»

Қабож эртакни тутатар экан, чуқур «уф» тортди. У ҳали ёш, гўзал аёл ва қалби муҳаббатга ташна эди. «Шунча йиллар ҳаётнинг бу чиркин, ҳақоратли синовлари аро бир тоза кўнгил, бокира муҳаббатга ошно бўлармиканман, дея умид қиладим. Лек афсус, бундайин соф туйғу менга насиб этмади. Халқча хизмат қилиш ишқи, Ватан муҳаббатига тўла бу озурда юрагими ни ҳеч кимса тушунмади. Билъакс, менинг соф туйғуларимни муттасил топтадилар, ҳақоратладилар. Нуқул шаҳват бандалари қурбони бўлдим».

Қабож секин ўрнидан кўзғолиб, ўғлининг пешонасидан ўпди, унга хайрли тун тилаб, шабистонни тарқ этди.

\* \* \*

Бухоронинг беназир подшоси Қабож адолат, инсоғ-диёнат билан ҳукмронлик қилиб, 695 йилда эллик ёшга ҳам етмай вафот этди. Бу вақтга келиб шаҳзода Тағшода таҳтни эгаллайдиган ёшга етиб қолганди. Бироқ мамлакатда ҳам, унинг ташқарисида ҳам Бухоро таҳтига кўз олайтирганлар кўп эди. Шуларнинг бири туркестонлик вазир Вардонхудот бўлиб, Вардона ерлари унга тегишли эди. Вардонхудот охир-оқибат араблар билан бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлди.

**Құтайба ибн Мұслим газаб отига минади.  
Хайёни Набатий ҳийласи. Тархун ва  
Күрмәғонун аросатда**

Араб халифалиғи Шарқий қисмлари ноиби Ҳажжож ибн Юсуф золимликда ном чиқарған, ер-мулки, мол-ду-нёсіни күпайтириш учун ҳеч нарсадан қайтмасды. У Құтайба ибн Мұслимни Хурросон амири этиб тайинлагач, үз хожаси ишончини оқлаш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қила бошлади.

Хурросон ер-мулклари унинг қаламравига ўтгач, Құтайба Жайхуннинг ўрта ва юқори қисмлари иккі соҳи-ли ерларидан иборат Тұхористон фатҳ этилишига ҳам барҳам берди.

706 йил кеч кузида Құтайба ибн Мұслим лашкари Жайхундан кечиб ўтди.

Пойкент ақолиси бундан тезда хабар топди ва ҳам-ма бир тан-бир жон бўлиб, шаҳар атрофини баланд, мустаҳкам қалъя билан ўрадилар. Бусиз ҳам Пойкент жуда мустаҳкам қалъя бўлиб, қадим-қадимдан уни жез шаҳар деб аташган.

Құтайба ибн Мұслим лашкари шаҳарни қамал қи-либ, жуда қаттиқ жанглар олиб борди. Лекин орадан эллик кун ўтса-да, араблар шаҳарни ололмадилар.

Охири араб лашкари ҳийла ишлатди. Бир гуруҳ аскар минора ва қалъя ичкариси томон девор тагидан лаҳм қазиб, отхонадан чиқдилар, сўнг деворни кавлаб, рахна очдилар. Шаҳарни тезроқ олиш иштиёқида ёна-ётган Құтайба ўз лашкарига қараб қичқирди:

– Кимки шу рахнадан ичкари кирса, унга хуни баҳо-сида мукофот бераман, агар у ўлдирилса, фарзандла-рига мукофот бераман!

Амирнинг бу ҳайқириғидан сўнг лашкар руҳланиб, қалъани эгаллади. Пойкент ақолиси омонлик сўрашга мажбур бўлди.

Құтайба фатҳ этилган шаҳарни кезар экан, бир бут-хонадан оғирлиги тўрт юз дирҳамлик биттга кумуш бут, бир қанча кумуш жомлар топган. Уларнинг ҳаммасини жамлаб тарозида тортишганда бир юз эллик минг миқ-

сол чиққан. Қутайба ҳар бири кабутар тұхумидек келадиган иккита марварид ҳам топиб олган. У ерли ақолидан «Бу қадар катта марваридни қаердан көлтирдінгиз?» деде сүрганида, «Иккита қүш оғзіда олиб келиб, мана шу бутхонага ташлаган», деб жавоб қайтарылған.

Қутайба бу бойликларнинг ҳаммасини жамлаб, ҳалиги икки марварид билан бирга Ҳажжож ібн Юсуфға юборди ва Пойкент фатх этилгани ҳақида мактуб битиб, ўша икки марварид қиссасини ҳам баён этди.

Ҳажжож Қутайбага шундай жавоб қайтарды: «Ҳалиги айтғанларинг менга маълум бўлди, икки дона марварид ва уларни қушлар олиб келганидан жуда ажабландим. Аммо шундай қимматли нарсани қўлга киритиб, уни бизга юбориб, кўрсатган саховатинг ундан ҳам ажойиброқ туюлди, худо сенга барака берсин!»

Қутайба Пойкентда судҳ тузиб, мол олгач, Варқо ібн Наср Боҳилийни уларга амир қилиб тайинлади-да, ўзи Бухоро сари йўл олди.

Хурросон амири ўз лашкари билан Хунбунга (Бухора Пойкент оралиғидаги қишлоқ) етиб келганида, унга «Пойкент ақолиси қўзғолон қилиб амирни ағдарди» деган хабар етказдилар.

Қутайба лашкарига «Пойкентни талон-тарож қилишни, уларнинг қонларини тўкиб, молларини олишни сизларга ҳалол қилдим», деде хитоб қилди ва аскарларни яна қалъя сари бошлади.

Қўзғолонга эса мана бу воқеа сабаб бўлганди: пойкентлик бир кишининг икки соҳибжамол қизи бор эди, уларнинг ҳар иккаласини ҳам янги амир Варқо ибн Наср ўз ҳарамига олди. Шунда қизларнинг отаси амирдан сўради: «Пойкент катта шаҳар, нима учун сен бутун шаҳардан фақат менинг икки қизимни оласан?» Варқо отага жавоб қайтармай ўз йўлига кетмоқчи эди, лекин ҳалиги киши бир сакраб амирнинг киндингига пичоқ урди. Аммо Варқо ўлмай қолди. Шунга қарамай Пойкентга қайтиб келган Қутайба бу ерда қўлига қурол ушлашга яроқли ҳаммани ўлдирди, қолганларини асир қилиб олди. Шу тахлит Пойкент ҳувиллаб қолди ва у ҳаробликка юз тутди.

Шаҳар аҳолиси асосан савдогарлар бўлиб, улар Чин-Мочин ва бошқа вилоятларга савдо-сотик ўчун кетган эдилар. Улар қайтиб келгач, бола-чақалари, хотинлари ва бошқа яқин кишиларини араблардан сотиб олдилар, шаҳарни қайтадан обод қилдилар. Ҳикоят қилишларича, Пойкентдан бошқа, бутунлай вайрон бўлиб, сўнг яна ўз аҳолиси қўли билан тезда обод бўлган ҳеч бир шаҳар дунёда йўқ.

Пойкентни вайрон этиб, аҳолисини қул қилган Қутайба ибн Муслим Бухоронинг бошқа обод қишлоқлари сари юриш бошлади.

Тороб, Хунбун ва Ромитан оралиғида Сўғд подшоҳи Тархун, Хунукхудот ва Вардонхудотнинг кўп минг кишилик лашкари Қутайба лашкарини ўраб олди. Хитой подшосининг жияни малик Кўрмагонун Қутайбага қарши жангда Сўғд подшосига ёрдам бериш учун қирқ минг кишилик лашкар билан етиб келди.

Қутайба ва унинг лашкари қирилиш хавфи остида қодди. Хурросон амири бу вазиятдан чиқиши учун зўр бериб тадбир ахтарар, лекин нима қилишни билмай ҳайрон эди. Шунда энг яқин кишиларидан бири бўлмиш Ҳайёни Набатий унинг ёнига келиб, сўз қотди:

– Агар худойи таолло менинг сабабчилигим билан бир балони сендан қайтарса, нима дейсан?

– Мен ўзим ҳам шундайин бир йўл ахтариб ҳалакман, – деди Қутайба.

– Менга эртагача мұжлат бер, бу балони бошингдан даф этгайман, – ваъда берди Ҳайёни Набатий.

Ҳайёни Набатий жуда устомон, айёр одам бўлиб, душманни ҳийла билан маҳв этиш режасини тузиб қўйганди.

У эрта тонгда Сўғд подшоси Тархун қароргоҳига одам юбориб, жанг авжи қизиган пайтда ўзи билан махфий тарзда учрашишга кўндириди.

Араблар ва Бухоро ҳимоячилари ўртасида жанг қизиганда Ҳайёни Набатий Тархун билан учрашиб, унинг юрагига фулгула солди.

**Ҳайёни Набатий.** Мулк қўлингдан кетипти-ю, сенинг хабаринг йўқ.

**Тархун.** Қандай қилиб мулк қўлимдан кетади?

**Ҳайёни Набатий.** Биз, араблар ҳаво иссиқ вақтдагина бу ерда тура оламиз. Энди ҳаво совуб қолди ва бизнинг кетиши вақтимиз етди. Токи бу ерда эканмиз, турклар биз билан уруш қиласидар. Бу ердан кетганимиздан кейин эса сен билан урушадилар. Чунки Сўғд вилояти яхши жой, яхшиликда унга ўхшаш жой дунёда йўқ. Турклар шундай яхши жойни сенга қолдириб, Туркистонга кетадилар деб ўйлайсанми? Йўқ, улар Сўғдни сендан оладилар, қийинчиликларга қоласан.

**Тархун.** Мен қандай чора кўрайин?

**Ҳайёни Набатий.** Чоранг шуки, Қутайба билан сулҳ тузиб, бирор нарса берасан, туркларга эса аҳволни шундай кўрсатасанки, гўё Ҳажжождан биз арабларга Кеш ва Нахшаб йўли орқали кўп лашкар ёрдамга келаётган бўлади. Ўзинг эса вилоятимга қайтиб кетаман, дейсан. Шунда турклар ҳам қайтадилар. Биз билан сулҳ тузганингдан кейин сени ранжитмаймиз.

**Тархун.** Менга яхши маслаҳат бердинг. Шу кечаси-еёк изимга қайтаман.

Ҳайёни Набатий ҳақиқатан ҳам Тархун юрагига беҳад фулгула солганди. У бетакрор Сўғд вилояти қўлдан кетмасин дея араблар билан тезроқ сулҳ тузиш тараддудига тушиб қолди. Оқшом тушгач, Тархун Қутайбага одам юбориб, у билан сулҳ тузди ва мол билан икки минг дирҳам юборди. Унинг лашкари карнай чалиб қайта бошлади. Дехқонлар ва амирлар ҳайрон бўлиб, «Нима бўлди?» деб сўрадилар. Тархун: «Зинҳор ҳушёр бўлинг! Ҳажжож Кеш ва Нахшаб томондан кўп лашкар юборибди. Улар орқамиздан келиб, бизни ўраб оладилар, мен ўз вилоятимга қайтаман», деб жавоб берди.

Кўрмағонун турк одам юбориб бу ҳолдан хабар сўраган эди, унга ҳам шу гапларни айтишди. Кўрмағонун лашкари ҳам карнай чалиб қайта бошлади. Улар йўл-йўлакай вилоятни талаб кетавердилар.

Ҳайёни Набатий ҳийласи оқибатида Бухоро ҳимоячилари аниқ ғалабани бой бердилар. Шу билан бирга Бухоро ҳам бой берилди.

\* \* \*

Бухоро аҳолиси ҳар сафар ислом лашкари келганида мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетгач эса улар яна диндан қайтар эдилар. Кутайба ибн Муслим уларни уч маротаба мусулмон қилган, улар эса уч маротаба ҳам яна диндан қайтган эдилар.

Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Хотим ал-Фақиҳдан келтириб ривоят қилишича, Кутайба тўртингч марта келиб Бухорони олганида у қуидаги шартлар билан сулҳ тузди: бухороликлар ҳар йили араб халифасига икки юз минг дирҳам, Хурросон амирига ўн минг дирҳам тўлаб, уйлари ва экин ерларининг ярмини мусулмонларга берадиган бўлдилар.

Кутайба 712 йилда Бухоро қалъаси ичида Жомеъ масжиди бино қилиб, жума намозига ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирҳам беришга ваъда қилди.

\* \* \*

Кунларнинг бирида Кутайба отлиқ мулозимлари ва навкарлари ҳамроҳлигида Дарвозаи Нурдан ўтиб бормоқда эди. Бирдан қулоғига аллақандай ваҳимали, гумбуrlаган овоз эшитила бошлади. Овоз жуда баланд, даҳшатли бўлса-да, уни Кутайбадан бўлак ҳеч ким эшитмасди. Амир шаҳд билан от жиловини тортиб, овозга қулоқ тутди: «Эй ибн Муслим, Аллоҳ ярлаған одам экансан. Тороб, Хунбун, Ромитан оралиғида Ҳайёни Набатий ҳийласи туфайли муқаррар ҳалокатдан қутулиб қолдинг. Лекин билиб қўйки, сен худди шу одам ҳийласидан ҳалок бўлгайсан!..» Овоз қандай сирли тарзда пайдо бўлган бўлса, шундай гойиб бўлди. Кутайба ўзига ажабланиб қараб турган мулозимларини ҳайрон қолдириб, йўлида давом этди. У беҳад ваҳимага тушган, лекин буни ҳеч кимга айттолмасди. «Ё алҳазар, бу не ҳол? Гойибдан келган бу овоз кимники экан? Ҳайёни энг ишонган, яқин кишим-ку! Унга ишонмасам, кимга ишонаман?»

Шубҳаю гумонлар юрагини кемирган Хурросон амири дўсти Ҳайёни Набатийдан шубҳаланадиган, унга

бошқача назар билан қарайдиган бўлди. У Ҳайённи кўрди дегунча ўша Дарвозаи Нурда эшитилган даҳшатли овоз қулоқлари остида жаранглай бошлар, ўзини қўярга жой тополмай қоларди.

\* \* \*

Қутайба ибн Муслим Бухорода ислом динини барқарор этгач, таҳтга Бидун Бухорхудот ва Қабожнинг ўғли Тағшодани ўтқазди. Тағшода унинг қўлида имон келтириб, мусулмон бўлди ва ўттиз икки йил давомида Бухоро мулкига ҳукмронлик қилди.

Номаълум овоз соҳиби башорат қилган экан. Вақти келиб Ҳайёни Набатий Фарғона сари юз тутди ва у ерда аскар тўплади. Шу аскар 715 йили Қутайба ибн Муслимни маҳв этди.



# ИБТИДО ВА ИНТИҲО

---

ИККИНЧИ ҚИССА

***Шоҳ Ҳурмузд ҳийласи.  
Ҳирируд соҳилидаги жанг.  
Исмоил Сомонийнинг баҳт юлдузи***

Араб халифалигига тобе бўлиб, мавқеини йўқотган Бухоро тарихда Амири Мозий номи билан машҳур Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний аввал Мовароунаҳр, сўнг Хурасон амири бўлгач, яна пойтахтга айланди. Сомонийлар сулоласидан чиққан барча амирлар Бухорода турадиган бўлишди. Исмоил Сомоний Бухорода туришни ўзи учун муборак ҳисоблар, бошқа бирор шаҳарда ором топмасди.

Сомонийлар насл-насаби ҳақида Наршахийнинг «Бухоро тарихи»да шундай маълумот берилади: «Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий Хурасон амири этиб тайинлангач, Хурасонга келди ва бир юз олтмиш олтинчи йилда (15 август 782 йил – 4 август 783 йил) дунёдан ўтгунча ўша ерда бўлди. Айтишларича, у яхши ишларни қиувчи, баҳодир киши бўлиб, кўнгли араблар ҳам ерли халқларнинг қадим улуф оиласидаги ғамхўрлик қилишга, аслзодаларни дўст тутишга мойил эди. Сомонийларнинг бобоси Сомонхудот Балхдан қочиб Марвга, унинг олдига келганида у Сомонхудотни иззатлади ва ҳимоя қилди, унинг душманларига қаҳр қилиб, Балхни унга қайтариб берди. Сомонхудот унинг кўлида ислом динини қабул этди.

Унинг Сомонхудот дейилишига сабаб шуки, у бир қишлоқ барпо қилиб, Сомон деб ном берди ва Бухоро амирини Бухорхудот деб атаганлариdek, уни ҳам шу қишлоқ номи билан Сомонхудот деб атадилар. Сомонхудотдан бир ўғил туғилганида у Асад Қушайрийни дўст тутганидан ўғлига Асад исмини берди. Шу Асад Амири Мозий, яъни марҳум амир Исмоил Сомонийнинг бобосидир... Сомонхудот эса Баҳром Чўбин маликнинг авлодларидандир».

Баҳром Чўбин... Бу ўша, буюк Фирдавсий қаҳрамонликларини қуйлаб достонлар битган, Эроннинг

улуг саркардаси, Бухоро асосчиси Шери Кишварни жангда ҳийла билан мағлуб этиб, кўксига ўқ-ёй қадаган Баҳром Чўбин, Шери Кишвар ва Баҳром Чўбин ўртасидаги жанг тарихи жуда фожиали. Бу жанг туркий қўшинлар номини бир умрлик шон-шуҳратга буркади.

589 йил... Эронга қарши кучлар мамлакатни қуршаб олган эди. Турк хоқони Қоражуриннинг ўғли Шери Кишвар эронликларнинг 75 минг кишилик лашкарини тор-мор этиши мамлакатда кучли ваҳима уйғотди. Капалаги учиб кетган Эрон шоҳи Ҳурмуздининг Шери Кишварга қарши ўзининг энг зўр лашкарбошиси Баҳром Чўбинни юборди.

\* \* \*

Эрон шоҳи Ҳурмузднинг ҳашаматли қароргоҳида қабристон сукунати ҳукмрон. Ҳурмузднинг ўсиқ қошлиари чимирилган, ўйчан нигоҳини бир нуқтага қадаганича хаёл суради. «Алҳазар, алҳазар! Бу Шери Кишвар ҳақиқатан ҳам Шер экан. Қанчадан-қанча жанг кўриб, қанчадан-қанча галаба шаробини сипқорган бутун бошли лашкарни тутдай тўқди-я! Ана энди ор-номус бир пул, биз учун сичқон ини минг танга бўлиб қолди. Бу саҳрайиларни юзма-юз жангда янчиш мушқул ишдур. Уларга сулҳ таклиф этиб ҳийла ишлатмасак бўлмайди. Сулҳ – душманни тузоққа илинтиришнинг яккаю ягона усули. Саҳрайилар анчайин содда, тўпори бўлишади. Бу ишни Хуррам Бурзин зиммасига юклайман. Бу муттаҳам сарой фитналарига шунчалик устаки, баъзида унинг қай сўзига ишониб, қай сўзига ишонмасликни билмай бошим қотадур...»

Кўп ўтмай ўрта бўй, қушбурун, митти, қисиқ кўзлари жонсарак киши шоҳ ҳузурига кириб, таъзим бажо қилди. Бу сарой маслаҳатчиси Хуррам Бурзин эди.

Ҳурмуздан гапни чўзиб ўтирумай, дарҳол мақсадга кўчди:

– Шери Кишвар қароргоҳига менинг элчим бўлиб сулҳ таклиф қилиб борадурсан. Биз учун ягона нажот йўли шулдур.

– Бутун олам сарвари – шоҳ Ҳурмузднинг ҳар бир сўзи мен учун қонундур! – таъзим қилди Хуррам.

– Сулҳ вақтдан ютиш учун бир ҳийладур. Сенинг ассоций вазифанг Шери Кишварни бир амаллаб Ҳирот во-дийсига олиб келишдур. Қолгани сенинг ишинг эмас, қолганини қилич, Баҳром Чўбин қиличи ҳал қилгусидур.

– Шоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтсанг, бир гапим бор эди.

– Ўтдим, сўзла, Хуррам!

– Шери Кишвар ҳозир ғалаба шаробидан сармаст, сулҳимизни қабул қиласмикан?

Шоҳнинг авзойи бузилди:

– Оббо, ахир айтдим-ку сулҳ – ҳийла деб. Сен ҳар қандай йўл билан бўлсин, сулҳга эришишинг керак, вассалом! Уқдингми?

– Уқдим ва итоат этдим, шоҳим, ҳаммаси айтганингдай бўлгусидур, – яна таъзим қилди Хуррам.

Шоҳ бир оз юмшаб, Хуррамнинг кўнглини кўтарган бўлди:

– Албатта, сен шер оғзига бошингни суққани бормоқдадурсан. Лекин эшишишмча, Шери Кишварни жуда олижаноб, мард дейишади. Ишонадурманки, у сени ютиб юбормас...

Шундан сўнг Ҳурмузд ва Хуррам Шери Кишварни тузоққа тушириш режасини обдан пишилдиар.

– Биласанми, Хуррам, сенинг зиммангда юз минг кишилик лашкар ҳам эплай олмайдиган вазифа турибди. Ҳа, ҳозир Эроннинг тақдиди сенинг қўлингда, мамлакат эртаси сен бугун қандай ҳаракат қилишингга боғлиқ.

– Хотиринг жам бўлсин, шоҳим. Юртим учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилгаймен!

– Оқ йўл, Хуррам! Худо сенга ёр бўлгай!

Хуррам шоҳга яна бир карра таъзим бажо этиб, боргоҳни тарқ этди. У аллақачон Шери Кишвар билан хаёлан сухбатни бошлаган эди. «Шери Кишвар, сени ҳақиқатан ҳам шер дейишади. Мен эса тулкиман, тулки! Машойихлар шер бор жойда тулки хору зор ўлғай, демишлар. Лекин кўрамиз, шер енгадими ёинки тулкими?... Буниси ҳали Аллоҳдан ўзгага қоронфи... Лекин мен, шоҳга ваъда берганимдек, мамлакатимни сақлаб

қолиш учун ҳамма ишни қиласман, бу йўлда шер панжасидаги тулки ҳолига тушсам-да, начора, вазият шуни тақозо этмоқдадур...»

Хуррам Бурзин учқур аргумоққа миниб, қимматбаҳо совға-саломлар олиб, бир неча мулозим ҳамроҳлигига Шери Кишвар қароргоҳига элчи бўлиб сулҳ сўраб борди.

Шери Кишвар рақиб элчисини иззат-икром билан кутуб олди, қароргоҳининг тўридан жой кўрсатди.

Хуррам унинг паҳлавонкелбат гавдасига, нур ёғилиб турган юзига бир муддат боқди-ю, икки букилиб таъзим қилганча шундай деди:

– Жаҳоноро Бухоро асосчиси, етти иқлимнинг буюк саркардаси Шери Кишварга шон-шарафлар бўлғай. Мен муборак оёғингга бош уриб сулҳ сўраб келдим. Эрон халқи сенга саломлар ва таъзимлар йўллайдур! Шаҳаншоҳим Ҳурмузд сен билан Ҳирот водийсида учрашиб, сулҳ тузиш ниятидадур...

– Нима ҳам дердим... Эгишган бошни қилич-да кесмайдур, демишлар – деди Шери Кишвар олижаноблик билан.

Бундан руҳланган Хуррам ҳамдусанога зўр берди.

– Офарин, шаҳаншоҳ, сен наинки жанг майдони, балки сиёsat майдонида ҳам шердурсан, шер! Сулҳ туфайли эронлик жамики оналар сени дуо қилгай, барча гўдаклар сенга талпингай, марҳаматли хоқон!

Шери Кишварнинг саропардасида меҳмон бўлган Хуррам туни билан уни авраб, лашкар ҳужум қилиши керак бўлган йўналишни ўзгартириб, гўёки сулҳ тузиш учун Ҳирот водийсига боришга кўндириди. Бу пайтда Эрон саркардаси Баҳром Чўбин лашкари тангу тор Баророн дараси орқали Шери Кишвар қўшини ортига ўтиб олмоқда эди...

...Шери Кишвар қўшини қуёшнинг ilk нурлари барабарида Ҳирот водийсига етиб келди.

Бир томонда кумуш чўққили пурвиқор тоғлар, бир томонда тезоқар Ҳирируд...

Шери Кишвар табиат манзараларига маҳлиё бўлиб боқар, агар сулҳ тузадиган бўлсак, лашкарга дам бериб, ўзим Ҳирируд соҳилида саропарда тикиб, бир

нече кун шикор билан машғул бўламан деб хаёл сурарди. Бирдан тоғ ўнгирларида акс садо бериб, жанг бургуси чалинди, ногоралар тилга кирди. Бу кутилмаган ҳол бўлиб, Шери Кишвар рақибидан сулҳ учун элчилар кутмоқда эди. Рақиб эса жанг бургусини чалиб, бостириб келмоқда.

Шери Кишвар Хуррамнинг митти, қисиқ қўзларини, сулҳ ҳақидаги тантанавор, тилёгла ма сўзларини эслади. «Э воҳ! Наҳотки ёлғонни ростдан ажратолмадинг, наҳотки бир мунофиқнинг қурбони бўлдинг, Шери Кишвар!» пичирлади унинг лаблари.

Хиёнат қурбони бўлган Шери Кишвар қўшини жуда қийин аҳволда қолди: бир томонда баланд тоғлар, душман қўшини, бир томонда тезоқар Ҳирируд дарёси. Дарё томонга чекиниш ҳалокат билан баробар. Лекин Шери Кишварнинг исми жисмига монанд, у чекина-диган ёки таслим бўладиганлардан эмас. У шер янглиф наъра тортиб, қўшинини душман устига бошлади. Турк қўшини мисли кўрилмаган қаҳрамонлик билан жанг қилиб, ўзи учун яккаю ягона нажот йўли бўлмиш Баророн дарасини душмандан тозалашга муваффақ бўлди. Шунда жуда кўп жанг жадал кўрган Баҳром Чўбин Шери Кишвар қўшини филларининг кўзига қараб ўқ отишни буюрди. Ана шундан кейин жанг майдонида қиёмат бўлди. Кутуриб кетган филлар ўз эгаларини топтай бошладилар. Худди шу аснода Баҳром Чўбин камонни қўлига олди. У отган ёй ўқи етти юз қадам наридаги пўлат қалқонни ҳам тешиб ўта оларди. Баҳром Чўбин рақиби Шери Кишварнинг қоқ юрагини мўлжаллаб, отди. Кўксига қадалган ўқ Шери Кишварни орқага қаттиқ силтаб ташлади. Шери Кишвар ўзини бир амаллаб эгарда сақлаб қолди-ю, жон ҳолатда кўжсини чангллади. Ёй ўқи шундоқ икки сийнаси ўртасига санчилган, вужуди оловли оғриқдан ўртамоқда эди. Саркарда қўллари билан ўқни суғуриб олмоқчи бўлар, лекин қаттиқ оғриқ бунга йўл қўймасди.

Шери Кишвар инграмаслик учун тишларини қаттиқ қисиб жанг майдонига назар ташлади. Дийдаларига ёй қадалган филлар пишқирар, ўкирар, йўлда дуч келган-

ни босиб-янчиб, ўзларига нажот, омонлик истар эдилар. Лекин филларга ҳам, турк лашкарига ҳам омонлик йўқ эди. Қон дарё бўлиб оқар, одамлар ҳам, жониворлар ҳам нима қилишни билишмас, аросатда эдилар.

Хос навкарлар Шери Кишварни ўраб олиб жанг майдонидан олиб чиқдилар, саркардан ерга ётқизиб, атрофида парвона бўлдилар. Унинг тийрак кўзлари нурсизланиб, гулдиракдек овози тобора заифлашиб борарди. У ўзини жангга кузатаётган отаси Қоражурининг насиҳатларини эслади, вужуди аламдан ўртанди. Сўнгра кўз ўнгида ўғли Пармуда пайдо бўлди. Пармуда... Шўрлик Пармуда... У Пойкентни асраб қола олармикан? Бу ғалабадан кейин Эрон қўшинига бас кела оладиган куч топилармикан? Бобоси Қоражурин Пармудани яккалаб қўймас.

Шери Кишвар сўнгти кучларини тўплаб фармон берди:

– Шаҳзода Пармудага чопар юборингиз. Бизнинг мағлубиятимиздан воқиф бўлиб, ўзи-да огоҳ турсин. Огоҳ бўлсин!

Жанг майдонида эронликларнинг қўли баланд келгани энди аниқ-равшан бўлганди.

Шери Кишвар сўнгги нафасини олмоқда, унинг нигоҳдари жанг майдонида ўғли Пармудани ўйларди. «Пармуда... Сен Баҳром Чўбинга бас кела оладурмисан? Хурмузд отангни ҳийла билан маҳв этмишдур. Бу туллаклар олдида сенга йўл бўлсин, ўғлим? Бирдан Шери Кишварнинг нигоҳи олдида Хуррамнинг митти, қисиқ кўзлари намоён бўлди, у «Бухоро асосчисига шон-шарафлар бўлғай!» дея икки букилмоқда эди. «Лаънат, минг лаънат сен ифлосга! Лаънат!!!» пиҷирларди Шери Кишвар оғриқни ҳам унутиб.

Жанг турк қўшини мағлубияти билан якун топди. Шери Кишварни макр-ҳийла билан ҳалокат тузогига туширган Хуррам Бурзин кейинчалик шундай эътироф этди: «Агар Шери Кишвар Баҳром Чўбинни енгиб Румга этиб олганида, Эрондан бир сиким тупроқ қолар эди».

Сўнгра Баҳром Пойкентни қамал қилди. Шери Кишварнинг ўғли Пармуда таслим бўлди. Баҳром Чў-

бин Афросиёб хазинасини эгаллади. Сиёвуш тожини бошига кийиб, камарини белига тақди. Эронга жуда катта ўлжалар билан қайтди.

У мамлакатнинг миллий қаҳрамонига айланди. Ке-йинчалик эса қаҳрамоннинг турли-туман саргузаштла-ри бошланди. Шоҳ билан қўлга киритилган ўлжаларни бўлишолмай жанжаллашди, сўнгра тахтни эгаллашга интилди. Бир йилча подшоҳлик қилгач, қувфинга учра-ди ва ўз душманлари – турклар ҳузурига қочди. Хоқон қизига уйланиб, Балхда яшай бошлади.

\* \* \*

Сомонийлар – Сўғд, Мовароуннахр, Хуросон тари-хида жуда ёрқин из қолдирган сулола. Ана шу сулола сирасида юлдуздек порлаган Исмоил Сомоний бўлди.

Амири Мозий атамиши Исмоил 849 йил савр ойида Фарғонада туғилди. У ўн тўрт ёшида отасидан айрилди. Катта акаси Наср ибн Аҳмад Самарқанд ва Фарго-на амири эди. Исмоил акаси ҳузурида хизматда бўлди.

Ҳусайн ибн Тоҳир ат-Тоий 874 йил қишида Бухорага юриш бошлаб, горатлик ва вайронгарчиликлар қилди, кўп одамларни ўлдириди.

Охири Бухоро ҳалқи унга қарши бирлашиб енгди-лар, Ҳусайн ибн Тоҳир қочди. Бу пайтда Яъқуб ибн Лайс зўрлик билан Хуросонни олган, Рофе ибн Харсама билан урушаётганди. Хуросондаги нотинчилклардан Бухоро ҳам хароб бўлаётган эди. Бухоронинг аҳли имам ва улуф кишилари марҳум Ҳожа Абу Ҳафс Кабир Бухо-рийнинг ўғли Абдуллоҳ ал-Фақиҳнинг ҳузурига йифила-дилар. Жасоратли ва олижаноб, ўз юртининг ватанпар-вари бўлмиш Абу Абдуллоҳ билан Бухорода бўлаётган харобликлар олдини олиш юзасидан маслаҳат қилди-лар. Абу Абдуллоҳ Самарқандга, Наср ибн Аҳмад ас-Со-монийга хат ёзиб, Бухорага соҳиби тадбир ва одил бир амир юборишини илтимос қилди. Наср ўз укаси Исмо-илни Бухорага юборди. Исмоил Карминага етиб келиб, у ердан Бухоро амири бўлиб турган Ҳусайн ибн Муҳам-мад ал-Хаворижийга элчи юборди. Элчи икки ўртада бир неча маротаба қатнагач, Исмоил Сомоний Бухо-

рога амир, Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Хаворижий унга халифа бўлишига қарор қилинди. Хаворижий лашкари ҳам бу қарорга бўйсунди.

Бухоро аҳолиси бундан жуда хурсанд бўлди. Шаҳарнинг Абу Абдуллоҳ бошлиқ улуғлари Исмоил Сомоний истиқболига юриб, Карминага бордилар. Абу Абдуллоҳ буйруғи билан Бухоро жуда ясантирилган, байрам тусини олганди. Абу Абдуллоҳ янги амир шаънига кўп мадҳиялар айтди. Шаҳар аҳолиси йигирма беш яшар амир Исмоил устидан кўплаб олтин-кумуш тангалар сочди. Бу воқеа 874 йил муборак рамазон ойининг ўн иккинчиси, душанба куни содир бўлди. Бухоро аҳолиси қийинчиликлардан қутулиб роҳатга етишди. Худди шу кун тарихга Сомонийлар давлати туғиаган кун бўлиб кирди. Амир Исмоил Бухорода тартиб ўрнатиш учун кўп ишлар қилди. Энг аввало, Ромитан ва Пойкент ўртасида ўғрилик, йўлтўсарлик билан шугулланаётган катта гуруҳни қўлга олиб жазолади.

Амир Исмоил жуда одил, тадбиркор ва камтарин ҳукмдор эди. У ҳақда тўқилган афсоналарда айтилишича, об-ҳаво ёмон, қорбўрон бўлган кунларда амир Исмоил отга миниб шаҳар дарвозасидан ташқарига чиқар, «Ҳузуримга арз-ҳол билан кимdir келаётган бўлса, қорбўрон азият етказиши мумкин. Агар у менинг яқиндалигимни сезиб турса, етиб келиш учун ўзида куч топа олади», дер экан.

Амир Исмоил Бухорони ички душману ўғри-қароқчилардан тозалаб, бир оз хотиржамлангач, яна ташқи душман хуружи бошланди. Ҳусайн ибн Тоҳир яна Бухорони олишга қасд қилиб, Омуяга (Чоржўй) келганини хабар қилдилар. Амир Исмоил тезлик билан лашкар тўплар экан, Ҳусайннинг икки минг хоразмлик билан Жайхундан кечиб ўтгани тўғрисида хабар келди.

Амир Исмоил отига миниб, душман истиқболига юрди. Жайхун яқинида икки ўртада қаттиқ жанг бўлди. Ҳусайн ибн Тоҳир енгилди. Лашкарининг бир қисми ўлдирилди, бир қисми Жайхуннинг телба тўлқинларида фарқ бўлди, етмиш киши эса асирга тушди. Жангдан сўнг тонг отгач, амир Исмоил асиirlарнинг ҳар бирига

биттадан карбос чопон бериб, юртларига юборди. Хусайн ибн Тоҳир Марвга, амир Исмоил эса Бухорога йўл олдилар.

\* \* \*

Аввалига Самарқанд ва Фарғона амири бўлган Наср ибн Аҳмад 875 йилда Араб халифасидан бутун Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилиш тўғрисида ёрлиқ олди.

Наср укасини Бухорога юбораётганида ҳар йили амирлик молидан 500 минг дирҳам юбориб туриш мажбуриятини унинг гарданига юклаган эди. Шундан кейин амир Исмоил қўп урушларда қатнашди, мол ҳарж бўлиб кетди ва акасининг мажбуриятини бажаролмади. Шу сабаб ака-ука ўртасида низо чиқди ва охир-оқибат урушга айланди. Бу урушда амир Исмоил ғалаба қилди.

Амир Исмоил Сомоний асир тушган акасини иззат-икром ила Самарқандга жўнатиб юборди. Шу воқеалардан сўнг орадан тўрт йил ўтгач, амир Наср вафот этди. У ўлимидан бир оз олдин амир Исмоилни бутун Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб тайинлади ва бошқа биродари ҳамда ўз ўғлини унинг фармонига бўйсундирди.

Амир Насрнинг вафот этганилиги тўғрисидаги хабар аббосий халифа – амир ал-мўминин Мұтазидига етгач, у 893 йил баҳорида амир Исмоил Сомонийни Мовароуннаҳрга амир этиш тўғрисида фармон берди.

Шу тариқа амир Исмоил тадбир ва адолат ила ҳукмронлик қила бошлади. Амр ибн Лайс кучайиб кетиб, Хурросоннинг айрим шаҳарларини босиб олгач, амир Исмоил унга қарши қурашишга мажбур бўлди.

\* \* \*

898 йил. Мезон охирлаёзган, Жўйи Мўлиён анҳорларида тиник сувлар шарқираб оқар, чаппар уриб очилган кузги гул-чечаклар атри боғ-чорбоғларни тўлдирган, заъфарон тус олаётган япроқлар қуёш нурида ялтираб, кўзни қамаштиради.

Ҳар гал ўз қўли билан барпо этилган боғ сайридан сўнг таъби равшанлашадиган амир Исмоилнинг чехра-

си бугун тунд, дилгир эди. Кеча Амр ибн Лайс элчиси келганини айтишганидаёқ унинг кайфияти бузилганди. Ҳозир эса ўша элчини қабул қилиши керак. Табиатан мард, жасур ва бир сўзли, энг аввало, жуда одил бўлган амир Исмоил ўзи билан куч, зўравонлик нуқтаи назаридан туриб гаплашишларига сира тоқат қилолмас, ҳар қандай ноҳақдик унинг қонини қайнатиб, забини қўзғатарди. Бетавфиқ Амр эса ўзига бўйсунишга сурбетларча даъват этаётир.

Оёқ остида афтодаҳол ғичирлаётган хазонларни бир-бир босиб, ўйчан алфозда боғ сайридан қайтаётган қирқ тўққиз яшар амир бу дунёи дун талотумлари, олчоқ амирларнинг тожу таҳт талашиб, оддий фуқаро бошига солажак ғавғолар ҳақида ўйларди. «Эҳ, қалтабин Амр, ғофил банда! Наҳот инсон умри, тожу таҳт, беҳисоб бойликлар кайфи ҳам, мана шу оёқларим остида шафқатсиз эзғиланаётган хазон янглиғ ўткинчи ва бебақо эканини билмасанг, идрок этмасанг?! Наҳот Мовароуннаҳр амирлари сендеқ ожиз бандага ўйинчоқ бўладилар деб ўйласанг?!»

Амир Исмоил ўша руҳсиз кайфиятда кўшкига кириб келди ва мулоғимларига Амр ибн Лайс элчисини ҳузурига таклиф этишни буюрди.

Элчи – улкан саллали, соч-соқоли мошгуруч, ўрта яшар киши, Мовароуннаҳр ҳукмдорига таъзим этиб, най шаклида ўралган зар ҳошияли қофозни узатди.

Дўстларининг ҳам, душманларининг ҳам инсоний қадр-қимматини ўрнига қўя оладиган амир Исмоил тавозе билан узатилган мактубни олди, лекин уни ўқиб ўтирумай, элчига савол назари билан қаради.

Элчи хотиржамлик билан сўз бошлади:

– Балх амири Абу Довуд, Гузгониён амири Аҳмад ибн Фаригун ҳазрат амирим Амр ибн Лайсга бўйсунгандар, унинг хизмати ва ҳимоясида эканликларидан мамнуният изҳор этадурлар. Лекин фикри ожизимча, бу бўйсунишга сен лойиқроқсан. Сабаби сен улуғроқсан ва подшозодалигинг боис подшоҳдик қадрини яхшироқ билурсан...

Амир Исмоил ич-ичидан довулдек қўзголиб келаётган газабини босиб шундай деди:

– Сенинг хожанг шунчалар нодон эканки, мени улар қаторида санабди. Ахир улар менинг қулларим-ку! Менинг сенга жавобим – қилич! Мен билан хожанг Амр ўртасида урушдан бошқа нарса йўқ! Бориб унга айт, уруш анжомларини созласин!

Амр ибн Лайс амир Исмоилнинг терс жавобини олгач, амирлари, улуғ кишилар билан маслаҳатлашиб, яна бир мактуб битди ва Нишопур шайхлари ҳамда ўз яқин кишиларидан бир гуруҳини Бухоро сари йўллади. Мактубда шундай жумлалар бор эди. «Гарчи амир ал-мўминин бу вилоятни менга берган бўлса ҳам, мен мулкдорликда сени ўзимга шерик қиласим. Сен дўст бўлиб мен билан яхши муносабатда бўлгинки, ҳеч бир бадгўй бизнинг орамизга киришга йўл тополмасин, ўртамиизда бирлик ва дўстлик бўлсин. Бундан илгари айтган гапларим густоҳлик юзасидан айтилган эди, биз у гапдан кечдик. Сен Мовароуннаҳр вилоятини қўриқла, чунки у душман чегарасидир, фуқарога ғамхўрлик қил. Биз у вилоятни сенга бердик, курсандик ва хонумонинг ободлигидан бошқа нарсани истамаймиз. У вилоят хароб бўлмасин деб ўзим бормай, Нишопурнинг машҳур кишиларидан бир қанчасини элчи қилиб юбордим...»

Амир Исмоил яна элчилар юборганини эшитиб, Амр Жайхун бўйига ўз кишиларини жўнатди. Улар элчиларни сувдан ўтишга қўймадилар, келтирган совфа-саломлар ва мактубни олмай қувиб юбордилар.

Амр ибн Лайс бундан ниҳоятда дарғазаб бўлиб, сипоҳсолори Али ибн Сурушга лашкар билан Омуяга бориб тўхташ, буйруқ бўлмагунча сувдан ўтмасликни тайинлади. Унинг ортидан яна сипоҳсолор Мұҳаммад ибн Лайсни беш минг киши билан жўнатиб, Али ибн Суруш билан ҳамкорликда иш қўришни буюрди. Жайхундан ўтиш учун кемалар тайёрлаб, рақиб томонга айгоқчилар юборишга фармон берди.

Лайс лашкари Жайхун бўйига тўхтовсиз келиб турарди.

Амир Исмоилнинг хуфия ва айгоқчилари душманникидан илдамроқ, пухтароқ ишлардилар. Шу боис у Омуя ва Жайхун бўйида ҳисобсиз лашкар тўпланаётганидан хабардор эди. «Ҳақиқатан ғофил бандэ экансан, Амр. Сен бизнинг юрга кўз олайтириб, адолатсиз уруш билан Бухорога келяпсан. Биз ўз Ватанимизни ҳимоя этиш учун уруш қилгаймиз, шу боис бизнинг уруш адолатлидур. Ана шунинг учун ҳам ҳақ таоло биз томондадур! Ҳа, биз томонда! Биз сени албатта маҳв айлагаймиз, Амр!» ўйларди амир Исмоил душманга қўйқисдан зарба бериш режаларини тузар экан.

У Бухоронинг улуғ кишилари билан маслаҳатлашиб, йигирма минг кишилик қўшин йиғди. Халқ ўз амирини – қаттиққўл ва одил ҳукмдорини – беҳад яхши кўрганидан кўнгилли бўлиб лашкар сафларида турди.

Ўз жонажон шаҳрини душмандан ҳимоя қилишга аҳд қилган қўшин бўрондек гувиллаганча Шири шутурни (Қизилқумни) тўлдириб, Жайхун сари юз тутди. Ҳамал қуёшидан нурафшон чўл кўксидаги лолалар, гул-чечаклар қора будут галалариdek кетиб бораётган отлиғу пиёда лашкар оёқлари остида аёвсиз топталар, лекин Бухоро ҳимоячилари бунга эътибор қилишмас, улар душманни тезроқ янчиш иштиёқи билан ёнардилар.

Ҳали Жайхунгача неча юз фарсанг йўл бўлса-да, от устида хаёл суриб кетаётган амир Исмоил дарёдан кечаси сездирмай ўтиб, душманга қўйқисдан зарба бериш тўғрисида ўйларди. Кўшиндан анча один юборилган кишилар рақибга сездирмай, кечувни, кемалар, сепояларни тайёрлаш билан банд эдилар.

Амир Исмоил бошчилигидаги лашкар дарё бўйига етиб келди.

Ой дам булатлар орасидан жамол кўрсатади, дам яна булатлар ортига беркинади, тўқайзорлар ваҳимали шовуллайди, баҳор сувларига тўла Жайхун симсим оқиб ётади. Нариги соҳилда, душман қароргоҳида ёқилган гулханлар кўзга ташланади.

Амир Исмоил кечувни тайёрлаганлар ва нариги соҳилда бўлиб қайтган айгоқчилар билан маслаҳатлаш-

гач, ярим тунда оғиб, душман уйқуга кетганида, лашкарни соҳилда сафга тизиб, уларга мурожаат этди:

– Ҳазрати Пайғамбаримиз Мұхаммад салаллоху алай-хи васаллам: «Эй худо! Фохирага баракот бергин, унинг халқи дилини тақво билан пок этгин, ишларини покиза қылғин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қылғин!» демишилар. Биз ҳозир қаттол душманни еңсак, бу пайғамбар умматларига ва ҳар доим ўзида шаҳидларнинг күнглидан фахр этмиш буюк Фохирамизга марҳаматимиз бўлғай! Ўлсак – шаҳид, ўлдирсак – гозий!

Шу сўзлардан сўнг лашкар кемалар, сепоялар, от-туяларда кечувни бошлиди. Қанча-қанча киши дарёning бўтана, оч тўлқинларига гарқ бўлди, от-туялар оқиб кетди. Лекин асосий кучлар дарёдан эсон-омон ўтиб, уйқудаги душман қароргоҳига мўр-малаҳдек бостириб бордилар. Энг олдинда қиличини яланғочлаган амир Исмоил борар эди.

Али ибн Суруш ҳужумдан хабар топиб, отига минди ва пиёда аскарларини олдинга юборди. Бухороликлар қўшини тўрт томондан ҳужум қиласидар.

Баҳорнинг шу тунида жуда катта хунрезлик бўлди. Амр ибн Лайс қўшини енгилиб, Али ибн Суруш ва Нишупурнинг кўплаб улуғ кишилари асири тушдилар.

Эртаси куни амир Исмоил тўққиз юздан ошиқ асириларга мурувват кўрсатиб, уларга озиқ-овқат, кийим-бош бериб, рақиби Амр ибн Лайс ҳузурига жўнатиб юборди. Бухоролик лашкарбошилар бундан норозилик изҳор қиласидар, амир Исмоил ўша, ўзига хос бағрикенглик ва мурувват билан шундай деди:

– Бу бечоралардан нима талаб қиласиз? Қўйинг, улар ўз юртларига борсинилар. Улар энди ҳеч қачон сизга қарши урушга келмайдилар ва бошқаларнинг диларини ҳам урушдан қайтарадилар!

Олижаноб амир Исмоил жуда кўп олтин-кумуш, қурол-яроқ, кийим-кечакларни ўлжа олиб, Бухорога қайтди. Бухоро аҳли ғолиб амирнинг пойига олтин-кумуш, гул-чечаклар сочиб қарши одди.

Исмоил Сомоний ҳар қанча олижаноблик кўрсатмасин, рақиби Амр ибн Лайс мағлубият аламини унутол-

мас, ўзининг очкўз нигоҳини Бухородан, Мовароуннахрдан узгиси келмас, мардликка номардлик билан жавоб қайтариш ниятида эди. Шу тариқа орадан бир йил ўтди.

Амир Исмоил ибн Лайс яна уруш тадоригини кўраётганини эшишиб, аскарини тўплади ва Жайҳун соҳиларига етиб келди. Мансур Қоратегин ва Порсо Байкандий ҳам Хоразмдан Омуяга келдилар. Туркистон вилояти ва Фарғонадан ўттиз минг лашкар келди.

900 йилнинг 21 ноябрида амир Исмоил лашкарнинг бош қисмини Муҳаммад ибн Ҳорун саркардалигида Балх сари юборди. Эртаси куни амир Исмоил ҳам Жайхундан кечиб, Омуядаги аскар тўплади, сўнг Хоразмга бориб, у ердан Балх сари юзланди.

Амир Исмоил Сомоний Балхнинг Алиобод деган жойига келиб тушиб, бу ерда уч кун турди. Ибн Лайс эгаллаб турган шаҳристонни қамал қилди. Унинг фармони билан шаҳарга сув етказадиган барча анҳорлар тўсилди.

Ниҳоят сесанба куни Амр ибн Лайс лашкари билан шаҳристон дарвозасидан чиқиб, Бухоро қўшини билан жангга киришди. Жангда ибн Лайс қўшини мағлубиятга учради. Қочмоқчи бўлган Амрни ушлаб олиб, амир Исмоил ҳузурига келтирдилар.

Амир Исмоил одатдагидек олижаноблик қилиб, мағлуб рақибини азиз меҳмондек қабул қилди, унга илтифот кўрсатди, ўлдирмаслигини айтди. Мағлуб Амр таклиф этган олтину бойликлардан бир мисқол ҳам олмади. Халифа Абдуллоҳ ибн ал-имом Абул Аббос ал-Муътазид фармонига асосан мағлуб рақибини иззат-икром билан кажавага ўтқазиб, Бағдодга юборди. Амр ибн Лайс икки йил зинданда сақлангач ўлдирилди.

Амир Исмоил Амр ибн Лайсни халифа Муътазид ҳузурига юборгач, халифа амир Исмоил Хуросон амири этиб тайинлангани тўғрисида фармони олий чиқарди. Ҳулвон довонидан бошлаб Хуросон вилояти, Мовароуннахр, Туркистон, Синд, Ҳинд ва Гургон – ҳаммаси амир Исмоил тасарруфига ўтди.

Амир Исмоил ҳар бир шаҳарга биттадан амир тайинлаб, адолат ва яхши ахлоқ билан иш тутди. Кимки

фуқарога зулм қиласа жазолади. Шу тахлит узоқ йиллар Бухоро ва унинг халқи саодати, равнақи йўлида хизмат қилди.

Сўнгра амир Исмоил бемор бўлиб анча вақт ётди. Табиблар «Амирнинг касали асосан рутубатдан, унга Жўйи Мўлиённинг ҳавоси хуш ёқса ажабмас», дедилар.

Амир Исмоил ўзининг хос мулки бўлмиш Зармон қишлоғига келгач, бир оз енгил тортди. У ўз кўшкида, ётган еридан кеч кун ҳукмига бўйсунган боғни томоша қиласа, телба шамол чирпирак қилиб, учиреб ўйнаётган заъфарон япроқлардан кўз узолмас, ана шу япроқлар янглиғ ҳазон бўлган умри лаҳзаларини бирма-бир хаёлидан ўтказарди.

...Мана, йигирма беш яшар навқирон амир Исмоил ясантирилган аргумоқда Бухорога кириб келмоқда... Пойига олтин, кумуш тангалар, гуллар тўхтовсиз сочилиб турибди...

Кейин... Кейин мамлакат равнақи йўлидаги тинимиз суроғи кураш, жанг-жадаллар, сабабли ва сабабсиз тўкилган қонлар. Акаси Наср қўшини билан бўлган жанг... Ана, амир Исмоил мағлуб акасининг оти узангисини ўпмоқда.

Амир Исмоил ҳаётга тўймай боқаётган кўзларини ҳар ер-ҳар ерида оппоқ парқу булатлар кезиб юрган осмонга қадади. «Мана, умр ўтди-кетди. Энди эса афтодаҳол бир алфозда қилган савоб ишларим кўпми, гуноҳ ишларим кўпми, ўйлаб, ўйимга етолмайман. Во дариг!..»

Бирдан унинг кўз ўнгида баҳорнинг бўтана сувларига тўлиб оқаётган Жайхун гавдаланди. Ой булатлар ортидан мўралайди, қамишзорлар ваҳимали шовуллайди. Нариги соҳида, душман қароргоҳида гулханлар ловуллайди. Амр ибн Лайс қўшини фафлат уйқусида... Мана, амир Исмоил кечув олдидан нутқ ирод этаётир... Мана, у от жиловини дарёнинг лойқа тўлқинларига бурди. Аргумоқ кишинаб юборди.

Амир Исмоил худди Жайхуннинг рутубатли эпкинини туйгандек, жунжикиб кетди. Ўзи қачонлардир ўқиган рубоий мазмунини эслади. «Бу дунёи дунда қудрат соҳиблари қуёш тифидаги қордек бир гап. Йиллар

шамоли уларнинг шон-шуҳратини қум зарраси янглиф учириб кетмиш...» Ҳа, қум зарраси янглиф учириб кетмиш... Нақадар пурмаъно, нақадар ҳәётий мисралар. Мана, ўзим ҳам бутун Ҳурросон амири бўлсам-да, ўша ночор қум зарраси мисол учиб кетмоқдаман. Қум зарраси... Э воҳ!..

Амир Исмоил ўша олис, 874 йил муборак рамазон ойининг ўн учинчиси, душанба кунини – ўзи Бухоро таҳтига ўтирган қутлуғ кунни эслади. У одамлар уммоми аро гижинглаган аргумоқда Аркка яқинлашиб келар экан, яқин орадаги томда тик турган ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги фоят гўзал, дуркун қизга кўзи тушди. Қиз ҳам унга бир муддат тикилиб турди. Кўзлар тўқнашдилар. Қизнинг нигоҳлари ҳайрат, ҳавас, ҳурмат ва яна алланималар билан лиммо-лим эди. Буҳоро янги ҳукмдорининг кўнгли кўтарилиб кетди, ўзининг бу шаҳарга бекорга келмаётганини англади. Қиз эса садафдек тишларини кўрсатганча хандон ташлаб кулди-да, сиқимидағи тангаларни ёш амирнинг устидан сочиб юборди. Тангалар жаранги қизнинг шодон кулгуси билан қўшилиб кетди. Бу жарангдор кулгини амир ҳамон унуголгани йўқ.

Шундан сўнг у жуда кўп марталаб олтин-кумуш, қилич-қалқон жарангларини эшилди. Лекин ҳеч бир товш унга ўша жарангдор кулги бахш этган сарафрозлик туйфусини бахш этолмади. Ҳа, ўшанда бутун Бухоро аҳди уни ўз халоскори, бало-оффатлардан қутқарувчи амир сифатида қабул қилганди. Қиз кулгиси ва тангалар жаранги унга ўзининг халқ учун керакли киши эканини доим эслатиб турарди ва чексиз бир қониқиши, куч-қувват ато этарди. Уни бутун Ҳурросон ҳукмдори даражасига кўтарган куч ҳам айнан шу эди!

Кеч куз осмонида энди оппоқ булатлар ўрнини улкан қояларга монанд қора булатлар эгаллаган, улар бир вақтлар амир Исмоил тузган сон-саноқсиз лашкардек бўлиб, мағриб томон кетиб бормоқда эдилар. Самодан рутубат ҳиди келар, чор-атроф сариқ рўмол ўраган гўзал янглиф ороланар, боғлардан, кимсасиз далалардан ҳазин оҳанглар таралар, Ҳурросон ҳукмдори шу кеч

күз кунлари ва тунларида ўз умрининг қиши тўғрисида хаёл суришда давом этар, ўзи тузган буюк давлат, буюк салтанат тақдиди ҳақида қайгуарди.

«Валиаҳд шаҳзода Аҳмад... У фаросатли, одил йигит. Илми ҳам чакки эмас. Энди ҳаммаси Аллоҳ иродасига боғлиқ. Агар унга Хурросоннинг саодатли амири бўлиш насиб этган бўлса, у албатта бу ишнинг уддасидан чиқади. Йўқса... Амир Исмоил бу тўғрида ўйлашни истамасди.

Куз охирлади, боғлар ҳувимлаб, дарахтлар бор-будла-ридан мосуво бўлдилар. Фақат танаси қучоққа сифмас улкан зардоли дарахти ҳамон тилларанг, қизғиши-қон-талаш баргларини кўз-кўз қилас, япроқлар саркаш тирамоҳ шамоли билан олиша-олиша аста-секин «оҳ» чекиб ерга тўшалардилар. Мана, бир неча кундирки, амир Исмоил шу дарахтдан кўз узолмайди, унинг гу-лоби қовундек товланаётган барглари ҳаёт билан видо-лашаётган ҳукмдор кўнглига ададсиз бир дард, оғриқ олиб киради. Лекин симиллаган бу оғриқ қандайдир ойдин, ҳаётбахш оғриқ.

Охири амир Исмоил чидаёлмади, ҳаво хийла аёзли бўлса-да, ўзини ўша дарахт тагига олиб боришни бу-юрди. Табибу хос хизматкорлар бир-бирларига қараб олдилар. Лекин ҳеч ким амирнинг иродасига қарши чиқолмади. Ким билсин, балки бу амир Исмоилнинг сўнгги фармонидир?..

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Ўша улкан да-рахт остида 58 яшар Хурросон амирининг жони узилди. 907 йил ҳам охирлаб қолганди.

Халқ амир Исмоил Сомонийга «Амири Мозий – дунё-дан ўтган амир» дея ном берди.

\* \* \*

Амири Мозийдан сўнг Хурросон таҳтига унинг ўғли Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний ўтирди. У ўз отаси ўй-лидан юриб, халққа адолат кўрсатди. Мамлакат фуқа-ролари осойишта кун кечирдилар. Аҳмад ибн Исмоил 914 йил 12 январида ўз қуллари томонидан ўлдирилди. Халқ унга «Амири Шаҳид» деб ном берди. Ундан

сўнг амири Саъид – Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмад, сўнгра амири Ҳамид – Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср каби сомонийзодалар ҳокимиият тепасига кеддилар. Исмоил Сомоний тузган давлат равнақ топаверди. Лекин шу билан бирга, бу сулола вакилларини жуда катта ҳаёт синовлари, тож-тахт мустаҳкамлиги учун курашлар, фалабалар сурури-ю мағлубият аламлари кутарди...

### ***Навбаҳор ҳаробалари. Балхоб соҳилларида. Абдуллоҳнинг қизил гуллари***

Балх шаҳри қорли, пурвиқор тоғлардан оқиб тушадиган Балхоб дарёси соҳилларида жойлашган. Жуда кўп маданиятлар, таълимотлар, қанчадан-қанча миллат ва элатлар келиб чиқишининг нақ чорраҳасидаги бу шаҳарни орий қабилалар барпо этган. Балх орқали савдо карвонлари Ҳиндистон сари йўл тутган.

Зардустийлик дини асосчиси Зардуст пайғамбар шу шаҳарда ўз таълимотини халққа етказган. У одамларни ҳақиқатга, далада ҳалол меҳнат қилишга чорлади. «Бу дунёning гуллаб-яшнаши ва равнақи деҳқон меҳнатига боғлиқ. Ер ҳайдаган киши ҳақиқат, савоб уруғларини экади. Фақат шугина ҳаққоний йўлдир. Қолган ҳаммаси – ноҳақлик йўли», дея куйларди у ўз қўшиқларида. Айтишларича, Зардуст қаерда бўлса, унинг тепасида ёрқин бир юлдуз порлаб турган.

Искандар Зулқарнайнинг шафқатсиз қиличи Балхни Фарбий Эрондан ажратиб ташламагандан Зардустнинг ҳазин ва мискин қўшиқлари узоқ вақт тинмаган бўлур эди.

Искандар шамшири зарбасидан сўнг Балхга қизил кийимли Будда роҳиблари серқатнов бўлиб қолдилар. Бу ерда кўплаб будда ибодатхоналари барпо этилди. Шулардан энг улуғвори – Навбаҳор ибодатхонаси эди. Лекин Навбаҳор ҳам йиллар шамолига дош беролмади.

VIII асрда араблар шаҳарга ҳужум қилдилар. Шаҳар аҳолиси арабларга жуда қаттиқ қаршилик кўрсатди. Жангдан олдин шаҳар ҳимоячилари Навбаҳор ҳаробаларига келиб ибодат қиласар эдилар. Лекин бари бир араблар Балхни фатҳ этдилар.

950 йилда Балхда туғилған Абдуллоҳнинг болалиги, ёшлиги Навбаҳор харобалари, тезоқар Балхоб соҳилла-рида ўтди.

Йигирма саккиз яшар Абдуллоҳ қадимги юонон фалсафаси ва табиатшунослигига таяниб, илғор ижти-моий-фалсафий қарашларни ривожлантириб, мусул-монлар фикр доирасини кенгайтиришга интилган, муътазилийлар таълимотига асосланган «Покизалик биродарлари» жамияти аъзоси эди. Жамият аъзолари кечалари қайсиdir ҳаробада тўпланиб машъала ёрги-да, шамолнинг бир маромда дилгир гувиллаши аро кўхна қўллэзмаларни ўқирдилар. Улар маъмурлар томо-нидан таъқиб остига олинганлари учун шундай қилиш-га мажбур эдилар.

Абдуллоҳ «Покизалик биродарлари» жамиятининг қатъий талабларига мувофиқ, зебу зийнат, айш-ишрат, ёлғонни инкор этган ҳолда умр басар қилишга ўргана-ётганди. Эътиқодига кўра, у исмоилийлардан бўлиб, исмоилийлар шиа мазҳабининг бир бўғинидир.

Абдуллоҳнинг мўъжазгина чорбоқчасидан пўлат шамшир дамидек ялтираган қорли чўққилар кўриниб турар, Балхбнинг шўх шарқираши қулоқقا чалинارди. Саранжом-саришта ҳовли доимо атиргулларнинг муаттар ҳидига тўла бўларди. Турли китобу қўллэзма-лардан туну кун бош кўтармайдиган Абдуллоҳнинг ки-тоблардан бўлак яна бир қизиқиши бор эди. У гулларни ҳаддан зиёд яхши кўрар, чорбоқчasi Балхнинг қизил, қирмизи, нимпушти атиргулларига тўла, йигит уларни меҳр билан парваришлар, баъзан кун бўйи гулзорда куйманган вақтлари бўларди. Ҳар қатидан чексиз би-лим, олис ва мафтункор ўлкалар нафаси, синган, хазон бўлган тақдирлар, оҳ-воҳ саси келиб турган китоблар, зар ҳошияли қўллэзмалар... Алангадек барқ урган қир-мизи атиргуллар...

Абдуллоҳ ўзи мансуб бўлган жамият юзага келишига асос бўлган муътазилийлар таълимотини зўр бериб ўрганар, табиат, жамият, инсонни билиш, уни бус-бутун, тўлалигича идрок этиш орқали ҳаққа етиш, айниқса, қадим юонон фалсафаси уни тамомила мафтун этган-

ди. Бундан ташқари, у ҳандаса ва ҳинд ҳисобини ҳам ўрганарди. Турли шаклдаги китоблар турли одамлар қиёфасида бир-бирларини инкор этар, баҳслашар, йигитни сирли олам сари етакларди.

«Эй комил инсон, сен илоҳий муҳаббат остонаси Олий ҳақиқат – Ҳақ таолони кўриш арафасидадурсан. Шуни билгилки, бизнинг таълимотимиз – бу Умид таълимотидадур, бизнинг байроғимиз – УМИД!

Эй комил инсон, шуни яхши билгинки, Зулмат салтнати бир қун келиб НУР, ЁРУГЛИК салтанати билан алмашгай! Ҳа, дунёда Ёруглик салтанати ҳукмрон бўлгай!..

Биз Ёлғонни тамомила инкор этамиз. Биз – УМИДМИЗ – ИНСОНИЯТ УМИДИ!» Абдулоҳ шам ёруғида ушбу сатрларни ўқир экан, кўзларида ёш йилтирайди. У чуқур «уф» тортиб, зарҳал муқовали бошқа бир китобни қўлига олади, бирма-бир варақдай бошлайди. Шам нури озурда кўнглига ўхшаб титрайди, саҳифалар орасидан кимнингдир аянчли ноласи эшитилади, чеҳрасидан нур ёғилиб турган бир одам сурати намоён бўла бошлайди, хона унинг овозига тўлади. Абдулоҳ бу не сир-синоат эканини билолмай кўзларини юмиб-очади, лекин ўша нуроний сиймо ҳамон нигоҳлари олдида улгаяверади. «Қўрқма, ўғлон, мен Ҳусайн ибн Мансур Халложман<sup>6</sup>. Ҳа, ўша биргина жони тўрт маротаба қатл этилган Ҳусайн ибн Мансур... Мени аввал михпарчин этдилар, сўнгра осдилар... Кейин бошимни танамдан жудо этдилар ва энг охирида вужудимни ўтда куйдирдилар... Гуноҳим – инсоннинг илоҳийлашуви ҳақида маърузалар қилдим. Аллоҳ дийдорига етишган маҳалим мен Ҳақман, яъни Худоман, дедим. Мени ўзим маъруза ўқиган мадраса дарвозасига осдилар. Лекин

<sup>6</sup> Ҳаллож – 858 йилда Эроннинг Форс вилоятида туғилган. Сўфийликдаги сўлпантеистик оқимнинг йирик вакили. Фоявий жиҳатдан карматларга яқин бўлган. Инсон, моддий олам – худонинг жилоланишидир, мен ҳақ (Худо)ман, менинг ўзлигим – Худонинг ўзлигидир деган фояни илгари сурган. Шу билан ваҳдати вужуд пантеистик таълимотига йўл очган. Руҳонийлар уни шаккоклик, занжийлар қўзғолонига алоқадорликда айблаб, қатл эттиришган.

мен бахтиёрман, чунки чеккан азобларим билан Аллоҳ-га муҳаббатимни исбот этдим...»

Абдуллоҳ китобни ёпиб ташқарига чиқди. Балх осмонида юлдузлар гужфон ўйнайди, тоғ томондан этни жунжиктирувчи шамол эсади, уйфонаётган дов-дарахтлар, тупроқ ҳиди димоққа урилади. Абдуллоҳ юрагида ҳислар мұллигидан қаловланади.

Инсоннинг илоҳийлашуви... Инсон даҳоси... Одам ва Аллоҳнинг бирлашуви фақатгина Онг орқали кечади.

Абдуллоҳ рутубатли, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганича секин одимлар экан, лаблари ўз-ўзидан пиҷирлайди: «Ҳақ – Муҳаббат – Гўзаллик – Олий Мутлақ Ҳақиқат... Муҳаббатга ўрганиш блан эришиб бўлмас. Илоҳий Муҳаббат – ногаҳонда ёқсан оппоқ қор, майсани яшнатгувчи баҳор ёмғири ёинки саҳрода ташна лабга теккан ҳаётбахш булоқ суви каби кўринишларда пайдо бўлғусидир. Муҳаббат содир бўлади ва у ҳеч қандай тўсиқ, шартларни тан олмаяжак!..»

Осмондаги юлдузлар жимирига назар солиб, тун қўйнидаги чорбоғида сайр этиб юрган Абдуллоҳ олис, нотаниш юртлар, ўлкалар тўғрисида ўйлади, пойтахт Бухоро ҳақида таниш-билишларидан эшитган ҳикоятларни хаёлида гавдалантиради ва тез орада ҳаётида кескин ўзгаришлар юз беришини билмайди.

\* \* \*

978 йилнинг эрта баҳори. Балх кўчалари қуёш нурларига фарқ бўлган. Хийла изфирин шамол эсаётганига қарамай Абдуллоҳ ўзининг севимли қирмизи атиргуллари билан машғул. У танасига энди яшиллик югуратётган буталарни авайлаб кўздан кечирав, улар қиши совуғидан омон қолганига шукроналик билдирав ва вақти келиб шу мўъжаз чорбоқчаси яна анвойи ранглар, мутаттар ҳидларга тўлишини ўйлаб қувонарди. Назарида уни Балх заминига боғлаб турган ришта – атиргуллар Балхобнинг ўйноқи, ҳатто саратонда ҳам муздек бўладиган сувлари эди. Лекин у худди шу куни ўз тақдирини кескин ўзгартириб юборадиган ва Балхни тарк этишига сабаб бўладиган киши билан учрашишини

ҳали билмасди. Бу учрашувнинг сабабчиси – дунёдаги кўп воқеа-ҳодисаларни бошқарib, жой-жойига қўйиб турадиган омил Тасодиф эди. Тасодиф уни ясантирилган оқ от минганд, зарбоф тўн кийиб, оқ салла ўраган, қоп-қора соқол-мўйлови ўзига ярашиб тушган йигирма саккиз-йигирма тўққиз ёшлар чамасидаги ўрта бўй, хушсурат йигит билан учраштириди. Хушсурат йигит Абу Жаъфар Утбий бўлиб, ўн беш яшар Хуросон амири Нуҳ ибн Мансурнинг вазири эди. Нуҳ ҳали бола бўлганидан амирлик ишларини унинг онаси ва вазир Утбий бошқарар эди.

Шу куни вазир ва Абдуллоҳ баҳор нурларига тўла чорбоқда узоқ сухбатлашдилар. Улар бир-бировлари-га ёқиб қолган эдилар. Вазир Абдуллоҳни Бухорога таклиф этди, уни ишга жойлаштиришга ваъда қилди.

Бухоро: Бу шаҳар нимаси биландир уни мафтун этар, ўзига чорларди. Вазир Утбийнинг таклифидан сўнг Абдуллоҳнинг тинч йўқолди. У савдогарлар карвонига қўшилиб Бухорога жўнашга қарор қилди. Лекин туғилиб-ўсган юртни тарқ этиш осон кечмади. У жўнаб кетиладиган кун арафасида Навбаҳор харобалари, Балхоб соҳилида узоқ кезди, кўзлари толиққунча қорли чўққиларга тикилди. Айниқса, ўзи жуда яхши қўрадиган, ўрганиб қолган атиргулларни ташлаб кетиши жуда оғир эди. У Бухоро заминида ўстириш учун бир жуфт қирмизи атиргул ниҳолни илдизи, тупроғи билан кўчириб олиб, хуржунига жойлади. «Бу гуллар Бухорода ҳам яшнаб очилса, менга туғилган юртимнинг, Ватанимнинг жонли тимсоли бўлиб қўрингусидур», ўйларди у. Абдуллоҳ ўзининг севимли китоб ва қўлёзмаларини ҳам Бухорага олиб кетди.

Неча-неча тоғлар, дарёлар, чўлу саҳролар ортда қолди. Карвон пойтахт Бухорога етиб келди. Осмонўпар минораю нилий тоқу гумбазлар, олағовур карвонсаройи бозорлар, улуғвор мадрасалар Абдуллоҳни лол қолдирди.

Бу пайтга келиб, Исломий тузиб, ҳозир унинг авлодлари бошқараётган давлат ўз тарихининг сўнгги йигирма йиллигига қадам қўйган, амирлар, лашкарбо-

шилар ўртасида зиддият авжига чиққанди. Лашкарбошилар Абулҳасан Мұхаммад ибн Иброҳим Симжурый ва Абулҳасан ал-Фоик ал-Хоссалар Бухоро душманларига қарши кураш баҳонасида мамлакат хазинасини шип-шийдон қилишар, бўш хазина вақт-вақти билан тож-тахтни ларзага солар, она сути оғзидан кетмаган амир Нуҳ ибн Мансур вазир Утбийдан нажот кутарди.

Абу Жаъфар Утбий ақлли, соҳиби тадбир вазир эди. У лашкарбошиларни фафлатда қолдириб, бирини вазифасидан маҳрум этишга, иккинчисини мамлакат жанубидаги душманлар билан жангга юборишга муваффақ бўлди. Лекин орадан кўп ўтмай Симжурый ва Фоик тил бириткириб, Утбийнинг бошини танасидан жудо қилдилар.

Бу пайтда Абдуллоҳ Бухоро яқинидаги Ҳурмитан (Ромитан) қишлоғида яшар ва маъмурий ишларга бошлиқ қиласарди. Мамлакат хазинасига солиқ йиғиши унинг асосий вазифаси эди.

Ҳурмитан Зарафшон соҳилида жойлашган бўлиб, Бухоронинг энг йирик ва обод қишлоқларидан саналарди.

Абдуллоҳнинг ота-онаси жуда ёшлигидаёқ вафот этишган, йигирма тўққиз яшар йигит ҳамон ёлғиз яшар, унинг Ҳурмитандаги ҳовлиси ҳам худди Балҳдагиси сингари саранжом, озода эди. Тоғлар қўйнидаги она юртидан келтириб ўтқазилган ўша бир жуфт қирмизи атиргул Бухоро заминида ҳам қулф уриб очилган, нигоҳларни яшнатиб турарди.

Абдуллоҳнинг амирлик ишлари билан туну кун шуғулланишига тўғри келарди. Баъзи-баъзида бўладиган бўш пайтларини у ўзи энг яхши кўрган машғулот – китоб ва ноёб қўлларидан мутолаасига бағишилар, чорбоққа чиқиб атиргуллар парвариши билан машғул бўлган пайтлари эса унинг учун энг бахтиёр онлар эди. Абдуллоҳ гулларига маҳлиё бўлиб турар экан, хаёл уни Балҳ сари етаклаб кетар, ўзини шўх ва тезоқар Балхоб соҳилларида, ҳамон салобатли ва пурвиқор Навбаҳор харобаларида кезиб юргандек ҳис этар, симиллаган, ададсиз бир дард юрагини ўттарди. «Қизиқ, – ўйларди

у, – инсонга доим нимадир етмай турар экан. Балхда тезроқ Бухорога келишни, бу ажойиб шаҳарни тезроқ қўриш, унда яшашни истардим. Бу менга эришиб бўлмас бир баҳтдек туюларди. Энди бўлса, Балхоб соҳиларини қўймсайдурман...»

Абдуллоҳ амирилик хазинаси учун солиқлар ундириш билан банд экан, Бухорода бундан кейинги тақдири қандай кечишини билмас, ўзини ҳаётнинг қандай имтиҳонларию бўронлари кутаётганини ҳам тасаввур этолмасди.

У «Покизалик биродарлари» жамияти аъзоси сифатида аёлларни инкор этиб яшаётган бўлса-да, ёш, ўқимишли йигит чин севгини, улкан ҳаётбахш туйфу бўлмиш буюк инсоний муҳаббатни эътироф этарди. Ким билсин балки, жуда нозиктаъб, нуктадон Абдуллоҳ фақатгина соғ, бокира муҳаббатни кутиб, узоқ йиллар танҳо яшагандир...

...Ипакдек мулоийим мезон тонги. Зарафшон томондан эсган тирамоҳ шамоллари юракка аллақандай ҳазин оҳанглар олиб киради, само шира-шарбат, пишиқчилик ҳидига тўла.

Ғалвир сувдан кўтарилган, деҳқонлар ҳосил йиғим-терими билан банд. Бундай пайтларда хазина учун солиқ йигувчиларнинг ташвишлари ҳам ортади. Улар хирмон бошида ҳосилни чамалаб, деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қиласидилар, солиқ миқдорини белгилайдилар.

Эрта тонгдан ўзининг саман йўргасини миниб, Афшона қишлоғига жўнаган Абдуллоҳ чошгоҳда чанқонини бостириш учун қишлоқ чеккасидаги бир ҳовли ёнида отдан тушди. У ҳовлида қандайдир иш билан машғул бўлган ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги қиздан бир коса сув олиб чиқишини илтимос қилди.

Киз ҳуркак нимтабассум билан сув узатар экан, Абдуллоҳ унинг сутдек оқ ва булоқ сувидек тиниқ юзига, майнин қайрилма қошлирига, бодом қовоқлари-ю ҳаёила қимтилган лабларига ўғринча нигоҳ ташлади. Сўнгра... Сўнгра кўнгил ойнаси бўлмиш кўзлар тўқнашдилар...

Қизнинг кўзларини фақатгина чиройли, жон олғувучи дейиш – ҳеч нима демаслик билан баробар эди. Кўлида сопол коса ушлаган қишлоқ қизининг оху кўзларида бутун бир олам – гўзаллик олами мужассам, уларда ҳар бир инсон ақдини шоширувчи қандайдир ёлқин, сеҳр, жоду бор эди.

Абдуллоҳ гунгу лол бўлиб қолди. Шунча йиллардан бери аёл зотига қиё ҳам боқмаган, китобни энг яхши ёр, гўзал маҳбуба деб билган йигитнинг юрагида буюк бир инқилоб қўзғолди. Бу инқилоб бир неча сонияда содир бўлди. Қиз кетишга чоғланар экан, Абдуллоҳ тилга кирди:

– Ташаккур, ҳамшира! Келтирган сувинг жуда тотли экан!

Қизнинг чиройли юзи «дув» қизарди.

– Тирамоҳда Зарафшон суви тиниқлашиб, шундоқ ширин бўладур...

– Исминг недур, соҳира? Кимнинг қизисан?

– Исмим... Исмим Ситора... Ситорабону...

– Ситорабону... Ҳа, чиндан ҳам Ситора, ердаги Юлдуз экан, соҳира!..

Қиз «лип» этиб дарвозадан ичкари кириб кетди. Абдуллоҳ отига миниб, ўз йўлига равона бўлди.

Абдуллоҳ кетиб бораркан, юрагида бир неча сония бурун қўзғолган бўрон тобора кучаярди. У ҳеч қачон бундай ҳолатни бошидан кечирмаганди.

Кечгача у яна бир неча қишлоқда бўлди, қанча одамлар билан учрашди. Нигоҳи одамларда-ю, лекин тийрак кўзлари ҳеч нимани илғамас, қизнинг илоҳий чехраси хаёлидан кетмас, ёқимли овози қулоқдарида акс садо берарди. Қизнинг бутун олам гўзаллиги мужассамлашган биргина ўтли нигоҳи, Абдуллоҳнинг қалбида яшаб келаётган аёлни инкор этиш эътиқодини кул қилиб юборганди.

У уйига қайтгач, либосларини алмаштириб, чорбоқ-часига чиқди. Ботаётган қуёш Зарафшон тўлқинларини қирмизи рангга бўяган, атрофга оқшом сукунати чўймоқда эди. Абдуллоҳ киндик қони томган Балхнинг ёлғиз ёдгори бўлмиш ўша атиргул ёнига борди. Қир-

мизи атиргул қүёшнинг сўнгги нурлари билан уйғунлашиб, самовий бир гўзаллик касб этган, хуш бўйи димоқни қитиқлар, новдалар мезон шамолидан ларzon эдилар. «Оқ атиргулим, қирмизи гулим! Сендан болалигим тафти келадур! Сен гулсан, табиат мўъжизасисан. Сен бекиёс гўзалсан ва буюк гўзаллигингни ҳеч ким, ҳеч нима инкор этолмайдур. Инкор эттандаям сен гуллигингча, мўъжизалигингча қоласан. Сенинг буюклигинг ҳам шунда. Хўш, шундоқ экан, бугун менга сопол косада сув узатган соҳира – Ситоранинг сендан нима фарқи бор? Мен инкор этсам-да, эътироф этсам-да, бу гўзал хилқат шундоқ гўзаллигича қолгусидур. Ва худди сенингдек барқ ургусидур! Эҳ, биродарларим, покиза дўстларим, зебу зийнатни, айш-ишратни ва ёлғонни инкор этиш мумкин, инкор этмоқ даркор. Ва лекин Ситора исмли малакни инкор этиш мумкинми?!» Абдуллоҳ яна Балхни, Навбаҳор ибодатхонаси харобаларини эслади. Бошига кулоҳ кийган, кўркам соқолли ўрта яшар киши чарм муқовали катта китобга мук тушганча қироат билан ўқир, унинг ёқимли, алаловчи овози шамолнинг дилгир увиллашига қўшилиб, ажиб оҳанг касб этар, унга соме бўлган Абдуллоҳ ва «Покизалик биродарлари» жамиятининг бошқа аъзолари жон қулоқлари билан тинглар эдилар.

Китоб ўқигувчининг ич-ичига ботиб кетган қўзлари қорачиқларида машъала нури ўйнар, салқи ёноқлар, юзини эса самовий бир нур ёритиб туарди гўё. «Жамиятимизнинг бошлангич таълимоти шундай: Биз зебу зийнатни, айш-ишратни, аёлни ва ёлғонни бутунлай инкор этадурмиз. Шу боисдан жамиятимиз «Покизалик биродарлари» деб аталади. Бошлангич таълимидан сўнг бизнинг биродаримиз маънавий баркамолликнинг яна уч босқичини босиб ўтиши керак. Энг сўнгги босқич – бу ўз-ўзингни, оиласигни ва ниҳоят, халқингни бошқара олиш даражасига етишишдур», дерди у.

«Ҳа, халқни бошқара олиш даражаси... – ўйларди Абдуллоҳ, – энг олий даражага. Бу даражага етишиш учун сен энг аввало ўзингдан, ўзлигингдан кечишинг даркор... Мана энди, йигирма тўқиз ёшимга келиб, мен

ҳатто ўзимни бошқара олмаяпман. Бу не ҳол? Ситора... Ердаги Юлдуз... Агар уни десам, эътиқодимни инкор этмоғим даркор. Эътиқодимни десам, Ситорани инкор этадурман... Эй Аллоҳ, ўзинг мадад бергайсан!..»

Чор атроф тун зулумотига фарқ бўлди. Абдуллоҳнинг кўнгли ҳам чироқ ёқса ёришмас, ўз ёғига ўзи қовуриларди. Афшоналик қизнинг ўша ўтли нигоҳи унинг кўнглида шунча йиллардан бери ҳукмрон бўлган мувозанатни бузиб юборганди. У кўнглида эндигина туғилиб, куртак отаётган бу туйғу ҳақиқий, бир умрлик эканини юрак-юракдан ҳис этар, шу боисдан жуда безовта эди.

Абдуллоҳ ўқимиши ўигит эмасми, бир нигоҳ билангина юракда ёлқинланган муҳаббат неча минг йиллардан бери қўшиқ-достонларда куйлаб келинган, чин, илоҳий севги эканига астойдил ишонгиси келарди. «Ҳа, муҳаббат шундайин бир туйғуки, ҳар бир юрак унга эртами-кечми, бари бир дуч келади. Муҳаббатни эътироф этишим эътиқодимга зид эмасдурму? Дунёда ҳеч бир таълимот, агар у чин инсоний таълимот экан, муҳаббатни инкор этолмайдур, инкор этишга қодир эмас! Ахир ҳаққа ҳам муҳаббат, фақатгина чин илоҳий муҳаббат орқали эришадурмиз-ку! Ҳақ инсоний, хокисор муҳаббатни-да рад этмайдур...»

Абдуллоҳ туни билан айқаш-үйқаш хаёллар, қарама-қарши, бир-бирини инкор этувчи туйғулар оғушида қолиб, мижжа қоқмади. Эрта тонгда туриб қўлига гулқайчи олди-да, чорбоққа чиқди. Саралаб, барқ уриб очилган уч дона қирмизи атиргул узди. Оҳори кийимларини кийиб, салласини чиройли қилиб ўради-да, отига миниб яна Афшона сари йўл олди. У бир қарорга келган, ўзининг кейинги тақдирни ўша қиз билан боғлиқ эканига узил-кесил ишонганди.

У кетиб борар экан, қўлидаги гулларга дам-бадам қараб қўяр, уларга ўзича ном қўйиб олганди. Мана бу – Эътиқодим, буниси – Муҳаббатим, учинчиси эса Умидимдур! Эътиқодим Муҳаббатим ва Умидим – афшоналик гўзал қўлида... Гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсан, Аллоҳим!»

Саман йўрға Афшонага яқинлашган сайин, Абдуллоҳнинг юраги хапқирап, қизни учратса оламанми, гапни нимадан бошлайман, нима дейман деган ўйлар унга тинчлик бермасди.

Тақдирнинг марҳаматини қарангки, Ситорабону дарвозаси олдида кимнидир кутиб ўтирарди. Бу бахтдан сархуш бўлган Абдуллоҳнинг боши айланди. Қиз кечаги таниш суворийни кўриб «дик» этиб ўрнидан турди, ибо билан салом берди. Абдуллоҳ алик олди, отдан тушиб каловланганча қизнинг ёнига яқинлашди.

– Ситора, бу гуллар сенга! – деди тили зўрга айланиб.

Қиз ўша ҳуркак нимтабассум блан гулларни олди, уларга бир зум маҳлиё бўлиб тикилди.

– Ташаккур! Қандай чиройли гуллар! Мен бунақасини энди кўриб турибман.

– Тўғри айтасан, Юлдузим! Бу гуллар Бухоро замини учун бегона, уларни мен ватанимдан келтириб, Ҳурмитанда ўстирдим. Энг биринчилари сенга насиб этди!

– Балхнинг қизил гуллари менга насиб этмиш... Яна бир бора ташаккур!

– Ҳа, Балхнинг қизил гуллари Бухоронинг Оқ гулига насиб этмиш! Гўзалим, бу гулларнинг бири Эътиқод, бири Муҳаббат ва яна бири Умиддур.

– Ажаб... Эътиқод... Муҳаббат... Умид...

– Ҳа, Ситора, менинг Эътиқодим ҳам, Муҳаббатим ҳам, Умидим ҳам сенинг қўлингдадур!..

Қиз узун киприкларини ҳам қилди. Атиргуллар акси унинг юзига урди. Абдуллоҳ дадилланиб сўзида давом этди:

– Сени Ҳурмитанга олиб кетадурман. Ана шу гуллар орасида гул бўлиб яшайдурсан, гўзалим.

Қиз йигитдан нигоҳларини олиб қочди, кетишга тараддулланди.

– Мен Ҳурмитанга боролмайдурман. Ота-онам йўқ, Ихтиёрим ёлғиз акамда.

Ситорабону шундай деди-ю, дарвозадан ичкари кириб кўздан гойиб бўлди.

Абдуллоҳ ҳам от бошини яна Ҳурмитан томонга бурди. У ўзида йўқ шод эди. Ситора гулларни олди, ихти-

ёrim акамда, деди. Акаси эса Бухоро амири амалдори-ни жон-жон деб куёв қилади!

Кўп ўтмай Абдуллоҳ Афшонага кўчиб келди. Ситорабону билан қовушди.

980 йил асад ойида уларнинг оиласида ўғил туғилди. Унга Ҳусайн деб исм қўйдилар. Онаси Ситорабону қўйнида бор овози билан йифлаб ётган бу мурғак чақалоқ келажакда Бухоро, бутун Ўрта Осиё шуҳратини оламга ёйишини, жаҳон илм-фанининг порлоқ қуёшига айланишини ёлғиз Аллоҳ ва юлдузлардан бўлақ ҳеч ким билмасди. Тарихчи Заҳируддин ал-Байҳақийнинг ёзишича, Ҳусайн туғилганда Ой, Қуёш ва Зуҳро юлдузи ўзларининг энг юксак нуқталарида бўлишган...

Бу орада Абдуллоҳнинг оиласи Бухорога кўчиб келди. Уни Бухорога Нуҳ ибн Мансур таклиф этганди. Нуҳ Абдуллоҳга Бухоронинг жанубий-гарбий ҳудудларидан солиқлар йифиш вазифасини топширди.

Бухорода Абдуллоҳ ўғли Ҳусайнни Қуръон ва адаб илмларини ўргатадиган муаллимларга топширди. Ҳусайн ўн ёшга тўлганида Қуръонни тўла ёд олди ва адаб илмларининг кўпчилигини ўзлаштирди. Унинг ҳаддан ташқари ўткир зеҳнидан ҳамма ҳайратга тушарди. Ҳусайн бир резаворфурушдан ҳинд ҳисобини ва Исмоил Зоҳид деган кишидан фиқҳ (ислом қонуншуносиги) илмини ўргана бошлиди. Кейин Бухорога файласуф Абу Абдулло Нотилий келди. У Абдуллоҳнинг дўсти бўлиб, Балҳда яшаганларида «Покизалик биродарлари» жамиятининг фаол аъзоларидан бири эди. Абдуллоҳ дўсти Нотилийни ўз уйида яшашга кўндириди. Нотилий ёш Ҳусайнга «Исогужи» (Мантиқ фанига кириш)ни ўргата бошлиди. Кўп ўтмай Нотилий ёш шогирди мантиқ илмининг жуда нозик томонларини ҳам устозидан устун даражада билиб олганини тушуниб етди.

Сўнгра Ҳусайн «Уқлидус» (Евклид)ни ўрганди. Кейин «Ал-Мажистий» (Птоломей асари)га ўтди. Болакайнинг фикр доираси кенглиги, хотирасининг кучи ва илмга чанқоқдиги Нотилийни ҳайратга солди.

Орадан анча фурсат ўтиб Нотилий Бухорони тарк этди. У Гурганж сари йўл тутар экан, дўсти Абдуллоҳга

«Ўғлинг илмдан бўлак иш билан шуғулланмасин. Унинг учун илмнинг очилмайдиган эшиклари йўқ. Уни буюк келажак кутади», деди.

Сўнгра Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ тиб илми билан шуғулана бошлиди. Қисқа муддат ичида у тиб илмидан илгорлаб кетди. Ҳатто билимдон табиблар ҳам ундан тиб илмидан дарс ола бошладилар. Шу билан бирга у фиқҳ, фалсафа, мантиқни ўрганишда давом этди. Кейинчалик Ҳусайн ўз таржимаи ҳолида бу ҳақда шундай сатрлар ёзиб қолдирди: «Агар бирор масаладан бошим қотиб, қиёсда ўртacha таърифни тополмасам, жоме масжидига борарадим ва намоз ўқиб, яратувчига ёлборарадим, натижада қоронги нарсалар менга ойдинлашар, мушкуллар осон бўлар эди.

Кейин эса уйимга қайтиб келардим-да, олдимга чироқни қўйиб олиб, фақат ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим...

...Шу йўсинда мантиқ, табииёт ва риёзий илмларни пухта ўрганиб олдим, кейин илоҳиётга ўтиб, «Мобаъда ат-табия» (Арастунинг «Метафизика» китоби)ни ўқишга киришдим...

Бу вақтда Бухоронинг подшоҳи Нуҳ ибн Мансур эди. Иттифоқо, у бир касалликка дучор бўлиб, табиблар у ҳақда бир фикрга кела олмабдилар. Кўп ўқийдиганлигим туфайли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган эди. Подшоҳ хузурида менинг ҳақимда гапириб, ундан мени чақиртиришни сўрашибди. Мен бориб табиблар билан биргаликда шоҳни даволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танидим.

Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ рухсат берди».

Шу тариқа ёш олим ва табиб бутун Бухорога машҳур бўлиб кетди. Отаси Абдуллоҳ ўғлининг муваффақиятларидан қанчалик қувонмасин, унинг келажаги ҳақида кўпроқ қайгуарди. У сиёsatдан хабардор одам сифатида Сомонийлар давлатига шимолий шарқдан хавф солиб турган Қорахонийлар давлати тобора кучайиб, янги-янги ерларни босиб олаётганидан хавотирда эди.

Ҳақиқатан ҳам бу вақтга келиб Хурасонда парокандалик ҳукмрон, Сомонийлар давлати лашкарбошилари Фоиқ ва Абул Ҳасан Мұхаммад ибн Иброҳим Симжурыйнинг ўғли (отаси вафот этганды) Абу Али Мұхаммад Симжурый жинояткорона тил бириктириб, Қорахоний шоҳ Буғрахон тасарруфидаги Тароз ва Қашқарга яширинча тез-тез қатнаб турад әдилар.

Буғрахон Фоиқ ва Симжурый анча заифлашиб қолған Сомонийлар давлатини эгаллаш учун шундай қиляётгандарларини яхши билар, бу иккала хоиннинг ҳаракатларини зимдан кузатарди. Тез орада у Симжурый ёрдамида Самарқанд шаҳрини эгаллади. Бу воқеа 992 йилда содир бўлиб, Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ёки Абу Али ибн Сино ўшанда эндиғина ўн икки ўнда эди. Ўғлининг буюк келажагига астойдил ишонган Абдуллоҳ уни тақдирнинг ноҳуш шамолу бўронларидан қандай асраб қолиш тўғрисида қайгуарди. Сомонийлар давлати ҳукмдори Нуҳ ибн Мансур энди даҳшатли куч касб этган қорахоний Буғрахонга қандай қилиб бас келиш чораларини қидиради. Буғрахон Самарқандни эгаллагач, унинг нигоҳи Бухорога қаратилгани ҳеч кимга сир бўлмай қолганди.

Таҳтда ўтирган Нуҳ ибн Мансурнинг чеҳраси қиши осмонидан-да тундроқ, миясини бир-биридан хунук, бир-биридан қўрқинчли хаёлар қамраб олган. У бир амаллаб Фоиқ бошлиқ лашкарни Буғрахон билан жанг қилиш учун Самарқандга жўнатди. Лекин ўзи Фоиққа ҳам, бу жанг ғалаба билан тугашига ҳам ишонмасди. «Фоиқ аталмиш лашкарбоши собиқ ахта қул – ҳеч кимга вафо қилмаган ва менга-да вафо қилмайдур. Бу аниқ. Лекин бошқа чорам борми менинг? Буғрахоннинг бутун чўлни мўр-малаҳдай босган лашкарига қарши турадиган куч йўқ-ку менда. Тақдиринг жирканч бичилган қул қўлида қолса?! Алҳазар!» Шуларни ўйлаётган Нуҳнинг ёдига отаси Мансур ва амакиси Насрнинг таҳтга ўтириши билан боғлиқ воқеалар тушди. Ўшанда ҳам Хурасон тақдирини икки собиқ қул – Фоиқ ва Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний бир вақтлар сотиб олган турк фуломи – сипоҳсолор Алптегин ҳал қилишган эди.

Үшанды Бухородан Алптегин ҳузурига чопар бориб, вафот этган амир ўрнига кимни тахтга ўтқазишиңи сўрадилар. Алптегин, ўшанды саксон ёшда бўлган Хуросон сипоҳсолори қонуний тахт вориси бўлган Насрни тахтга ўтқазишиңи айтди. Лекин Фоиқ ўша қуниёқ Насрни тахтдан ағдариб, унинг ўрнига укаси Мансурни ўтқазди. Фоиқ бир вақтлар қулбачча сифатида ана шу Мансурга тортиқ этилган ва у билан бирга ўғанди.

Насрнинг тахтга ўтқазилиши Алптегин кўрсатмаси билан бўлганини яхши билан Мансур қари сипоҳсолорни ёмон кўриб қолди. Тез орада Фоиқнинг иғвоси билан улар ўртасида низо чиқди. Алптегин Хуросонни тарк этиб Балх сари йўл олди. Бомиён, Кобул, Фазна ни эгаллаб, ҳукмронлик қила бошлади. Унинг кўплаб гуломлари бўлиб, улар орасида ўзи Нишопурдаги қул бозоридан сотиб олган Сабуктегин (Маҳмуд Фазнавийнинг отаси) ҳам бор эди. Вақти келиб Сабуктегин ҳам Бухоро тақдиррида муҳим роль ўйнашини ҳеч ким билмасди. Бу воқеалардан кейин орадан икки юз йил ўтгач, буюк вазирлардан бири Низомулмулк шундай сўзларни битди: «Алптегин Хуросонни тарк этгач, сомонийлар сулоласидан омад юз ўғирди».

Алптегин Хуросонни тарк этгач, ўзи босиб олган Фазнадан туриб Ҳиндистонга тез-тез ҳужум қилди. Ана шу юришларнинг бирида йўлда вафот этган қари сипоҳсолор ўз лашкарига бошчилик қилишни кўп жангу жадалларда ўзини кўрсатган Сабуктегинга васият қилди.

Нуҳ ибн Мансур вақтига келиб Сабуктегин Фазна ҳукмдори эди.

Фоиқни Буғрахон билан жангта юборган ва ўзи қарама-қарши хаёллар оғушида ўтирган Нуҳ ёрдамни Фоиқдан эмас, Сабуктегиндан кутиш кераклигини ўйлаб ҳам кўрмасди.

Хоин Фоиқ Буғрахон билан бўлган жангда енгилиб, ўзи ҳам ўша ёқларда қолиб кетди.

992 йил салқин савр тонгларининг бирида Буғрахон Бухорога кириб келди. Нуҳ ибн Мансур бу пайтда Омуюда лашкар тўплаш билан банд эди. Тақдирнинг Нуҳга қилган марҳаматини кўрингки, Буғрахонга Бу-

хоро об-ҳавоси ёқмай, у касалланиб қолди ва шаҳардан жўнаб кетиб, Тароз йўлида вафот этди.

Нуҳ Бухорога қайтиб келди. Лекин унинг қайтиб келиши мағлуб амирнинг шармандали қайтиши эди. У ўзини жуда ёлғиз, фариб ҳис этар, халқ унга лоқайд муносабатда эди. Ахир пойтахт душман қўлида топталишига йўл қўйган ҳукмдорга бошқача муносабат бўлиши мумкинми?

Ўн икки яшар Ҳусайн билан Бухоро кўчаларида паришон кезиб юрган Абдуллоҳ ҳам ўзининг салтанат инқирози тўғрисидаги тахминлари бу қадар тез содир бўлганидан хафа эди. Амирлар тож-тахт талашар эканлар, уларнинг илму ирфон тўғрисида ўйлашларига вақт қолармикан? Беназир иқтидор соҳиби Ҳусайнинг ҳоли не кечаркин?

### *Разолат ҳанжари. Ибн Сурхак мактуби. Марв йўлидаги фожиа*

Сомонийлар давлатида қўшин асирга тушган турклардан ташкил этилар, улардан жасоратли ва ақллилари лашкарбоши даражасига ҳам кўтарилар эдилар. Ҳар гал қайсар лашкарбошилар томонидан содир этиладиган хиёнатлардан панд еб, дили оғриган амир Нуҳ лашкар тузиш қоидалари номукаммалигини билиб турса-да, уларни ўзgartириш қўлидан келмасди. Мана, бугун ҳам соҳибхабар (хуфия – айгоқчилар махфий девони бошлиғи)нинг лашкарбошилар навбатдаги фитнага ҳозирлик кўраётгани тўғрисидаги хабарини эшитгач, унинг фифони фалакка чиқди. Фоиқ билан Симжурий яна бош кўтариб, Бухоро ва Хурросон аҳолиси бошига қора кунлар солиш пайида эдилар.

Иложсиз қолган Нуҳ Фазнага чопар юбориб, Сабуктегиндан мадад сўрашга мажбур бўлди.

Умрининг кўп қисми юришларда ўтган Сабуктегин ўз қўшини билан Фоиқ ва Симжурий лашкарига қарши жангга отланар экан, Алптегин ўлимни олдидан ўзига айтган сўзларни такрор эслади.

– Яхши билгин, ўғлон, тожу тахт шундайин бир ноёб қушки, уни на сор бургут ва на ваҳшний арслон ушлаб

қололгай. Тожу тахт аталмиш бу ноёб қүшни фақатгина қилич ва олтин кучи билан банди қилиш мумкин-дур. Ҳукмдор қўлида кескин қилич эса сендуран. Ҳа, сен! Фақат шўрлик амирлар қўлларидағи ўткир қилич ўзларини-да маҳв этиши мумкинлигни унутиб қўядилар. Начора, олтин жилоси уларнинг кўзларини сўқир, қулоқларини кар қилиб қўядур...

«Ҳа, – ўйларди куз шамолларига кўкрак кериб, отини йўрттириб бораётган Сабуктегин, – чол нақадар нуктадон эканини вақт кўрсатиб турибдур. Фоиқ ва Симжурый шундайин шамширки, уларнинг зарбидан Бухоро ва Хурросон ҳалок бўлиши ҳеч гап эмас. Лекин мен бу муттаҳамларга омонлик бермагайман! Охир-оқибат бир кўзлик шайтон – Фоиқ ва айёр тулки Симжурий менинг қўлимда ажал топқусидур...»

993 йил 1 ноябрдаги жанг жуда даҳшатли бўлди. Жантда Сабуктегин лашкари голиб чиқди. Фоиқ ва Симжурый жанг майдонини шармандаларча ташлаб қочдилар. Улар афв этишни сўраб, Нуҳ ибн Мансурга махфий элчилар жўнатдилар. Лекин Нуҳ хоинларни кечирмади.

Галабадан сўнг, кеч куз кунларининг бирида, Кеш яқинидаги шоҳона саропардада Нуҳ ва Сабуктегин хумордан чиққунча майхўрлик қилиб, бир умрлик содиқ дўст бўлиш тўғрисида онт ичдилар. Сўнгра амир Нуҳ Сабуктегиннинг ўғлига шоҳона совға сифатида Нишопур шаҳрини берди.

Нишопур... Бу шаҳар ўғли Маҳмудга насиб этганини эшитган Сабуктегиннинг кўзларидан ёш чиқди. Ахир болалигида худди шу Нишопурдаги қул бозоридан Алп-тегин уни сотиб олган эди-да! Дунёи дуннинг ажабтовор ишларини қаранг! Нишопурни совға сифатида олган ўғил Маҳмуд Фазнавий бўлиб, кейинчалик дуннинг жуда кўп мамлакатларини босиб олди, ўзи собиқ қулнинг фарзанди бўла туриб, кўплаб ҳалқдарнинг бoshига қуллик асоратини солди!

Нуҳ ва Сабуктегин галабасидан кейинги осо-йишталик узоқча чўзилмади. Маккор лашкарбошилар ҳийлаю найранг билан жон сақлаб, куч тўпладилар-да,

яна тожу таҳт даъвосига тушдилар. Капалаги учеб кетган Нуҳ яна ёрдам сўраб Сабуктегинга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Ўз қасамига содиқ Сабуктегин қудратли лашкари билан Балхдан чиқиб, Кеш остоналариға келди. Лекин унинг кўп сонли қўшини тўғрисидаги хабарни эшигтан Нуҳ ибн Мансур Кешга, Сабуктегин ҳузурига келмади. Вазиру амалдорлар уни шунга унданаган эдилар.

Сабуктегин Нуҳнинг оқибатсизлигидан жуда хафа бўлди. «Эҳ, лаънати, қасам ургур!» – фижинди у, лекин бари бир дўстлик ҳақидағи ваъдасига содиқ қолиб, Фоиқ қўшинини тор-мор келтирди. Самжурийни асир олиб, ўзи билан Фазнага олиб кетди.

\* \* \*

Вақт ва тарихнинг олға интилувчи фиддираги ҳеч кимни, ҳеч нимани, ҳеч қандай ҳокимияту салтанатни аямай айланишда давом этар, бу айланишлар не-не тақдирларни вайрон этар, шоҳлар гадо, гадолар шоҳга айланар, коинот тегирмони эса бир зум тиним билмасди. Буюк Исмоил Сомоний барпо этган давлатнинг баҳор, ёз, кузи ўтиб, қиши келган, улкан дараҳтнинг қуриган шоҳлари бирин-кетин кесиб ташлангани каби кўплаб вилоятлар, ер, мулклар, бойликлар ундан ажрабиб кетмоқда эди.

Ўттиз тўрт яшар Нуҳ ибн Мансур ўзи бош бўлган, бир вақтлар жуда қудратли бўлиб, энди ҳалокат ботқоғига чуқурроқ ботаётган салтанатнинг инқирозизни кўриб-билиб туарар, лекин қўлидан бирор иш келмасди. «Ҳай дариф, – ўйларди у афсус-надомат билан, – наҳот, салтанату тож-таҳт ҳам инсон боласи янглиғ ўсиб-улғайиб, кучга тўлиб, сўнгра қартайиб ҳалокатга юз тутса?! Наҳот ҳалокатнинг олдини олиш чораси бўлмаса?! Ёки Аллоҳ иродасими бу? Магарки, Аллоҳ иродаси экан, бандасининг қўлдан ҳеч бир иш келмагай...»

Сарой фитналарию жангу жадаллар, тож-таҳт талашишлар Нуҳнинг соғлигига путур етказган, у ҳали йигит ёшида бўлса-да, ҳам жисман, ҳам руҳан бемор эди. Ёш, иқтидорли табиб ва олим Ҳусайн ибн Абдул-

лоҳ, тажрибали табиб ал-Қумрий муолажалари унинг жонига ора кирса-да, амир ҳаётининг шоми бошлаганини яхши биларди. У ортида қолаётган ўн тўққиз яшар Мансур, ўн саккиз яшар Малик ва эндигина ўн еттига кирган кенжада ўғли Исмоил тақдири ҳақида ўйлар, уларнинг бошига тушажак можароларни ўйласа, эти жунжикарди. Тахт ворисларининг боши можаролардан холи бўлмаслигини у ўз тақдири мисолида яхши биларди. У яхши ният билан кенжада ўғлига бобокало ни Исмоил Сомоний исмини берган, унинг келажагига умид боғлаганди. Энди эса қарийб юз йил умр кўрган буюк салтанат унинг фарзандлари қўлида барҳам тошиши аниқ бўлиб турибди.

Кўп ўтмай Бухорода Нуҳ ибн Мансур, олис Фазнада Сабуктегин оламдан ўтдилар. Сабуктегин зинданнида Симжурий ҳам бандаликни бажо келтирди. Қачонлардир Сабуктегин қўли билан ҳокимиятдан маҳрум этилган вазир Узайр бир амаллаб бандиликдан қочиб, Самарқандда исён кўтаришга муваффақ бўлди. У қорахоний шоҳ Насрни ёрдамга чақирди. Наср Самарқандга етиб келди, лекин исёнчиларга ёрдам бериш ўрнига, уларни банди қилди. Чунки у Самарқандни ўз мулки ҳисобларди.

Наср хоин Фоиқ бошчилигидаги қўшинни Бухоро сари жўнатди. Отасининг ўрнига эндигина тахтга ўтирган Мансур Жайхун сувларидан ўтиб Омуяга қочишга мажбур бўлди.

Бир умр Бухоро тахтига ўтиришни орзу қилган, бу йўлда қанчадан-қанча фитнаю ифволар қилиб, қанчадан-қанча бегуноҳ бошларни кестирган, дарё-дарё қонлар тўйкан манфур Фоиқ Наср қўшини билан пойтахтга кириб келди. Лекин бир умрлик орзуси, тахтга ўтиришга юраги бетламади. Мансур ибн Нуҳни яна Бухорога чақириб, уни тахтга ўтқазди. Факат ёш амирни ўзининг кўпина шартларини қабул қилишга мажбур этди.

Қўлдан кетган тахтни қайтариб олган Мансур бошлашкарбоши ва Хурросон ноиби бўлиш Маҳмудни (Сабуктегиннинг ўғли) ҳокимиятдан маҳрум этиб, унинг ўрнига ўртамиёна иқтидорга эга бўлган Бектузунни

тайинлади. Фоиқ эса янги күч билан сарой фитналари-ни бошлаб юборди.

Маҳмуд Фазнавий Мансурнинг ўзига нисбатан оқибатсизлигидан беҳад ранжиб, катта можаролар бошлади. Отасининг васиятига биноан Фазна ҳукмдори бўлган акасини таҳтдан ағдариб, Бектузунни Хурсон ҳудудидан қувиб чиқарди ва унинг аввалги мансабларини қайтариб беришни Мансур ибн Нуҳдан қатъий талаб қила бошлади. Сўнгра катта қўшин тўплаб, Мансур билан омонсиз жанг қилишга отланди.

Воқеалар бундай тус олишини сира кутмаган Мансур қийин аҳволда қолди. У Маҳмуднинг жанг кўрган, кучли ва кўп сонли лашкари билан олишишга ўзида журъат сезмас, Фоиқ ва Бектузун эса уни зўр бериб шунга ундар эдилар.

Ниҳоят бир оёғи гўрга етиб қолган бўлса-да, ўзининг қабиқ ишларидан ҳамон қайтмаган Фоиқ ал-Хосса Мансурни жанг қилишга кўндириди ва улар икковлон Бухоро лашкарига бош бўлиб, Сарахс сари йўл олдилар. Бектузун ҳам ўз қўшини билан шу ёққа йўл тутди.

Қишининг майин қор учқунлаган изғирин куни. Бепоён саҳро ажиб бир сукунатга фарқ бўлган. Кўждан юлдузсимон майда заррачалар эмас, аллақандай фам-андуҳ ёғилаётир гўё. Чор атрофда ҳукмрон сукунат ҳам ёлғончи сукунат бўлиб, саҳронинг кимсасиздай туяулган кенгликлари бир-бирини бурда-бурда қилишга тайёр турган лашкарга тўлиб кетганди.

Мансур жангни мумкин қадар орқароққа суришга интилар, у ҳамон уч йиртқич – Маҳмуд, Фоиқ ва Бектузунни яраштириш умидидан воз кечмаганди.

Мансурнинг ярашиш учун қилган ҳаракатлари унга жуда қимматга тушди. Фоиқ ва Бектузун уни гафлатда қолдириб банди этдилар. Ва ёш амир кўзидан оққан қонали ёшларга парво қилмай, дийдаларига ханжар санчиб кўр қилдилар.

Мансур жонҳолатда чинқириб юборди. Ҳозиргина юрагида аллақандай дард, андуҳ уйғотиб, учига ёғаётган митти оппоқ юлдузчалар бир зумда қип-қизил тус олдилар, чор атроф бокира оқлик эмас, даҳшатли алан-

га рангини олди. Кўп ўтмай кўз ўнгини қоп-қора ваҳшатли тун эгаллади.

Ҳали йигирма ёшга ҳам кирмай ёруғ дунёни кўриш, гўзалликни ҳис этиш, гул нафосати-ю майса яшилигидан баҳра олишдан бир умр бенасиб бўлган ёш амирнинг қўлларини олдинга чўзганча аянчли аҳволда чўлда одимлаши жуда даҳшатли эди. У бошига тушган ҳалокатни тўлалигича идрок этиб улгурмаган бўлса-да, ҳаёт унинг учун ўз мазмунини йўқотганини тушуниб турарди.

Унинг ёнгинасида бораётган Фоиқнинг якка, ёлғиз соғ кўзидан бирор ифода англаш қийин эди.

Кўп ўтмай Маҳмуд Фазнавий турли ҳийлаю найрангларни ишга солиб, сомонийлар давлатига ҳукмронлик қилиш тўғрисида Бағдод халифаси Қодирдан ёрлиқ олишга муваффақ бўлди. Бу хабарни эшитган Фоиқ ал-Хосса жуда одамови бўлиб қолди. У саройдаги таҳт атрофида бир неча кун соядек серрайиб юриб, сўнг шарманадаларча жон таслим қилди.

Бухоро ва Хурросондаги воқеалар ривожини диққат билан кузатиб турган қорахоний шоҳ Наср ўлжага ташланган қузгундек бир ҳамла билан Бухорони эгаллади. Эндигина амирлик тожини кийган Абдумалик ибн Нуҳ ҳалқни унга қарши жангга сафарбар этолмади.

Бу воқеалар 999 йилнинг 23 октябрида рўй берди. Худди шу кун жаҳон тарихига Сомонийлар давлати яксон бўлган кун сифатида кирди. Амир ва лашкар-бошиларнинг ўзаро олишуви охир-оқибат ана шундай аянчли якун топди.

Бу қонли воқеалардан сўнг жуда кўп шоирлар, фан, маданият арబоблари Бухорони тарқ этдилар. Лекин Абдуллоҳ ва Ҳусайн ўзларига қадрдан бўлиб қолган шаҳардан кетишга ошиқмасдилар. Бу вақтга келиб ёш Ҳусайннинг олим ва табиб сифатидаги шуҳрати жуда кўп мамлақатларга ёйилган, Маҳмуд Фазнавий уни ўз саройига чорламоқда эди. «Ўғлим, – дерди Абдуллоҳ Ҳусайн билан узоқ суҳбат қурган маҳаллари, – шоҳ ва шердан узоқроқ юрган маъқулдор. Негаки бу икки мавжудот қаҳри ҳалокатли бўлғай...»

1002 йилда Абдуллоҳ вафот этди. У фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилишдан олдин ҳар иккала ўғли Ҳусайн ва Маҳмудни ёнига чақирди. Узундан-узоқ васият ўрнига бир неча калима сўз айтди:

– Ўғлим, ҳаётда Аллоҳ менга насиб этган ноёб дурдона сен эдинг. Устозинг, дўстим Абу Абдуллоҳ Нотилий айтганидек, сен илмдан бўлак иш билан шугулланма. Сен илм учун яралгансан. Сени роят қўйин, лекин буюк келажак кутмоқда. Укангга кўз-қулоқ бўл.

Отанинг ҳолсиз лабларидан бошқа бирор сўз учмади. Ҳали жуда ёшлигидан қанчадан-қанча одамларни, ҳатто амирларни даволай олган Ҳусайн отасини енгтан дард олдида ожиз эди.

Барча давлат арбоблари, омон қолган шаҳзодалар Бухорони тарк этишган, фақатгина Нуҳ ибн Мансурнинг кенжা ўғли, сомонийлар сулоласининг сўнгти вакили, йигирма беш яшар шаҳзода Абу Иброҳим Исмоил мана, неча йилдирки, қораҳонийларга қарши қурашиб келарди. У сомонийлар байробини ҳамон баланд кўтариб, Бухорони қайтариб олиш учун жанг қиласар, яхши ният билан Исмоил Мунтасир (ғолиб, галаба қозонувчи) номини олганди. Сомонийлар тарафдорлари унинг ғалабасига умид боғлашарди. Табиатан оққўнгил, мард ва довюрак Исмоил вайрон бўлган давлатни тиклашга ҳеч иккиланмай жонини тикканди. У кундан-кунга кучайиб бораётган қораҳонийлар билан яккама-яка кураш ҳалокатли эканини билса-да, йўлидан қайтмасди.

\* \* \*

Қиши осмони тунд. Ҳавода қор ҳиди анқийди. Дарё томондан изгирин шамол эсади. Улкан саропарда ичи эса иссиқ; ўртада гулхан ёнаяпти, саксовул оловда чирсиллаб, билинар-билинмас кўкимтири турун аро ажиб бир ҳид димоққа урилади.

Амир Исмоил Мунтасир ўйчан нигоҳларини оловдан узмай, Бухорода ўтказган маъсуд кунларини эслайди, ўртанади, ёнади. Бу – шаҳзоданинг Бухоро сари сўнгги юриши. Буни у юрак-юракдан ҳис этиб турибди. Тақдир бошқа имконият бермайди. Ҳалиям улуғ бобока-

лонлари Баҳром Чўбин, Исмоил Сомоний руҳи ёр бўлиб, томирларида оққан ўша қон мадад бериб, беш йилдирки, Бухоро ор-номуси, шарафи дея жанг қиляпти. Эндиғи юриш – сўнгиси, бу аниқ. Бу юриш ё ҳаёт, ё ўлим! Бошқа йўл йўқ! Бўлиши мумкин ҳам эмас! Тож-тахт учун кураш қонуниятлари ана шундай шафқатсиз.

Амир Исмоил Мунтасир сўнгги юришга катта умид боғлаган, лекин билмайдики, маккор, тадбиркор ва узоқни кўра оловчи рақиби – Бухоронинг янги хукмдори Наср ҳал қўйувчи жанг тақдирини олдиндан белгилаб қўйган. Тўғрироғи, хоинлик ва олчоқлик шаҳзода юрагидаги нурли орзулар кушандаси бўлиб, ундан анча оддинроқ омонсиз жангга киришган. Мардлик ва хоинлик ўртасидаги жангда ким ғолиб бўлишини эса...

Саропарда эшиги вазифасини бажарувчи парда кўтарилиб мулоғим кўринди. У билан қўшилиб саропардага совуқ ҳаво оқими ёпирилиб кирди. Мулоғимнинг телпаги, чакмонида яккам-дуккам қор учқунлари йилтиради. Мунтасирнинг юраги хапқириб кетди. «Эҳ, қани энди гупиллатиб бир қор ёғиб берса! Шу оқ поёндозда азиз Бухором сари юрсан... Халқим мени шу оқ, оппоқ баҳт билан кутиб олса... Марҳаматингни дариф тутмагайсан, эй Аллоҳим!»

Мулоғим амирнинг хаёлчан нигоҳидан кўз узмай таъзим қилди-да, томоқ қириб сўз бошлади:

– Соқчилар Бухоро тарафидан келатурғон бир қаландарни банди этмишлар. Сизни кўраман деб айтадур...

Мунтасир юрагида пайдо бўлган умид учқунлари кучлироқ алангаланди.

– Тезда келтирингиз ҳузуримга! Тезда!

Кўп ўтмай саропардага кулоҳ ва жанда кийган, қош-киприкларига қор учқунлари кўнган ўрта яшар қаландарни олиб келдилар. Қаландар қўлларидағи кишини шилдиратиб, амирга эгилиб таъзим қилди. Мунтасирнинг ишораси билан унинг қўлларини кишандан озод этдилар.

– Сўйла, қаландар, кимсан, қайдан келадурсан? Менда не юмушинг бор?

– Сенинг сиҳатингни, ишинг ривожини Аллоҳдан тилаган бир бандадурман. Бухорои шарифдан кела-дурман.

Қаландарнинг хотиржам товуши, нуроний чеҳраси Мунтасирнинг кайфиятини кўтариб юборди. Шунча хорлик-зорлик, жангут жадал, қон кўрган бўлса-да, у одамларга бўлган ишончини йўқотмаганди.

– Мен-да, сенинг қор билан кириб келишингни Аллоҳ марҳамати деб ўйлаб турадурман. Наҳот, она-юртимдан бирор мужда келтирдинг?!

– Каромат қилдинг, амирим! Мен қариндошинг ибн Сурхак ҳузуридан келадурман!

Ибн Сурхак... Бу исмни эшитиб Мунтасир отаси саройининг амалдорларидан бири бўлмиш сермулозамат, қоқчакак, қошлари ўсиқ, ўрта яшар кишини эслади. Мунтасир унинг ўз қариндоши эканини билар, баъзи-баъзида учрашиб тураг, лекин ҳозир Наср эгаллаган Бухорода истиқомат қилаётган амалдорларнинг ички дунёсини, у ҳозир нима иш билан машғул эканини билмасди. Шундай бўлса-да, лоқайдлик, олчоқлик ва оқибатсизлик уммони аро ўзини йўқдаган қариндоши номини қаландар тилидан эшитиб, кўнгли бир оз таскин топди.

Бу орада қаландар бошидан кулоҳини олиб, унинг қатидан майин най шаклида ўралган қофозни олди-да, таъзим билан амирга узатди:

– Ибн Сурхак сенга мактуб йўлламиш, амирим!

Мунтасир мактубни ички бир титроқ, ҳаяжон билан қўлга олди. Уни очар экан, шигиллаган майин қофоз қатларидан Бухоро тоқу гумбазлари саси келгандай бўлди.

Мактубни муштоқлик билан ўқиётган Мунтасирнинг чеҳраси ёришиб борарди.

«Улуг амир Исмоил Мунтасир ҳазратларига дуои саломлар бўлгай! Биз сенинг сиймоингда багри ситамлардан қон бўлган Бухоро халоскорини кўрадурмиз. Сенга улуг аждодинг Амири Мозий – Исмоил Сомоний руҳи ёр бўлишига ва рақибларинг маглуб, сарнигун бўлмогига имонимиз комил. Аҳли Бухоро сени сабрсизлик ила кутмоқдадур. Сен лашкаринг бирла шаҳар осто-

наларига қадам қўйишинг ҳамоно Бухорои шарифда босқинчи Наср зулмига қарши улуғ бир инқилоб қўпгай ва биз халқ ёрдамида келгиндиларни маҳв этгаймиз, инишоаллоҳ!

Бухорога марҳабо, амири Мунтасир, амири Фолиб! Аҳли Бухоро сенга мунтазир! Улуғ Исломил Сомоний руҳи ёр бўлгай!

*Содик қулинг ибн Сурхак».*

Мактубни ўқиб бўлган Мунтасирнинг кўзларига ёш қуишилб келар, у қаршисида тик турган қаландарни ҳам, мулошимни ҳам кўрмас, лаблари нуқул «Бухорога марҳабо, амири Мунтасир, амири Фолиб! Аҳди Бухоро сенга мунтазир...» дея пичирларди. Бухорони беҳад соғинган, уни тезроқ озод қўриш иштиёқи билан ёнаётган Мунтасирга қаландар келтирган мактуб – Аллоҳ, таолонинг юриш олдидан берган фатвосидай бўлиб қўринди.

У мактубни қайта-қайта ўқир, юраги ҳаяжондан ларзада эди. Орадан анча фурсат ўтгач, қаршисида ҳамон қаққайиб турган қаландарга кўзи тушиб, мулошимга фармон берди:

– Қаландарга сарупо кийдирингиз! Баковулга айт, қорнини-да яхшилаб тўйдурсун!

Хонада ёлғиз қолган амир яна анча вақтгача ўзига келолмади. Эртага Бухорога юриш бошлийман деб турганда қаландар мактуб олиб келди. Ибн Сурхак мактуби. Хўш, бу нима ўзи? Аллоҳ марҳаматими ёинки улуғ аждодларим руҳи шундоқ қўллаб-қувватлайдурми?» «Бухорода улуғ бир инқилоб қўпгай!» дейилади мактубда. Бу қаттол душманни маҳв этиш учун айни муддао эмасми? Ё Аллоҳ, наҳот чеккан нолаю афгонларим ўзингга етиб борган бўлса?»

Мунтасир жунбишга келган туйгуларини жиловлаш учун ташқарига чиқди. Чиқди-ю оппоқ сеҳр-жодуга бурканган чўлни кўриб лол қолди. Ҳал қиувчи юриш олдидан ором олаётган лашкар қароргоҳи ҳам оқ, оппоқ сукунат қўйнига гарқ бўлган, саропарда ва

чодирлар паст-баланд қортепаларга ўжшарди. Майин қор заррачалари аччиқ изғириңга қўшилиб амирнинг юз-кўзларига урилар ва қалбига қандайдир ёруғлик, ором олиб киради. У момиқ қорни бир-бир босиб Заррингису (Зарринсоч) саропардаси сари йўл олди.

Саропардада Мунтасирни таъзим билан қаршилаган Заррингису ҳам амир сингари масрур кайфиятда эди.

– Марҳабо, амирим, хуш келдинг! – саропарда соҳибасининг руҳи жонон зардолиси янглиғ ёноқлари яллял ёнар, мовий кўзлари мавжланар, исми жисмига монанд заррин соchlаридан ҳар қандай эркак ақдини шоширувчи муаттар бир ҳид тараалиб турар, қарқарали сувсар қалпоқ, нозик, чикка белини сириб турган кимхоб камзули ўзига ярашиб тушганди.

Асли эронийлардан бўлиб, тақдир тақозоси билан Бухорога келиб қолган Заррингису Мунтасирнинг кеийинги беш йилда саҳрома-саҳро кечган дарбадар ҳаётida доимий йўлдош эди.

– Ташаккур, гўзалим! Наинки сен, балки аҳли Бухоро, она шаҳрим бутун менга «Марҳабо, амири Мунтасир, амири Голиб!» демоқдадур. Бу яхшилик аломати эмасми, Заррин? Мана, ҳам ёғиб йўлимни оқ қиласадур!..

– Бу – дуолар ижобат бўлғонидан, самовий кучлар хайриҳоҳдигидан нишонадур, амири Голибим! – Заррингису ноз-истифно билан Мунтасирнинг кўксига бош қўйди. Мунтасир соchlар атридан маст бўлиб, бир муддат туриб қодди. Сўнгра тўлқинланиб шундай деди:

– Мен манфур Насрни шаҳримдан ҳайдаб чиқараман, сен, гўзалим Заррин, Бухоро маликаси бўладурсан ва менинг қоронги кечаларимни жамолинг билан ёритурсан!

– Иншоаллоҳ, амирим! Қоронги кечаларни наинки мен, балки ғалаба машъяласи ёритгусидур! Биз, заифалар ғалабанинг голибларини хуш кўрадурмиз. Мағлублар ўзларини-да, аёлларини-да тақдир тўфонлари измига ташлайдурлар. Амиримни яхши кўришим боиси – яловларидағи голиблиқ сувратидур... – Заррингисунинг ярим ҳазил, ярим чин бу сўзларига Мунтасир эътибор қиласади. Унинг бутун фикри-зикри бўлажак

юриш билан банд эди. Шу туфайли у нотаниш қаландар ташрифидан заррача шубҳаланмаган, ибн Сурхак мактубидаги сўзларга ҳам чиппа-чин ишонганди.

Эртасига у юриш бошлаш олдидан лашкар бошлиқлари билан сўнгги марта машварат ўтказди. Ҳамма Бухорони тезроқ эгаллаш иштиёқи билан ёнарди гўё. Амир Мунтасир ўзини Бухоро остоналарида хиёнат ва разолат кутаётганини, мағлуб ва дарбадарликка маҳкум бўлишини билмасди.

Ҳал қилювчи, ҳаёт-мамот жанги иштиёқини дилига жо қилиб, оқ аргумоқда жонажон шаҳри томон йўл тутган Мунтасир орзу сари эмас, балки сароб сари бормоқда эди. Аслида эса ногаҳонда келиб қолган қаландар маккор душман ҳийласи бўлиб, хоин ибн Сурхак ўз қариндошини тузоққа тушириш учун Наср кўрсатмаси билан мактуб ёзганди. Бу мактуб – Бухоро ҳалқи даъватига ишониб, кўзларига ёш қалқдан Мунтасирнинг ортидан туриб урилган разолат ханжари эди. Энг даҳшатлиси, Мунтасирнинг барча лашкарбошилари, қўшини Наср томонидан сотиб олинганди. Улар исталган дақиқада амирлари этини бурда-бурда қилишга тайёр эдилар.

Бухоро остоналаридаги жанг жуда шармандали бўлди. Бир гуруҳ содиқ маслакдошлари ҳамроҳлигига Наср қўшини устига шердек ташланган Мунтасир орадан кўп ўтмай жанг майдонидаги манзарани кўриб даҳшатдан донг қотди. Байроқдарни хам қилган қўшин Наср томонига ўтиб олган, бирор аскар қиличини қинидан суғурмаганди!

Фазаб ва иложисизликдан Мунтасирнинг эси оғар дарражага етди. Наср қўшини эса уни асири олиш пайига тушди. Хайриятки, бир гуруҳгина содиқ навкарлар уни қилич дамидан ҳимоя қилиб дарё сари чекиндилар, амирни шармандали асириликдан қутқардилар. Бу воқеалар 1005 йил қишида юз берганди.

Мана, мағлуб – голиб – Мунтасир дарбадарликдаги содиқ дўсти, тошга боғлоқдик оқ аргумоқ олдида ўтирибди. Яйдоқ чўл шамоллари унинг жулдур кийимларини тортқиласди, турли-туман воқеаларни ёдига солади.

«Ха, – дейди у афсус-надомат ила, – буюклар Коинот сирларини қалб күзи бирла идрок эт демишлар. Мен эсам, ҳатто ожиз бандалар воқиф бўлган асрорни билолмадим. Яна айтадурларким, катта баҳтиқаролик, балолардан кейинги умр жуда ажойиб эмиш. Мана, катта бало-қазолардан омон қолдим. Лекин ҳаёт кўзимга яхши кўринмайдур, яшагим-да келмайдур. Энди яратган менинг исмимни тириклик дафтаридан ўчирса, ҳеч армон эмас...»

Баҳор нафаси келиб, чексиз саҳро қиши уйқусидан уйғонмоқда, бу ҳаётнинг абадий ва давомийлигини мағлуб шаҳзодага эслатиб турарди. Чўлнинг баҳорги манзараси сабаб бўлибми, Мунтасир Заррингисуни эслади, юрагининг қаъригача симиллаган бир оғриқ кирди. «О, о, Заррингису! Сўнгги жанг, менинг хоинлик ва разолат ботқоғига чўкишимдан олдин айтган сўзларинг, гарчанд, ҳазил бўлса-да, нақадар шафқатсиз эканини мана, энди тушуниб тургандайман. «Биз заифалар ғалабани, голибларни хуш кўрадурмиз. Мағлублар ўзларини-да, маҳбубаларини-да тақдир тўфонлари измига ташлайдурлар...» деган эдинг. Сен ҳақ бўлиб чиқдинг, Заррингису, сен ҳақсан! Тақдир тўфони иккимизни икки қирғоққа иргитиб ташлади... Энди сени-да, ўзимни-да ҳимоя этолмайдурман ва сен ҳозир кимнинг саропардасига тонг насими янглиғ кирганингни-да билолмасман. Заррингису, маъзур тутгайсан, малагим, мен разолат қурбони бўлдим. Сўнгти жангда иложсиз эдим, сени ҳам, ҳарамни ҳам ҳимоя этолмадим. Биласанми, Заррингису, бу гаплар Бухоро таҳтига дъевогарнинг гаплари эмас, бу – енгилган, алданган, хўрланган кимсанинг шум тақдирдан шикоятлали. Мен, агарки, давлат ҳукмдорлигига даъво қилибман, ҳаммасини олдиндан кўра билишим керак эди. Аслида эса ибн Сурхак мактуби ҳам, Насрнинг макр-ҳийласи ҳам бу – бир САБАБ! ОҚИБАТ эса, ҳа, ҳа, ОҚИБАТ эса аллақачон аниқ-равшан эди. Менинг узоқ аждодларим аввал Мовароуннаҳр, сўнгра Хуросон таҳтини эгаллашганида ўз ҳудудларида ҳамма ишни зиммасига оладиган, ҳамма нарса учун жавоб берадиган ва энг аввало, оддий фуқаро ғамини ейдиган кучли, одил сиёsatни илгари сур-

ган эдилар. Ва шу туфайли мағур, масрур, ҳамиша Мунтасир эдилар. Мен уларнинг шу ғалабалари давомчиси бўладурман деган яхши ният бирлан Мунтасир номини олган ва байробимни баланд кўтарган эдим. Лекин мен ҳам, баҳтиқаро акаларим ҳам ва умри тож-тахт дея хазон бўлган падари бузрукворим ҳам оддий фуқаро дардларидан йироқлашиб кетганимизни, нуқул лашкарбошилар билан тахт талашиб, мамлакат эртасини унутганимизни англамагон эканмиз. Буни мен, гумроҳ хонумон кўлдан кетгач, энди англагондек бўлиб турибман. Бу гапларни фақат сенга, Заррингису, беш йиллик сарсон-саргардон умримда зимистон кўнглимни чироқдек ёритган содиқ дўстга айта олардим... Энди сен ҳам йўқсан, сенинг заррин соchlaringни ким силамоқда, билолмасман...»

Мунтасир чўл шамолига кўкрак тутганича узоқ ўтириди. Сўнгра бир қарорга кедди шекилли, хуржунидан амирлик олтин тожини олиб, увадаси чиққан кулоҳ устидан кийди, тилла камарини жулдур чакмон устидан тақди ва отига миниб, мағриб сари йўл содди.

Кимсасиз саҳрода бир неча кун йўл юргач, кунларнинг бирида чошгоҳ маҳали олисда Марвнинг мино-ралари элас-элас кўзга ташлана бошлади. Худди шу аснода Мунтасирнинг қархисида ўзи сингари жулдур кийимли бир гадо пайдо бўлди. Бу шунчалар тез со-дир бўлдики, гадо ердан чиқдими, осмондан тушдими, Мунтасир билолмай қолди. У гадога салом берган эди, чол қўлидаги асони баланд кўтариб хитоб қилди:

– Ҳой, муруватли йўловчи! Уч кундан буён туз тотганим йўқ. Юришга мадорим қолмади. Мени Марвга олиб кетсанг, ҳақингга дуо қиладурман. Йўқ дема, олийҳиммат ўғлон! Дуо олтиндан қимматроқдур.

Мунтасирнинг афтодаҳол гадога раҳми келиб, уни отига мингаштириди. Улар Марв сари равона бўлдилар.

Бир оз йўл юришгач, Мунтасирнинг жулдур кийимларига ярашмайтурган олтин тож ва тилла камарга нигоҳи тушган чолнинг хира кўзлари чарақлаб кетгандай бўлди. Тури қимматбаҳо тошлилар қадалган тож тикка келган қуёш нурида ярақлаб, сўқир кўзни-да яшнатарди.

Гадо ўзига мурувват кўрсатган йўловчи оддий одамлардан эмаслигига фаҳми етиб, уни гапга солди, се-кин-аста аврай бошлади. Унинг олма-кесак тераётган кўзлари Мунтасирнинг белидаги тилла қинли ханжарга тушди.

– Қайдан қайга йўл тутадурсан, серҳиммат ўғлон? Кимнинг зурриёдисан?

– Бухори шарифга сифмадим. Марв сари йўл тутадурман. Нуҳ ибн Мансур зурриёдиман... – шу сўзларни айтган дарбадар амир бир зум сукут сақлади.

Манфур гадо эса унинг жавобига қулоқ солмас, кўнглида шайтон васваса қиласади. «Биргина зарба билан сен бир умрлик хорлик, зорлик ва энг муҳими, очлик балосидан қутулгайсан. Ханжарнинг биргина зарбаси кифоя! Тақдир қашшоқликдан қутулишинг учун бошқа имкон бермагай! Ишон, баҳтсиз гадо, баҳтга эришувинг учун биргина зарба кифоядур!»

Шундоқ нигоҳдари қаршисидаги олтин жилвасидан ҳушини йўқотар даражага келиб, кўзлари қонга тўлган гадо Мунтасирнинг белидаги ханжарни шаҳд билан тортиб олди-ю, жон ҳолатда кураклари орасига «тарч» этиб санчди.

Мунтасир нима бўлганини англаёлмади, ҳатто «воҳ!» дейишга ҳам улгурмай, от ёлига бошини қўйди. Ваҳшийлашиб кетган гадо ханжарни сугуриб олиб, қурбонининг ўнг ва чап курагига такрор-такрор санчди.

Бир умр кутилмаган зарбалар олиб юрган бечора амир ана шу тариқа – яна ортидан хоинона санчилган ханжар зарбаларидан ҳолсизланиб, «шилқ» этиб отдан қулади. Қотил ҳам апил-тапил отдан тушиб, жон талвасасида хириллаётган Мунтасирнинг тожи, камарини ечиб олди ва ўнгу сўлига қарамай, чўл ичкарисига қоча бошлади.

Оқ аргумоқ қотил кетган томонга қараб жон ҳолатда кишинар, ер тепинар, эгасининг тепасида афсус-надомат или бош силкитарди.

Мунтасир, сомонийлар сулоласининг қора қонга беланганд сўнгги зурриёди вужудини тарқ этаётган кучларини йиғиб, қўроғшиндай оғирлашган қовоқла-

рини йириб, кўзларини очди. Кўз очди-ю, тепасидаги аянчли манзарани идрок этолмади. Оқ аргумоқ ҳамон сувлиқ чайнаганича бош қимирлатар, катта-катта қизгиш ёқутдек кўзларидан йирик дўл томчиларига монанд ёшлар шашқатор эди. Умри бино бўлиб одам аҳдидан вафо кўрмаган бечора Мунтасир ёруғ дунёда ўзига вафо қилган ёлғиз жонзот – шу учқур от эканини ҳам билолмай жон таслим қилди...

\* \* \*

Мунтасирнинг фожиали ўлеми – Сомонийлар давлати тикланишига умид боғлаб, Бухорода қолганларнинг сабр косасини тўлдирган сўнгги томчи бўлди. Мунтасирнинг тенгқури Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ҳам ўша, 1005 йилда дилда кадар, кўзларида ёш билан Бухорони тарк этди.

Ҳусайн карвон қўнғироқларининг бир маромдаги даранг-дурунги остида отда кетиб борар экан, кўз ўнгида чор атрофни қоплаган чексиз қум уммони эмас, бир-биридан даҳшатли манзаралар гавдаланаарди.

Мана, ибн Сурхак ёниб адo бўлаёзган шам ёруғида Мунтасирга мактуб битаётир. Сал нарироқда қиличи ни ялангочлаган Наср турибди. Қиличининг кескир дамида қон излари қотиб қолган.

Ибн Сурхак мактубни ёзиб бўлди, кўзларида муте, вафодор ит нигоҳларидағина зоҳир бўладиган ифода билан таъзим этиб, уни Насрга узатди. Наср мактубга ижирғаниб нигоҳ ташлаб, бош қимирлатди. Ибн Сурхак яна етти букилди, бирдан қад ростлади ва қўлида «ярқ» этган ханжарни ҳеч нарсадан хабарсиз Мунтасирнинг кураклари орасига санчди! Эвоҳ, бу сўнгги сомонийга эмас, Бухоронинг юрагига урилган РАЗОЛАТ ХАНЖАРИ ЭДИ! Аслида Бухоро мустақиллигини ҳам, Мунтасирни ҳам маҳв этган ханжар – шу мактуб бўлиб, Марв йўлида гадо санчган ханжар эса баҳтсиз та-содиф, бойлик йўлида қилинган телбavor жиноят эди. Номсиз, имонсиз гадо тарихга ватани озодлиги учун жонини фидо қилган оққўнгил ва мард шаҳзода қотили бўлиб кирди...

Хусайн күзларини юмиб-очди, нигоҳи олдидағи даҳшатли манзаралар йүқолиб, күм-күк сувли күл намоён бўлди. Хусайн күзларига ишонмади.

Йўқ, бу сароб эмас, карвон Хўжаубонга етиб келган, чучук сувли күл бўйида тўхтаган эди...



# КИЗИЛ ҚУЮН

---

УЧИНЧИ ҚИССА

## **Ялта сафари. Зулайхо. Ота васияти**

Жавзо ойининг бошлари. Кунлар исиб, шаҳар чорбоқдарида эртапишар зардолулар етилиб қолган, Дильтуши томонлардан ажид бир ҳид таралади.

Амир Абдулаҳадхон шифти баланд, салқин хос хонасида парқу болишларга ёнбошлаб ўтирибди. Кенг елкалар, чорпаҳил гавда, кўркам соқол шоҳона лиbosдаги амирни янада салобатлироқ кўрсатади.

Абдулаҳадхон ўйчан, у бўлажак Ялта сафари тўғрисида ширин хаёллар сурарди. «Бухоро ҳақиқатан ҳам жаннатмонанд жой. Лекин йиллар ўтган сайин бу ернинг иссигига чидаш қийин бўлмоқда. Ялатага бориб келганимдан сўнг Карминадаги қароргоҳимда яна муқим яшайман».

Амирнинг кўз ўнгида Ялатадаги ер-мулки гавдаланди.

Абдулаҳадхон рус амалдорлари ҳомийлигидан фойдаланиб Қора дengиз соҳилидаги сўлим бир гўшада юз танобча ер сотиб олиб, Шарқ услубида бир неча шоҳона қасрлар қурдирганди. Бу ерда учлари будутга теккудек дараҳтлар билан ёнма-ён ноку шафтолилар ўсар, анвойи гуллар атри кишини маст қилгудек, олисдаги Ай-Петри чўққиларидағи оппоқ қорлар кўзга ташланар, дengиз томондан эсган салқин эпкин дилга ҳузур баҳш этарди.

Муҳташам қасрлар баландликда жойлашган бўлиб, ердан бутун Ялта, бандаргоҳ, келиб-кетиб турган кемалар, салобатли Айиқтоғ худди кафтдагидек яққол кўриниб туради.

Лекин амир фақатгина Қrim табиати ошуфтаси эмасди, у Ялатада макон тутган рус, юнон, татар соҳибжамоллари суҳбатини тез-тез қўмсар, бу йўлда беҳисоб пул, бойлик сарфларди.

«Қrim гўзаллари... О-о, паричеҳра татар жонони Зулайхо...» Абдулаҳадхон Зулайхонинг оҳу кўзлари, диркиллаган сийналарию мўрча миёнини эслаб, ширин тамшаниб қўйди. У юзлаб қиз-жувонларни ўз нафси қурбони

қылган синашта эркак, Зулайхони кўрди дегунча инон-ихтиёридан ажралар, илондек тўлғониб, буралиб, эшилиб, ноз-карапма қиласиган бу соҳиранинг бирор шартига йўқ деёлмас, унга совфа қилинган қимматбаҳо буюмлар, олтин тўла ҳамёнларнинг сон-саноғи йўқ, соҳилдаги оққушдай тўлқинларга тўш тутиб турган икки қаватли шинамгина уй ҳам ҳукмдорнинг шоҳона тухфаси эди.

Ўтган йили сўнгги ишрат тунида Зулайхо ҳар қачон-гидан гўзал, итоаткор, кўзларида севинч, кулги ўйнар, ақиқ лаблари қанду асал сочарди. У нозу назокат ила биллурин қадаҳда каҳрабодек товланиб турган майни амирга тутар, ҳар бир ишорасини чаққон илғаб, илти-фот қиласиди.

Абдулаҳадхон кайфи тарақ, бирдан меҳри товланиб шундай деганди:

– Эртага сен билан Бухоро сари йўл тутамиз. Мен энди сенсиз яшай олмайман!

– Йўқ, ҳазратим, мен сиз билан кетолмайман. Шаҳрингизда тезда жонингизга тегиб қолишдан чўчийман. Шу ерда сизни соғиниб, сизнинг ёдингиз ила яшашни афзал биламан. Сиз ҳам мени соғинсангиз тез-тез келасиз, – нозланди Зулайхо қўлидаги май тўла қадаҳни тутиб.

Амир қадаҳни бир кўтаришда бўшатди, сўнг қўлинни Зулайхонинг ингичка белига узатди...

Абдулаҳадхон ўша тонг қандай отганини билмайди. Фақат Айиқтоғ ортидан кўтарилган қуёш нурлари кўзларига тушганда у ўрнида бир ағанади-ю, яна уйқуга фарқ бўлди. Шуларни ўйлаётган ҳукмдор ўзича пичирлади: «О, Зулайхо, маккора, гўзал соҳира, сени соғин-маслик, сенга интилмаслик мумкин эмас... Шу ойнинг охирларида, Аллоҳ йўл берса, учрашамиз!..»

Хонада эшик оғаси пайдо бўлиб, амирнинг хаёллари бўлинди. У норози чимирилган эди, эшик оғаси шоша-пиша изоҳ берди:

– Валиаҳд шаҳзода Сайийд Олимхон ҳазратлари ҳузурингизга киришга изн сўрайдилар.

Амир боши билан «маъқул» ишорасини қиласиди. Хонага қадду қомати отасидек чорпаҳил, тўлагина, ўн етти-ўн

саккиз ёшлар чамасидаги йигитча кириб, таъзим билан салом берди, сўнг падари бузрукворининг қўлини ўпди.

Абдулаҳадхон валияҳдга бошдан-оёқ синчков назар ташлаб сўради:

– Бахайр ўғлим, камнамосиз?

Олимхон қизариб кетди.

– Қиблагоҳим, тонгда сал нотоб бўлиб, ҳузури муборакингизга саломга киролмадим. Шу боис узр сўраш учун келиб эдим...

Амир юмшаб шундай деди:

– Маъқул, узрингизни қабул этдик. Лекин амирлик, юрт идора қилиш арафасида турган кишига интизом, ўз-ўзини қатъий идора қила билмаклик жоиздур.

Ота-бала бир оз у ёқ бу ёқдан суҳбатлашдилар. Гап орасида ота ўғлига ўзининг Қрим сафарига ҳозирланагётганини айтиб ўтди, бир қанча маслаҳатлар, топшириқлар берди. Сўнг ўглини умидвор этди.

– Сафардан қайтганимдан сўнг бошингизга баҳт қуши қўнгусидур, ўғлим!

Олимхон яна отасига таъзим қилди.

– Марҳаматингиздан беҳад сарафроздурман, қиблагоҳим!

\* \* \*

Жавзо ойининг охирларида Абдулаҳадхон Ялта шаҳрига етиб келди. Уни Қримнинг катта амалдору бойёнлари тантана билан кутиб олдилар, зиёфатлар уюштирилар.

Амир зиёфатда ўтиrsa-да, кўнгли ўз қасрида, гўзал Зулайхода эди. Ниҳоят, кутиб олиш тантаналари тугаб, Абдулаҳадхон ўз қасрига, маъшуқаси ҳузурига йўл олди.

Зулайхо ўз хўжасини нозу адo, эркаланиш, андаккина араз ва меҳрибонлик билан кутиб олди. Йўлда толиққан оёқдарини уқалади, ювди, оппов сочиқ, оҳори кийимлар тутди. Сўнгра шоҳона дастурхонга таклиф этиб, илтифот билан меҳмон қила бошлади.

Ҳаддан ташқари ийиб кетган ҳукмдор уни тиззасига ўтқазиб эркалади, ол ёноқларидан ютоқиб-ютоқиб бўсалар олди.

– Хуш келдингиз, сафо келдингиз, амирим! – дерди Зулайхо ширин тил билан.

– Хушвақт бўл, гўзалим! Сенинг хушвақтлигинг – менинг байрамим, кўнглим байрами! – дерди амир.

– Шундай экан, наҳот кўнглингиз байрамлари кўп бўлишини истамайсиз? – нозланди Зулайхо висолга чорловчи кўзларини сузиб.

– Оҳ, Зулайхо, бундай дема, истамасам, шунча йўл босиб хузурингга келармидим?..

– Узр, амирим, узр, ҳазилни ҳам билмайсиз-а, ахир эркалангим, Сиз ҳазратимни бир оз қийнагим келяпти-да... – деди Зулайхо ва хўжасини яна дастурхонга таклиф этди.

– Марҳамат қилинг, Сизнинг келишингизга шахсан ўзим хизматкорлар тепасида тик туриб бедана кабоб пиширтиридим. Мана бу – Сиз яхши кўрадиган қизил балиқ.

Бухоро ҳукмдори дастурхонга қиё ҳам боқмас, у Зулайхонинг енгилгина ёзлик кўйлак остида қўш кабутар тўшидек бўртиб турган бўлиқ сийналаридан кўз узолмасди. Зулайхо унинг муштоқлигини сезиб турса-да, ўзини билмаганга олар, эҳтиросини баттар алгангалантиради. У узун биллур қадаҳларга тўлдириб май қуйди, яна илтифот қилди:

– Қани, аъло ҳазрат, олинг, соғ-омон етиб келганинг шарафига май сипқорайлик! Бу ўша, ўзингиз хуш кўрадиган «Исо пайғамбар кўз ёшлари» аталмиш май...

Қадаҳлар ёқимли жаранглади. Зулайхо майнни ичиб, ҳўл, ним очиқ ва муштоқ дудоқларини хўжасига тутди. Абдулаҳадхон май изи қолган лабларга лаб босиб, ширин, узундан-узоқ бўса олди ва ортиқ чидаб туролмай, Зулайхони даст кўтариб, оппоқ оҳори чойшабли тўшак турган хобгоҳга олиб кирди...

\* \* \*

Абдулаҳадхон ҳар гал Ялтага ҳамрикоблари, сон-саноқсиз хизматкор-мулозимлар, шарбатдор, чироқчи, бўқчабардор, баковул, хос қўриқчилар, айғоқчилар билан бирга келар, ҳар кеча базми жамшиidlар уюштириб, айш-ишрат қиласарди. У билан келганлар орасида

ҳарамининг энг гўзал, ўн уч-ўн тўрт яшар ҳурлиқолари ҳам бўлар, Қрим гўзаллари амирнинг кўнглига урганда, улар билан вақтичоғлик қиласарди. Бу гал ҳам Гуландом ва Сарвиноз исмали икки қиз унга ҳамсафар эдилар.

Зулайхо билан ўтказган ишрат тунидан сўнг амир баравақт уйғонди. Танаси олис йўл чарчоқдаридан фориф бўлган, кайфияти яхши эди. Таҳорат олиб бомдод намозини ўқиди. Сўнгра бир неча яқин кишилари билан очиқ айвонда нонушта қилди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, мулоғимлар унинг қўлига бир неча зар ҳошияли ташрифнома ва таклифномалар тутқаздилар. Қримнинг казо-казо амаддорлари ва боёнлари унинг қабул қилишини сўрар, қасрларга зиёфатларга таклиф этардилар.

Абдулаҳадҳон қоғозларни лоқайдлик билан кўздан кечиргач, шу хусусда мулоғимларига тегишли кўрсатмалар берди-да, Шоҳ сўқмоғи бўйлаб сайрга отланди.

Шоҳ сўқмоғи сон-саноқсиз боғ-чорбоғлар, гулузорлар, адил қарағайзорлар аро эгилиб, букилиб, денгиз соҳилига тушиб борарди.

Бухоро ҳукмдори енгилгина энгил-бош кийиб оқ салла ўраган, юмшоқ оёқ кийимида эди. Унинг ёнида сайру саёҳатларининг доимий ҳамроҳи гўзал Зулайхо ойдек балқиб турарди.

Соҳилнинг барқутдек мулоим ҳавоси, гул-кўкатларнинг хуш бўйи, майсаларга инган шабнам қуёшнинг илк нурларида ялтираб, кўзни қамаштиарди.

Денгиз тўлқинлари алвон рангга бўялган, улар улуғвор бир гувиллаш билан қирғоқдаги силлиқ харсангаларга бош урас, сўнг оппоқ кўпик сачратиб, ортга қайтишар ва бу ҳолат тўхтовсиз давом этарди.

Амир денгизга тикилганича нималар тўғрисидадир хаёл сурар экан, Зулайхо сўз қотди:

– Ҳазрати олийлари, агар ихтиёр этсангиз, тушликдан сўнг Учан Су шаршарасига борсак. Йўлбошловчи бор. Отлар ҳозирланган.

– Йўқ, гўзалим, бугун Учан Суга боролмайман. Хос табиим рухсат бермайди. Мен ҳали Қрим об-ҳавосига кўникишим лозим эмиш. Иккинчидан, тушда ўзинг

яхши билган дўстим, князнинг уйига зиёфатга таклиф этилганман, – деди Абдулаҳадхон.

Зулайҳо сурмали хумор кўзларини сузиб, истиғно-ланди.

– Ўтган йили ҳам неча бор ваъда бердингиз, лекин Учан Суга боролмадик. Бу шаршарани мен неча маротаба кўрганман. Лекин табиатнинг бу гўзал гўшасига Сиз, ҳазратимнинг ҳам муборак қадамингиз етсин деган илинжим бор, холос...

– Ҳали Учан Суга кўп мартараб борамиз. Мен ахир эртага жўнаб кетаётганим йўқ-ку!

– Тўғри, лекин мен Сиз, ҳазратим билан ўтказилган ҳар бир дақиқани фанимат билурман.

Абдулаҳадхон мамнун жилмайди-ю, бошқа ҳеч сўз демади. Икковлон яна Шоҳ сўқмоғидан қасрлари томон кўтарила бошладилар.

Ялтадаги роҳат-фарогатли кунлар бир-бирини қувиб ўтаверди. Амирнинг дўстлари, Бухоро амирини ўз хонадонида меҳмон қилиш иштиёқида бўлган князъ ва графлар, амалдорларнинг сон-саноғи йўқ, улар юбораётган таклифномаларнинг кети узилмасди. Ўз навбатида, амир қасрида ҳам пайдар-пай зиёфатлар уюштирилар, Абдулаҳадхон ўзига илтифот қилган ҳар бир кишига қимматбаҳо, шоҳона совғалар берарди. Бўғчабардорлар меҳмонлар елкасига Бухоронинг қўли гул чеварлари тиккан зарбоф тўнлар ташлаб чарчамасдилар.

Кемаларда тунги сайр, балиқ ови ва шикорларда амирдан бўлак яна жуда кўп меҳмонлар, мулозимлар иштирок этар, кунлар ва тунлар байрамга айланиб кетарди.

Ниҳоят Қrimнинг гўзал боғларида тирамоҳ шамоллари эса бошлади ва амир Бухорога қайтиш тарадду-дига тушди.

Унинг сафари охирлаётганини эшитган Зулайҳонинг Учан Су сувлариdek тиниқ юзларида ташвиш, хавотир аломатлари сезилди. Сиртдан қараганда у ўзининг саховатли, олижаноб хўжасидан айрилаётгани учун қайғураёттир деб ўйлаш мумкин эди. Лекин Зулайҳо безовталигининг сабаби бутунлай бўлак эди.

Ялтадаги охирги оқшом у хўжасига суйкалиб, эркаланар экан, шундай деди:

– Ҳазратим, бу тун иштирокингиз билан менинг қоронги кечамни мунааввар этасизми ёинки Сарвиноз суҳбатини афзал билурмисиз?

– Сарвиноз ўз йўлига. Бу тун фақаттина сеники! Мен сенга Бедил ғазалларидан ўқиб бераман, гўзалим.

– О, о, нақадар саховатлисиз, ҳазратим! – таъзим қилди Зулайҳо.

Эртасига Бухоро сари йўл олган амир саййид Абдулаҳадхон ўзи мана неча йилдирки, айш-ишрат қилаётган ипакдек мулойим, итоаткор Зулайҳо рус разведкасининг тажрибали ва маккор айгоқчиси эканини ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Шу топда у агар Зулайҳо айнан разведка топшириғига биноан ўзига бедаво бир дард юқтирганини, бу дард дарҳол ўдирмаса-да, узоқ йиллар азоб беришини қўйқисдан билиб қолса, юраги ёрилиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Тўшакда илондек тўлғаниб, ёлғондакам оҳ-воҳ чекиб, амидан ҳамён-ҳамён олтинлар олган маккор аёл рус разведкаси берган мўмай пул эвазига Абдулаҳадхон Ялтадан жўнаб кетишидан бир ҳафта олдин шифокорлар ўзига заҳм касали юқтиришларига рози бўлганди.

Сафардан қайтган Абдулаҳадхон Карминадаги сўлим чорбоғида йўл чарчоғидан фориф бўлиш учун дам олиб ётар экан, кунларнинг бирида бадани увишиб лоҳасланди, иситмаси кўтарилиб, танасида аллақандай тошмалар пайдо бўлди. Тезда етиб келган хос табиб касални дарҳол аниқлади, лекин уни амирга айтолмай узоқ чайналди. Аммо қийин-қистовдан сўнг бари бир айтишга мажбур бўлди.

Табибнинг ташхисини эшитган амирнинг эси оғиб қолаётди. Табибни ўдиршишга жазм этди. Бечора табиб Каломуллоҳ билан қасам ичгач, бир оз ҳовуридан тушиб, хаёлан айбдорни излай бошлади. «Гуландом ва Сарвиноздан шубҳа йўқ, улар бокира эдилар. Дарвоҳе, эҳ, қанжиқ! Зулайхонинг иши бу! У охирги кеча алла-нечук паришон, безовта эди. Нимадандир хавотир қи-

ларди. О, мараз, татар қанжиги! Берган олтинларим күр қылгур!

Абдулаҳадхон дарҳол ҳузурига ўзининг энг тажрибали хуфия – айғоқчиларидан бир нечтасини чақириб, уларга мўл олтин ақча берди-да, Ялтага бориб, Зулайҳо исмли татар аёлинни топиб келишни буюрди.

Лекин рус разведкасида анойилар ишламасди. Ялтада аллақачон Зулайҳодан ном-нишон қолмаганди.

Орадан анча вақт ўтди. Табибининг муолажалари кор қилиб, касаллик бир оз чекингандай бўлди.

Кунларнинг бирида Абдулаҳадхон ҳузурига ўғли Олимхонни чақиртирди. Олимхон отаси ҳузурига кириб, таъзим билан унинг қўлинини ўпди. Ота салмоқлаб гап бошлади:

– Ўғлим, эр етиб қолдингиз, Петербургда ўқидингиз, икки йилдирки менга ҳамрикоб юрибсиз. Сиз тахтовориси – валиаҳд шаҳзодасиз. Энди юрт бошқаришда амалда иштирок этишингиз керак. Сизнинг бу борадаги иқтидорингизни кўрмаклик мен учун баҳт саналгай. Олимхон, ўғлим, сизни гўзал ва обод юрт Насаф вилояти ҳокими этиб тайинлашга қарор қылдим.

Олимхон отасига яна таъзим бажо келтирди:

– Марҳаматингиз – тожи сар, қиблагоҳим!

– Ҳукмронлик бизга ота мерос. Лекин ҳамма гап ана шу ҳукмронлик тизгинини қўлда маҳкам тута билишда. Ҳукмронликка қўпчилик интилади, лекин бу ишни уддалайдиганлар бармоқ билан санаарли. Ўйлайманки, гапларим мағзини чақдингиз?

– Шундоқ, қиблагоҳим, мағзини чақдим!

Абдулаҳадхон ҳузурига аъёну мулоzимларини чорлади. Ўз қарорини уларга эълон қылди. Аъёнлар Сайийд Олимхон шаънига ҳамду санолар айтдилар. Насаф вилояти янги ҳокимига шоҳона тўн кийдирилиб, бошига хисравона ҳукмронлик тожи қўндирилди.

Шундан сўнг Олимхон падари бузрукворининг ижозати билан яқин кишилари ҳамроҳлигидага Насаф вилояти сари йўл одди.

Вилоятнинг барча аъён ва хос кишилари унинг истиқболига чиқиб, иззат-икром билан кутиб олдилар.

Сайийд Олимхон ўн икки йил Насаф вилоятига ҳукмронлик қилди. 1910 йилда Абдулаҳадхон куни би-таётганини сезибми ёинки бошقا ният биланми, ўғлини ўзига янада яқинлаштириб, уни Хўрок водийсининг Кармина вилояти ҳокимлигига тайинлади.

1911 йил изгирин қиши кунларининг бирида Карминадан жуда олисда бўлган Олимхон тезда отасининг қароргоҳига етиб келиш тўғрисида шошилинч маҳфий нома олди. Валиаҳд кўнгли ёмон бир нарсани туйиб кармина сари ошиқди.

Ана кетди-мана кетди бўлиб ётган отасининг хос хонасида Бадриддин қушбеги ва табиб бор эди. Амирнинг кўзлари ич-ичига ботган, нигоҳларида аллақандай жонсараклик зоҳир эди.

– Бизни холи қолдирингиз, – деди амир қушбегига юзланиб.

Қушбеги ва табиб таъзим этиб, хонани тарқ этдилар.

– Қиблагоҳим, сизга нима бўлди? – деди Олимхон на-доматли оҳангда ва отасининг устига энгашди.

Ота ўғлининг пешонасидан секингина ўпди.

– Дунёи фонийдан дунёи боқий сари рихлат этур пайти-миз етди чоғи, – деди амир алам ва ўқинч билан.

Олимхон отаси қўли билан ишора қилган юмшоқ ўриндиққа оғир чўқди. У ҳамон фикрларини йиғиб ололмас, кўнгли алланечук беҳузур эди. Отаси ҳорғин нигоҳлари билан уни бир оз кузатди-да, секин сўз бошлади:

– Менинг бетоблигимни ҳали Бухоро аҳди билмайди. Бу ҳақда кимгадир хабар беришни қатъий тақиқлаганман. Қушбеги қароргоҳга ҳеч ким кирмаслиги ва чиқиб кетмаслигидан кўз-қулоқ бўлиб турибди. Сабаби сизга аён бўлиши керак. Қанча содиқ мулоzиму маҳрамлар билан ўраб олинган бўлсам-да, уларга ишончим йўқ. Чунки ҳукмдор бировга ишондими, уни фафлат босдими, тамом, тожу таҳт қўлдан кетди, деяверинг. Атрофда ўралашиб юрганларни одамлар деб ўйламанг, йўқ, улар шер оғзидан ўлжаси тушишини пойлаб ўтирган шоқоллардир. Бугун шуни сизга афсус билан айтишим мумкинки, ҳаётда кимгаки ишонган бўлсам, у албатта юзимга оёқ қўйди.

Олимхон отасининг киртайган кўзлари, салқи ёноқларига боқиб, кўнгли беҳад чўкди. «Э воҳ, ҳеч кимга ишониб бўлмаса, суяниб бўлмаса, бундай ҳукмдорликдан не мурод?..» ўйларди у. Отаси оғир тин олиб сўзида давом этди:

– Дарвоқе, ўғлим, сизга энг муҳим гапни айтмабман-ку! Тожу тахт оғир, жуда оғир юк. Шундайин оғирки, уни кўтариш учун наинки куч-қувват, балки катта ақл-заковат, бардош талаб қилинади. Шу гапларни қулоғингизга қўйиб олинг, сув қаттиқ жойда турганидек, ҳокимият ҳам фақатгина қаттиқ қўлларда туради.

Ҳа, яна бир гап: аёллардан эҳтиёт бўлинг. Улар ҳар қанча гўзал бўлмасин, ҳар қанча уларни яхши кўрманг, ўзингизга кўп яқинлаштириманг, дил сирингизни очманг. Аёл муҳаббати – ширин оғу, бу оғудан огоҳ бўлинг... – Абдулаҳадхон шу сўзларни айтар экан, беихтиёр Кримдаги қасрни, гўзал ва маккора Зулайхони эслади, аламдан, разабдан юраги жунбишга келди. «О, Зулайхо, ифлос фоҳиша, сен туфайли қанчалар қон ютдим, қанчалар азият чекдим...»

Абдулаҳадхон вужудини тарқ этиб бораётган кучини тўплаб, ўғлига васият – насиҳат қилар, сўниқ, шуурсиз нигоҳларидан ҳаётдан тўймаётгани, юрагидаги ўқинч-надомат билиниб турарди.

Ота-ўғил ўртасида бўлиб ўтган бу яккама-якка сұҳбатдан сўнг амирнинг аҳволи бир оз яхшиланди. У ўрнидан туриб қароргоҳда ҳар куни оз-оздан сайр қиладиган бўлди. Олимхон ҳам отасидан бир мунча хотиржам бўлиб, тож-тахт, ҳукмронлик илмини яна яқинроқдан, мукаммал ўрганиш учун бир неча яқин дўйстлари ҳамроҳлигига Бухорога жўнади. Аркда юрганида ҳам, Бухоронинг казо-казолари уйидаги меҳмондорчиликларда ҳам қулоқлари остида отаси афсус-надомат, ўқинч билан айтган сўзлар жаранглаб турарди. «Ҳа, – ўйларди Олимхон қандайдир қўрқув, хавотир ва айни пайтда муштоқлик билан, – мени оғир синовлар оғир кунлар кутмоқдадир». У валиаҳд сифатида давлат бошқариш эртами, кечми, зиммасига тушишини билар, бунга зимдан тайёrlанаарди. Петербургда олинган

таълим-тарбия ҳам айнан шунга қаратилганди. Лекин у тож-тахт нафасини, унинг юкини ҳозиргидек, отаси айтганчалик яқиндан ҳис этмаганди. Петербургда ўтган кунлар жуда тараллабедод, осуда эди. Отаси юбориб турган ҳисобсиз ақчалар дўстлари, мовий кўз маҳбубалар даврасида шоҳона ҳаётни бемалол таъмин этарди. Сўнгра Насаф ва Кармина вилоятларида ҳокимлик қилганида ҳам отасининг ҳар қадамда, ҳар нафасда қўллаб-кувватлаб турганини ҳис этар, бениҳоя хотиржам ҳаёт кечирар, вақт-вақти билан Петербург сафарига отланиб, ҳамтаълим дўстлари билан ойлаб вақтичоғлик қиласарди. Энди эса Бухородек улкан давлат юки бутун борлиғи, салобати ва маҳбобати билан унинг елкаларидан босиб тушаман деб турибди.

Олимхон шу хаёллар оғушида Бухорода юрар экан, «Қиблагоҳингизнинг аҳволлари оғирлашиб, хушлари ўзларига келмай вафот этдилар», деган мазмунда маҳфий хабар олди ва отасини сўнгги манзилга кузатиш учун Кармина га ошиқди.

У Кармина га жўнашдан олдин Арқдаги соқчиликни кучайтириб, тахт хавфсизлигини таъмилаш билан боғлиқ барча чораларни кўрди, девонбеги, тўпчибошига шаҳардаги вазиятдан боҳабар бўлишни тайинлади.

Амир Абдулаҳадхон иззат-икром билан, лекин ортиқча дабдабасиз тупроққа кўйилди. Энг обрўли, пешқадам руҳонийлар собиқ ҳукмдор руҳини ёд этиб, Куръон тиловат қиддилар.

Дафн маросими тугагач, Олимхон олий амалдорлар, яхши қуролланган гуруҳ, энг ишончли кишилар ҳамроҳлигига от бошини яна пойтахт томонга бурди. Эгнида зарҳал погонли зарбоф тўн, белида сербар камар ва қилич, гижинглаган учқур от минган кенг елкали, бақувват Олимхон фоят салобатли кўринарди.

Кўлида аргумоқ тизгинини ушлаган валиаҳд бутун Бухоро тизгинини қўлга олиш учун пойтахт сари ошиқарди. Муҳаррам ойининг аччиқ изғирини ёноқларини қизартирган, катта-катта кўзларида ҳаяжонланиш аломатлари зоҳир эди. Шу топда отаси билан бўлиб ўтган охирги суҳбатларининг тафсилоти хаёлига

келди. «Бухорода ҳукмфармолик, ҳукмронлик тушун-часи жуда нисбий, ўғлим, деганди ўшандада қиблагоҳи, – ҳокимият тизгинининг бир учи амир қўлида бўлса, бир учи Россия подшоси қўлида. Мамлакатдаги ҳақиқий ҳокимият эса руҳоний, уламолар иродасига боғлиқ. Улар исталган дақиқада қора халқни амирга қарши кўтара оладилар ва бу аҳволга тушган ҳукмдорнинг ҳолига маймуналар йифлайдур...»

Ҳа, таҳт унга отадан мерос бўлиб ўтаётган бўлса-да, аввало бу таҳтга омон-эсон чиқиб олиш ва уни қўлда сақлаб тура олиш жуда мушкул вазифадир. Валиаҳд буни юрак-юракдан ҳис этарди. Отаси унга руҳонийларнинг ҳокимиятни ушлаб туришдаги кучи, мавқеи ҳақида бекорга гапирмаганди. У Бухорода 1910 йил 9 январда юз берган қонли воқеаларни назарда туваётганди.

Қиблагоҳи ҳукмронлигининг сўнгти даврида амирликда жадидлик ҳаракати ривожланди, жадид мактабларига йўл берилди. Бу маҳаллий руҳонийларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Мазкур зиддият охир-оқибат суннийлар ва шиалар ўртасидаги қирғинга олиб келди.

Отини йўрттириб бораётган Олимхон ўтган йил худди шу кеча-кундузда рўй берган мислсиз хунрезликларни ўйлаб, сесканиб кетди. Аслида воқеа бундай бўлганди. Бухорода яшовчи эроний шиалар Остонақул қушбеги руҳсати билан Ўғлон дарвозаси яқинидаги сарбозхонада ўзларининг диний байрамлари «Ашури»ни ўтказишарди. Таомилга кўра улар ўзларини урап, ярадор қиласи, ҳар хил овозда қичқиришарди. Сунний мазҳабидаги муллаваччалар уларни масхаралашди. Фазабга мингтан шиалардан бири сунний муллаваччага ханжар уриб ўлдириди.

Сунний мазҳабидаги ерли халқ гуноҳкорларни жазолашни талаб қилиш учун вакиллар юборди. Остонақул қушбеги эса вакилларни қамаб қўйишга буйруқ берди. Бундан жунбишга келган оломон дуч келган нарса билан қуролланиб, Регистонга йифилди. Аммо бу ерда улар Остонақул сарбозларининг ўқига дуч келдилар. Хиёбон мадрасаси ёнида бўлган жангда суннийлардан 240 киши ўлдирилди. Жангда мағлуб бўлган суннийлар

бутун шаҳарга тарқаб, дуч келган шиани қира бошлидилар. Қирғин шаҳардан ташқаридағи қишлоқларга ҳам тарқалди.

Карминадаги қароргоҳида бўлган Абдулаҳадхон олонмонни тинчтиш учун рус подшосидан ёрдам сўради. Чунки ҳали амир Музafferхон давридаёқ, икки ўтадаги келишувга мувофиқ, Россия Бухоро ҳимоясини ўз зиммасига олган, амирлик қўшини 12 минг кишидан оширилиши мумкин эмасди.

10 январда Каттақўронда турган икки рота рус аскари 11 январда полковник Панов ўқчи батальони ҳамда 2-Урал казак полки Бухорога киритилди. Шундан сўнг Столипин буйругига мувофиқ, биринчи Туркестон армияси корпуси штабининг бошлиғи генерал-майор Лилиенталь етиб келди.

12 январь куни Петербургдан «Рус қўшилари фаол ҳаракат қўлсиналар», деган мазмунда шошилинч телеграмма олинди. 13 январь куни эрталаб соат 8 да генерал Лилиенталь Аркни эгаллаб, деворларига пулемётлар ўрнатди.

Ҳозир таҳтни эгаллаш учун пойтаҳт сари от солиб бораётган Олимхон ўша куни қиблагоҳининг буйруги билан шаҳарга келганини яхши эслайди. Ҳалқ ундан Остонакул қушбеги, Саид Олим, Иброҳим тўқсанбо ва шиалардан бўлган бошқа мансабдорларни ишдан четлатиш, келгусида шиаларни давлат ишларига аралаштирасликни қатъий талаб қилди.

Ўшанда Олимхон падари бузруквори номидан иш юритиб, ҳалқ талабини қондирди, осойишталик тикланди. Шаҳардан рус қўшини олиб чиқилди. Генерал Лилиенталь Олимхон билан хайрлашар экан, шундай писанда қилганди: «Бухоро шундай оловки, ундан бутун Ўрта Осиё дунёси ёниб кетиши мумкин. Шуни доимо ёдда сақланг, полковник! (Ўшанда Олимхон рус армияси полковниги ҳарбий унвонига эга эди.)

Олисда улкан шамдек бўлиб Минораи Калон кўзга ташланди. Бу минора Бухоро шарифнинг ўзига хос рамзи, ташрифномаси эди.

Шаҳарга яқинлашганлари сайин Олимхоннинг ҳаяжони ортар, хаёллари айқаш-үйқаш эди.

**Салтанатнинг залворли юки.  
Мангит сулоласи инқирози.  
Сўнгги ҳукмдор**

Ҳижрий 1329 йил, муҳаррам ойининг ўнинчиси, милодий 1911 йилнинг 6 январи. Руҳоний ва мунажжимлар Бухоронинг янги амири Сайид Олимхон тантанали суратда таҳтга ўтириши учун айнан шу кунни танладилар. Гарчанд рус императори тақдим этган ёрлиқ Олимхонга Бухоронинг қонуний ҳукмдори ҳуқуқини берса-да, у анъанавий маросимни ўтказишга рози бўлди.

– Аллоҳ ўз марҳамати ва мағфиратини Бухорои шариф амири Сайид Олимхон ҳазратларидан аямагай!

– Ҳазрат амиримиз Ислом ва Қуръон фанимларидан доимо устивор ва голиб бўлғайлар! Омин, Аллоҳу акбар! – ҳамма фотиҳага қўл очди. Сўнгра жума намози пайтида амирнинг номи хутбага қўшиб ўқилди. Олимхон аъёну амалдорлар, руҳонийлар қуршовида Мачити Калондан қайтар экан, Арк дарвозаси олдида уни нофора, карнай-сурнайнинг тантанавор садолари билан қаршиладилар.

Салтанат таҳти – бир вақтлар падари бузруквори савлат тўкиб ўтирган таҳт ўрнатилган кенг танобий хона жуда серҳашам, дид билан безатилган эди.

Олимхонга ҳазинада сақданиб, ҳар бир ҳукмдор умрида фақат бир мартагина киядиган зарбоф кийимларни кийдирдилар. Салласига соғ олтиндан ишланиб, қимматбаҳо тошлилар безатилган тожни тилла занжирчалар билан боғлаб қўйдилар ва қўлтиғидан ушлаб келиб, қимматбаҳо гилам устига ўтиргиздилар. Амирликнинг энг кекса ва машҳур саййидлари, хўжалар ва муллалар гиламнинг тўрт томондан ушлаб қўтаргандар ҳамон, атрофда турган барча казо-казолар уларга ёрдамга ошиқдилар. Ҳаммалари янги амирни қўтариб, таҳтга ўтқазиб қўйдилар.

Олимхон таҳтга ўрнашиб ўтириб олгач, атрофга мағрур ва масрур нигоҳ ташлади. Кейинги кунлар мобайнида миясини тўхтовсиз кемирган алғов-далғов фикрлардан асар ҳам қолмаган, кўнглида юз шамли қандил ёқилганди гўё. У тантана иштирокчиларига бирма-бир назар ташлади. Ҳамманинг чеҳрасида табассум, баҳтиёрлик аломатлари, ҳамманинг тилида унинг номи.

Янги амир қўлига қоғоз-қалам тутқазилди ва у ўз фуқароларига марҳамат кўрсата бошлади. Олимхон имзолашга ҳужжатларни дарҳол Бадриддин қушбеги қўлига тутқазди, у қоғозларни баланд овозда ўқир, сўнгра жарчилар бу хабарларни Арк майдонида тўпланган бухороликларга етказардилар.

Олимхон аҳолига берган енгилликлар анчагина эди. Етиширилган ҳар ман буғдойдан олинадиган солиқ бир тангага, боғлардан олинадиган солиқнинг тенг ярми камайтирилди. Ноҳақ банди этилганлар зиндандан озод этилдилар. Сарбозлар, давлат хизматидаги амалдорлар мояналари оширилди.

Тантаналар охирида давлатнинг барча машҳур бек ва уламолари, аўёнлари шарафига катта зиёфат берилди.

Кейинчалик Олимхон ўз хотираларида шундай ёзди: «Таҳтга ўтирганимдан сўнг бу банда даргоҳи олийда мамлакатимни бир йиллик хирож тўлашдан озод қилиш фармойишини бердим. Шу тариқа иш тутишим билан факир фуқароларни кўп хурсанд қилдим, уларнинг бошлари қўкка етди...»

\* \* \*

Бу пайтга келиб амирликда Россия сиёсий агентлиги ва рус амалдорларининг таъсир кучи янада ошди. Сиёсий агент тумшугини суқмайдиган бирор соҳа йўқ, боз устига, у ўзини амирнинг оталифи ҳисобларди гўё. Уни ҳукмдор ҳам, элчи ҳам, қозио лашкарбоши ҳам дейиш мумкин эди. Аҳолиси 3,5 миллион кишини ташкил этадиган амирлик молиявий жиҳатдан Россияга бутунлай қарам бўлиб қолганди.

Биринчи жаҳон уруши бошлангач, рус императори амир Олимхонга генерал-адъютант ҳарбий унвонини

берди. Олимхон ҳам, ўз навбатида, содиқ васссал сиғатида Россияни талончилик урушида яширинча одам кучи, пул билан мунтазам таъминлаб турди. Жанггоҳдарга Бухоронинг кўрки ва фахри ҳисобланмиш неча ўн минг қорабайир отлар етказиб берилиди.

Россиянинг талончилик урушидаги иштироки, унинг шармандали мағлубиятлари мамлакатдаги сиёсий кучлар фаолигини ошириб юборди.

1917 йил февраль ойида буржуа инқилоби рўй бериб, император Николай таҳтдан воз кечишга мажбур бўлди. Муваққат шўро мажлиси тузилиб, А.Ф. Керенский (рус сиёсий ва давлат арбоби. Муваққат ҳукумат раиси, 1881–1970) жумҳурият раиси мансабига кўтарилиди. Орадан кўп ўтмай унинг муҳтор вакили А.Преображенский Бухорога келди. Амир Олимхон ва элчи ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

**Олимхон.** Бухорои шарифга хуш келибсиз, Преображенский жаноблари! Ўйлайманки, бу сафарингиз ҳар икки мамлакат келажаги учун хизмат қилғай, иншоаллоҳ!

**Преображенский.** Хушвақт бўлинг, ҳазрати олийлари! Мен ҳам шу фикрдаман. Ярим асрдан ошиқроқ давом этган дўстлик, ҳамкорлик бардавом бўлади. Жумҳураисимиз Керенский жаноблари ҳам шунга умид билдирилар.

**Олимхон.** Аминман, худди айтганингиздай бўлғусидир.

**Преображенский.** Мен ҳукуматим ва шахсан Керенский жаноблари томонидан Бухоро давлати сиёсий мустақиллигини тан олиш ва бу тўғрида тегишли ҳужжатларни имзолаш ваколати билан ҳузурингизга келдим.

**Олимхон.** Жаноби Преображенский, сиздан бу муждани эшитмаклик Бухоронинг қонуний ҳукмдори бўлмиш менга ниҳоятда мароқли. Халқим бу хайрли хизматингизни асло унутмагай! Дўстим Преображенскийга зарбоф тўн кийгизилсин!

Преображенский икки ўртадаги келишувга имзо чекиб, Бухородан жўнаб кетди.

Сўнгра Бухоро амирлиги вакили Петербургга жўналиди. Шунингдек, мустақил сиёсат юргизиш учун вазир

Тўрахўжа ва мулла Кутбиддинлар Афғонистонга юборирилдилар.

Бу орада Россияда октябрь тўнтариши юз берди. Большевиклар ва меньшевиклар бир-бирларига қарши омонсиз уруш эълон қилдилар. Афғонистон эса Британияга қарши кураш бошлади.

Кўп ўтмай амирликнинг Кобулга юборган элчилари ташрифига жавоб сифатида Афғонистондан муҳтор вакил генерал Муҳаммад Валихон келди. У амир Олимхонга амир Омонуллоҳоннинг кўпдан-кўп қимматбаҳо совфаларини топширди. Икки ўртада самимий, дўстона суҳбат бўлди. Олимхон генерал Муҳаммад Валихоннинг олийнасаб, ақлли ва узоқни кўра оладиган киши эканига ишонч ҳосил қилди ва гапни чўзиб ўтирамай мақсаддага кўчди.

**Олимхон.** Жаноби генерал, бандай ожизнинг мақсад-ниятим шуки, давлатимга жиддий хавф солиб турган беасл большевикларга қарши уруш қилсан. Зоро, шу фурсатда душманнинг ниҳоятда заиф экани кўриниб турибди. Шу боис сўзсиз, вақтни фанимат билиш керак. Вассалом!

**Муҳаммад Валихон.** Афғонистон ва Бухоро дўст мамлакатлардир. Омонуллоҳон ва сиз, зоти шоҳона биродарсизлар. Бирингиз, Бритониё давлатига қарши бел боғлаб, урушга киришганда, сиз ҳам бу тарафдан большевиклар давлатига шундай йўл тутсангиз, худо кўрсатмасин, сизнинг воситангиз сабабли, миллат хизматкори бўлган ҳар икки биродар Ислом оламидан икки давлатни харобаликка олиб келмасангиз, деб қўрқаман. Бу ишни орқага суринг, шунда биродарингиз иши нима билан тугашини кўришингиз мумкин. Ундан сўнг бир-бирингиз билан бамаслаҳат иш юритсангиз яхшироқ бўлади.

**Олимхон** (анча сукутдан сўнг). Рости, вазири аъзам, сўзларингиз жуда тўғри. Мен ўзимга бўлган яхши мунособатингизни билдим. Бу мулоқотни эсдан чиқармайман.

Шу суҳбатдан сўнг Муҳаммад Валихон Петербург сари равона бўлди. Омонуллоҳон эса Фазл Аҳмадхон бошчилигига Бухорога икки юз нафар аскар, бир оркестр, еттита тўп ва еттита фил юборди.

Бу орада Россияяда фуқаролар уруши авжига чиқиб, катта парокандалик юз берди. Большевиклар жамоаси Ленин, Троцкий, Сталин раҳбарлигиде инқилоб фояларини бутун жаҳонга ёйиш васвасасига тушдилар. Большевистик босқин – қизил қуюн йўлида дуч келганини ямламай юта бошлади.

Жаҳон инқилоби васвасаси Бухорога ҳам тарқалди. Ёш бухороликлар партияси раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Мирзо Муҳиддин Мансуровлар большевикларга мақсадларини баён этиб, улардан ёрдам сўрадилар. Улар амир ҳокимиятини сақдаб қолиб, ислоҳотлар ўтказмоқчи эдилар. Лекин большевикларнинг мақсади Бухорода ҳокимиятни тўла қўлга олиш эди.

1918 йил мартаида Туркистон Xалқ комиссарлар Совети раиси Ф.И. Колесов бошчилигидаги қизил қўшин Бухорога ҳужум бошлади. Амир Олимхон бу ҳақда шундай сатрларни ёзиб қолдирган: «Большевиклар 1336 ҳижрий жумод ус-соний ойининг шанба кунида уруш эълон қилиб, Бухоро давлатига қарши юриш бошладилар. Аллоҳнинг инояти, Пайғамбар шариатининг маддади билан, ҳарбий қуролларнинг камлигига қарамай, Бухоро ислом аҳлига зафар қулиб боқди, бу бандада гала-бага эришди. Большевиклар мақсадларига эришолмай, сулҳ тузишга мажбур бўлдилар...»

1918 йил 25 марта икки ўртада Қизилтепа сулҳи имзоланди. Ҳужжатларда қайд этилишича, бу қирғинда бегуноҳ бухороликлардан ўн минг киши қурбон бўлди. Шаҳар ва атроф қишлоқлар катта талафот кўрди.

Бу муваффақиятсизликдан сўнг большевиклар Россияси Бухорога ўз вакиллари Ш.Элиава ва Г.Брайдони юборди. Уларни Олимхон Аркда қабул қилди.

**Элиава.** Жаноби Олимхон, бўлиб ўтган воқеалар учун фоят таассуф чекаман. Мен ҳукуматим номидан узр сўраш ваколатини олганман.

**Олимхон.** Қизиқ, бафоят қизиқарли... Наҳот қуббат ул-ислом Фохирамиз учун шаҳид бўлган шунча бегуноҳнинг хунини биргина узр сўраш билан ювиб бўлса?! Ўзингиз қандай ўйлайсиз, жаноби мухтор вакил?!

**Элиава.** Сизни яхши тушуниб турибман, жаноби Олимхон. Ноҳақ тўкилган қон ҳеч қайси ҳукмдорга шуҳрат келтирмайди. Лекин шаҳидлар қони муқаддасдир. Улар тўккан қон давлатининг тўла сиёсий мустақиллигини тан оловчи ҳужжатни ҳукуматим номидан имзолаш ваколатига эгаман.

**Олимхон.** Мени афв этгайсиз, лекин сизнинг жамоангиз имзолайдиган ҳужжатларга бизда ишонч йўқ. Биз Керенский ҳукумати билан шундай келишув имзо қилган эдик. Лекин у музга ёзилиб, офтобга қўйилди гўё.

**Элиава.** Маъзур тутгайсиз, аммо Керенский ҳукумати ўз номи билан муваққат эди, у сарнигун бўлди.

**Олимхон.** Сизларни ҳам сарнигун бўлишдан Аллоҳнинг ўзи асррагай...

Амирнинг авзойи бузилганини кўрган Элиава тиллёфламалик қилишга ўтди. У кўп ўйлаб ўтирмай, ҳукумати номидан катта ваъдалар берди.

**Элиава.** Дарвоҷе, амир жаноблари, биз бир вақтлар Бухоро давлати тасарруфида бўлиб, сўнг тортиб олинган ерларни қайтариб беришга ҳам тайёрмиз. Бундан ташқари, билишимизча, армиянгиз қурол-яроққа эҳтиёж сезмоқда. Биз давлатингизга 50 минг дона милтиқ, беш юз тўп-пулемёт, элликта аэроплан етказиб берамиз...

**Олимхон** (ўзича). Эллик минг милтиқ, беш юз тўп-пулемёт, эллик аэроплан... Қайси давлат ўзи мустамлака қилмоқчи бўлган мамлакатга шунча қурол-яроғ беради?.. Бу большевиклар мени бутунлай гўл ҳисоблайди чори. (Элиавага юзланиб) Бизда шундай мақол бор, жаноб Элиава, «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин». Буғдой сўзингиз учун ташаккур!

**Элиава.** Биз, большевиклар доимо сўзимиз ва ишишимиз бирлиги учун курашиб келамиз!

**Олимхон.** Ҳаммасини энг улуғ ҳакам – вақт кўрсатади.

Олимхон большевикларнинг навбатдаги найрангини сезиб турса-да, ҳеч бўлмаса вақтдан ютиш учун муроса-мадора қилди. Яна икки ўртада келишув имзоланди. Амир совет давлати қундан-қунга кучайиб бораётгани, у ниҳоят таҳдидкор кучга айлананаётганини

кўриб-билиб турарди. Шу боисдан инқилоб замонини тил учida қутлаш учун Москвага, Ленин ҳузурига генерал Маҳдихон раҳбарлигида ҳожи Жўрабек Тўқсабо, Файбула хўжа, Ҳожи Мирзо, Мирзо Наврўзбойларни юборди.

Кремлда Ленин ва генерал Маҳдихон ўртасида қўйидаги мазмунда сұхбат бўлиб ўтди.

**Маҳдихон.** Жаноби Ульянов! Бухорои шариф жамоаси улуғ Русия ҳалқини инқилоб билан, озодлик билан муборакбод этади. Сизга амир Сайийд Олимхон ҳазрати олийларининг кўпдан-кўп саломларини топширишга руҳсат этгайсиз!

**Ленин.** Ташаккур, генерал, миннатдорман! Биз сизнинг давлатингиз билан яхши қўшничилик қилиш тарафдоримиз ва шунга интиламиш. Ўйлайманки, ўртадаги айrim англашилмовчиликлар тезда бартараф этилади.

**Маҳдихон.** Биз ҳам шундай фикрдамиш.

**Ленин.** Муҳтарам амирингиз Сайийд Олимхонни сиёсий мустақиллик билан менинг номимдан қизғин қутлаб, у кишига салом ва чексиз ҳурматимни етказгайсиз. Биз Бухорои шарифнинг ислом дунёсидаги ўз ўрни ва нуфузини яхши биламиш, қадрлаймиз.

**Маҳдихон.** Улуғ Русия жаҳон майдонида буюк давлат сифатида қолиб, биродарлик муносабатларимиз бардавом бўлишига умид билдираман.

**Ленин.** Офарин, генерал! Юрагимдаги гапни айтдингиз. Биз, большевиклар, бутун жаҳон афкор оммаси баҳт-саодат тенглиги ва тинч-тотувлигини ўзимизга олий мақсад, шиор қилиб олганмиз. Бухоро ҳалқи ҳам бундан мустасно эмас. Жаҳон инқилоби тақдирини ўйлар эканмиз, сизнинг ҳалқингиз тақдири учун ҳам жавобгарлик ҳис этамиш. Жамоамиз ўз қарорларида қатъий ва событ. Сиз ҳали бунга кўп марта имон келтирасиз, генерал жаёнблари! Байробимизга бир қаранг-а, қип-қизил! Бу озодлик, эрк йўлида қурбон бўлган йўқсиллар муборак қонининг рамзиdir. Ҳа, бизнинг муддаомиз – бутун жаҳон инқилоби! Бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаяжакмиз!

**Маҳдихон** (ўзича). Бу зот восвосга ўхшайди. Бутун жаҳон инқилобин билан қўшмозор бўлгур! (Ленинга юз-

ланиб) Халқимиз шаънига айтган яхши тилакларингиз ва ишончингиздан бағоят сарафроздурман. Ҳамма истакларингизни Саййид Олимхон ҳазратларига етказгайман.

**Ленин.** Ҳа, ҳа, албатта етказинг! Ўйлайманки, икки ўртада имзоланган келишувлар яхши кунларга хизмат қилгусидир...

\* \* \*

Москвага, большевиклар доҳийлари олдига ўз элчилирини юборган Олимхоннинг бу қадами Бухоронинг жаҳон ҳамжамияти, буюк давлатлар олдидағи нуфузига катта путур етказишини яхши биларди. Лекин у вазият ўта нозиклиги, большевикларнинг етарли куч тўплади дегунча албатта босқин қилишига кўзи етарди. Шу боис вақтдан ютиш, бу орада ҳал қилувчи жангларга тайёрланиш учун келишувчилик қилишга мажбур бўлди.

Павел Аксельрод (инқилобий ҳаракатлар иштирокчиси. Петроград совети аъзоси) советларнинг Бухородаги элчиси этиб тайинланди. Элиаванинг «қурол етказиб бериш» тўғрисидаги ваъдасига биноан Тошкентдан амирликка ўн битта ўқсиз тўп «совфа» қилиб юборилди. Ана шу масхараомуз совфа большевикларнинг Олимхонга бўлган ҳақиқиёт муносабатини яққол кўрсатиб турарди.

Шўролар давлати энди Бухорони иқтисодий жиҳатдан қамал қилиш йўли билан тиз чўқтиromoқчи бўлди. Амирлик ташқи бозордан ажralиб қолиб, чет элга ўзининг молларини чиқаришдан маҳрум этилди. Оқибатда молларнинг нархи кескин тушиб кетди. Россия эса уни арzon-гаровга сотиб олиб, четга қимматга сотадиган бўлди. Бу ҳам етмагандек, амирликка турли тұхматлар қилиниб, сиёсий айблар қўйилиб, мамлакатнинг халқаро нуфузига путур етказилди.

Қўйилган айблардан бири шундан иборат эдики, гўё «Саййид Олимхон қуролли кучларида сафарбарлик ўтказиб, Туркистон республикаси ва Русияга ҳужумга тайёргарлик кўрмоқда». Аслида эса бундай эмасди. Большевиклар ўзаро шартноманинг бирор бандига ҳам

риоя этмай, очиқдан-очиқ сиёсий ва иқтисодий тазиик йўлига ўтгач, амир аскарлар, ҳарбий анжомларни тайёр ҳолга келтириб, ўз чегараларини мустаҳкамлаш чораларини кўрганди. Бунга жавобан 1920 йил май-июнь ойларида Туркистон фронтининг кўшиналари амирлик чегараларида жанговар ҳолга келтириб қўйилди. Когон темир йўл станциясида икки томон қарама-қарши турарди. Большевиклар ўринсиз равишда амирлик фуқароларини тутиб ҳибс этишар, турли йўллар билан баҳона қидириб, қўққисдан хужум қилиш пайида эдилар.

Улар кўп ҳийла-тадбири қўллаб, неча марталаб дўстлик либосларини кийдилар, аслида эса маккорлик йўлини тутдилар.

Большевиклар Олимхонни гафлатда қолдириш нијатида Пётр Баранов (Туркфронт ҳарбий инқилобий кенгаси аъзоси) деган кишини ташқи ишлар вазири сифатида сулҳ тузиш учун Бухорога юбордилар.

Мухтор вакил Баранов ва Сайид Олимхон яна келишув тузиш юзасидан суҳбатлашдилар.

**Баранов.** Жаноби олийлари, аскарларимиз ва айрим фуқароларингиз ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлар учун узримизни қабул қиласигиз. Рус давлати эллик беш йилдан бери давлатингиз билан дўстлик ва ошначилика бўлиб келди, шу пайтгача Бухородан манфаат кўрдик ва кўряпмиз. Икки мамлакат ўртасида бир-бираiga зарап келтирадиган ҳаракатлар бўлмади. Истардимки, бундан кейин ҳам ҳар икки давлат ўртасидаги яхши муносабатлар ривож-равнақ топса. Сизнинг бизга қанча хизматингиз бўлса, жумҳуриятимиз адo этади. Лекин сиздан бир илтимосимиз бор, ўз аскарларингизни бизнинг темир йўл станциямиз ҳисобланмиш Когондан олиб чиқсангиз. Бизнинг аскарларимиз ваҳшний ва нодон одамлардир. Мабодо аскарларингиз билан тўқнашиб қолишса, сиздек зоти шоҳона олдида бизни уялтириб қўйишади.

**Олимхон.** Яхши, жаноб Баранов, шартларингизни қабул қиласигиз. Аскарларимизни уч милча орқага чекинтирамиз. Лекин чекинган жойимиизда истеҳком қуриб, соқчилар қўямиз.

**Баранов.** Маъқул. Бу бизни қониқтиради.

**Олимхон.** Энди бизнинг арзимизга қулоқ тутсангиз. Шаънимизга айтилаётган ҳар хил гаплар тўхтатилса. Давлатимизнинг ислом дунёсида нуфузи баланд. Шундай экан, биз дўст мамлакатларимиз олдида бебурд бўлишни истамаймиз. Энг аввало, бизнинг РСФСРга ҳужум қилишимиз тўғрисидаги уйдирмага чек қўйсангизлар. Ахир бунга ўзларингиз ҳам ишонмайсизлар-ку! Биз ҳеч кимга таҳдид қилмаймиз.

**Баранов.** Муҳтарам амир, арзингизни раҳбариятга етказаман ва сизни ишонтираманки, бу номаъқулчилик иккинчи такрорланмайди.

**Олимхон.** Дарвоқе, жаноб Баранов, сал бўлмаса, ёдимдан кўтарилаёзибди. Марҳамат қилиб, юборган ўн битта ўқсиз тўпларингиз учун ҳукуматингизга миннатдорчилик изҳор этинг. Ўйлайманки, бундай «совфа»лар орамиздаги ишончни янада «мустаҳқмлайди».

### **Босқин. Шаҳар ўт оғушида**

1920 йил 29 август, тунги соат ўн иккиларда қизиллар амир қўшини истеҳкомларига кўққисдан ҳужум қилиб, юз элликдан зиёд соқчиларни банди этдилар. Соат иккиларда замбараклардан тўхтовсиз ўқ ёғдирилиб, бронепоезд, броневик ва аэропланлар ишга солиниб, Бухоро ўт-олов оғушида қолди. Бомба ва снарядлар портлашидан уйғониб кетган тинч аҳоли саросимага тушди, бечоралар мол-дунёси, уй-жойи, ҳатто болаларини ташлаб, ҳар томонга қоча бошладилар. Шаҳар кўчаларида қиёмат бўлди.

\* \* \*

Шу машъум тунда шаҳарнинг нуфузли савдогарларидан бири Фозил эшон ўзининг Кўчқор гузаридаги ички-ташқи, болохонаю тагхонали данғиллама ҳовлисида ёлғиз эди. Бир неча кун олдин у тонгда барвақт уйғониб, бомдод намозини ўқигач, йигирма беш яшар катта ўғли Шарифжон ва хотинини ҳузурига чақиртирди. Ёмон туш кўрганини, бу кўнглига фулагула солганини айтиб ўтирмади, дарҳол мақсадга кўчди:

– Онаси, мен хизматкорларга тайинладим, араваларни ҳозирлашыпти. Шарифжон бош бўлиб, ҳаммаларингиз, келин, болалар Кафтовул қишлоғига, жияним Миржонникига қовун сайлига боринглар. Ўтган куни келганда таклиф этганди. Мен бу ердаги ҳисоб-китоб ишларимни тутатиб, ҳафтанинг охирроғида бораман. Болалар бир яйрасин. Қачонгача бу диққинафас ҳовлида ўтирамиз? Тирамоҳда қишлоқ жуда файзли бўлади.

Хонадонда Фозил эшоннинг бирор сўзи муҳокама этилмас, балки сўзсиз бажариларди. Оила бекаси Бахшанда ая беш ўғил, келинлар, хизматкорлар шунга одатлангандилар. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бутун оила чошгоҳда араваларга ўтириб, Кафтовул қишлоғига равона бўлдилар. Шарифжон «қовун сайли»нинг ҳақиқий сабабини яхши биларди. Шу боис отасини ёлғиз ташлаб кетишга кўзи қиймади, лекин унинг юзига тик боқиб ўрганмаганидан ноилож жўнади.

Фозил эшон ёлғиз қолгач, анча хотиржамланганди. Кўрпачага ёнбошлаб, пиёлага кўк чойдан қўйди-да, оп-пок, кўркам соқдини тутамлаб, кўрган тушини хаёлидан ўтказа бошлади.

Момақалдироқ гумбурлаб, яшин-чақинлар чақнаган қоронфи кеча. Фозил эшон кимсасиз далада ёлғиз кетиб бораётган экан. Шу аснода осмонда улкан қанотларини силкитиб қора қузғун пайдо бўлибди ва эшонга чанг солиб уни ердан озод кўтариб, ваҳшатли гумбурлашлар аро осмону фалакка парвоз этибди. Фозил эшон ҳарчанд уринмасин, фарёд чекмасин, қузғун чангалидан халос бўлолмас, қуш эса тобора баландроқ учар экан.

Ниҳоят у бутун кучини тўплаб, қаттиқ кучанганд экан, қузғун чангалидан кутулиб, пастга қараб тошдек учиди ва аллақандай қоп-қора суюқлик қайнайётган қозонга тушиб кетибди. Жизғанак бўлдим, деб бор овозда дод солган эшон ўз овозидан уйғониб кетди. Ёстиғи, кийим-боши жиққа ҳўл, аъзойи бадани қалтқалт титрарди. Кўп ўтмай баданини совуқ тер босди, ҳаво иссиқдигига қарамай эти жунжиқди.

«Эй худо, ўзинг паноҳингда асрагайсан! Бу тушнинг таъбири нима бўлди экан? Аввал осмону фалакка пар-

воз этиб, сўнг қайноқ қора қозон...» ўйларди у ҳамон хавотир билан.

Гумбурлашлардан чўчиб уйғонган Фозил эшон, бу энди туш эмас, балки ўша кўрган тушининг даҳшатли таъбири эканини тезда фаҳмлаб етди.

Шаҳарнинг у ер-бу ерида ёнфинлар бошланган, бомба-снарядлар тўхтовсиз ёғилиб туради. Данғилама ҳовлининг бақувват ёғоч тўсинлари қарсиллаб, зилзила пайтидагидек чайқаларди.

Фозил эшон қалима ўғирди. «Хайриятки бола-чақани Кафтовулга жўнатган эканман...» ўзича пичирлаб шукроналик қиласади у.

Даҳшатли гумбурлашлар кучаявергач, чол қўлига чироқни олиб, жон сақлаш учун тагхона томон шошилди.

\* \* \*

СИТОРАИ МОҲИ ХОСА. 31 август, чоршанба, кундуз соат иккилар чамаси. Ҳовуз бўйидаги очиқ айвонда турган Олимхоннинг чехраси тунд, катта-катта кўзларида ташвиш-таҳлика, иложисизлик аломатлари сезилади. У кўзларини аланга, тутун орасида тўлфанаётган Бухоро томондан узмас, қулоқни қоматга келтираётган артиллерия садоларини, осмонда қора қузғундек чарх уриб учайдиган аэропланлар товушини эшитмас, вақт ҳисоби унинг учун тўхтаб қолганди гўё. Ҳа, у ўз ҳаётини энди иккига ажратмоқда эди. Большевиклар босқинигача ва босқиндан кейин... Лекин босқиндан кейинги ҳаёт қандай бўларкан? Бухоронинг қўлдан кетиши энди тайин бўлиб турибди. Хўш, салтанат қўлдан кетгач, беватан амир кимга керак бўлади?

Олимхон ўз-ўзига «Бухоро тахтини сақлаб қолиш мумкинми эди?» деган саволни қайта-қайта берар, лекин аниқ бир жавоб тополмас, бир хаёли «Ҳа, мумкин эди» деса, бир хаёли «Йўқ, гишт қолипдан кўчган эди», дерди. Унинг хатоси нимада, большевикларга оз бўлса-да, ишонганими ёинки жадидларга қаттиқ тазийк ўтказганими? Ахир қиблагоҳи ҳам ҳар доим «Қаттиққўл бўлинг, ўғлим, заиф қўлда ҳокимиятни ушлаб туриб бўлмайди», дегувчи эди-ку!

Амир «Колесов юриши»дан сўнг бўлган воқеаларни эслади. Ўшанда маҳсус тайёрланган гуруҳлар – шербаччалар советларга хайриҳоҳликда гумон қилинган фуқароларни аёвсиз қирган, жадидлар, коммунистлар, Ёш бухороликларни ҳам аямаган эдилар.

Йўқ, Олимхон тузум душманларидан шафқатсизларча ўч олганидан пушаймон эмасди. Унинг фикрича, вазият шуни талаб қилганди ва амир душманларига ҳали кўп нарсага қодир эканлигини кўрсатиб қўйиш учун оммавий қирғин ўтказганди. Ҳозир шу воқеаларни эслади, боиси жадидлар билан иттифоқ тузилса, тожу тахт омон қолармиди, йўқми, шуни билмоқчи бўларди. Ҳамма нарсанинг ҳам қадри у йўқотилганда ёки йўқотилиши арафасида билинади. Душман зарбалари остида оҳ-воҳ чекаётган шаҳарга тикилиб турган сўнгги амирнинг юрагини шубҳалар, армонлар, тўхтовсиз кемираради. Моҳи Хосанинг ҳар бир дов-дараҳти, гул-кўқати ўтказилган роҳат-фароғатли қунлар ва тунларни эслатар, тўхтовсиз эшитилаётган жанг садолари унинг салтанати ҳалок бўлганини аниқ кўрсатиб турган бўлса-да, Олимхон ҳамон ниманидир сақлаб қолмоқчи бўлар, тақдири илоҳийдан нажот кутарди.

Лекин у энди ҳеч нимани сақлаб қолиб бўлмаслигини яхши биларди. Унинг қулоғи остида шунча гумбур-гумбур аро ўзи бундан икки йил олдин уйидан жадидларнинг «Учқун» газетаси чиққани учун қатл эттирган Муродбекнинг сўзлари жаранглаб кетгандай бўлди. «Олампаноҳ, – деганди ўшанда кишанбанд бек, – мени маҳв этганингиз билан «Учқун»ни маҳв этолмагайсиз! Ундан албатта аланга чиқади ва салтанатингизга, тожу тахтингизга ўт тушади, ўт!»

«Наҳот ўшанда бек башорат қилганди? Наҳот ўша қабиҳ сўзлар ижобат бўлди? Мана, наинки тожу тахт, балки бутун Бухоро, салтанат, бутун амирлик ўт ичиди, ёнаяпти!..» даҳшат ичида ўйларди амир.

Лекин ҳозир унда ўзи йўл қўйган хатоларни тан олиш учун мардик етишмаётганди. У агар отаси вафотидан сўнг у йўл қўйган хатоларни такрорламаслик тўғрисида ўз-ўзига берган ваъдасини эсласа, шундай қилиши керак

эди. Олимхон «Большевикларни Бухорога ким ва нима етаклаб келди?» деган саволга жавоб бериши керак эди. Тўғри, коммунистлар Ёш бухороликлар билан тил бириктириб, рус қўшинини шаҳар остоналарига олиб келишибди. Бироқ амирликда зулм, инсон эркинликлари, ор-номусига тажовуз бу қадар кучайиб кетмаганида жадидлару большевиклар ҳам бош қўтаролмасдилар, бир гуруҳ зиёлилар, камбағаллар уларга эргашмасдилар.

Сўнгги амирнинг бирдан-бир мардона жавоби тахминан шундай бўлиши лозим эди: Бухорога душманни бизнинг нобоп феъли-хўйимиз олиб келди! Биз туну кун айш-ишрат ботқогига ботиб, халқ ҳақида ўйламай қўйганимиз ҳаммамизни сарнигул қилди! Порахўрbekлар, амалдору қозилар шариф шаҳар бошига тушган балоларга сабаб бўлдилар! Биз – амиру амалдор ва фуқаро бир бутун бўлганимизда Бухоро бир умр сарбаланд тургуси эди. Чунки у буюкликка муносиб шаҳар!»

Лекин бу амирнинг эмас, муаллиф юрагидан кечган гаплар ва Бухоро аҳли бошига дақиқа сайин ажал уруғлари ёғилиб турганда, ҳукмдорни бу қадар қийин-қистоққа олиш жоиз эмасдир, эҳтимол. Балки Олимхоннинг ёлғиз ўзи ва Аллоҳгагина маълум бўлган ҳақиқати бордир?... Боз устига, муаллиф Бухоро босқинига орадан қарийб саксон йил ўтгач, шаҳар тақдирини ҳал қилган кўп воқеа-ҳодисалар, жуда махфий ҳужжатлар ошкор этилгач баҳо беряпти.

Бу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш жоизки, рус мустамлакачилари Бухородек гўзал ва бой юртни бутунлай эгаллаш тўғрисида неча юз йиллар орзу қилишар ва табиийки, большевик аталмиш каллакесарлар ҳам бу ширин луқмани ютиши иштиёқида эдилар.

Бухоро ўт-олов ичида ўртанаётганини кўриб турган Олимхон юқорида бизнинг кўнглумиздан ўтган фикрларни ўйлаб кўрдими-йўқми, буниси номаълум. Лекин у шу топда шаҳарни тезроқ тарк этиш ҳақида ўйлаётгани аниқ эди.

Амир ўтирган очиқ айвонга генерал ҳожи Юсуф Муқимбек кириб келди, таъзим бажо келтиргач, сўз бошлиди:

– Душман Чоржүй-Яккатут, Зиёдин-Қизилтепа, Ванзори-Баҳоуддин-Кармина йұналишлари бўйлаб қаттиқ ҳужум қыляпти. Ҳозир отлиқ аскар ва пиёдалар Бухорони ўраб олишяпти. Бугун-эрта шаҳарга ёриб киришади.

Генерал таҳликаю уйқусизликдан қизарган кўзлари ни амирдан олиб қочди.

Олимхон нидо қилди:

– Наҳот бирор чора йўқ, ҳожи Юсуфбек?! Наҳот биз ҳалок бўламиз?

– Чора йўқ, ҳазрати олийлари. Лекин ноумид шайтон, деганлар... – ҳамон кўзларини ердан узмай жавоб қилди генерал. – Ахир аэроплану бронопоездларга қарши фақат милиқ ва эски тўплар билан жанг қилиб бўлмайди-ку! Ҳалиям сарбозларимиз ҳар қарич ер учун жон олиб жон беришяпти.

Олимхон генералга жавоб қайтармади. Қўшинни замонавий қуроллар билан таъминлаш масаласи унинг учун энди бир умрлик армон бўлиб қолса, ажабмас.

Бундан бир неча ой муқаддам Бухоро қўшини саркардалари генерал Маҳдихон ва полковник Ҳожи Жўрабек Усмон қушбеги ҳамроҳлигига амир ҳузурига кириб, большевиклар хавфини даф этиш учун ҳарбий мақсадларга 30-40 миллион атрофида олтин ақча сўраган эдилар. Саркардаларнинг айтишича, инглиз миссиясининг Машҳаддаги вакили амирлик қўшинини замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлашни ваъда қилганмиш. Ўшанда амир саркардалар таклифларини рад этди, уларга зарур ақчани бермади. Ким билади, унга большевиклар хавфи ҳам узоқ туюлгандир ёки шунча олтинни қўзи қиймагандир...

Олимхон ҳузурида тик турган генерални ҳам унутиб, энди тезроқ Бухорони тарқ этиш тўғрисида ўйламоқда эди. Сўнг у бирдан қўлини шаҳд билан сермаб, генералга хитоб қилди:

– Бўлар иш бўлди, бек, биз энди ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлари каби, Бухорои шарифни тарқ этамиз! Айтинг, Усмон

қүшбеги, Абдурауф карвонбоши билан карвонимизни йўлга ҳозирланг!

Кўп ўтмай афғон элчиси ва бригада саркардаси Абдущукурхон, Афғонистоннинг Тошкентдаги элчиси-нинг шикор бошлиғи Муҳаммад Асламхонлар амир ҳузурига келдилар. Амир уларга мурожаат этди:

– Дўстлар, бандай ожизнинг бундан бўён шаҳарда қолишим кўпдан-кўп талафот ва харобаликларга олиб келиши мумкин. Ёғилиб турган бомбаларни кўриб турибсиз. Мен доруссалтанатни тарқ этаман. Меҳмондўстлик одоб-қоидалари сиз, азизларни ўзимга ҳамса-фар бўлишга ундашни талаб этади.

– Ҳақ гапни айтдингиз, ҳазрати олийлари. Бундан бўён бу ерда қолиш ҳаммамиз учун ва энг аввало Бухорои шариф учун ҳалокатлидир. Биз сизга ҳамсафармиз. Сиз, ўзбекларда бир мақол бор: «Кемага кирганнинг жони бир», – амирнинг гапини қувватлари Абдущукурхон, Муҳаммад Асламхон ҳам шу фикрга қўшилди.

Шундай қилиб, сўнгги амир шаҳарни тақдир илоҳий ҳукмига топшириб, қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, ҳуржун-хуржун олтин ақчалар, ёмбilarни карвонга ортиб, яқинлари маслакдошлари ҳамроҳлигига 31 август кундуз соат тўртларда жаннатмонанд Ситораи Моҳи Хосани тарқ этди.

Туман Комот ва Харқонруд томон йўлга чиққан бу карвонда бир неча минг Бухоро хизматчи ва аскарлари, афғон аскарлари, мансабдорлари бор эдилар.

Моҳи Хоса узра парвоз этаётган аэропланлардан бирининг учувчиси шимол томонга қараб йўлга чиққан карвонни кўриб қолиб, кўмондонликка хабар берди. Амирни таъқиб қилиш бошланди. Лекин карвон Гиждувон туманига омон-эсон етиб келиб, тунни шу ерда ўтказди.

\* \* \*

Эгасиз қолган пойтахтда эса қизил қирғин бошлаганди. 1 сентябрь оқшомида 1-армиянинг татар отлиқ аскарлар бригадаси Қарши дарвазасини портлатиб шаҳарга бостириб кирди. Кўча жанглари авжига чиқди.

Қўмондонлик амир қочгани, сарбозлар деярли қаршилик кўрсатмаётганини билиб турса-да, артиллерија отишмаси ва бомбардимон ҳамон тўхтатилмас, Шарқнинг кўрки ва фахри бўлган обидалар, тинч аҳоли яшайдиган бой ва обод гузарлар ўт-олов оғушида, жисми-жони ўртанаётган муқаддас шаҳар тўлғанар, инграр, фарёд чекарди.

Бухоронинг деярли учдан бир қисми куйиб кулга айланди. Неча минглаб шаҳар ҳимоячилари, кексалар, аёллар, болалар ҳалок бўлдилар.

Кейинги ҳужжатлар билан тасдиқланишича, ўша беш кунлик қирғин давомида шаҳарга 12 мингдан ошиқ бомба-снаряд тушган.

1920 йил 2 сентябрда Арк қизиллар қўлига ўтди. Бухоронинг жафокаш халқи пешона тери эвазига яратилган амирлик бойликларини талаш бошланди. Амир Олимхон олиб кетишга улгурмаган бойликлар эса жуда кўп эди. Махсус архив ҳужжатлари гувоҳлик беришича, амирлик хазинасида 1 миллион 148380 дона Бухоро тилло тангаси, 4 миллион 635100 рубль рус тиллоси, 17 минг 728 килограмм Гамбург қўйма олтини, 41 тонна Гамбург қўйма кумуши бор эди. Бундан ташқари, жуда кўп миқдорда бриллиант, ёқут, феруза, марваридлар неча юз миллион сўмлик бойликни ташкил этарди. Буларнинг бир қисми ни бухоролик ватанпарварлар яшириб қўйишга улгурган бўлсалар-да, бойликларнинг жуда кўп миқдори большевиклар томонидан мусодара қилинди.

\* \* \*

Ёнгинлар босилиб қолган бўлса-да, Бухоро кўчаларида ҳамон тутун, куйинди ҳиди анқир, шаҳар осмонидан одатдагидек тирамоҳ оҳанглари эмас, дод-фарёд, ғам-андуҳ, ваҳима саси келарди. Босқин пайтида атроф қишлоқларга тарқаб кетган фуқаролар «омон-омон» сўзига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, ҳадиксираб, қўрқа-писа шаҳарга қайтмоқда эдилар.

Қалъа ташқарисида, шаҳар атрофидаги окопларда ҳамон қизил аскарлар куймаланишар, дарвозалар олди, кўча-кўйларда ҳам аскарлар жуда кўп, улар

қайтиб келаётганларга онда-сонда гап отишар, лекин маҳаллий аҳоли индамай ўтиб кетаверарди. Бир неча кун бурун салобат тўкиб турган шаҳар ўрнида абгору афтодаҳол вайроналарни, култепаларни кўриш жуда оғир, у ер-бу ерда шишиб ётган мурдалар юракларга чексиз даҳшат соларди.

Фозил эшон оиласи ҳам Кафтовул қишлоғидан қайтиб келди. Тагхона ёнида чўзилиб ётган Фозил эшонни биринчи бўлиб кенжা ўғил Абдуваҳоб кўрди. Унинг фарёди ярим вайрона ҳовлини ларзага солди. Оиласининг барча аъзолари шу ерга тўпландилар. Отанинг кўзлари очик, уларда даҳшат излари ҳамон зоҳир, салласичувалиб кетган, оппоқ соқолида бир неча томчи қон қотиб қолганди.

Кўп ўтмай ҳовли одамга тўлди. Беш ўғил, қариндош-урӯф чопон кийиб, белларини боғладилар, «Вой, отам!» дея ҳасса тутдилар. Шаҳар ваҳима, аросат оғушида бўлишига қарамай, фотиҳага келувчиларнинг кети узилмасди. Чунки Фозил эшон шаҳарнинг баобру, нуфузли савдогарларидан бўлиб, Бухорода уни танимайдиган киши кам топиларди.

Ўғиллар бўзлаб йиглашар, улар бир сўзли, чўрткесар ва ниҳоятда қаттиққўл оталари ўзлари учун нақадар азиз эканини чамаси энди, ундан айрилгач англамоқда эдилар.

Фозил эшон ўғилларини эркалатмас, ҳаммасини тенг кўрар, лекин шунга қарамай кенжা ўғил Абдуваҳоб отасининг қаттиққўлигига ҳам ўзига нисбатан алоҳида бир меҳр борлигини юрак-юракдан ҳис этарди. Абдуваҳоб ўша йили йигирма ёшга тўлганди.

Ўғиллар отани иззат-икром билан тупроққа кўйдилар. Барча маросимларини ўтказиб, юртга ош бердилар.

Абдуваҳоб уззу-кун уйда ўтирас, мутолаа қилмоқчи бўлар, лекин китобни қўлга олди дегунча отасининг нуроний чехраси, оппоқ соқол толаларида қотиб қолган қон томчилари кўз ўнгига гавдаланарди.

Онаси, акалари унга панд-насиҳат қилсалар-да, кенжা ўғил юпанмас, кун сайин одамови бўлиб бораарди.

Абдуваҳоб ўқиётган мадрасага бомба тушиб, ёниб кетган, мударрисларнинг бир қисми Афғонистонга қо-

чиб кетган, бир қисми шаҳардаги қиёмат-қойимдан капалаги учиб, аллақаерларда беркиниб юришарди. Абдуваҳоб эса мотамсаро ҳовлида нима қилишини билмай ҳайрон эди.

Абдуваҳоб сермулоҳаза, мадрасада олган билимлари магзини чаққан, оқ-қоранинг фарқига борадиган йигит эди. Унинг юрагида алам ҳаддан зиёда, большевикларга, жадидларга ва амир Олимхонга берадиган саволлари жуда кўт эди. Лекин у биринчи саволни жадидлар билан яқин алоқада бўлган акаси Шарифжонга берди:

– Айтинг-чи, акажон, бутун умр инсоф-диёнат билан яшаган, тақводор падари бузрукворимизнинг ёзуқлари не эди? Нега энди келиб-келиб кофирларнинг ўқи отажонимизнинг кўксиларига қадалди? Шунча мурдору хоинлар омон қолиб, савоб дея бутун бошли гузар мачити сарф-харажатини зиммасига олган, беш вақт намозни канда қилмаган, мусулмончиликнинг барча фарзу суннатини адо этган фариштадек отагинам шаҳид бўлдилар!?

Шарифжон чиройли қўй қўзларини укасидан олиб қочди, чуқур тин олди ва шундай жавоб қилди:

– Эй, укажон, қўй, бу саволларинг билан бағримни тирнама! Парвардигори гулчин деганлари шу. Аллоҳ таолло гулдайин пок ва нозик одамларни ўз раҳматига олади. Палид ва ифлослардан эса Аллоҳ-да, банда-да безор! Яна шуни билиб қўйки, падаримиз, жойлари жаннатда бўлғай, биз учун қурбон бўлдилар. Мен шунга аминманки, у кишининг пок ва муборак номлари бизга бир умр яшашга қўмак бергусидир!

Шу куни ака-ука узоқ суҳбатлашдилар. Шарифжон ўзи ва оиласини нималар кутаётганини аниқ билмаса-да, большевиклар бераётган ваъдаларга унчалик ишонмас, фақат инқилоб аталмиш хунрезлик довулларидан омон қолиш учун нима қилиш кераклиги хусусида фикр юритарди.

Орадан кўп ўтмай Шарифжон большевикларнинг аллақандай масъул идорасига ишга жойлашиб олди. У Абдуваҳобнинг бу қанақа идора, нима иш билан машғул бўлиши ҳақидаги саволларига жавоб қайтармас, фақат

сирли жилмайиб, «Балонинг сиртида бўлгандан кўра, унинг ичида бўлган маъқулроқ», деб қўярди. Лекин дунёда вақти келиб очилмайдиган сир йўқ. Охир-оқибат Шарифжоннинг БухЧКда (Бухоро фавқулодда комиссияси) ишлаётгани маълум бўлди. Бу қанақа ташкилот эканлиги инқиlobдан сўнг ўтган бир неча ой мобайнида Бухоро аҳлига ойдай равshan бўлган. БухЧК номи юракларга чексиз қўрқув, даҳшат соларди. Чарм камзул, узун кўнжли этик кийиб, белидаги камарига маузер осиб юрадиган чеҳраси тунд кишилар асосан сиёсий террор, Бухоронинг беҳисоб бойликларини мусодара қилиш билан шуғулланишар, янги тузумни тан олмаган, тан олгиси келмаган ёки тушунмаган фуқаро шўрини қуритардилар. Фозиён мадрасасида очилган ҳибсхона маҳбусга тўлиб кетган, уларни қандай қийнашлари ҳақида шаҳар аҳолиси ўртасида даҳшатли ҳикоялар юради. Булар тўгрисида кўп эшиттан Абдуваҳоб Шарифжонга савол берар, акаси эса тўғри жавоб қайтармай, «Шошма, ҳали ҳаммасини ўзинг кўрансан, кейин хулоса чиқарасан», дерди. У бекорга бу гапларни айтмаган экан, тез орада Абдуваҳобни БухЧКга ишга таклиф қилиб қолди. Кенжга ўғилнинг капалаги учиб кетди. «Номи юракларга даҳшат соладиган идорада асло ишламайман», деб туриб олди. Шарифжон ётифи билан тушунтириди. ЧК амалга ошираётган қонли ишларда ўзининг мутлақо даҳли йўқлиги, котибият бошлиғи бўлиб ишлаётгани, Абдуваҳоб истаса, котиблик қилиб, тузуккина маош олиши мумкинлигини таъкидлади. Абдуваҳоб кўнавермагач, очиғини айтди.

– Тушунсанг-чи, укажон, тез орада улар бой, ўзига тўқ оиласар билан шуғулдана бошлайдилар. Ялпи қирғин бўлиш эҳтимоли бор. Биз шу ерда ишлаб турсак, нисбатан хотиржам бўлишимиз мумкин. Ҳозир текширувдан ўтиб, ишга кирасан, ўзим ёрдам бераман. Агар имкониятдан фойдаланмасак, худо кўрсатмасин, қатағон бошланса, текшириб ўтирмай девор ёнига тик қўйиб отиб ташлашаверади. Ҳозир ҳам қанчадан-қанча гуноҳсиз бошлар сапчадек узилаяпти. Хўп де, укажон, ахир мен сенга олдин ҳам

айтган эдим-ку, ҳозир балонинг ичида бўлган маъқулроқ. – Шарифжон укасининг елкасидан қучиб эркалади, сўзида давом этди: – Жигаримсан-ку, наҳот сенга ёмонликни раво кўрсам?

Акасини беҳад яхши кўрган Абдуваҳоб ноилож кўнди.

У аввалига турли иш қоғозларидан нусха кўчириб, уларни тартибга келтириб юрди. Секин-аста сўроқ баённомаларидан нусха кўчиришга бера бошлидилар. Шарифжон ҳар замонда укасидан хабар олиб, унга иш ўргатар, кўнглини кўтариб кўярди. Йигит аста-секин ишга кўнига бошлиди. Лекин бари бир, сўроқ баённомаларини кўчираётганда бу жонсиз қоғозларда бирорта ортиқча сўз бўлмаса-да, бадани жимиirlаб кетарди. Араб алифбосида чиройли қилиб ёзилган сатрлар орасидан йифи, фифон саси келарди гўё.

### ***Мұҳаббат ва нафрат. Фозиён зиндони. Тунги қийноқлар***

Кеч куз. Шивалаб, майин ёмғир ёғар, ҳовлидаги яккаю ягона тут дараҳтининг сап-сариқ, тилларанг барглари чорқирра фишт ётқизилган супа юзида совуқ томчилар остида дийдираб, афтодаҳол шивир-шивир қилардилар.

Абдуваҳоб барвақт ишга отланар экан, сим-сим ёғаётган ёмғир юрагига олиб кирган алланечук ҳазин-мунгли, лекин қандайдир ёрқин оҳанглардан сархушдек эди. Ишга барвақт отланаётганининг боиси кеча бошлиғи, маҳаллий тилда бинойидек гаплашадиган арманни комиссар Грант Бабаян барвақтроқ келишни, зарур юмуш борлигини уқтирганди.

Ўрта яшар, кўзлари доим кулиб турувчи бу комиссар Абдуваҳобга жуда меҳрибон, беозор кўринар, Фозиён ҳибсхонасидан эшитилиб турадиган дод-фарёдларга мутлақо алоқаси йўқ эди йигитнинг назарида. «Агар ҳамма большевиклар Бабаянга ўхшаганларида, Фозиён маҳбусга тўлиб кетмасди», дея йўларди котиб.

Абдуваҳоб икки табақали гужум дарвозадан чиқиб, пасткўчадан кетиб борар экан, ёмғир тозалаган рутубатли ҳаводан кўксини тўлдириб нафас олди, қадами-

ни тезлатди. У мачит ёнидан ўтиб, муюлишга етганда рўпарадан келаётган паранжили аёл диққатини жалб этди. Паранжили аёл унинг қаршиисига келганда қадамини секинлатди, нозик, мармардек қўллар чачвонини ним кўтардилар-да, нафис бир товуш Абдуваҳобни юришдан тўхтатди.

– Ассалом! Бахайр, Абдуваҳоб ака, шошилиб қаёқса кетиб борасиз?

Паранжи остидан бир жуфт қуралай, чақноқ кўз йигитнинг туташ қослари, чиройли, ингичка, мўйловига суқ билан қараб туарди.

– Э, ҳа, Гулбодом, сенмисан, ваалайкум салом! Хизматга боряпман.

Салом ва сўроқ берувчи Абдуваҳобларнинг қўшниси, у билан бирга ўсиб-улғайган, Барот заргарнинг катта қизи Гулбодом эди.

– Абдуваҳоб ака, – деди қиз товушини пасайтириб, атрофга олазарак назар ташлар экан, – қачонлардан бери сизни кўрмоқчи бўламан-у, ҳеч маврудини тополмайман, – унинг овозида ноз, карашма, эркаланиш бор эди. Йигитнинг юраги хаприқиб кетди. Ҳар иккаласи чақчақлашиб, сирлашиб ўтказган маъсуд дамлар, қизнинг балоғат ҳиди уфуриб турган соchlари атри ёдига тушиб, боши айлангандай бўлди.

– Агар мени кўрмоқчи бўлсанг хуфтондан сўнг ўша жойга бор! – Абдуваҳоб шундай деди-ю, қиздан узоқлашди. Кўча бошида уларнинг суҳбатлашиб туриши бегона кўзлар учун яхши эмасди.

Абдуваҳоб Фозиёнга етиб борганида Грант Бабаян уни хушчақчақ қаршилади, ҳар галгидек соғлигини суриштириб ҳазил-хузул қилди. Лекин унинг кайфияти хуш эмаслиги митти, қулранг кўзларидан билиниб турарди. Уйқусизликдан бўлса керак, кўзларининг миллики қизарган, пешонасидаги ажинлар қуюқлашганди. Бунинг сабабини Абдуваҳоб биларди. Чунки Фозиёнда сўроқ ва қийиноқлар туну кун давом этаётгани ҳақида гап-сўзлар кўпайиб бормоқда, Шарифжонни ҳам уйда учратиш қийин, унинг чиройли кўзлари киртайиб, озиб, бир аҳволга тушиб қолганди.

– Қани, ёш дўстим Абдуваҳоб, – деди Бабаян дона-дона қилиб, – қоғоз-қаламингни ҳозирлаб, тайёр бўл. Бутун жуда хавфли давлат жиноятчисини сўроқ қиласман. Бирор калима сўз тушиб қолмаслиги керак. Англадингми?

Абдуваҳоб бош қимирилатиб тасдиқдади-ю, вужудига титроқ оралаганини ўзи ҳам сезмай қолди. «Давлат жиноятчиси? Ким бўлди экан у?» Бу ўй йигитнинг миёсини аёвсиз кемира бошлади.

Бабаян эса ўзининг одатдаги сиёсий суҳбатини бошлади.

– Биласанми, Абдуваҳоб, сен жуда баҳтли йигит экансан. Сабаби – энди озод юрт – Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси фуқаросисан. Сенинг авлодларинг ҳам озод ва обод юртда яшажак. Мен бунга ишонаман! Ҳукуматимиз ҳалқаро миқёсда катта ишлар қиляпти. Бу йўлда Файзула Хўжаев фаолияти жуда сермаҳсул бўляпти. Қисқа вақт ичида Бухоро жумҳурияти Эрон, Афғонистон, Туркия ва ҳатто Германияга ўз элчилари ни юборди. Бундан фахрланмай бўладими, ёш дўстим?

Бабаян ўз дийдиёси билан банд экан, узун найзали милтиқ кўтарган икки соқчи қўллари кишанбанд, соч-соқоли ўсиб кетган барваста, кенг елкали маҳбусни хонага олиб кирди.

Грант Бабаян тавозе билан маҳаллий тилда у билан саломлашди. Маҳбус унга ижирғаниб назар ташлади саломга алик олмади.

Комиссар афсус билан бош чайқади:

– Сиз давлат идорасига келдингиз ва сиз билан давлат одами гаплашяпти, ўзингизни қўлга олсангиз яхши бўйларди.

Маҳбус қўлларидаги кишанни шилдиратиб, Абдуваҳоб томонга истеҳзоли назар ташлади. Унинг ўт чақнаб турган нигоҳдари «Эҳ, сен, сотқин, малай», деган маънони уқиши мумкин эди. Абдуваҳобнинг бадани жунжикиб кетди. Акаси Шарифжоннинг «Бизнинг қонхўрликларга мутлақо дахлимиз йўқ», деган сўзларини эслади. «Хўш, қонхўрликларга дахли йўқ одам ана шу маҳбуснинг жирканганнамо нигоҳига қандай тоб

берсин? Ҳамюртлар қўлига кишан солингандা, уларнинг бегуноҳ қони тўкилганда жимгина, лоқайд қараб туриш қонхўрликдан бешбаттар эмасми?!»

Грант Бабаян ўрнидан туриб у ёқ бу ёқса юрди, улкан маузерини чарм филофидан чиқариб, тарақдатиб стол устига қўйди. Сўнгра қайтиб ўриндиққа ўтириди-да, маҳбусга юзланди.

– Майли, вақти келиб саломлашиш одобини ҳам ўргатармиз. Ҳозирча саволларга жавоб беринг. Акс ҳолда... – Комиссар столдаги маузерга кўз қирини ташлаб қўйди. Маҳбус беписанд жавоб қилди:

– Саволинггаям, ўзинггаям, давлатинггаям тупурдим! Жавоб эмиш, жавобимни эшитдинг-ку! Жавобим қулогингни қоматга келтирмадими? Менинг сен ваҳшийларга бошқа жавобим йўқ!

Комиссар бунаقا галваларга кўнишиб қолганди, пи-нагини ҳам бузмай яна савол берди:

– Ислмингиз, отангизнинг исми, насл-насабингиз, машгулотингиз?

– ...

Бабаян саволларини яна бир неча марта тақрорлади.

– Ислмим билан нима ишинг бор, отсанг отиб ташлай-вермайсанми! – деди ғазаб билан маҳбус.

– Йўқ, – деди комиссар, – отиб ташласак, жуда осон қутулиб кетасиз.

Ниҳоят анча олишувдан сўнг маҳбус саволларга жавоб беришга кўнди.

– Мана бу бошқа гап, – деди комиссар чеҳраси ёришиб, – шундай қилиб, исслмингиз, отангизнинг исми?

– Ислмим Абдумўмин, отамнинг исми шарифлари Абдулла.

– Нечанчи йил таваллуд топгансиз?

– 1885 йил, ҳамал ойида.

– Насл-насабингиз?

– Савдогар оиласиданман.

– Сиёсий қарашларингиз?

– Ёш бухороликлар фирмаси аъзосиман.

– Ана холос, бу ёфи қандоқ бўлди экан? Ахир қуролли қўзғолон олдидан большевиклар раҳбарлиги остида Бухо-

ро компартияси ва Ёш бухороликлар фирмаси бирлашган эди-ку, наҳот бундан бехабарсиз?

– Бехабар эмасман. Лекин Бухорони талаш, ёндиришга келишилмаганди, озод қилиш тўғрисида битим имзоланган эди. Биз Бухоро Компартияси йўлини вақтингча қабул қилган эдик. Энди билсак, сиёсий кўр, гумроҳ эканмиз! Сиз бизни ўз қўлимиз билан қонга ботирдингиз!

Хонага оғир сукунат чўкди. Абдуваҳоб баённи ёзиб борар экан, қулоги шангиллар, маҳбус сўзлари унинг кўксига ўткир ханжардек тобора чуқурроқ ботиб бораарди.

Бабаян ўрнидан туриб тамаки тутатди, у ёқ бу ёққа юриб, бурнидан тутун қайтарди. Сўнгра хона ўртасига, маҳбус рўпарасига келди:

– Майли, сиз билан бизнинг сиёсий воқеаларга қарашларимиз турлича. Бу – табиий. Чунки ғолиблар ва мағлублар воқеаларга турлича назар билан қарайдилар. Сиз менинг асосий саволимга жавоб берсангиз бўлди. Эшелонни портлатишда кимлар иштирок этди? Яширин ташкилотингизнинг мақсади нима?

– Эшелонни бир ўзим портлатдим. Чунки Бухоро халқи пешона тери эвазига йигилган бойликлар тала-нишига сира чидаб туролмадим. Ҳеч қанақа яширин ташкилот ҳам, мақсад ҳам йўқ! Бу сизлар тўқиган сафсата, холос!

– Ёлғон! Сафсата эмас, бутун бошли бир эшелонни бир ўзингиз портлата олмайсиз-ку!

– Порохли эшелон учун биргина гугурт чўпи кифоя қилди! – маҳбуснинг юзи бир оз ёришиб, овози баландлади. – Биргина учқун билан кули кўкка совурилди! Қани энди имкон бўлса-ю, бутун хону монингизни кўка совурсам!

Маҳбус сўзларини тутатолмади. Грант Бабаян унинг қулоқ чаккасига қаттиқ мушт туширди. Маҳбус чайқалиб кетди-ю қуламади. Шунда Бабаян этиги билан унинг моясига тепди. Маҳбус гурсиллаб қулади. Комиссар унинг тепасига бориб яна бир тепди, сўнг ўшқирди:

– Ё ҳозир шерикларингни айтасан ёки тўнғиз қўпсан! Ифлос! Мараз!

Хонадаги шовқинни эшитиб, йўлакдаги соқчилар югуриб киришди. Бабаян уларга «Ҳаммаси жойида, чиқиб кетинглар» дея ишора қилди.

Оғир, нағалли этик зарбаси жуда қаттиқ эди шекилли, ерда ётган маҳбус хириллай бошлади. Буларни жимгина кузатиб турган Абдуваҳобнинг қулоқлари битиб, кўнгли бехузур бўлди, боши гир-гир айланади бошлади.

Бабаян маҳбуснинг бошини кўтарди. Бечора Абдумўминнинг кўзлари пахтаси чиққан, оғзидан кўпик кетарди.

Бирдан қандайдир иссиқ тўлқин Абдуваҳобни қамраб олгандек бўлди-ю, вужуди қоронги бўшлиқ қаърига сингиб кетди гўё. У «шилқ» этиб столга қулади.

Кўзларини очганда тепасида Бабаян рўмолча билан елпиб ўтирас, хонада маҳбус кўринмасди. Комиссар стаканда сув узатди.

– Ма, ич, ўзингни кўлга ол. Сўроқнинг ҳам белига тепдинг. Мен кўнглинг шунчалар бўш деб ўйламагандим. Сал баландроқ дўқ урганда маҳбусдан олдинроқ ҳушингдан ажраб ўтирибсан-а. Начора, ёш дўстим, инқилобимиз – халқ инқилоби. Лекин унинг қаттол душманлари жуда кўп. Уларга нисбатан шафқатсизлик қиласак бўлмайди. Инқилоб душманлари билан пачакилашиш жаҳон инқилоби тақдирига хавф солади!

Абдуваҳобнинг ранги докадек оқариб кетган, ҳамон боши айланиб, кўнгли бехузур бўларди. Комиссар кўзларида аллақандай тушуниксиз ифода билан жаҳон инқилоби, афкор омма баҳт-саодати тўғрисида оғиз кўпиртирас, лекин унинг ҳақиқий башараси йигитчага энди аён бўла бошлаган эди. Комиссар ўлжасини авраб, ютишга шайланадиган улкан аждаҳога ўхшаб кетарди.

Абдуваҳоб комиссарнинг сўзларига жавобан ҳеч нима демади. Абдумўминнинг патаги чиқиб кетган кўзлари, оғриқдан қийшайган башараси, оғзидан оққан оппоқ кўпик йигитнинг назаридан кетмас, этини жунжиктиради.

Бабаян гапириб-гапириб чарчагач, шундай деди:

– Майли, сенга бугунликча етар энди. Бор уйингга, дамингни ол.

Абдуваҳоб Бухоронинг сокин, кимсасиз пасткўчала-ри бўйлаб уйига қайтар экан, жуда ҳоргин, бутун вужу-ди қаттиқ, калтак егандек пажмурда эди.

Ёмғирдан сўнг ҳаво мусаффо, осмоннинг у ер-бу ерида паға-паға қора булулар сузиб юрар, йигитнинг кўнгли ҳам шу қора булулар каби зимистон эди. «Наҳот жаҳон инқилоби дея бонг уриб юрган Бабаян шунчалар йиртқич, хунхўр бўлса? Наҳот жаҳон инқилоби бирорларниңг бегуноҳ тўкилган қони билан амалга ошса? Йўқ, бу мумкин эмас! Абдумўмин гуноҳкор бўлса, жазолаш мумкиндири, лекин уни бунчалар хўрлашга ҳеч кимнинг, ҳатто ҳалқ номидан гапириб юрган кимсаларниңг ҳам ҳаққи йўқ! Қолаверса, Абдумўмин ўз ҳалқи бойликларини ҳимоя қилибди, бунга унинг маънавий асоси бор. Булар эса бирор мулкига кўз олайтирган келгиндилар-ку!»

Абдуваҳоб йўлда учраётган битта-яримта йўловчи-ларни ҳам кўрмас, миясида сон-саноқсиз саволлар, шубҳалар чарх уради.

У оқшомгача турли ўй-хаёллар билан банд бўлди. Оқшом чўқаверган сайин уни кун бўйи қийнаб, тинчлик бермаган машъум фикр-хаёллар секин-аста тарқалиб, кўнглида аллақандай ҳаётбахш, илиқ ҳис пайдо бўлди. Гулбодом билан учрашув онлари яқинлашган сайин йигитнинг чеҳраси очилиб бора, юраги хапқиради.

У таҳорат олиб хуфтон намозини ўқиди, сўнгра гузар мачити ортидаги эгаси кўчиб кетиб, ташландиқ бўлиб қолган ҳовлича томон тез юриб кетди.

Оқшом хийла изгиринли, осмонда юлдузлар фужрон ўйнар, қоронғилик қаърида аллақандай ёқимли бир сир яширин эди.

Абдуваҳоб кимсасиз, сокин ҳовли ўртасида бир оз тўхтаб атрофга аланглади. Шу аснода кунчиқар томондаги айвон тарафдан Гулбодомниңг серхавотир, титроқ овози эшитилди:

– Мен бу ердаман, Абдуваҳоб ака!

Йигитнинг вужудига майин бир титроқ оралаб, айвон томонга қадам ташлади.

– Гулбодом?.. Сен қачон келувдинг?.. Мен ўтган гал-гидек анча куттирасанми деб бемалол келаверибман... – деди Абдуваҳоб тили танглайига ёпишгудек бўлиб.

– Ўтган дафъа куттирганим учун узр сўраб эдим-ку!... – ўқингандек бўлди қиз. – Ўшанда онам бир юмуш буюргандилар...

– Ўксинма, Гулбодом, ҳазиллашдим, – таслим бўлди йигит. – Ҳазилниям тушунмайсан-а...

Ҳовли хийла қоронфи, йигит қизнинг кўзларини кўролмас, лекин бу кўзларда меҳр, садоқат, муҳаббат учқунлари чақнаб тургани, бодом қовоқлари уятдан, ҳаяжондан қирмизи тус олганини биларди. Гулбодом паранжисини билагига ташлаб олган, нозик бармоқла-ри қирқта ўрилган соchlари учини ўйнар, қиздан тара-лан мушки-анбар ҳиди йигитнинг қонини гупиртириб, юрагини жунбишга соларди.

Улар ҳеч сўз демай, анчагача бир-бирларига тики-либ сукут сақладилар. Ниҳоят Гулбодом тилга кирди:

– Энди нима бўлади, Абдуваҳоб aka? Бу қама-қа-малар давом этаверса, ҳолимиз нима кечади? Эшити-шিমча, ўзига тўқ оиласарнинг ҳамма нарсаси тортиб олиниб, ўзлари олис, совуқ ўлкаларга бадарға қилинар-миш? Сиз ҳукумат идорасида ишлайсиз, ўзимизни ни-малар кутаётганини билсангиз керак?

Абдуваҳоб «ҳукумат идорасида» шу қуни бошидан кечган воқеани эслаб сесканиб кетди. Абдумўминнинг ерда чўзилиб ётган аянчли ҳолатини хаёлидан чиқариб ташлашга интилиб, мавҳумгина жавоб қайтарди:

– Нима бўларди, пешонамизга ёзилганини кўравера-миз-да, Гулбодом...

– Наҳот пешонамизга хору зорлик, Ватандан айро тушиб, бегона юртларда сарсон-саргардон юриш ёзил-ган бўлса?

– Унчалик эмасдир, жоним. Ҳозирча уларн янги тузум душманлари, йирик амалдорлар-у катта бойларга қарши курашяптилар. Сену мен оддий бир фуқаро бўлсак...

– Эй, Абдуваҳоб aka, ахир гап фақат сизу бизда эмас-ку! Ота-онамиз, қариндош-уруг дегандай... Қолаверса, Бухоромизни қандай тақдир кутади? Мен Бухородан

ташқари, она шаҳримдан айру бир сония ҳам яшой ол-масам керак! Айтинг, Бухоронинг ҳоли не кечади?! Машит-мадрасалар отхонаю омборхонага айланди, муқаддас қадамжоларимиз куйиб кул бўлди. Айтинг, биз нима қиласмиз энди?!

Қизнинг афсус-надомат билан айтган бу сўзлари йигит қалбини ларзага солди. У ўзининг мужмал сўзларидан уялиб кетди. Ёшгина қиз қалбидаги она юрга шунча меҳр-муҳаббат бор экан, биз бошимизга тушган барча бало-қазони даф эта оламиз, дея ўйлади у ва Гулбодомнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди:

– Сен оқила, ўқимишли қизсан, Гулбодом, шаҳримиз тарихини яхши биласан. Бухорои шариф не-не босқину талонларни бошидан кечирган ва ҳар гал Самандар қушдек култепалардан қайта қад ростлаб, гуллаб-яшнайверган! Бухоро – мангу, Бухоро абадийдир, жоним! Хотиринг жам бўлсин!

Гулбодом йигитга миннатдор нигоҳ ташлаб, оғир тин одди.

– Илоё, айтганингиз келсин, Абдуваҳоб ака! Илоё, Бухоромиз абадий бўлсин!

Босқинчилар кирдикорларидан кўкси яра Бухоро бокира, юраги ишқ-муҳаббатга тўла қизнинг ўзи ҳақдаги дуоларини эшитиб, шу топда бир оз таскин топган ва Гулбодомнинг сўзлари унинг оғриқларига малҳам бўлган бўлса, не ажаб?.. Бир вақтлар кимгадир Ватан бўлган, бола-чақа йифиси, кулгиси эштилган, ҳозир эса ниҳоятда афтодаҳол ҳовлича ҳам шу оқшом ёшариб қолган бўлса, не ажаб? Одамлар анчадан бери кирмай қўйган бу гўша муҳаббат, ишонч ва нафрат нима эканини ҳам унугаётган эди. Икки ёш юрагидаги босқинчиларга нафрат, ҳаётга, она шаҳарга бўлган чексиз муҳаббат кимсасиз ҳовли кипригидан бесамар ўтган йиллар мудроғини учирган бўлса, не ажаб?

Абдуваҳоб ва Гулбодом юрагида янги куч билан алангланган муҳаббат оташи замона нотинчликларию жабр-ситамларини бир муддат унугашга мажбур этди. Бир-бирига интиқ икки ошиқ ҳамма нарсани унугиб, муҳаббатлари эртаси, ўзларини кутаётган келажак

ҳақида хаёл сурдилар. Севги, яшаш, яратиш ишқи ҳаёттинг жамики ташвишларидан устун келарди.

Хайрлашып онлари яқинлашар экан, суҳбат мавзуи яна Бухорога келиб тақалди.

– Биласанми, Гулбодом, ўтган кечаси ғалати бир туш кўрибман. Тушимга Бухоро маликаси Қабож кирибди. У таънаю дашном билан менга шундай дермиш:

«Ҳой, бухороликлар! Сизга не бўлди? Юрагимга энг яқин, кўзим оқу қораси бўлмиш Бухоро душман қўлига тушишига нечун йўл қўйдингиз?! Қани сиздаги ор-номус, қани сиздаги Ватанга бўлган муҳаббат?! Наҳот менинг азиз Бухромда белида белбоги бўлган эркаклар, эр йигитлар қолмади? Эр йигитлардан-да қолишимаган гўзаллар, она шаҳри дея ширин жонидан кечган қизларимиз қайда қолди?!

Азизларим, жигаргўшаларим! Кўзингизни очинг! Ёғий фақат шаҳримизга эмас, балки бутун борлигимизга, ўзлигимизга кўз тиккан, ундан омонлик бўлмагай!»

Бу тушнинг таъбири не бўлди, деб кўп ўйладим. Лекин аниқ биламанки, бу фақат таъна-дашном эмас.

– Албатта, бу таъна эмас, малика руҳи поки безовта бўлиб, бизни кутаётган хавф-хатардан огоҳ этмоқдадур, – деди Гулбодом.

– Ҳа, буюклар руҳи доим уйроқ, – деди Абдуваҳоб.

Икки ёш тез-тез учрашиб туришга ваъдалашиб хайрлашдилар.

\* \* \*

Гулбодом билан учрашиб кўнгли анча ёришган бўлса-да, Абдуваҳоб туни билан ухлаёлмай, ўринда ағанаб чиқди. Қизнинг нур ёғилиб турган чиройли юзи кўз ўнгидан кетмас, нимаси биландир одамни тамоман ром этиб қўювчи ёқимли овози қулоқлари остида акс садо берар, «Ўзимизни кутаётган бало-қазолардан Гулбодомни асраб қола оламанми, йўқми», деган ўй унга сира тинчлик бермасди. Йигитнинг қалбida муҳаббат ва нафрат ҳислари бўрондек қўзголиб ғалаён қиласди.

«Камсуқумгина, маъсума ва бокира Гулбодом... Шу ожиза кўнглида Бухорога нисбатан шунчалар

мехр-муҳаббат, оқибат, шафқат туйгулари бор экан! Шундай қизни тақдир түғонлари қаршиисида ёлғз қолдириш гуноҳи азим. У менга неча-неча саволлар берди. Мен бирортасига ҳам жавоб беролмадим. Аниқ жавобни ўзим ҳам билмайман, Шарифжон ҳам билмайди. Бу жавобни ҳозир шаҳарда ҳеч ким билмаса керак. Билганлар эса Абдумўмин кўйига тушишган ёки энди тушишади... Нима қилиш керак? Тўхта, ҳамма замонларда, ҳамма талон-босқинлар пайтида таслим бўлмаганлар, ўзлигини сақлаб қолганлар бўлган-ку! Наҳот шаҳримизда таслим бўлмаганлар қолмаган бўлса? Ахир ҳамма ҳам хўрлик, камситишларга бирдай бош эгиб кетавермайди-ку! Мен бундай одамларни қидириб то-пишим, улар билан бирга бўлишим керак. Акс ҳолда, кўзим олдида содир этилаётган хунхўрлигу қабоҳатларга кўникиб кетаман. Хўш, қани, қаерда ўша ўзлигини сақлаб қолган одамлар?

Абдуваҳоб мижжа қоқмай ўзи билан ўзи олишар, саволларига жавоб тополмай қийналарди. «Қани, қаерда, ўзлигини сақлаб қолган одамлар?» эмиш. Ахир, Абдумўмин-чи? Ўзлигини сақлаб қололмаган бўлса, бутун бошли эшелоннинг кулини бир ўзим кўкка совурдим, деб айта олармиди?! Сен эса у бечоранинг бошига тушган қийноқдан ҳушингдан ажраб ўтирибсан! Лекин бошга тушганни кўз кўрар, дейдилар. Мен ҳам ўз шаҳримни Абдумўминдан кам яхши кўрмайман-ку! Сирасини айтганда, она юртни, киндик қонинг тўкилган масканни яхши кўрмаслик мумкинми? Йўқ, асло!

Шарифжон амаллаб жон сақлаш керак, дейди. Лекин мен Бабаяннинг сўроқларида иштирок этаверсам, жон сақлашими қийин. Бабаяннинг калласига курси билан тушириб қолсам нима бўлади? Этимни бурда-бурда қиладилар. Хўш, бурдаласалар, нима бўпти? Мана, Абдумўмин чидаяпти-ку! Бир бошга – бир ўлим! Тўғри, лекин онам-чи, акаларим-чи? Гулбодомнинг ҳоли не кечади? Ўлиб кетиш жуда осон. Аммо жон сақлаб, яқинларинг жонига оро кириш – мушкул.

Эҳ, Гулбодом, Гулбодом! Бухоронинг маъсума ватнпарвари. Сени ким ҳимоя қиласди? Наҳот сенинг Ба-

баян сингари түнгизлар қўлига тушишингга бефарқ қарай олсам? Унда ўзим түнгиз қавмида кетмайманми?!

\* \* \*

Эртасига Бабаян Абдуваҳобни гўё ҳеч нима юз бермагандек одатдаги ҳазил-мутойиба билан қаршилади. Бир даста қоғозни қўлига тутқазиб, нусха кўчиришга буюрди.

Абдуваҳоб бошлигининг қўлидан қоғозларни олар экан, унинг кўзларига қараёлмади, юрагида айқаш-уйқаш ҳислар жунбишга келиб, уни каловлантиради. Чехрасидан викор, салобат ва хотиржамлик уфуриб турган комиссар кечагина йиртқич ҳолатига кириб, маҳбусни уриб ўлдиришига оз қолганига ишонгиси келмасди.

Кун аллақандай карахтлик билан ўтди. Ишдан ҳорғин-паришон алпозда қайтган Абдуваҳоб хуфтон намозидан сўнг акаси Шарифжоннинг хонасига кириб, унинг қаршисига, кўрпачага чўккалади. Шарифжон укаси сўроқ чоғида ҳушини йўқотганидан хабардор, ҳозир унинг юрагидан қандай ҳислар кечаетганини ҳам биларди. Шу боис Абдуваҳобни имкон қадар юпатиш, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди. У укаси кўнглида тўнтариш содир бўлгани, ёш йигит ҳаяжон устида нотўғри қадам қўйиши, тақдири остин-устин бўлишини сезиб шошилмаслик, ўйлаб иш қилишни қайта-қайта уқтириди. Ҳар бир ишнинг мавриди бор ва сен ёлғиз ўзинг бутун бир миллат ва юрт тақдирини ҳал қилолмайсан, дея очиқ айтди.

Абдуваҳоб акасининг мулоҳазали, асосланган фикрларига очиқ қарши чиқмаса-да, юрагидаги ҳислар тўфони ҳамон босилмасди. «Отамни ўлдиридилар, уйимизни вайрон қилдилар. Ватанни азиз билганлар битта-битта қириляпти. Ҳўш, яна нимани қутиб туришимиз керак? Улар гирибонимга чанг соганида кеч бўлади-ку?!»

Шарифжон укасининг сўзсиз, фикрий исён-эътирозларини сезиб турарди.

– Вақт, аслида биз, жадидлар ҳақ эканимизни исботлади. Ва яна инқилоб арафасида Бухоро Компартияси

билан бирлашиб, қуролли қўзғолонга рози бўлиб, ҳалокатли хатога йўл қўйганимиз ҳам аён бўлди. Биз амир Олимхонга ислоҳотлар ўтказиб, салтанатни сақлаб қолиши тақлиф қилган эдик. Амир эса бизни алдаб, жадидчилик ҳаракатини қонга ботирди, биздан шафқатсизларча ўч олди. У ўзидан ўч олгани, ўзини ҳалокатга маҳқум этганини билмасди ўшандা. Биз ўзаро келиша олганимизда большевиклар Бухоро остонасига келолмас, коммунистлар ҳокимиятни эгаллаб олмас эдилар, – деди Шарифжон. У укаси билан сиёсат борасида биринчи бор очиқчасига гаплашаётган эди.

– Бўлар иш бўлиди. Энди хато қылдик деб қўл қовуштириб ўтириш керак эмасдир-ку! – деди Абдуваҳоб.

– Албатта, қўл қовуштириб ўтириб бўлмайди. Лекин ҳозир сиёсий вазият жуда нозик, мураккаб. Больше-виклар ер-сув, озодлик ваъда қилиб, халқни қаттиқ авраяптилар. Уларнинг тарафдорлари кун сайин ошиб боряпти.

– Лекин норозилар-чи? Норозилар ҳам кўп-ку!

– Ҳа, баракалла! Ҳамма гап ана шу розилар ва норозилар ўртасидаги кучлар нисбатига боғлиқ. Тарозининг палласи қайси томонга босиб тушса, замон ўшанини!

Ака-ука шу тун узок суҳбатлашдилар. Лекин бари бир, Абдуваҳобнинг кўпдан-кўп саволлари юрагида жавобсиз қолиб кетди. Чунки бу жавобларни Шарифжон ҳам билмаслиги аниқ эди. Шу боис Абдуваҳоб акасига юрагида қолиб кетган саволларни бермади.

\* \* \*

Абдуваҳобнинг назарида БухЧКда қандайдир хотиржамлик ҳукмрон эди, гўё. Аслида эса бундай эмасди. Бу бўрон олдидан юз берадиган вақтингчалик соқинликдай бир гап бўлиб, большевикларнинг неча йиллардан бери синаланган жазо машинаси тўхтовсиз ишлар турар, фақат сўроқ ва жазо усуллари вақт-вақти билан ўзгартириларди, холос.

Кундузги ва тунги қийноқ-сўроқлар давом этар, фақат бу сўроқларга Абдуваҳобни жалб этмай қўйган дилар. Ўзини ўткир руҳшунос ҳисоблайдиган Бабаян

йигитта ўнгланиб олиш учун имконият яратмоқчи, у ҳам вақти келиб ҳаммасига кўнишиб кетишига имони комил эди.

### **Енгилган ва енгилмаганлар. Беватан амир**

Қизил қўшин таъқибидан амаллаб қутулиб қолган амир Олимхон ҳарбий вазир Муҳаммад Саидбек парвоначи, бош қўмондон Абдулҳафиз парвоначи ва аскар бошлиқ Иброҳимбек раҳнамолигидаги лашкари билан Шарқий Бухоро ҳудудидаги Ҳисор вилоятида большевикларга қарши олти ой мобайнида жанг қилди. Қизил қўшин Москвадан янги келган аскарлар, қурол-ярок, аслала-анжомлар кўмагида жуда кучайиб кетгач, лашкари исломга қарши ҳал қилиувчи жангга ташланди. Ўн кун давом этиб, қон дарё бўлиб оқдан жангларда большевиклар қўли баланд келди ва Олимхон маслақдошлиари билан Кўлоб вилоятияга чекинди. У Шарқий Бухоро ўзбекларидан бўлиб, амирлик учун анча хизматлар, жонбозликлар кўрсатган мулла Муҳаммад Иброҳимбек девонбегиларни ҳузурига чақириб, лашкарбошиликка тайинлади ва уларга шундай деди:

– Бу бандай ожиз доруссалтанат Кобулга бориб, мадад ва кўмак олиш тарааддудига киришай. Агар бу ердан чиқишим сабабли бизга бирор кўмак ва ёрдам тегса, уни бажо келтириб, қайтгунимизча сизлар ўз аскарларингизни душманга қарши қўйиб туринглар. Ҳозир душман ҳужуми кўпроқ бўлиб турибди. Унга бас келломасангиз, фақиру фуқаро ташвиши ортади. То мен қайтиб келгунимча фуқаро осудаҳол кун кўриб турса...

Амир Олимхон бу тўғрида фармон чиқариб, уни ўз тасарруфида бўлган муайян жойларга юборди. Иброҳимбек ва Давлатмандбек шу асосда душман йўлини тўсишга киришдилар. Бухоронинг сўнгги амири Аффонистон сари ҳижрат қилди. Бу ҳақда ўз хотираларида шундай ёзади:

«...Мен ўзим бўлсанам, Кўлоб вилоятининг усти билан Амударёдан ўтадиган жойдан 1339 йил (1921 жумод ус-соний-

сининг йигирма иккисида, чаҳоршанба куни дарёдан кечиб ўтиб, Афғонистон тупроғида дохил бўлдим.

Афғонистон чегарасида тартиб-интизом сақловчи маъмур ўз аскарларини тизиб, бизни кутиб олишга пешвоз чиқди, салом берди. Абдуназарбеги деган жойга қарашли бир қишлоқда тайёрлаб қўйилган қўноқ жойига тушдим. Мен бу ерда истироҳат қилиб, ойнинг йигирма учидаги панжшанба куни ўша рустоқ марказига етдим. Юқорида зикр этганим Муҳаммад Аъламхон тахминан уч юз аскарни саф тортириб, менинг истиқболим шарафига ўн бир бор тўп отиб қарши олди. Шу тариқа мен рустоқнинг ичига кирдим. Икки кунни ўша ерда ўтказдим. Менинг бу ердалигим хабарини Қатафан ҳокимига билдирирдим, кейин мазкур ойнинг шанба куни Қатафанга азм этдим. Ҳукумат ноубининг ўғли ўша вилоятнинг бир неча нафар мўътабар кишилари билан бирга менга пешвоз чиқдилар. Шу билан дор ул-ҳукуматга равона бўлдик. Мазкур ҳукумат раисининг ноуби – губернатори Муҳаммад Акбархон ва бош қўмондон Бинбинхонлар аскарий маросим билан бир фарсаҳ йўлга пешвоз чиқишид, йигирма бир бор салом тўпи отишиб, мени мусиқа билан кутиб олишди. Шундай қилиб, жумод ус-сонийнинг йигирма тўққизида чаҳоршанба куни Қатафан дор ул-ҳукуматига кириб борилди. У ердаги Ҳаёт ул-обод деган шоҳона боғда дам оладиган бўлдик. Шу билан ўттиз беш кун ўша ерда ором оддим.

Бу орада афғон амири олий ҳазрат Омонуллохон Муҳаммад Асламхонни мири шикор (ов амири) сифатида бу бандай ожиз ҳузурига юборди. Бинобарин, амир ҳазратлари менга тасалли бериш мақсадида хат йўллаб, ўзи билан учрашишга ва юз берган бесаранжом аҳволни бартараф қилиш учун дор ус-салтанат бўлмиш Кобулга, ўз одига таклиф қилди.

Бу бандай ожиз Амударёдан Афғонистон тарафга кечиб ўтаётганимда Бухоронинг энг мўътабар навкарларидан тахминан уч юз нафари менга ҳамроҳ эдилар. Шу билан бирга, ўша эслатиб ўтилган дарё гузаргоҳида тахминан бир лак (юз минг нафар) одамлар ўтиб, ҳу-

зуримда тўпланишар эдилар. Бу жамоадан тахминан беш юз нафарини, Бухоро аҳолисидан энг кўзга кўрингандарини ўзимга йўлдош қилиб, қолганларини Афғонистонга қарашли турли-туман ерларга тайинладим.

Шу билан бир неча кун йўл юриб, ниҳоят 1339 ҳижрий йили саккизинчи рамазонда чаҳоршанба куни дор ус-салтанат Кобулга етиб келдим. Бу бандай ожизнинг ором олиши учун қароргоҳ қилиб тайёrlанган Муродбеги қалъасига ўrnашдик. Сўнгра афғон амири Омонуллохон қанча-қанча мўътабар кишилари билан келиб, биз билан учрашдилар.

Шу тариқа Афғонистон давлатида бир ой давомида меҳмандорчиликда бўлдим. Бир ой ўтгандан сўнг менинг сарф-харажатимга ҳар ойига ўн икки минг Кобул рупиясида маош тайин қилишди.

Бу бандай ожиз ўз ишимни саришта қилишга интилдим. Бинобарин, Аллоҳнинг иродасига мувофиқ тарааддуларим тақдир насибасига эришмади, мадад ва ёрдам етиши назардан узоқ эди. Шу сабабдан тақдирни илоҳийга розилик бериб, дор ус-салтанат бўлмиш Кобулда туриб қолдим. Зоти шоҳона олий ҳазрат афғон амири Кобулнинг жанубидаги Фоту деган боғни менга инъом этиб, ойлик сарф-харажатим учун маошни ўн тўрт мингу беш юз рупияга етказдилар...»

\* \* \*

Афғон амири Омонуллохоннинг Бухоро амири Саййид Олимхонга шоҳона тухфаси бўлмиш Фоту боғи Кобул яқинидаги энг сўлим, сокин ва обод гўшалардан бири эди. Ариқларда шарқираб сувлар оқар, анвойи гул-кўкатлар ҳиди кишини сархуш қилгудек, дараҳтлар қуюқ соя ташлаган, тоғдан эсган енгил шабада танга ҳузур баҳш этарди. Олисда Ҳиндикүшнинг қорли чўққилари кўзга ташланар, баҳор қариб, ёш бошланаётганидан, само аллақандай сеҳрли оҳангларга тўла эди.

Бомдод намозидан сўнг боғда сайр этиб юрган Саййид Олимхон паришон, дилтанг эди. Шарқий Бухорода ҳарбий-сиёсий воқеалар жуда тез ривожланмоқда. Муҳаммад Иброҳимбек қўшинлари сони ўн мингдан

ошиб кетди. Күлб, Балжуон душмандан тозаланди. Қоратегин ва Дарвоз ҳам эгалланди. Бу жуда яхши. Лекин Олимхон ҳар қанча жонбозлик қиласин, афон ҳукуматидан олинадиган ёрдам орзуси чиппакка чиқди. Шу боис Шарқий Бухорода Иброҳимбек қўшини муваффақиятлари амирни хурсанд қилса-да, тўла ғалаба учун бу камлик қилишини Олимхон яхши билар, Омонулоҳоннинг ҳарбий ёрдами ҳал бўлмаганидан дилтанг бўларди. «Большевиклар вабосидан Бухорони халос қилиш учун жуда кўп лашкар, маблағ зарур. Қизилларнинг эса Москвадан олаётган ёрдами қун сайин ошиб бораёттир. Қандайин тадбир кўлламоқ керак?» ўйларди ташвиш билан Олимхон.

У боғни ўраб турган баланд қалъя деворлари ортидан кўзга ташланиб турган Ҳиндикуш чўққиларидан нигоҳларини узмай, ариқ ёқалаб юришда давом этди. «Дор ул-Фохира – Бухорои шариф Жайхун ортида, тоғлар ортида қолиб кетди. Мен азиз шаҳримга қайтиб бориш учун ҳамма чораларни кўролмадимми? Бандаи ожиз учун нажотнинг бирор йўли, бирор тадбири қолдими? Қолган бўлса, не экан ул тадбир?.. – амирнинг ўз-ўзига берадиган саволлари жуда кўп, кўлдан кетган салтанатни қайтариш фикри унга тинчлик бермасди. Негадир кейинги кунларда «Амири беватан зору ҳақиқир аст...» калимаси тилига бот-бот келар, бундан кўнгли беҳад бузилар, «Наҳот, бир умр амири беватан бўлиб қолсам» деган ўй тинчлик бермасди. «Амири беватан... Нақадар машъум, хунук қалима...» – айқаш-уйқаш хаёллар гирдобида одимлаётган Олимхон бирдан юришдан тўхтади. Қуюқ дараҳтзор ортидан эшитилаётган аллақандай овозларга қулоқ тутди. Овозлар тобора кучайиб борар, кўзга кўринмас кимсалар баланд товушда баҳс этардилар.

Олимхон бутун борлиқни унугиб, қулоқ сола бошлиди. Секин-аста овозлар тиниқлашиб, аниқ-равшан эшитила бошлиди. Лекин амир ҳар қанча тикилмасин, одам зотини кўролмас, дараҳтлар шовуллаши эшитилаётган товушларга қўшилиб кетарди.

Олимхоннинг ҳуши бошидан учгандай бўлди. Баҳс ҳамон давом этар, овозлар энди бутун боғни бошига

күтараарди. Амир қўллари билан қулоқдарини беркитди. Лекин овозлар бари бир гумбурлаб эшитиларди.

Охири Олимхон бу овозлар ўзига қаратилганини англади, ваҳимага тушди. У кўзлари йиртилгудек бўлиб, дараҳтлар, буталар, гул-кўкатлар орасидан одам излар, лекин ҳеч кимни илгаёлмас, овозлар эса энди ўзига таъна бўлиб ёғилар, бу даҳшатли гулдиракдан омонлик йўқ эди.

**Овозлар.** Чўчиманг, кўзингизни очинг! Биз сизга ёмонликни ражо кўрмагаймиз, кўзингиз виждонингиз кўзини очмоқ истайдурмиз, холос!

**Олимхон.** Кўзларим, виждоним кўзлари-да очик, тақсирлар!

**Овозлар.** Йўқ, кўзларингиз очик эса-да, виждонингиз кўзлари беркилган кўринадур! Йўқса, Қуббат ул-ислом бўлмиш Бухорои шариф файридинлар томонидан топталаётганда, аҳди муслим қон ютаётганда, муқаддас масжиту мадрасаларимиз отхонага айлантирилган бир маҳалда, Сиз, Бухоро тахти эгаси Фоту боғида айш-ишратда ётмас эдингиз!

**Олимхон.** Мен бир бандай ожиз, Аллоҳ иродаси олдида ҳеч нима қилолмайдурман. Наилож, большевиклар қўли баланд келди. Алар мени фафлатда қолдирганлари йўқ.Faқат кучлар тенг эмас эди, холос...

**Овозлар.** Аллоҳга тил теккизманг. Аллоҳ барҳақ ва у ҳамиша одил. Сиз гумроҳлик, жоҳиллик оқибатида падари бузрукворингиздан мерос Бухоро тахтини бой бердингиз! Буни ҳамон тан олгингиз келмайдур!

**Олимхон.** Хўп, тан олдим! Фоғил бандадурман! Хўш, айтингиз, гуноҳимни қандай ювай! Айтингиз, не қиласай?

**Овозлар.** Гуноҳингизни фақат қон билан, Қуббат ул-ислом озодлиги йўлида, Бухоро халқи, аҳди муслим озодлиги йўлида тўкилган иссиқ қонингиз билан ювгайсиз! Наҳот сизнинг жонингиз Бухоро Шарқида кун сайин, соат сайин шаҳид бўлатурғон лашкари ислом қонидан азизроқ бўлса?! Айтинг, жонингиз шунчалар азизми?!

**Олимхон.** Йўқ, йўқ, азиз эмас. Мен жонимни Бухоро учун қурбон қилишга тайёрдурман!

**Овозлар.** Йўқ, тайёр эмассиз. Сиз мұқаддас жиҳоддан қочиб, бу ерга келдингиз! Сиз мужоҳидларнинг бир томчи қонига арзимайдурсиз!

**Олимхон.** О, о, нақадар шафқатсиз сўзлар! Мен ахир, хону монимни, бойликларимни халқимга, халқим озодлиги йўлига тикдим-ку!

**Овозлар.** Гапларингиз рост эса, сизнинг ўрнингиз мужоҳидларнинг олдинги сафида бўлмоғи лозим! Сиз мужоҳидларни олға бошланг. Бухорони озод этинг! Сиз учун покланишнинг ўзга йўли йўқ! Акс ҳолда, номинизга бир умр «Амири беватан» тамғаси босилгай!

**Олимхон.** Шафқат қилингиз! Мен амири беватан эмасдурман, Ватаним бор менинг! Ватаним Бухорои шариф!

Овозлар қандай пайдо бўлган бўлсалар, ўшандай – тўсатдан тиндилар, Фоту боғининг бу сердараҳт, сўлим гўшасида яна қушлар сайроғиу ариқдаги сувнинг оромбахш шарқираши эштила бошлади.

Олимхоннинг аъзойи бадани худди қаттиқ безгак тутгандек қалтирап, у ҳамон караҳт, ўша машъум овозлар таъсирида эди. «Бу не ҳол, бу не қўргилик? Наҳот илоҳий кучлар ҳам мен бандай ожизнинг шу забун аҳволимдан воқиғ бўлсалар?..»

Олимхон боғнинг ўша овозлар эштилган гўшасини яна қадамба-қадам кезиб чиқди. Ҳар бир дараҳт атрофида айланди, бутазорларни пайпасланиб излади, бирор бир тирик жонзот изини тополмади. «Арвоҳлар, ота-боболарим руҳи Бухорони тарқ этганим учун чирқираб қолдилар. Улар мени шаҳримга қайтишга ундейдилар. Бунда бир сир ёширин... Бу бежиз эмасдур...» – изтироб ва таҳлика аралаш ўйларди у. Худди шу аснода унинг кўнглидан кечган фикрларни анлагандек, улкан сарв дараҳти ортидан гулдиракдек овоз эштиди:

«Саҳв этасиз, аъло ҳазрат – амири беватан! Улар арвоҳлар эмас, Бухорои шариф овози эди. Арвоҳ дея адашмангиз, чунки фақат ўлганларнинг арвоҳлари ўладур! Сиз эшитган овозлар – Бухоронинг мангу тирик, барҳаёт овозидур! Уни бирор бир коғир, бирор

бир хоин ёки ватанфуруш маҳв этолмагай! Такрор айтадурмиз, сиз Бухоронинг мангу тирик, мангу барҳаёт овозини эшитдингиз! Шуни яхши билиб қўйинг, амири беватан!»

«Амири беватан....» – бу сўзлар заҳарли ёйдек бўлиб Олимхон қўксига санчилдилар ва беҳад азоб бера бошлидилар. Овозлар эса яна тиниб қолди. Амир тез юриб, афғон гўзали янглиғ алифқомат сарв дарахти ёнига борди, тўрт томонга олазарак бўлди, ҳеч ким йўқ!

Сайид Олимхон тонги боғ сайри билан зимистон кўнглини ёритмоқчи эди. Аксинча, у ўзини сирли бир қийноққа дучор қилди.

Амир ариқ ёқалаб қароргоҳи томон қайтар экан, лаблари ўз-ўзидан неча кунлардан бери тинчлик бермаётган байтни такрорларди:

*Амири беватан зору ҳақирдур,  
Гадо ўз юртида ўлса амирдур...*

Нонушта маҳали ҳам амирнинг чиройи очилмади. Яқин дўстлари Абдусаттор ва Имомқулиларнинг битта-яримта саволларига ҳам истар-истамас жавоб қайтарди. Улар аъло ҳазрат хафалигининг сабабини яхши билишарди, шу боис ортиқча савол бермадилар. Ноңушта кўнгилсиз бир вазиятда ўтди.

Чошгоҳда Олимхон кўнгил чигалини ёзарми, деган умидда ҳарамга йўл олди. У Афғонистонга ҳижрат қилишидан бир оз олдин Ҳисор беги ўзига тортиқ қилган гўзал хилқат – Гулшодабону ҳузурига кирди.

Гулшодабону ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги ёноқлари қирмизи, кўзлари Ҳирот олусидек, хипчабел, кўкраклари таранг, суҳбати жонон қиз эди.

Гулшодабону амирни таъзим билан қаршилади, қават-қават кўрпачалар ёзиб, аъло ҳазрат ёнбошига парқу болишлар қўйди. Сўнг истиғно билан ҳожасига юзланди:

– Қадамингизга ҳасанот, аъло ҳазрат! Мен, чўрингизни фаромуш этдингизми дея хаёлга борган эдим. Хайрият, янглишибман...

– Янглишадурсан, гўзалим! Сени фаромуш этмоқ мушкул. Сендан азиз Ватаним, тожу тахтим, салтанатим тафти келадур! Сен Ватаним сўнгти сарҳадидан менга берилган ноёб ёдгор, бебаҳо гавҳардурсан, Гулшода!

Мақтovлардан эриб кетган Гулшодабону кўзларини сузиб эркаланди:

– Бир фақир жориянгиз, чўрингиз нархини бунчалар оширмасангиз, амиrim. Аъло ҳазрат олтин узук бўлсалар, чўрингиз унга ярашмаган бир кўздурмиз, холос...

– Ундай дема, гўзалим, сен ҳар қандай олтindан ҳам баланд тургувчи бебаҳо гавҳаримсан, гавҳарим!

Гулшодабону хизматкорни чақириб дастурхон ёзмоқчи бўлганди, амир қўймади, ёнидаги кўрпачага ўтиришга ундан, унинг тим қора узун соchlарини бармоғига ўради.

– Қулоқ сол, жоним, мен бир байт айтай...

– Қулоғим сизда, аъло ҳазрат!

Олимхон тонгда ўзи неча марталаб такрорлаган байтни ўқиди:

*Амири беватан зору ҳақиридур,  
Гадо ўз юртида ўлса амирдур...*

Сўнгра Гулшодабонуга синчков назар ташлаб шундай деди:

– Агар куним битиб, баңдаликни бажо айласам, ушбу байтни қабрим тошига ёздиргайсан...

Гулшодабону индамади, узун киприкларини хам қилди. Бир неча инжудек томчилар ёноқларидан сизиб тушдилар. Унинг кўз ёшларини кўрган амир кўнгли бузилиб, маъшуқасини бағрига босди, юз-кўзларидан беозор ўпди.

Гулшодабону ёш тўла кўзлари билан унга тик боқиб шундай деди:

– Асло бу байтни қайта ўқимангиз, ҳазратим. Сиздай алпқомат, кучга тўлган одамга бундайн мунглиф мисралар ярашмайдур. Сизда ҳали бир эмас, бир неча арслон кучи бор! Сизнинг оқ аргумоқда Бухорога кириб боришингизни кўриш менга насиб қилгай, ҳазратим!

Унинг бу сўзларидан Олимхоннинг кўнгли кўтариликан бўлса-да, ғамгин жавоб қайтарди:

– Эҳ, кошкийди, айтганларинг келса! Кошкийди, Аллоҳга қиласан таваллоларим ижобат бўлса! Лекин оқ аргумоқда Бухорога қайтиб бориш орзуси мен учун армон бўлиб қолмасайди деб қўрқаман... Большевик аталмиш беасл ва бенасл жамоа мисли қўрилмаган қирғин, талов билан халқнинг юрагини бездириб қўйди. Фақат Муҳаммад Иброҳимбекнинг шарқий сарҳадларимиздаги ғалабалари кўнглимдаги умид чирогини сўндирамай турибди. Менга етиб келган муждаларга қараганда, Бухорои шарифда ҳам катта халқ лашкари – лашкари ислом ҳозирланмоқда эмиш.

Гулшодабону кўз ёшлари аро ҳазратига жилмайди:

– Ана, айтмадимми, шу лашкари исломга Сиз бош бўлгайсиз ва биз Бухорои шариф тупроғини яна кўзларимизга тўтиё айлаш баҳтига муюссар бўлгаймиз!

– Иншоаллоҳ! Айтганинг келсин, гўзалим!

\* \* \*

Тушлиқдан сўнг Олимхон энди истироҳатга чоғланяётган ҳам эдики, эшиқда пайдо бўлган мулоғизим Шарқий Бухородан, Муҳаммад Иброҳимбек девонбегидан чопар келганини билдириди.

– Айт, кирсун! – деди амир ҳаяжондан юраги хаприқиб.

Хонага ўрта бўй, чорпаҳил, соч-соқоли мумдай қора, ўттиз олти-ўттиз етти ёшлар чамасидаги, оқ салла ўраб, нафис матодан тўқилган яктак кийган киши кириб келди-да, амирга таъзим бажо этиб, Иброҳимбекнинг мактубини топширди.

Олимхон ички бир муштоқлик, ҳаяжон-ла мактубни кўлига олган бўлса-да, буни сиртига чиқармай сиполик билан ўқишига тутинди.

Амир мактубни ўқир экан, чехрасида сиполикдан асар ҳам қолмади, кўзларида севинч учқунлари порлай бошлиди. Иброҳимбек Кўлоб, Балжуwon, Қоратепа ва Дарвоз ҳамон лашкари ислом қўлида эканини яна бир карра таъкидлаб, ҳозир Ҳисор вилояти аркини қуршовга

олгани, жуда кўп қурол-аслача, хазиналарни қўлга киритганини билдиради.

– Офарин, Иброҳимбек! Салламно! Сизнинг Бухорои шариф озодлиги йўлидаги бу жонфидолигингизни аҳди муслим асло унутмагай! – севинчини яширолмай баралла хитоб қилди Олимхон ва мулоzимга юзланди, – мужда келтирувчи дўстимизга тўн кийгизинг!

Амирнинг барча дўсту биродарлари, мулоzиму хизматкорлар жонланиб кетдилар. Хонада жуда шодон кайфият ҳукм суро бошлади.

Олимхон нигоҳдари билан яқин сафдош дўсти Имомқулини топди-да, унга буюрди:

– Бир Қуръони шариф, зарбоф расмий аскарий тўн ва маузер ҳозирланг. Маузер ўша, дастасига тилла суви юргутирилганидан бўлсин. Менинг бу туҳфаларимни Муҳаммад Иброҳимбек девонбеги жанобларига етказгайсиз ва ул зотга беҳад миннатдорчилигимни билдиргайсиз! Мен у кишига бир қитъя ризонома битгайман. Ислом дини йўлида жон фидо қилмакда бўлган мужоҳидлар мансаб, даража ва шонларини кўтариш учун бандай ожиз имзоим ва муҳрим билан фармони олий ҳозирлансану!

– Бош устига, аъло ҳазрат! – таъзим қилди Имомқули, – ҳаммаси айтганингиздай бажо келтирилгай!

Амир Иброҳимбекнинг чопарига мулоzамат қилди:

– Сиз йўлда беҳад азият чекканурсиз, мана, жаннатмонанд боғи Фотуйимизда бир-икки кун истироҳат қилинг. Сўнг Имомқули жаноблари икковингиз юртимизга омон-эсон етиб боргайсизлар. Аллоҳу акбар!

Шундан сўнг ҳамма бирин-кетин хонани тарк этди ва Олимхон яна ўз хаёллари билан ёлғиз қолди. Иброҳимбек мактубидан сўнг унинг кўнгли бир оз ёришган бўлса-да, тонги гаройиб овозлар ҳақидаги ўй ҳамон миясида чарх ураг, унга тинчлик бермасди. Ажойиб хушхабар олдидан нега бу машъум овозлар эшитилди унга? Улар нимагадир унダメоқчи, нимадандир огоҳ этмоқчи бўлдиilar?

## **Сўнгги мактуб. Ҳаётбахш ўлим**

Иброҳимбек Ҳисор вилоятини тўла эгаллаш учун жангу жадаллар олиб борар экан, Бухоро тарафидан Анвар пошишо ўзининг 27 нафар ҳаммаслак сафдошлиари билан Кўргонтепа вилоятида мужоҳид аскарларига яқинлашди. Аскарлар бу ҳақда Иброҳимбекка билдирилар. Худди шу пайтда И момқули ва ҳамроҳлари Олимхоннинг совфа-салом, фармонларини Иброҳимбекка топшириш учун етиб келган эдилар. Иброҳимбек Анвар пошишо хусусида қандай тадбир қўллашни сўраб, улар орқали Олимхонга мактуб йўллади.

Олимхон мактубни олгач, Иброҳимбекка шу хусусда маҳсус фармони олий юборди. Фармонда жумладан шундай сўзлар бор эди: *«Анвар пошишо жаноблари душман билан курашда ўта соҳиби тадбир эрурлар. Унга сиз олижаноблик кўрсатишингиз лозим. Ул зотни ёнингизга чорлаб сўранг, agar ислом миллатига хизмат қилишига истак билдирса, бизнинг зоти олийимиздан ваколатан улугвор ва олижаноб ишларига ёрдам кўрсатинг...»*

Ушбу фармонга асосан мулло Муҳаммад Иброҳимбек мужоҳид аскарларни тўплаб, Анвар пошшони иззат-икром билан кутиб олиб, уни ҳузурига чорлади, мақсад-муродини суриштириди. Анвар пошишо ислом аҳлига хизмат қилишдан ўзга истаги йўқлигини билдиригач, улар баҳамжиҳат бўлишга келишдилар.

Бу ўринда бир оз орқага чекиниб, Анвар пошишо Иброҳимбек билан учрашувига қадар бошидан кечирганлари ҳақида ҳикоя қилишга тўғри келади.

1913–1914 итальян-турк уруши йилларида Туркистон аҳолиси Анварнинг ҳаракатига қандай муносабат билдирганини эслаш лозим. Ҳатто мактабларда таҳсил оловчи ўқувчилар Анвар пошишо кўшинининг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатиб, унинг жасоратига тасаннолар айтишарди. Ҳалқ эса беш йил мобайнида янги туғилган ўғлонларига Анвар исмини қўяр эди. Бу ҳақда Туркистон Совет республикаси раҳбарларидан бири расмий ҳужжатларда эътироф этганди.

1914 йил 5 март куни Анварнинг ҳаётида унутил-мас воқеа содир бўлди. У Туркия султонининг қизи Нажибага уйланиб, «бутун мусулмонлар халифасининг куёви» бўлди.

Туркия ва Германия биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учрагач, Анвар пошшо ўз содик сафдошлари Талъат ва Жамол пошшолар билан ватанидан 1918 йил 3 ноябрга ўтар кечаси жўнаб кетгач, 1919 йил бошлирида Берлинга келади. Шу йилнинг июль ойида Истанбул ҳарбий суди Анвар, Талъат, Жамол пошшо ва уларнинг дўсти Нозимни ўлим жазосига ҳукм этади.

Мағлуб Германияда «Иттиҳод ва тараққий» партияси раҳбарлари, жумладан, Анварнинг сиёсий фаолияти учун ҳатто нуфузли дўстлар ҳам шароит яратиб беролмадилар. Шунда Анвар тобора куч-қудрати ўсиб бораётган совет Россияси билан яқинлашиш йўлларини излади. У Карл Радек тавсиясига биноан Москвага жўнади. Анвар пошшонинг совет Россияси билан ҳамкорлик қилган даври (1920 йил ёзи, 1921 йил сентябри) унинг таржимаи ҳолида энг қоронги, чалкаш саҳифалардир. Ўша давр ҳужжатларининг бирида шундай сатрлар бор:

*«Анвар пошио Москвада хотиржам яшар ва ҳурмат-эътиборга сазовор эди...»*

Советлар билан ҳамкорликнинг дастлабки даврида Анвар пошшо большевиклар йўлбошчиси Лениннинг фикрларини тўғри деб ўйлади. У ҳатто Шарқ ҳалқларини коммунизм байроби остида Англия империализмига қарши курашга чақирди. Албатта, даъват Ленин ва унинг сафдошлари томонидан Анварнинг онгига сингдирилган эди.

Жанг жадаллар ва саргузаштларга ўч, маълум маънода таваккалчи бўлган Анвар пошшо хотиржам яшашни истамади. У 1921 йил июлида Ботумига келди. Шу кунларда Мустафо Камол Отатурк инглизлар билан ҳаёт-мамот жангига киришган эди. Бу пайтга келиб Россия ва Туркия ўртасида ўзаро дўстлик ҳақида шартнома имзоланганди. Бунинг натижасида Россия ҳукумати Анқарада турган миллий турк ҳарбий кучларига қарши ҳеч қандай ҳаракат қилмасликни Анвар

пошшога айтди ва унга Анатолия Ботумиси ерларидан зудлик билан чиқиб кетишни буюрди. Анвар ушбу буйруқни олгач, Туркистонга жүнади ва Бухорога етиб келди. Руслар Анварни сиёсий воқеалардан четлаштириш учун шундай йўл тутганлари эҳтимолдан холи эмас.

Анвар пошшо 1921 йил октябрь ойида Бухорога келганида унинг олдида бир неча йўл туради. Бири – Бухородаги мужоҳидлар қаторига ўтиб, бу ҳаракатни бошқариш, яъни советларга ошкора қарши чиқиш. Иккинчиси – Афғонистонга яширин тарзда ўтиб кетиши. Учинчи йўл Москвага қайтиш эди. Ана шу учинчи йўл Анвар учун энг хотиржам эди. Лекин табиатан мард ва чўрткесар Анвар бундай қиломасди. Бухоро ҳукумати бошлиғи Файзула Хўжаев, Туркистондаги сиёсий жараён фаол қатнашчиларидан бири Аҳмад Заки Валидийлар билан мулоқотдан сўнг у қатъий қарорга келиб, ўз дўстлари ва сафдошларига мужоҳидлар сафига қўшилиш учун Шарқий Бухорога боражагини маълум қилди.

Ҳақиқатан ҳам Анвар пошшо ўша даврдаги мураккаб бир тарихий шароитда Туркистон аскарий ишлари учун ниҳоятда зарур шахс эди. Аммо унинг Бухорога келиш сабаблари нафақат совет тарихчилари, балки бошқа ғанимлар томонидан ҳам нотўғри талқин этилади.

Анвар пошшо Бухорога жуда улуғ ният, юксак орзу-умидлар билан кириб келганди. Қондош ва диндошларининг асрий орзуси бўлган эркинликни қайта тиклаш истаги уни Бухорога чорлаганди. У большевикларнинг озодлик ҳақидаги ёлғон сафсаталарига ишонганди ва уларни коммунизм байроғи остида эрк, озодлик курашига сафарбар этмоқчи эди.

Чалажон, маҳзун ва деярли вайронага айлантирилган Бухорони кўрган Анвар пошшо юрагида тўнтариш содир бўлди. Большевикларнинг ҳақиқий йиরтқич, босқинчи сифатидаги асл қиёфаси унга намоён бўлди. Совет Россияси томонидан «озод этилган, ҳур ўлка» дея аталаётган бу шаҳар, бу юрт рамақижон, қон ютмоқда, муқаддас обидалар топталган, қадриятлар бир пул, жамики нарса манфур большевиклар ташвиқотига бўй-сундирилган. Исломий қадриятлар эса оёқ ости...

Ҳақиқий курашчи, жонфидо инсон Анвар буларни күриб тоқат қилолмади ва большевиклардан юз ўгириб, мужоҳидлар тарафига ўтиш истагини билдириди.

1921 йил 8 ноябрь куни Анвар Бухоро билан абадий хайрлашди. Лекин у бу муқаддас шаҳарга қайтиб келол-маслигини ҳали билмасди. Кейинчалик Бухоро билан ви-долашган куни ҳақида Анвар шундай сатрлар ёзди:

«Аввало, амирнинг шаҳар ташқарисидаги саройи яқинидаги милиция биносига бордик. Бир рус милтиги ва юзта ўқ олдим. Йўлга чиқдик. Ниҳоят чўлга чиқиб, асл йўлга етишидик».

Анвар ўзи танлаган йўлни «асл йўл» деб атаса-да, бу йўл унинг учун бениҳоя азоб ва руҳий қийноқлар, тазар-рулар йўли эди. Тирамоҳнинг ушбу кунлари унинг учун зиддиятли, ўйловли, тушкун ва армонли кунлар эди.

Анвар пошшо большевиклар билан омонсиз кураш-га кирад экан, аксарият ватандошларимиз юраги-да акс-садо берган оташин шиорлари ўртага ташла-ди. «Ёвларимиз Туркистондан даф бўлсун! Туркистон халқининг гайрати ва бирлиги эгилмасун! Туркистон-дан – она юртдан босқинчиларни Туркистон миллати ҳайдаб кўрарлар, ҳайдаб суарлар. Юрт учун ё шаҳид, ёғозий!»

Хорижлик тадқиқотчи Гленда Фрезернинг ёзиши-ча, Бухорода большевикларга қарши курашнинг ҳара-катлантирувчи кучи – либерал жадидлар, консерватив мусулмон етакчилари ва тоғлик қабилалар мустақил доҳийларининг машаққатли иттифоқи бўлиб, уларни Анвар пошшонинг фусункор исми бирлаштирганди.

Яна бир гарблик тадқиқотчи Марта Олкоттнинг таъ-кидлашича, Анварнинг оҳанрабони эслатувчи шахси ва унинг жиҳодга даъвати Туркистон халқи ўртасида акс садо уйғотди. Улар томонидан кўллаб-қувватланди. Бутун Туркистон ҳудудида большевиклар ва Советлар-га қарши курашаётган ватанпарвар кучларнинг ҳара-катлари ягона марказга мувофиқлаштирилди.

Анвар пошшо кўрсатмаси билан Бухоро, Фарғона, Хоразм кўрбошиларининг учрашувлари мунтазам ўт-казиб турилди ва уларга керакли йўл-йўриқлар берил-

ди. Анварнинг Туркистон тупротига қадам қўйиши, бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Фаргона халқи ва қўрбонишиари томонидан қизғин билан қаршиланди, истиқдол умидини буюк мақсад ҳаракатига айлантирди.

\* \* \*

Ҳисор вилояти учун жанглар қизиб кетди. Иброҳимбек галабага эришиб, шу вилоятни ўзига марказ қилиб олди. Денов, Бойсун, Фузор, Шеробод ва Қаршида лашкари ислом фаол ҳаракатлар қила бошлади. Иброҳимбек ўз қўли остидаги лашкар ҳаракатлари тўғрисида Олимхонга мунтазам хабар юбориб турар, бирор муҳим тадбирни амирнинг рухсатисиз амалга оширмасди. Ўз навбатида, Олимхон ҳам одам юбориб, Иброҳимбек аҳволидан хабар олиб турар, у қўлга киритган ҳар бир галаба учун рағбатлантирас, мансаб даражасини оширади.

Иброҳимбекнинг Шарқий Бухородаги муваффақиятлари туфайли Бухоро шаҳри теварак-атрофи, Бухоро, Лағлақа, Фиждувон, Пирмаст, Вобкент, Хўжаориф, Ҳутфар, Ванғози, Қоракўл туманлари аҳолисидан тахминан ўн беш минг киши бирлашиб, амир Олимхон раҳнамолиги остида қизилларга қарши курашиш истагини билдирилар. Улар шу арз-ҳол билан Иброҳимбек ёнига одам юбордилар. Иброҳимбек бу тўғрида мактуб битиб, Олимхонга юборди ва Бухоро атрофи аҳолисига саркардалик қилишни илтимос қилди.

Муҳаммад Иброҳимбек мактубини олган Олимхон яна чуқур ўйга толди. Қарама-қарши фикрлар исканжасига тушди. «Бу мактуб наинки Бухоро халқи ва мулло Иброҳимбек иродаси, балки Аллоҳ иродаси бўлса не ажаб?.. Ахир бундан бир неча муддат бурун аллақандай сирли, таҳликали овозлар мени «Бухорога бор, қон ютмоқда бўлган ўз фуқароларинг билан бир сафда бўл!» – дея огоҳ этмабмиди?!»

Амир ана шундай оғир ва таҳликали хаёллар оғушида ўзи билан ўзи узоқ олишди. Яқин сафдошлари билан такрор-такрор маслаҳатлашди. Бирорлар Бухорога боришини, бирорлар эса бормасликни маслаҳат бердилар. Олимхон бир қарорга келолмай, узоқ вақт иккиланди.

Ва охир-оқибат, бормасликка қарор қилди. Ўзининг бу қарорини «Мен Бухорога бориб ўз ҳаётимни хавф остида қолдирсам, ҳозир Шарқий Бухорода галаба билан ривожланиб бораётган умум ишимиизга путур етиши эҳтимолдан холи эмас», дея изоҳлади. Ниҳоят у ҳузурига ўзининг мўътабар ҳамсуҳбатларидан бири бўлмиш мулло Абдуқаҳҳорни чорлади. Қирқ-қирқ икки ёшлар чамасидаги бақувват, ҳаракатлари, гап-сўзларидан қатъият, ўзига ишонч уфуриб турадиган бу кишига амирнинг эътиқоди баланд, унга ўзига ишонгандек ишонарди.

Мулло Абдулқаҳҳор ҳузурига кириб, таъзим бажо келтиргач, Олимхон ўз одатича шошилмай салмоқлаб сўз бошлади:

– Мулло Муҳаммад Иброҳимбек девонбеги бандай ожизга йўллаган мактуб, унинг мазмунидан хабарингиз бор. Бу хусусда кўп маслаҳат, машваратлар қилдик. Бандай ожиз кўп фикр қилганимдан сўнг бир тўхтамга келдим. Большевик аталимиш малъунларга қарши курашиш иштиёқида бўлган фидокор жамоа сизни сардор этиб тайинлашга азм этдим. Бундан ташқари, ҳар бир фирмә ичида ўз-ўзларига саркардалар тайинладим. Шу тўғридаги фармони олийни олиб Бухорои шарифга жўнайисиз.

Мулло Абдулқаҳҳор амирнинг бу қарорини олдиндан билардими, йўқми, буниси қоронғи, лекин у Олимхоннинг сўзларини жуда хотиржамлик билан қабул қилди ва ўрнидан туриб, амирга яна бир карра таъзим қилгач, шундай деди:

– Куллуқ, олампаноҳ! Марҳаматингиз – тожи сар! Сиз аъло ҳазратга, аҳли муслимга ва Бухорои шарифга хизмат этмоқлик – каминангиз учун олий шараф!

Олимхоннинг чехраси ёришиб кетди:

– Боракалло, мулло Абдулқаҳҳор! Сиз – ҳақиқий дўстсиз! Оқ йўл сизга! Аллоҳ қўлингизни ҳамиша баланд, ғанимларимизни сарнигун этсун! Аллоҳу А!

Мулло Абдулқаҳҳор амир фармонини олиб, Иброҳимбек ҳузурига келди. Унга Олимхоннинг иродасини билдиргач, Бухоронинг фидокор фуқаролари жамоа-

си ҳузурига йўл олди. Мазкур жамоадан амир номидан ҳол-аҳвол сўраб, уларга дуюо саломлар топширди. Амирнинг фармони олийси билан уларни таништириди. Жамоа уруш тадорикларини кўриб, хунхўр большевикларга қарши жангга киришдилар.

Шарқий Бухорода қатор вилоятларни ўз назоратига олганидан бениҳоят руҳланган Иброҳимбек бу ердаги фуқаролар билан келишиб, афғонистон амири Омонуллохон ҳузурига саккиз кишидан иборат вакилларини юбориб, амир Саййид Олимхон салтанатига раҳнамолик қилиш учун ватанига қайтишига қўмаклашишни илтимос қилди. Омонуллохон Иброҳимбек вакилларининг бу хусусдаги арз-ҳолларини тинглади ва маъқул топди. Шунда Анвар поишонинг фикрини эшлишига тўғри келди. Анвар поишонинг фикри шундай эди: ҳозир душман истеҳком йўлининг асосий қисми Бухоронинг шарқидаги қўргон деб билиш – тўғри эмас, зоро рўпарамизда турган душман ер юзидағи буюк давлатлар қабул қилган қонунларни инкор этади. Биз ҳамиша урушга боғланиб қолгандиз. Худо хоҳласа, қулай фурсат келиб Бойсун вилоятини эгаллаб, ўз тасаруфимизга киритсак, чегара жойларидағи қалъаларимизни ўзимизга истеҳком қилган бўлардик. Шундан кейингина ўз подшоҳимизни келтиришимиз мумкин.

Вақт Анвар поишшо ҳақ эканини кўрсатди. 1922 йил июль ойи охирларига келиб Бухоро фронтида кучлар нисбатан қизиллар фойдасига ҳал бўла бошлади. Иброҳимбек ва Анвар поишшо қўшинларини илгари эгallagan вилоятларидан бирин-кетин сиқиб чиқара бошладилар. Китобхон бу ҳақда аниқроқ тасаввурга эга бўлиши учун айрим ҳужжатларга назар ташлаш керак бўлади.

**Бухоро фронтидаги аҳвол тўғрисида 1922 йил 30 июлда «Туркестанская правда» газетасида эълон қилинган мақоладан:**

«Отлиқ қизил аскарлар Балжуонни эгаллашди... Туркфронт штабининг қисқагина расмий маълумоти шу ҳақда хабар беради.

Бу Анвар поишшога қарши операциянинг иккинчи қисми тугади, деган гапдир. Босиб ўтилган йўлга на-

*зар ташлаши, Бухоро гуруху құймондонылиги ва құышынлари хизматларига бағыт бершии вақты келди.*

Анвар Бухорога қарши юришини ўзи учун жуда құлай вазиятда бошлаган әди. Оз сонлы, жангларда толиққан армия қисмлари Бойсунга олиб борадиган қырғоқ түлларини тұсыб, Термиз ва Шерободни сақлаб туришиар, бу билан Шарқий ва Farбий Бухоро ўртасидаги табиий сархад бўлмиш Ҳисор тоги довонига эгалик қилардилар.

Эңг яқындаги мадад күчлари Қашқадарё воҳаси ва Самарқандда жойлашганди. Эски Бухоро ҳудудига темир йўл штаб ва фронт орқаси техник қисмлари жойлашганди. Бухоро Қизил Армияси эндигина ташкил этилаётган бўлиб, Муҳиддинхўжаев билан бўлган кураш тажрибаси кўрсатганидек, кенг миқёсда жангларга тайёр эмасди.

Анвар ўзининг бизникуидан анча кўп бўлган күчлари ни икки йўналиши бўйича бирлаштируди. Бирни Бойсунга қарши, бу йўналишида Анварнинг ўзи сардор, иккинчиси Термиз ва Шеробод оралигидаги умумий йўналиши. Бу ерда қўймондонылик турк офицери Усмон афандига ишониб топширилганди.

Ҳарбий ишлар нозири Орипов сиймосида ўз одамларига эга бўлган исёнчилар асосий зарбани пойтахт ҳудудига бериб, ҳокимиятни осонлик билан қўлга киритишига умид bogлаган әдилар.

Лекин яхши ўйланган режа Бойсун ва Шеробод ҳимоячилари матонати, эски Бухородаги бронемашиналар қатъияти ва ташаббускорлиги ҳамда синалган отлиқ аскарлар бригадаси мадад қисмларининг тезкорлик билан мулла Абдулқажхор бошлиқ исёнчиларга қарши ташлангани натижасида барбод бўлди.

Бухоро фронтидан операциянинг биринчи қисми – куч ва воситалар тўплап шудан иборат әди. Кўймондонылик олдинги марра тўсиқларимиз қаршилик кўрсатиш кучини чамалаб, биринчи зарбаларни фронт орқаси бўлмиш – Зарафшон водийси, Қарши райони, Амуударё бўйи ҳудудларини таъминлашга қаратди. Эски Бухоро ҳудудидан қувиб чиқарилган Абдулқажхор

құйшини Нурота төгларида тор-мор этилди. Орипов ва Қоракұлбеклар Кармина ва Хатирчи вилоятларида кіттә талафот күрдилар. Анвар пошио томонидан Каркини қамал қилишга ташланған күп сонли туркманларни олдиндан күчайтириб құйилған гарнizonимиз қыриб ташлади.

Анварнинг Термиз ва Шеробод орасидан ёриб ўтиб, Ка-лиф яқинидаги афғон құргогига ўтиладиган кечувни әгаллаш үчүн қылған барча ҳаракатлари чиппакка чиқды.

Зарбдор колонналар түплаб, фронт орқасини гарнizonлар билан мустаҳкамлаган қисмларимиз 15 июнда олга ташландилар.

Құмандонлигимиз ўңг колоннани Амударё бүйлаб юқорига силжитиб, кечувлар ва Қабодиён, Құргонтепа, Күлоб яқинидаги кіттароқ марказларни әгаллаш билан Анвар пошиони Афғонистон чегарасидан үзіб қойды. Айни шу пайтда сүл колонна үнинг құйшинини ҳосилдор Ҳисор водийсидан құвиб чиқарди...

Бойсун яқинидаги жаңға маглуб этилган Анвар пошио ўзининг асосий сафдошларидан ажралди. Иброҳимбек лақай уруглари ҳудудида, бизнинг гарнizonларимиз құршовида қолған. Маълумотларга қаранды, Эшон султон Дарвознинг тог дараларига йўл солди. Пастки нуқтаси биз әгаллаган Күлоб ва Балжу-вон, юқори нуқтаси Дарвоз маркази Қалайхумга олиб боруучи Телбор юксак довонидан иборат учбуручакка сикib құйилған Анвар пошио 500 сараланған жаңгидан иборат шахсий қўриқчилари ҳамроҳлигида, Давлатманбек эса балжувонлик қолған-қутган исёнчилар билан биргаликда секин-аста шимоли-шарққа, Яхсу дарёсининг юқори оқими томонга чекиняпти...»

\* \* \*

Тонг қоронғисида уйғонған Анвар пошио негадир тараддуудланар, ўзини аллақандай сирли воқеалар кутаётгандай ҳаяжонланарди. 1345 ҳижрий, зулхижжаннинг ўнинчси – Қурбон ҳайити қуни эди. Анвар дўсти ва энг яқин ёрдамчиси Давлатманбек ҳамда бошқа сафдошларини ийд билан муборакбод этди, улар бир-

галикда ҳайит намозини ўқидилар. Лашкари исломга бўлажак жангларда ғалаба тиладилар. Кейинги кунлардаги оғир йўқотишларга қарамай, мужоҳидлар ўзларини тетик тутишга ҳаракат қиласар, бир-бировларининг кўнгилларини кўтариардилар. Кун сайин мадад кучлари ошиб бораётган Қизил армиянинг ўт-оловли ҳалқаси тобора қаттиқроқ сиқиб келар, оддинда жуда баланд Телбон девори, олисда салобат тўкиб турган мўйсафид тоғлардан ўзга нажот йўқ эди.

Анвар қуёшнинг илк нурлари аро ялтираётган қорли чўққилардан кўз узолмай хаёлга чўмди. «Инсон юрагидаги юксак орзулар ҳам, ҳув ана қўриниб турган, лекин жуда олисда бўлган нурли чўққиларга ўхшаса не ажаб? Чўққига етай-етай деганингда, у тагин олислаб кетаверади. Орзулар ҳам худди шундай. Эндиғина орзумига эршдим деганингда улар ҳам худди шундай. Уларнинг сарбога айланиши ҳеч гап эмас экан. Афсус, минг афсус...»

Анвар Ёш турклар инқилобида иштирок этган йилларини, ўт-олов чоғларини бирма-бир хаёл кўзгусидан ўтказди. Бу курашдаги сафдошлари Талъат ва Жамол поишшоларни эслади. Ўрта Осиёда ўзи тузган «Миллий иттиҳод ташкилотининг Компартия ва Советларга қарши олиб борган фаолияти қирраларини ёдига келтирди. «Эҳ, биз бари бир, Ўрта Осиёда большевикларга қарши ягона фронтни кўнгилдагидек туз олмадик. Инглизлар қоп-қоп ваъдалар берган бўлсаларда, амалда иш улар ва биз кутганчалик бўлмади. Амир Олимхон ҳам аффон ҳукумати ваъда қилган ҳарбий ёрдамини уюштиrolмади. Оқибатда, қўлимиз қисқа, ҳолимиз забун. Вақтнинг ўткинчилигини қаранг, куни кеча бутун Шарқий Бухорони эгаллаб, ялангоёқ большевиклар раҳнамоси Ленинга қўшинларини Ўрта Осиёдан бутунлай олиб чиқиб кетиш тўғрисида ультиматум қўйган эдим. Шундай қилишга маънавий асосим бор эди, мен голиб эдим! Фозий эдим!

Бугун эса мағлубман... Ўзимнинг учкур қанотларимдан буткул айрилдим. Иброҳимбек кимсасиз даштда большевиклар қуршовидан қандай чиқиши тўғрисида бош қотиради. Эшон Султон Дарвозда жон сақлаё-

тир. Бойсун ёнидаги жанг сўнгги умидларимни пучга чиқарди. Ҳаволанг ва Балжувон ўртасидаги асосий кучларим ҳам стратегик жиҳатдан жуда нокулай аҳволда: ортда сон жиҳатдан жуда кўп душман, одинда оёқ етмас баланд тоғлар. Осмон йироқ, ер қаттиқ... Ҳа, шунақа! Лекин бугун нега бунчалар ҳаяжондаман? Нега юрагим хаприқади? Қалбим қандайдир мўъжиза қутади?.. Ҳаммаслак дўстлардан бирор мужда келадими ё?.. Эҳ, дўст қолдими бу ёруғ дунёда гўзал Нажибамдан бўлак?..»

Гўзал Нажиба... Анвар ҳаётининг энг ёруғ, энг қувончили ва маъсуд кунлари шу ном билан боғлиқ. Нажибани эслаган Анварнинг юраги соғинчдан ўртаниб кетди. «Ийди Қурбон кунида не юмуш билан машғулсан, гўзалим, мен билолмам, сендан жуда олисда бўлган Анварингни ўйламиш бўлсанг, сендан жуда шод бўлар эдим. Начора, бугун сенинг ой юзингга тикилиш, соchlaring атрига маст бўлиш менга насиб ўлмамиши. Лекин сен менинг бу ерда улуғ мақсад, улуғ ният – турк ҳалқлари озодлиги йўлинда юрганимни билурсан, билишинг керак! – рафиқаси билан хаёлан ҳамсуҳбат бўлаётган Анвар пошшо дала сумкасидан қофоз-қалам олиб, Нажибага мактуб ёзишга киришиди. Тобора даҳшат ва ваҳшат касб этиб бораётган сўнгги кунлардаги жанглар охир-оқибат нима билан тугашини ким билади дейсиз?»

Анвар пошшо узоқ ўйланб, шундай сатрларни битди:

«Гўзал Нажибам! Сен билурсанки, маним ҳақимда тухмат ташвиқотлар тарқатиб юрган бадбахт ким-саларнинг иддао этганиларидек, мен бу олис диёрлара мол-дунё ахтариб бой бўлмоқ, ўз ҳокимииятимни қурмоқ учун келганим йўйқ. Мени сендан узоқлаштириб, бу жойларга келтирган Жаноби Ҳақнинг зиммамга юклагани муқаддас бир вазифадир. Бу жиҳод вазифаси эрур...»

Анвар мактубни тугаллаб, дала сумкасига солиб қўйди. У ҳамон паришон, қалби ҳаяжонда, нимагадир интиқ эди. Ниҳоят чошгоҳга яқин у кутган хабар келди. Лекин бу хушхабар эмасди. Давлатмандбек ҳар галгидек хотиржамлик билан унга мурожаат этди:

– Афандим, айғоқчилар (разведка) маълумот олиб келишди: қизилларнинг бир неча отлиқ аскарлар қисми хужумга шайланмоқда. Хужум дақиқа сайин бошланиб қолиши мүмкин.

Анвар бирдан жонланиб кетди, кўзларида телбавор бир учқун «ялт» этди. Шошиб ўрнидан турди. Давлатмандбекнинг қўлидан маҳкам ушлади, секин елкасидан қучди.

– Сизни табрик этаюрман, Давлатмандбек афанди! Мен шундай бўлишини билардим. Эрта тонгдан кўнглим безовта эди, сезувдим. Муборак Қурбон ҳайити куни манфур большевиклар-ла сўқишамиз! Ўлсак – шаҳид, ўлдирсан – розий!

– Ҳа, – деди Давлатмандбек, – шу кун ҳал қилувчи жанг бўлишини мен ҳам сезган эдим, афандим! Муборак Қурбон ҳайити кунида кофирлар билан муҳораба – бу биз учун шараф, Аллоҳ иродаси шундай экан!

– Офарин, Давлатмандбек афанди! Лашкар бошлиқларига буюринг, жангга ҳозирланишсин! Мен пешқадам қисмимиз сафида бўламан! Уларни жангга ўзим бошлайман. Аллоҳ мададкор бўлсин!

– Аллоҳ мададкор бўлғай, иншоаллоҳ! – деди Давлатмандбек ва унинг кўрсатмаси билан жанг бургуси чалинди.

Анвар пошшо тезда жанг яроқларини тақиб, кўксига дурбинни осди. Адъютантлар унга эгарланган отни олиб келдилар. Анвар чаққонлик билан отга минди. Босидаги оқ салла, кўркам мўйлов, адл қомат қирқ икки яшар саркардага улуғвор тус бериб турарди. У баланд пошна этиги шпорлари билан от биқинига ниқтаб, қўшин сафлари томон кетди. Адъютантлар, шахсий қўриқчилар ярим ҳалқа шаклида уни ўраб олиб ортидан эргашдилар.

Тез орада Анварнинг кўрсатмаси билан пешқадам қисмлар Обидара қишлоғи яқинидаги қирларда мудофаа маррасини эгаллади. Анвар пошшо қўлидан дурбинни қўймай, қирларга олиб келувчи барча йўлларни кузатиб турарди. Ҳамма ёқ сокин, дақиқалар ою йилдек туюлар, жимжитлик асабини қақшатарди.

Бирдан тоғ ўнгирларида акс садо бериб, түплар тилга кирди, олдинда кучли аланга лопиллади, гумбурлашпелдердан қулоқтар битди. Қызил отлиқ аскарлар қуюндең елиб келишар, улар Обидараға олиб келувчи ҳамма ййлу сүқмоқтарни түлдирған, сон-саноғи йүқ әди. Анварнинг эти жунжикіб кетди, лабларини қимтиб, дурбинни күзларига янада маҳкамроқ қисди. У душманнинг ҳар дақиқада пайдо бўлиб қолишини кутган бўлса-да, бунчалар тез, қўққисдан ва сира кутилмаган томондан келишини ўйламаганди. «Бардам бўл, ўзингни қўлга ол! Бу энг сўнгги, ҳал қилиувчи жанг эрур! Сен учун орқага йўл йўқ. Тепангда Жаноби Ҳақ, ортингда баланд тоғлар! – дея пицирларди Анварнинг лаблари.

Қизиллар тобора яқинлашиб келишар, пулемётлар тилга кирган, қий-чув, отлар кишинаши, «Ура!» садолари қулоқни қоматга келтиради. Анвар пошшо қўшинлари орасида енгил саросима бошланган бўлса-да, улар ҳали ўқ узишмас, бунга буйруқ бўлмаганди.

Ниҳоят ислом аскарлари ҳам ўт оча бошладилар. Пулемётлар тариллади. Олдинда келаётган бир неча қизил аскар қулади, бирин-кетин аргумоқдар мункиб кетиб, аянчли кишинаб юборишиди. Лекин елиб келаётган қизил қуюн тўхтамас, бу даҳшатли ажал оқимидан омоналик йўқ әди.

Анвар пошшо эса энди ниҳоятда хотиржам, эрта тонгдан ўзини қийнаган ҳаяжондан асар ҳам қолмаганди. У баланд товушда турли буйруқлар берар, чор атрофдан визиллаб учайтган ўқларга парво ҳам қилмас, ён-веридаги шахсий соқчилари ва адъютантларга бақириб чақиради.

Қизиллар жуда яқинлашиб қолдилар. Яна бир неча сониядан сўнг сафлар қўшлиб кетади, даҳшатли қўл жангиги, қилич солиш, бир-бирини нимталаш бошланди.

Анвар пошшо отини ниқтаб, сафларнинг олдинига ўтиб олмоқда әди, бирдан кўзи от бошини орқага буриб қочаётган аскарларга тушди. У қиличини яланғочлаб уларнинг ортидан ташланди.

– Ҳой, қўппак ўғиллари! Тўхтангиз, Қуръон ургурлар, даъюслар! Биз учун қир ортида ўрин йўқ! Тўхтанг!!!

Қир ортида ҳаммамизни шармандали ўлим кутади!  
Тұхтангиз!!!

Анварнің ҳайқириғи шунча шовқин-суронда ҳам баралла әшитилди ва пешқадам қисмнинг юзга яқын отлиқдари унга эргашиб, қизилларга рүбару бўлишди. Кўл жанги бошланди. Анвар бошлиқ аскарлар қизилларнинг бир эскадронча аскарини чопиб ташлаши. Лекин душманинг бошқа бир эскадрони уларни даҳшати кўл жанги билан қаршилади.

Анвар пошишо ўнгу сўлига қилич солиб борар экан, бирдан ўнг елкаси «жаз» этди, қилич ушлаган қўли осилиб қолди. Худди шу аснода яна бир неча ўқ кўксига, қорнига ёндирувчи оғриқ олиб кирди. Анвар пошишо бошини от ёлига босиб, оғриқ зўридан ингради. Даҳшатли бақириқ сўкинч, дашномлар аро бир оз грангисиб тургач, дупур-дупур туёқлар остига қулади-ю, ҳушидан ажради... У ўнг томонида елиб келаётган байроқдори ҳам қулаганини кўришга улгурди, холос.

Лашкари ислом сафларида парокандалик бошланди. Улар тоққа қараб қоча бошладилар.

\* \* \*

***Анвар пошишо ҳалокати ва қўшинларининг  
тор-мор этилиши тўйгрисида Туркфронт  
штаби тезкор маълумотномаси***

1922 йил, 15 август

ШАРҚИЙ БУХОРО. Отлиқ қисмларимиз 4 августда Анвар пошшонинг Ҳаволанг ва Балжуwon оралиғида жойлашган асосий кучларига қарши ҳужум уюштирилдилар. Душманинг Обидара қишлоғи яқинидаги қирларни эгаллаган 500 кишидан иборат пешқадам қисми саросимага тушиб қоча бошлади. Шу ерда бўлган Анвар пошишо юзга яқын аскарни тўплаб, эскадронлари-

мизнинг бирига ташланди ва уни қириб ташлади. Лекин бошқа эскадронимиз душманни қўл жанги билан қаршилади. Ҳужум қилувчиларнинг олдинги сафида келаётган Анвар пошшо беш жойидан яраланиб ҳалок бўлди. У ўлганидан сўнг, душман саросимага тушиб, шимол томондаги тоғларга қараб қочди. Анварнинг жанг майдонида қолдирилган мурдаси эгнида инглиз френчи, шим ва узун қўнжли этик бор эди.

Ўша жангда Анварнинг ёрдамчиси Давлатмандбек оғир яраланди. У икки соатдан сўнг вафот этди.

**«Туркестанская правда» (Тошкент шаҳри)  
№22/178/, 16 август, 1922 йил сонидан.**

Бухоро шарқида ҳалқимиз озодлиги учун эътиқод билан хизмат қилган Анвар пошшо шу тахлит сўнгги жангга кириб, ийди Қурбон куни шаҳид бўлиш дарајасига етишди. Унинг жасади Чакан мавзеидаги Ҳазрати Султон зиёратгоҳига дафн этилди.

Анвар пошшо ҳалокати бутун мусулмон дунёси, айниқса, Бухоро ҳалқи учун оғир йўқотиш бўлди. Унинг вафоти билан Ўрта Осиёда большевикларга қарши миллий озодлик ҳаракати қуёши сўнди. Бухоро, Фарғона, Хоразм ҳалқи турк ҳалқининг муносаб фарзанди, озодлик учун толмас курашчини ёдлаб мотам тутди. Анвар пошшо ўлими Фарғона қўрбошиларининг бош қўмондони Шермуҳаммадбекнинг хотираларида шундай баён этилади: «Шарқий Бухоро бизга саккиз кунлик масофа эди. Нурмуҳаммад Шарқий Бухоронинг Лахши қишилогидан йўллаган хабардан Анвар пошионинг шаҳид бўлганини билдик. Лекин мен ишонмасдим. Чунки бундан аввал ўн тўрт маротаба айни шундай гап тарқалган эди. Лекин бирмунча фурсат ўтгач, Нурмуҳаммад билан кўришигач, бу машъум хабар ҳақиқат эканлигига ишондим. Аччиқолма деган жойда хатми Қуръон этиб, фотиҳалар ўқиб, катта-кичик ўртасида пошионинг хотирасига ҳурмат бажо айладик. Гам-кулфат наинки бизни, тошу тупроқни ҳам қур-

шаб олганди. Йигитларимизнинг фигони кўкларга юксалди».

Ушбу сатрлар Анвар пошто миллий озодлик ҳаркатида нақадар катта нуфузга эга бўлганини кўрсатиб турибди. Унинг ўлими большевиклар зулмига қарши курашаётган ватанпарвар кучлар учун ниҳоятда кучли зарба бўлди.

### **Халоскорлар. Йилнинг энг узун куни. Қумдаги қонли излар**

Амир Олимхон фармони билан юртига етиб келган мулло Абдулқаҳҳор Бухоро ва унинг атрофдаги туманлардан тўпланган халқ лашкари орасида муайян тартиб-интизом ўрнатди. Бу вақтга келиб халқ орасида большевиклар қилаётган бедодликларга қарши норозиликлар кучайиб бораарди. Тез орада мулло Абдулқаҳҳор бошлиқ мужоҳидлар сони 25 минг нафарга етди. Улар қизил қўшин билан қаттиқ жанглар қилиб ғолиб келдилар ва Фиждувон туманини ўз тасарруфларига ўтказдилар. Большеевиклардан бир ой ичида икки мингта бешотар милтиқ, юз мингта ўқ, пулемёт, учта броневик ўлжа олинди. Қисқа вақт ичида атрофдаги бошқа туманлар ҳам эгалланиб, лашкари ислом Нурота вилояти сари юрди. Вилоятнинг кўплаб улуф одамлари мулло Абдулқаҳҳорга пешвоз чиқиб, уни иззат-икром билан кутиб олишди. Мужоҳидлар Нурота большевикларини банди қилдилар. Фуқаролар хурсандчилик изҳор этиб, хутбани амир Саййид Олимхон номига ўқидилар.

Бу вилоятда ҳам кўплаб ҳарбий анжомлар ўлжа олинди. Мулло Абдулқаҳҳор Нуротани ўзига марказ қилиб олди. У ўз ишларини саранжом-саришта қилгач, Бухоронинг юқори томонига юриш бошлади.

Лашкар Меҳтар Қосим кўпригига яқинлашганида, Бухоро жадидларининг ҳарбий вазири Абдулҳамид афанди олтмиш нафар бухоролик, турк ва ҳиндлар ҳамроҳлигига уларга пешвоз чиқди.

Абдулҳамид афанди мулло Абдулқаҳҳорга олти минг инглиз фунти, икки пулемёт ва кўплаб яроқ-аслаҳалар ҳадя этди. Абдулҳамид афанди лашкари исломга го-

зийлик тилаб, мулло Абдулқаҳҳордан Анвар пошишо ва Иброҳимбек девонбети ёнига боришга рухсат олди.

Абдулқаҳҳор қўшини Мехтар Қосим кўпригига етганидан хабар топган большевиклар шошилинч жангга киришдилар. Қонли жанг икки кечаю икки қундуз давом этди. Бу муҳорабада Абдулқаҳҳор қўшини қўли баланд келди. Мужоҳидлар Бухорони ўраб олиб, унинг олти дарвозасини эгалладилар. Секин-аста большевиклар Бухородан сиқиб чиқарилиб, шаҳар батамом озод қилинди. Бирин-кетин Когон, Баҳоуддин ҳам большевиклардан халос этилди. Бу ерда ҳам мужоҳидлар кўплаб ўлжага эга бўлишди.

Бу ғалабалар тўғрисида мулло Абдулқаҳҳор маҳсус нома билан амир Олимхонга маълум қилди. Ўз навбатида, Олимхон мулло Абдулқаҳҳорга аскарий зарбоф тўн, тўппонча ҳадя этиб, унга миннатдорчилик изҳор этди.

Мулло Абдулқаҳҳорнинг Бухорони эгаллаб олиши большевиклар жамоасида катта ваҳима, саросималик уйғотди. Улар Москва ва Тошкент кўмагида кўплаб аскар, қурол-аслаҳа, ўқ-дори йигишига муваффақ бўлдилар. Большеviklar тўрт томондан тўхтовсиз ҳужум қилиб, Бухоро ва Баҳоуддин мулло Абдулқаҳҳор қўлидан қайтариб олдилар. Минг нафарга яқин мужоҳидларни асир қилдилар. Улар мулло Абдулқаҳҳорни қўлга олиш учун кўп уриндилар, лекин бунинг уддасидан чиқолмадилар.

Қизил қўшин ҳужуми кун сайин кучая борди. Большевик айғоқчилар мужоҳидлар орасида муттасил иш олиб бориб, уларни ичкаридан исён қилишга ундан, бу йўлда жуда кўп олтин, пул сарфладлар. Мулло Абдулқаҳҳорнинг иродасини букиш, уни тиз чўктириш учун йигирма беш кун мобайнида унинг икки укасини шаҳид этдилар. Лекин ислом йўлида холис хизмат қилишга онт ичган Абдулқаҳҳор ифволарга учмади, қон ютса-да чидади.

Абдулқаҳҳор тўрт йил мобайнида большевиклар билан курашди. Ниҳоят большевиклар уни ушлайман деб кўп қишлоқларни горат қиласвергач, от бошини чўлга буришга мажбур бўлди...

\* \* \*

Бухоронинг энг муқаддас қадамжоларидан бири ҳи-  
собланмиш Хўжауббон тўлқинсимонmallа барханлар  
узра салобат-ла юксалиб турибди. Ҳар доим гавжум  
бўлгувчи хонақоҳлар сокин туюлса-да, чор атроф, еру  
само нотинч, қизилларнинг икки аэроплани кун бўйи  
Хўжауббон узра парвоз этди, неча марта жуда баланд-  
дан бомба ёғдирди ва кечга яқин кўздан фойиб бўлди.

– Лаънати кофирлар! – деди гижиниб мулла Аб-  
дулқаҳхор аэроплан овози тингач. – Агар бу ерни ҳам  
тез тарқ этмасак, бу ваҳшийлар шундай даргоҳни  
вайрон этишдан ҳам тоймайдилар. Булар учун бирор  
муқаддас нарса йўқ...

Ниҳоят кун бўйи олов пуркаган қуёш нурлари куч-  
сизланиб, атрофга оқшомнинг нафис сукунати чўка  
бошлиди. Шимол томондан енгил шабада эсар, чигирт-  
калар чириллашидан бўлак ҳеч бир сас йўқ эди. Лекин  
бу ёлғончи сукунат эканини, қизиллар шу тун албатта  
бир хунрезлик қилишларини Абдулқаҳхор юрак-юрак-  
дан ҳис этиб турарди. Ҳеч қачон юзма-юз олишувдан  
чўчимаган Абдулқаҳхор қийин аҳволда эди. Ёнида са-  
ноқди йигитлар қолди. Ўқ-дори ҳам ҳаминқадар. Қи-  
зилларнинг эса сон-саноги йўқ, аэропланлар, зирҳли  
машиналар... Хуллас, ҳал қилювчи дамлар этиб келди.  
Энди бир қарорга келиш лозим. Йўқса, ёнида қолган  
содиқ йигитларнинг ҳам хунига зомин бўлиши мумкин.

Абдулқаҳхор ёнига Абдуваҳобни чақирирди. Бу –  
ўша Фозил эшоннинг кенжা ўғли, БухЧКда ишлаган,  
тунги қийноқдарни кўриб чидаёлмай, ҳалқ лашкари  
сафига қўшилган Абдуваҳоб эди. Абдуваҳоб тўрт йил  
мобайнида кўп жанг жадалларда иштирок этиб эр  
етилган, барваста, овози дағал мужоҳидга айланганди.  
У мулло Абдулқаҳхорнинг энг ишонган йигитларидан  
бўлиб, кўплаб қалтис топшириқларни бажаарарди. Аб-  
дулқаҳхор унга худди ўз укасиdek ўрганиб қолган, шу  
боисдан уни аяр, ҳал қилювчи, эҳтимолки сўнгги жанг  
олдидан уни қутқармоқчи, асраб қолмоқчи эди.

Абдулқаҳхор қарписида тик турган Абдуваҳобни  
кўриб, хаёлларини бир ерга йиғди ва ўтиришга ишора  
қилди.

– Түрт йил мобайнода худди туғишиңган инимдек бўлиб қолдинг, укаларимдан айрилганимда, сен уларнинг ўрнини тўлдиринг, йўқликларини билдиримадинг. Бунинг учун сендан у дунё-бу дунё розиман. Сен наинки мен, балки азиз Бухоромизга, исломга, аҳди муслимга ҳалол хизмат қирадинг. Энди хайр-хўш вақти етди. Аҳволимиз ўзингга маълум: мана шу кун ҳам лаънати-ларнинг икки темир қуши тепамизда ўлакса ахтарган қузғун янглиғ парвоз этди... – Абдулқаҳҳор бир оз жим қолб, суҳбатдошини зимдан кузатди.

Абдуваҳоб жимгина қулоқ солиб турар, лекин нигоҳлари ниҳоятда бесаранжом эди. Абдулқаҳҳор сўзида давом этди:

– Шу тун эҳтимолки, сўнгги жангта киргаймиз. Ўлсак – шаҳид бўлгаймиз, ўлдирсак – ғозий. Хўш, сўнгги жанг олдидан менга бирор гапинг, истагинг борми?

– Истагим, лашкари ислом баҳтига Аллоҳ сизни ўз паноҳида асрасун, – деди Абдуваҳоб овозида андуҳ, на-домат билан. У саркарда ўзини бекорга чақирмаганини биларди.

– Менинг эса сенга айтадиган гапларим кўп, иним, – деди Абдулқаҳҳор салмоқдаб. – Ишқилиб, дийдорлашув ба қиёматга қолиб кетмаса бўлгани.

Абдуваҳоб кўнгли ёмон бир нарсани туйиб сергакланди. У бу довюрак саркардани ҳеч қачон бунчалик фамгин, тушкун алфозда кўрмаганди.

Ниҳоят анча давом этган сукунатдан сўнг Абдулқаҳҳор ёnidаги чорқирра чарм қопчиққа ишора этиб мақсадга кўчди:

– Сенинг хабаринг йўқ, мен жанглардан бўш пайтларимда Бухорода қизиллар билан олиб борган муҳобарамиз тарихини баҳоли қудрат қофозга туширган эдим. Бу номукаммал бир ёзувлар. Лекин бандай ожиз юртимизни ғайридинлардан тозалаймиз деб тўккан қонларимиз изсиз кетмасин дедим. Йўқса, биздан кейинги авлод ота-боболаримиз еримизни коғирларга ҳеч қаршиликсиз топширган, дея фикр этиши мумкин...

Орага яна жимлик чўкди. Абдуваҳоб миясида ҳар хил хаёллар чарх уриб, ҳамон жимгина қулоқ солиб ўтиради.

Жимлики яна Абдулқаҳҳор бузди. У чарм қопчиқни олиб, Абдуваҳобга тутқазди ва шундай деди:

– Буни сенга, сени эса худога топширдим!

Абдуваҳоб ҳали бирор сўз айтиб улгурмай, у қўйнидан тилла тангалар тўла, хийла оғир бир ҳамён чиқариб, уни ҳам гарангсиб турган йигитнинг қўлига берди.

– Бу – шахсан ўзимдан сенга, ака-укалигимиз учун, Гулбодом икковингнинг тўйларингга буюрсин! Мен ўзим тўйда падарвакил бўлурман дея ният қилгандим... Лекин начора...

Абдуваҳоб эндиғина унинг мақсадини тушуниб етди. «Ҳа, мени сўнгги жангга киритмаслик учун шундай қиляяпти», деди у ўзича ва шунча вақт мобайнида биринчи марта мулло Абдулқаҳҳорга эътиroz билдириди:

– Сўнгги жанг олдидан мен бу ерни тарк этсам, номимга бир умрлик лаънат тамфаси босилмайдими? Сиз билан ака-ука эканмиз, мен елкама-елка туриб шаҳид бўлмоқни ўзим учун улуғ бир баҳт ҳисоблайман... – йигитнинг овози титраб, гапиролмай қолди. Унинг бу ҳолати Абдулқаҳҳорга ҳам ўтди. Абдуваҳоб нимаси биландир унинг кичик инисига ўхшаб кетарди.

Икковлон бир муддат бир-бирларига тик қараёлмай турдилар, сўнг Абдулқаҳҳор ўзининг азалий қайсар, чўрткесар ҳолига қайтиб, секин, аммо қатъий товушда деди:

– Сен кетмасанг бўлмайди. Кетмаслигининг сира иложи йўқ! Ромитанга, ўша ўзинг билган хонадонга борасан. Ёзганларимни Муродбекка топширасан. Сўнг Фиждувонга ўтасан, худо ёринг бўлгай! Омон қолсак, бизни Қулжуқтов этакларидан қидиранасан...

Улар бошқа гаплашмадилар. Абдуваҳоб энг яхши отлардан бирини эгарлаб, оқшом фира-ширасида Хўжабубонни тарк этди. Фарбий Бухорода большевикларга қарши сўнгги курашчиларнинг сўнгги сардори ўз йигитларини тўплади.

– Азиз биродарлар! Тўрт йил мобайнида ягона ислом байроғи остида коғирлар ила омонсиз жанг қилдик.

Шу йўлда қанчадан-қанча асл йигитларимиз шаҳид бўлдилар. Начора, Ватан озодлиги учун кураш шуни тақозо этди. Куръони шариф олдида сўнгти томчи қонимиз қолгунча жанг қилишга онт ичган эдик. Аллоҳ бизни бу ниятимизга етказди. Шу тун жанг билан манфур душман ҳалқасини ёриб ўтишга ҳаракат қилгаймиз. Бухорои шариф озодлиги йўлида тўкилган ҳар томчи қонимиз ушбу азиз тупроқ учун муқаддас бўлиб қолгай, иншоаллоҳ!

– Иншоаллоҳ! – унга жўр бўлишди йигитлар ва бу улуғвор товуш чор атрофга ёйилиб, сукунат пардасини бир муддат кўтаргандек бўлди.

Тун ярмидан оққандо яроқ-аслаҳаларни жангга шайлаб, йўлга равона бўлдилар.

Осмонда юлдузлар гужфон ўйнар, отлиқлар сояси ой ёруғида чўзилиб, фалати манзара касб этган, енгиш шабада эсиб, қуриган чўл ўт-ўланлари ҳиди димоққа уриларди.

Шу тахлит йўл босиб, улар аввал Муллахон яйловига, сўнгра Гужумлига, Кулжуктов этакларига етиб олмоқчи эдилар. «Ҳарқалай, ҳозирча қизилларнинг қўли Кулжуктовгача етмаса керак. Ундан сўнг худо ҳофиз, куч тўплаб яна курашса бўлади. Энг муҳими, шу қолган йигитларимни бой бермасам бўлгани», ўйларди Абдулқаҳдор. Йўлга чиқишиларидан бир неча соат олдин қайтиб келган разведка қумликларнинг шу қисми нисбатан хавфсизлигинитаъкидааган бўлса-да, лаънати қизиллар исталган барҳан ортидан чиқиб қолишлиари мумкинлигини у яхши билар, бир неча йиллик жангу жадаллар тажрибаси уни ниҳоятда эҳтиёткорликка ўргатганди.

Тун ниҳоятда сокин, гўзал эди. Тобора баландлаётган ой нурлари ўркач-ўркач барҳанлар сийнасини муనаввар этган, саксовуллар бир маромда бош тебратиб, отлиқларни кузатиб қолишарди. Ана шундай ажойиб тун қўйнида қабоҳат, қон, ўлим яширин бўлишига ишониш қийин, лекин бепоён саҳронинг қизиллар қадами етган ҳар бир гўшасида туну кун ажал шарпаси кезиб юради.

Құмликлар ичкарисига қараб чамаси ўн чақирим йўл босғанларидан сўнг, Абдулқаҳдор қизиллар таъқибидан кутулганига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай бир оз хотиржамлиkkа берилиб, эгарда мудрай бошлади. Шу тахлит яна бир неча чақирим йўл босдилар.

Бирдан гўзал ойдин тун сукунатини тилка-пора қилиб пулемёт тириллади ва балиқ сиртига монанд ясси қир ортидан кўринган сон-саноқсиз отлиқлар тоғ кўч-кисидан бўлиб мужоҳидлар устига ташландилар.

Абдулқаҳдор гафлат босғани учун ўзини лаънатлаб бир ҳайқирди-ю, қиличини қинидан сугурди. Лекин кўз очиб-юмгунча қарс-қурс товушлари, отларнинг ваҳшатли кишинаши тобора авжига чиқиб, олдинги сафлар кўшилиб кетди. Орқадаги мужоҳидлар тартибсиз равишда чўлнинг тўрт томонига қоча бошладилар. Тўхтовсиз ўқ ёёдираётган пистирмадаги пулемётлар мужоҳидларни тутдай тўка бошлади.

Абдулқаҳдор қўлида яланғоч қилич, чекинаётганларни тўхтатмоқчи бўлар, лекин бақириқ-чақириқ, ярадорларнинг оҳ-воҳлари, ўқ товушлари аро унга ҳеч ким қулоқ солмасди.

Абдулқаҳдор ниҳоятда дарғазаб бўлиб, яна отлиқлар галаси томон ташланди. Ўн-ўн икки чоғли йигит унга эргашди. Абдулқаҳдор шундоқ рўпарасидан чиқиб қолган қизил аскарнинг бўйни ва елкаси аралаш шахд билан қилич солди. Эгардаги ёшгина аскарнинг башараси даҳшатдан қийшайиб кетганини ҳам кўриб турди. Ва унинг ортидан келаётган отлиққа қилич сермаган эди, кимдир кўксидан қаттиқ итаргандек бўлди-ю, бутун вужудига оловли бир оғриқ кирди. Худди шу аснода ён томондан келган қизил аскар унинг чап елкасига зарб билан қилич солди.

Абдулқаҳдорнинг кўзларидан сон-саноқсиз юлдузчалар сачраб кетди. У тишини тишига қўйиб, қаттиқ ингради, оти аянчли кишинаб юборди.

Сардорлари яраланганини кўрган бир неча мужоҳид уни ўраб олиб, жанг майдонидан олиб чиқишига ҳаракат қиласдилар. Абдулқаҳдор от туёқлари остига йиқи-либ тушмаслик учун эгар қошини маҳкам ушлади...

\* \* \*

Қулжуқтов чўққилари секин-аста нурланиб, Гужумлида янги кун туғилди. Бу – йилнинг энг узун куни – 21 июнь тонги бўлса-да, ёзниг бошқа тонгларидан фарқ қилмас, одатдагидек ҳаво жуда тоза, тоғ томонидан енгил шабада эсар, олис-олисларда қўй-қўзилар маъраши қулоққа чалинарди.

Бухоро баҳмал дўпписига монанд ўтов ёнидаги ўчоқ бошида ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги ғоят кўҳлик бир қиз куйманарди. Унинг лўппи юзи олов таъсирида қизариб, ёноқлари қирмизи тус олган, чўл тунидай қора кокиллари қумга тегай-тегай дейди.

Қиз қора қумғондан катта гулдор чойнакка чой дамлаб, ўтов ичкарисига олиб кирди. Қуёшнинг илк нурлари остида мудраётган катта бўрибосар ит уни эринчиқ бир назар билан кузатиб қўйди-ю, яна қўзларини юмди.

Ярим соатлардан сўнг ҳалиги қиз ўтовдан етмиш-етмиш икки ёшлар чамасидаги, юзлари саҳро офтобида қорайган, барваста, чайир бир чол билан бошлишиб чиқди.

– Қизим, меҳмонимизни бир дақиқа ҳам назарингдан четда қолдирма. У жуда оғир яраланган. Туни билан иситмада ёниб, алаҳлаб чиқди. Қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Ҳали замон ўзига келиб қолса, ажабмас. Мен Тўсбулоққа бориб дўстим кал Назардан мўмиёй асл олиб келаман, – деди чол гулдор хуржунни олиб ўтовдан сал нарида турган эгарлоғлик оти томон йўналар экан.

– Хўп, – деди қиз катта-катта чиройли қўзларини жавдиратиб, – лекин меҳмон ўсал бўлиб қолса-чи?..

– Қўрқма, қизим, у ҳали замон ўзига келади. Қимиз ичирсанг, анча енгил тортади. У оғир аҳволда, шу боис юзингни беркитмасанг ҳам бўлади... Дарвоқе, меҳмонимиз жуда улуф одам. Унинг кимлигини қайтиб келгач, сенга айтиб бераман.

Чол саман йўргасини миниб, унинг сағрисига қамчи босди. От олисда салобат-ла ястаниб ётган Қулжуқтов томон йўртиб кетди.

Отамурод бобо кўп йиллардан бери Гужумли яйловларида ўғли билан қўй боқарди. Ёз ойларида уларнинг кирини ювиб, овқатини пишириш учун кенжек қизи Гулжамол ҳам яйловга келарди. Асли лағлақалик бўлган Отамурод бобо узоқ йил Чориқулбойнинг қўйларини боқсан, атроф яйловларда бу оққўнгил, одамшавандада чўпонни ҳамма танир, ҳурмат қиласарди. У қийин аҳволда қолган бирор кимсадан ўзининг beminnat хизматини аямасди.

Эгарда хаёл суриб бораётган Отамурод бобо кечатунда рўй берган воқеаларни бирма-бир хаёлидан ўтказа бошлади.

Вақт алламаҳал бўлган эди. Отамурод бобо қўйлардан хабар олиб келиб, энди ўринга чўзилган ҳам эдик, бўрибосар Кўктой жон ҳолатда акиллай бошлади. Хавотирланиб ташқарига чиққан чол ўтовдан ўн-ўн беш қадам нарида турган отлиқни кўрди. Ой фалакнинг энг баланд нуқтасида эди, атроф сутдек оппоқ, шу боис Отамурод бобо отлиқнинг ёнига тақилган қилични, елкасидаги миљтиқни кўриб юраги «шув» этди.

«Ким бўлди экан, бу чақирилмаган меҳмон?»

Чол ҳамон зўр бериб акиллаётган Кўктойни коийиб, отлиқ томон бир-икки қадам қўйган ҳам эдик, нотаниш киши илдам отдан тушиб салом берди. У хушмўйлов, ёшгина йигит эди. Унинг муомаласидан хотиржамланган чол алик олиб мулозамат қилди:

– Келинг, ўғлим, бахайр, биз томонларга қандай шаммол учирди? Қани, ичкарига марҳамат!

Тунги меҳмон гапни чўзиб ўтирумади:

– Ёрдамингиздан умидворман. Шу яқин орада ярадор ўртоғим бор. Кўп қон йўқотди. Шуни ҳимоянгизга олсангиз. Ярадор аҳли муслим учун кўп хизмат қилгандардан. Қони ҳам шу йўлда тўкилди. Ахир сиз ҳам мусалмонсиз-ку!

– Алҳамдуиллоҳ, мусалмонмиз, ўғлим, – деди чол.

Улар бошлишиб ўтовдан юз қадамча узоқлашдилар ва қари саксовул тагида ётган, тирик-ўликлигидан ном-нишон бўлмаган ярадорни ўтовга олиб кирдилар. Чол ўғлини ҳам, қизини ҳам уйғотмай, ўзи қора чироқ-

ни ёқди, шундагина у күркем соқол, хушбичим чехрали ярадорни бир муддат кузатди. Қирқ беш-қирқ олти ёшлар чамасида. Рангидә-ранг қолмабди, күзларининг ости кўкариб кетган. Ҳақиқатан ҳам кўп қон йўқотган кўринади. Зўр-базўр нафас оляпти. Кўкраги елкаси билан кўшиб боғланган, оқ матодан қоп-қора қон ҳамон силқиб турибди...

Чолнинг тараддулланганини кўриб йигит изоҳ берди:

– Пистирмага дуч келдик. Мулло кўкракларидан ўқ едилар, елкаларига қилич солишди, лаънати кофирлар!

Отамурод бобо индамай ярадорга тикилиб тураверди. У қизиллар таъқибидаги лашкари ислом йигитларини беркитиб сақлагани учун ўзини нималар кутаётганини, БухЧК бошига қандай кунлар солишини яхши биларди.

– Саҳро ҳар қанча бепоён бўлмасун, қумликларда сир сақдаш мушкул. Дунёда чўпон ҳалқи билмаган сир йўқ. Шу тунда Гужумлида бўлган гапни қуёш чиқмай, Гаждида, Сабатлида эшитаверасиз. Боз устига, қумдаги қонли излар «мана-ман» деб турибди....

– Начора, бошқа борадиган еримиз йўқ. Пешонамизга нимаики битилган экан, кўраверамиз, – деди йигит.

Чол бошқа ҳеч бир сўз демай ишга киришди. У йигит кўмагида ярадорни ечинтириди. Қилич ярасига кигиз куйдириб босди. Ўқ теккан ўнг сийна яраси хавфли эди. Чол бошини сарак-сарак қилганича ҳамон қон силқиб турган ярага алланималар суркади. Сўнг яраларни қайтадан боғлаб йигитга юзланди:

– Ўқ сийнада турибди, уни чиқариб олиш қўлимдан келмайди, жарроҳликдан хабарсизман. Яраларни билганимча боғладим. Энди бу ёғи Аллоҳ иродасига боғлиқ.

– Айтдим-ку, пешонамизга ёзилганини кўраверамиз, – хўрсинди йигит.

Тонг ёришиб келарди. Бешотарли йигит кетишга чоғланди.

– Мулло Абдулқаҳҳорни сизга, сизни Аллоҳга топширдим, – деди у чолга тик боқиб. У сўзлари қандай таъсир этганини билиш учун сухбатдошини зимдан кузатарди.

– Нима, мулло Абдулқаҳҳор дедингизми? – сўради Отамурод бобо гарангсиб.

– Ҳа, лашкари ислом раҳнамоси мулло Абдулқаҳҳорни сизга, сизни Аллоҳга топширдим! – такрорлади йигит. У сўзлари чолга ўзи кутганидан ҳам зиёда таъсир этганидан мамнун эди.

– Мулло Абдулқаҳҳор... Бухорои шарифни кофирлардан қайтариб олган, қизиллар юрагига гулгула солган мулло Абдулқаҳҳор шул зотми? Ҳай, дариф, шундоқ табаррук одамни шу кўйга соддими лаънатилар?! Афсус, минг афсус! Ахир бул зотни тавоғ этмоқ жоиз. Та-воғ... – чоннинг йифиси бўғзига тиқилиб жимиб қолди. Йигитнинг ҳам кўнгли бузилди. Бир оз сукунатдан сўнг йигит чол билан хайрлашар экан, шундай деди:

– Ўксинманг, ота, биз сиздан хабар оламиз, раҳнамомизга дори-дармон олиб келамиз, қўли енгил табибларни бошлаб келамиз. Сиз бул зотни биз келгунча асраб турсангиз бўлгани.

– Бухорои шариф учун қон тўкканларни мен эмас, Аллоҳ таолло асрагусидир, ўғлим! – деди чол маъюс оҳангда ва қўшиб қўйди. – Агар Ромитанга бормоқчи бўлсангиз, Қорақир орқали юринг, шу йўл яқин ва хавфсизроқ. Яна билиб қўйинг, чўлда қизилларнинг айғоқчилари изғиб юришади...

Йигит индамай ўтвудан чиқди. Чол унга эргашди. Кўп ўтмай ёлғиз чавандоз тонг фира-ширасида кўздан фойиб бўлди.

Қуёш баландламоқда, Қулжуқтов энди кўкимтири ҳарир парда ортидагидек бўлиб кўринар, саман йўрға бир маромда йўргалар, Отамурод бобо ҳамон тунги меҳмон тўғрисида ўйлар, безовта эди. У Тўсбулоққа мўмиё учунмас, мулло Абдулқаҳҳорни яхшироқ беркитиш учун бошпана излаб бормоқда, бу ердаги дўстлари кўмаклашишларига имони комил эди.

Мулло Абдулқаҳҳор... Бу номни эшитганларида Бухоро душманлари, Бухоро хоинларининг баданига титроқ кирав, тиллари калимага келмасди. Бухоро ватанпарварлари, миллат фидойилари эса уни ўз ха-лоскорлари ҳисоблашар, унга сажда қилишга тайёр

эдилар. Отамурод бобо ҳам ўзининг чақирилмаган мөхмени ким эканини билгач, уни қутқариб қолиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишга жазм этганди.

Отасини кузатиб ўтов ёнига қайтган Гулжамол эса ҳаёт билан ўлим оралифида ҳушсиз ётган одам кимлигини билмас, ҳеч ким йўқлигида унга бирор кор-ҳол бўлмасайди, дея хавотирда эди.

Қиз хаёллари билан банд экан, ичкаридан инграган товуш эшитилди. Бемор бақира бошлади:

– Қайт орқангга, ифлос, сотқинлар! Қайт ахир, нобакорлар, Қуръон ургурлар!

Қизнинг юраги орқасига тортиб кетди. Қўрқа-писа ўтов ичига кириб, bemor тепасига борди. Унинг кўзлари юмуқ ранги оппок, гезарган лаблари тарам-тарам ёрилган, тинмай алаҳларди:

– Биз жанг билан ёриб ўтамиш! Жанг билан! Сўнгги томчи қонимиз қолгунча курашамиз, дея онт ичганимиз! Онт ичганимиз!!!

Гулжамол ярадорнинг қийналаётганини кўриб, кўзлари намланди. Лекин у қандай ёрдам беришни билмай ҳайрон эди. Бирдан отасининг «Қимиз ичирсанг, енгил тортади», дегани эсига тушди. Косани қимизга тўлдириб bemor тепасига келди, бошини авайлаб кафтига олиб, лабига косани тутди. Ярадор тамшанди, лабларини ялади, лекин қимиз ичолмади, яна алаҳдай бошлади:

– Абдуваҳоб, иним, сен Ромитанг боришинг керак. Омонатимни шахсан Муродбекка ўз қўлинг билан топширасан. Шахсан Муродбекка! Уқдингми?! Авлодлар биз курашганимизни, қон ютганимизни билиши керак! Ҳа, биз курашдик! Қон тўқдик! Қон!

– Эй, худойим, – дерди йифламсираб Гулжамол, – энди нима қиласман?

1924 йилнинг энг узун куни ана шундай таҳликали – ярадорнинг жон талвасаси, қизнинг минг хавотир, қўркув ва қандайдир илинж билан унинг тепасида туриши билан кечди. Намозшомга яқин Отамурод бобо Тўсбулоқдан қайтди. Кела-сола ярадорнинг аҳволи билан қизиқди. Бир амаллаб ўзи топиб келган дори-дармонлардан ичирди.

Кеч тушиб ўтовда чироқ ёқилганда мулло Абдулқаҳдор бирдан «ярқ» этиб кўзларини очди. Ўтов ичини кўздан кечирди, сўнгра тепасида турган Отамурод бобога савол назари блан тикилди, қуруқшаган лаблари зўр-базўр пичирлади:

– Мен... Мен қаердаман?

– Ўз биродарингиз Отамурод чўпоннинг факир ўтова. Гужумли деган макондасиз, тақсир, – жавоб қилди чол.

– Отамурод чўпон... Гужумли... – яна ҳолсиз пичирлади лаблар. – Йигитлар ёриб ўтишдими?.. Улар тирикми?!

– Йигитларингиз сизни менга, топшириб кетишли. Улар тезда қайтишади, тақсир, – деди Отамурод бобо.

– Эй, худо! Бу не кўргилик?! Бу не шармандалик?! – мулло Абдулқаҳдорнинг кўксидан кучли бир нидо, хўрсиниқ отилиб чиқди.

– Бундай демангиз, тақсир, дини ислом йўлида қон тўкмоқдик шармандалик эмас, юксак шарафдур! – ислом лашкар ўз номини шону шарафга буркамишдур! – меҳмонга таскин берди мезбон.

– Лашкари ислом... Шўро муртадлари тилида босмачилар... Энди Бухорони бир муддат бўлса-да, озод қилган лашкари ислом йўқ, лашкари ислом мағлуб бўлди! Лашкари исломдан мен сингари бир тўда дарбадару хокбасарлар қолди! – мулло Абдулқаҳдор энди пичирлашни бас қилган, бурро гапиради. Бунинг вақтинчалик ҳолат эканини яхши билган Отамурод бобо уни тинчлантиришга ҳаракат қилди.

– Ҳаяжонланмангиз, тақсир, бу сиз учун хавфли. Мана, озгина қимиз ичинг, дармон бўлади – чол меҳмоннинг бошини авайлаб кафтига олиб, қимиз ичирди. Мулло Абдулқаҳдор чуқур тин олди, сўнг оғироғир нафас олганича яна сўзлай бошлади:

– Улар (большевиклар) бизни ичимииздан бузиш учун жуда кўп пул, мол сарф этдилар ва чиркин мақсадларига эришдилар ҳам. Ўзимиздан чиққан хойнлар бунга сабабурлар. Мана, оқибат, бой камбағалга қарши, камбағал – бойга. Бунга чидаш мумкиндур. Лекин ўғил отага, ука акага қўл кўтарганига нима дейсиз?! Бунга чидаш бўлмас, бу шармандалик... лаънати қизиллар

шу тахлит фуқаролар урушини келтириб чиқардилар. Энди ўзлари биз қандай ёқа бўғишамиз, томоша қила-дурлар!.. – муалло Абдуқаҳхор яна бирдан жимиб қолди. Чол унинг пешонасига кафтини босди. Ярадорнинг пе-шонаси оташга айланганди. «Ҳа, аҳволи бафоят оғир бе-чоранинг. Агар шу кеча ҳам жон таслим қилмаса, сўнг юз ийл умр кўради...» – кўнглидан ўтказди Отамурод бобо. Кўп ўтмай ярадор яна алаҳлай бошлади. Чолнинг юраги сикқиди. «Уни бу аҳволда Тўсбулоққа етказиш мушкул, йўлда ўсал бўлиши ҳеч гап эмас. Эй худойим, унга ўзинг шифо бергайсан!»

\* \* \*

***Бухоро Коммунистик партияси Марказий  
қўмитасининг 1924 йил январь ойидан  
август ойигача қилинган ишлар юзасидан  
Советларнинг IV Умумбухоро қуруултойига***

***ҲИСОБОТИ***

«...Тезкор отряд ва жазо отрядларимиз жанговар тайёргарлик ҳолатига келтирилди.

Тайёргарлик ишлари тугаллангач, дехқон хўжаликларини хонавайрон этувчи босмачиларни узил-кесил йўқотишга киришилди.

Бухоро вилояти қўрбошиларининг қўмликларга яшириниши учун қилган ҳаракатлари зое кетди. Абдулқаҳхор тўдаси 21 июнга ўтар кечаси бизнинг қисмларимиз қиличлари дамига дуч келди. Натижада 18 йигит чопиб ташланди. Абдулқаҳхорнинг ўзи эса оғир яраланди ва кейинчалик вафот этди. Бундай ўнгланнилмас зарбадан сўнг, кўп қўрбоши ва оддий босмачилар биз томонга ўта бошлишиди.

Зарбдор ойлик давомида Митан Полвон, Ортиқ Тўқ-сабо, Ортиқча, Мирзо Иброҳим, Рустам Косон ва бошқа қўрбошилар ўз йигитлари ҳамда қуроллари билан биз томонга ўтишиди...» (Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси тарихи. Т.: «Фан» нашириёти, 1976 й.)

Большевикларнинг юқоридаги ҳисоботларига ишонадиган бўлсак, улар мулло Абдулқаҳҳор оғир яраланганидан сўнг вафот этган дейишади. Амир Сайийд Олимхон эса ўз эсдаликларида «Мулло Абдулқаҳҳор от жиловини чўлга, Қозоғистон ерлари томонга бурди. У ерларда яширинди. Шу йўл билан у фуқаролар бошига тушадиган нотинчлик ташвишларини енгиллаштиримоқчи бўлган эди», дейди.

Мулло Абдулқаҳҳор асли фиждувонлик эди. Ақли ва тадбиркорлиги сабаб миллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бирига айланди. Бухоро мағлуб этилгач, шўро гумашталари мулло Абдулқаҳҳор оиласи бошига кўп мусибатлар солдилар. Лекин унинг оқила ва тадбиркор хотини фарзандларини асраб қололди.

## **ХОТИМА**

Күёш осмон бўйлаб тобора юксалмоқда, чор атроф нурлар уйғунлигидан мавжланар, барханлар, ям-яшил ўт-ўланлардан баҳор ҳиди келар ва ана шу бекиёс гўзаликни янада тўлдиргандек бўлиб, ажиб бир мусиқа янграради. Бутун мавжудот шу оҳанг сеҳридан маст эди.

Мусиқа баланд пардада янграй бошлади ва шунинг баробарида бўрондек гувиллаган товуш эшитилди:

«Кўзингизни очинг, бўтам! Сизнинг Ватанга қайтиши вақтингиз етди. Мен кўзларим тўрт бўлиб сизни кутмоқдадурман!»

Ошиқ Бухорий сесканиб кўзларини очди, ўзининг тириклигига ишониб-ишонмай секин қад ростлади. Истиқболига сочилган нурдан кўзлари қамашиб, боши гир-гир айланди. У атак-чечак қилаётган боладек бир неча қадам ташлаган эди, яна тўхтаб қолди. Кўзлари оёқдари остидаги ёй ўқига тушди, сесканиб кетди. Ошиқ тиз чўкиб ўқни кўлига олди, у ёқ бу ёфини айлантириб кўрди. Худди шу аснода чап кураги остида қаттиқ оғриқ уйғонгандек бўлиб, нафаси қисилди. У куч билан ўзини қўлга олиб, яна ёй ўқига назар ташлади: машъум ўлим қуролидан ҳамон иссиқ қон «чак-чак» томиб турарди. Ошиқ ларзага тушди. «Эй, Аллоҳ, бу ахир, ўша, мени маҳв этган ёй ўқи-ку! Наҳот шунча йиллардан бери ундан иссиқ қон томиб турган бўлса?!» – у куличини кериб, ўқни улоқтириб юборди. Лекин ўқ унчалик узоққа учмади, бир неча қадам нарида қумга санчилиди. Ва шундагина Ошиқ Бухорий ўзининг қанчалар қартайгани, соч-соқоли оқариб, кенг елкалари дол бўлганини англади. «Во дариф, умр ўтганини ҳам билмай қолибман. Ахир ҳали пирам васиятларини бажариш учун кўп яшашим, кўп иш қилмоғим керак-ку!»

Бухорий машриқ томон секин-аста одимлай бошлади. Ва шу аснода кўзи бархан ортидан чиқиб, тўппа-тўғри

ўзига қараб келаётган икки охуга тушди. «О, охулар, мүмин жонзорлар! Улар мени мунтазам таъқиб этадурлар... Бу яхшилик аломати эрурми?»

Охулар шундоқ Ошиқ қаршисига келиб түхтадилар-да, унга тикилиб туравердилар. Ошиқ уларга яқинлашиб бирининг бошини силади. Шу заҳоти жониворнинг қоп-қора кўзларидан «дув» этиб ёш тўкилди. Ошиқ кўнгли чўкиб, иккинчи охуга тикилган эди, унинг ҳам кўзларида ёш кўрди. «Эй охулар, мен-ку йиглаб чарчадим, йиглаб бўлдим... Лекин нечун сиз бунчалар ёш тўкасиз? Ким сизни йиглатди, нега йиглатди?» – Ошиқ охуларнинг бошларини галма-гал силар, унинг ҳам кўзларидан ёш оқарди. Шу аснода мўъжиза рўй бериб, охулар бараварига тилга кирдилар: «Эй, дунёи дун фамини елкасида кўтарган ошиқ! Наҳот бизнинг дардимиздан огоҳ эмасдурсан? Наҳот бизни сен ҳам тушунмайдурсан? Ахир биз ўз ватанимизга – ана шу улкан саҳрога сифмай қолдик. Ейишга емишимиз, қўнишга маконимиз йўқ. Қаерга бормайлик, нобакор душманлар ўқидан бафнимиз қон, дилимиз вайрон... Биз йигламай, ким йигласун?»

Ошиқ гунгу лол бўлиб қолди. Сўнг тили калимага келиб, жавоб қайтарди: «Сиз ҳақсиз, жигаргўшаларим! Минг афсуслар бўлғайким, ҳозир дунёда тириклик кушиналари, эзгулик қаро кўзларим, дилбандларим. Биз қабоҳатни енгажакмиз! Биз қабоҳатга қарши уруш эълон қилдик!»

Охулар энди бир оз юпангандек кўринсалар-да, чиройли кўзларидан ҳамон милт-милт ёш оқарди.

Ошиқ йўлида давом этди. Охулар анчагина унга эргашиб бордилар-да, сўнгра бирдан кўздан гойиб бўлдилар. Буни Ошиқ пайқамай қолди.

Чор атроф баҳор оҳангларида тўла, осмон шу қадар тиниқ, шу қадар беғубор эдики, тикилиб қараганда дафъатан кишининг боши айланарди. Саҳро ўт-ўланлари енгил шабадада сархуш бош тебратиб, Ошиқни ортдан кузатиб қолардилар. Ошиқ эса тушгача Бухорога этиб олишга азм этиб, қадамини тобора тезлаторар, она шаҳрининг нафасини туйгани сайин ҳаяжон ортиб борарди.

Шу алфозда у анча йўл босди. Бирдан олдинда кўк гумбазли хонақоҳ ва унинг ёнида қарийб минг ёшли улкан тут дарахти намоён бўлди. Ошиқ энтиқди, бу сароб эмасмикан дея кўзларини юмиб-очди ва қаршисида кафтида дуру жавоҳирдек тут мевалари ушлаган сариқ шоҳи кўйлакли қизни кўриб, сесканиб кетди, кўксидан бўғиқ, аламнок бир «оҳ» отилиб чиқди. Қиз эса ўша ақл шоширувчи табассум билан кафтидаги меваларни узатар экан, сўз қотди:

– Наҳот мени фаромуш этдингиз, шоири жаҳон? Мен ахир, сизнинг Илк Севгингизман, Исмсиз Муҳаббатингизман!

Қизнинг тут узатган қўли ҳавода муаллақ, Ошиқ бу қўллардан бир марта мева еб, худди чўғ ютгандек бир умр қийналганини эслаб талмовсиради. Сариқ шоҳи кўйлакли қиз сўзида давом этди:

– Мендан араз этадурсиз... Айтинг, не гуноҳим бор?

– Ҳеч бир гуноҳингиз йўқдур, ҳамшира... Ва лекин мен ҳамон исмингизни билмайдурман. Мен сизни бир умр изладим, саргардон бўлдим.

– Айтадурман-ку, мен Исмсиз Муҳаббатингизман деб, исмсиз муҳаббатда исм не қиулур? Манг, қўлимни қайтарманг! – шоҳигўш қиз ҳамон кафтида тут ушлаб турарди.

Ошиқ нима бўлса бўлар, охири излаганимни топдим, дея тутга қўл узатган эди, қўллари бўшлиқни пайпаслаётганини сезиб, даҳшатга тушди ва олдида сап-сариқ барханлардан бўлак ҳеч нима йўқлигини англади, баданидан совуқ тер чиқиб кетди. «Бу не қўргилик? Бир умр нимагадир етдим деганда ажralадурман. Ҳатто хаёлимда ҳам негадир етишмоғим мушкул... Пешонам шунчалар шўрми менинг?»

Баҳор қуёши аёвсиз қиздирмоқда, ташналиқдан тили танглайига ёпишаёзган Ошиқ чанқоини энди сезганди. Унинг елкасида одатдаги хуржун йўқ, тезда манзилга етиб оламан деб йўлга чиққанди. Энди эса Бухорогача бўлган йўлнинг охири кўринмайди.

Ошиқ Бухорийнинг кўзлари чексиз қум уммони бағридан бирор бир қудуқ ёки сардоба изларди. Ниҳоят унинг зор-интизор нигоҳи уфқда қорайиб кўринган

яккаю ягона ўтовга тушди. Севиниб кетди. «Ҳеч бўлмаса, бир коса қимиз ё қимрон ичиб оламан», дея қадамини яна тезлатди.

Орадан бир чойнак чой қайнагулик вақт ўтгач, у ўтов ёнига етди. Йўталиб овоз берди, ўтов эгаларини чақирди. Ҳеч ким овоз бермас, атрофда бирор жонзот йўқ эди. «Бу ўтов агар чўпонларники бўлса, қўра-қўтони, итлари ҳам кўринмайдир-ку. Чексиз саҳрода ёлғиз ўтов ва бирор тирик жон йўқ. Бу не синоат?»

Ошиқ эҳтиёткорлик билан ўтов ичига мўралади, ичкари кирди. Шоҳона безатилган ўтовда дастурхон ясатилган, атрофига атлас кўрпачалар тўшалган парқу болишлар бор эди.

Ошиқ ҳайронлиги ошиб ўтов ичини кўздан кечирав экан, оstonада оқ шоҳи кўйлак, қора кимхоб нимча ва қарқарали қалпоқ кийган қиз пайдо бўлди. Унинг кўлида кичкинагина сопол кўза бор эди. Жуда қаттиқ ташна бўлган Ошиқ:

– Менга бир пиёла сув беринг, ҳамшира, – дея илтимос қилди.

– Сув – ташналикни синдиrolмагай. Мана, муздай қимиз ичинг, Шоирим! – қиз жилмайиб сопол кўзачани узатди.

Ошиқ кўзачани қўлига олар экан, уни худди яшин ургандек бўлди, қалқиб тушди. «Шоирим дейдурми? Наҳот бу Гулнигор бўлса?..»

Ошиқнинг саросимасини кўриб қиз кулиб юборди.

– Мени танимаяпиз... Қартайибсиз, Шоирим!..

Қизнинг Гулнигор эканига энди шубҳа қолмаганди. Ошиқ ташналикни ҳам унугиб олдинга бир қадам ташлади. Гулнигор томон талпиниб хитоб қилди:

– Гулнигор?! Бу сизмисиз?! Қандайин баҳт!

– Ҳа, менман... Мен-да сизни соғ-омон кўраётганимдан сарафроздурман!

– Гулнигор... Гулнигор! Сизни қанчалар соғинганимни билсангиз эди. Мен бир умр ўша тун – сизнинг ёдингиз билан яшадим ва кўриб турадурсиз, беҳад қартайдим. Сиз эса ҳамон ўша-ўша, ўн гулингиздан бир гулингиз очилмаган...

– Мен қаримайдурман, қаришга ҳақим йўқдур менинг, Шоирим! Ахир мен Сизнинг Мұхаббатингизман! Бир кечалик ва бир умрга татиган мұхаббатингиз, ҳол бўлган Ишқингиз! Севги эса, ўзингиз қўшиқларингизда куйлаганингиздай, асло қаримагай. Ўкинмангиз, Сиз ҳали ёшсиз, навқиронсиз. Сочингиздаги қиров – йиллар шамоли, оқидур. Ва соч-соқол бу тан белгисидур. Тан тупроқдандур ва у ҳеч қачон осмон бўломайдур. Мұхаббат эса руҳ белгиси, руҳ абадийдур. Руҳ осмонларда яшайдур. Мұхаббат ана шу исёнкор, озод руҳ мевасидур! Ва унга қариш ҳам, тўзиш ҳам ва ўлим ҳам йўқ!

Ошиқ қўлида қимиз тўла кўзача, Гулнигорнинг оташин сўзларини тинглар экан, юраги ларзага келар, лекин шу билан бирга энди ўзини мункиллаган чол эмас, ёш йигитдек ҳис этарди. Гулнигор эса ҳамон ёниб сўзларди:

– Мен Сизни қанчалар кутдим, қанчалар интизор бўлдим. Кўзларимдан қонли ёшлар оқди. Сизни қўксисда ваҳшийларнинг камон ўқи билан ҳалок бўлган, дедилар. Мен ишонмадим. Сизга бир тунгина бахш этган илк севгим ҳамма бало-қазолардан асрashinga ишондим. Мен билардимки, Сизнинг кўнглингизда бир кунликкина бўлган покиза мұхаббатим яшамоқда. Ахир эндигина бир кун умр кўрган мұхаббатни маҳв этиш мумкинми? Йўқ, асло!

Ошиқ Гулнигорнинг эҳтиросли сўзларига жимгина қулоқ солиб ўтирас, оппоқ соқоли кўз ёшларидан ҳўл эди. У Гулнигор билан ҳам сариқ шоҳи кўйлакли қиз сингари фойибона учрашяпман деб ўйлар, шу боис гапиришни ҳам, гапирмасликни ҳам билмасди.

Ниҳоят Гулнигор гапиришдан тўхтаб, унинг қарши сига келиб ўтирди. Кўзларига тикилганича жим қолди. Бир оз жимлиқдан сўнг меҳмонни дастурхондаги ноз-неъматлардан олишга ундар экан, сўради:

– Ўзларини қаерлардан сўраймиз, Шоирим? Ва яна қай манзил-макон сари йўл тутмоқдасиз?

– Биз... Биз дунё кезиб келадурмиз. Ва энди Бухорои шариф сари йўл тутадурмиз...

– Бухорога боришдан не мурод? Шу ерда қолингиз, Шоирим. Қолган умримизни роҳат-фароғатда ўтказайлик. Етар шунча йиллар бир-биrimизга зор яшаганимиз. Қаранг, бепоён яйлов, сон-саноқсиз қўй-йилқи-лар, есангиз – барра кабоб, ичсангиз – қимиз, қимрон, ҳаммаси муҳайё!

– Эҳ, бегойим, сиз мени билмайдурсиз, тушунмайдурсиз... Мен бу дунё ҳою ҳавасларидан, жамики лаз-затларидан воз кечганман. Камина Озод Руҳ шайдоси-дурман, бу ёруг дунёдаги якка-ю ягона илинжим азиз Бухоромни Озод, Шод, Масрур ва мағрур кўришдур!.. Устозим, пири комил Бобо Шайдо Сурудий шуни васи-ят қилғон эдилар...

– Бобо Шайдо Сурудий? Не демоқдасиз, ахир ул зоти шарифнинг боқий дунёга рихлат қилғонларига минг йиллар бўлган-ку!

– Борақалло!.. Мен-да минг йиллардан бери Устоз васиятларини бажо келтириш учун дунё кезадурман. Ҳа, ҳа, минг йиллардан бери!

– Ундоқ эса, Шоирим, бугунги учрашувимиз фалат ғойибонадурми?

– Буни ёлғиз Аллоҳгина биладур, мен эсам, бир бандай ожиздурман...

– Бўлмаса, мени-да ўзингиз билан Бухорои шарифга олиб кетинг? Ўтинаман, ёлғизлик, танҳолик балоси жо-нимга тегди!

Ошиқ Гулнигорнинг ёш йилтираган кўзларига тикилди. Уларда жуда улкан меҳрни, муҳаббатни, фидойи-ликни кўрди. Юраги ачишиб Гулнигорга раҳми келди. Лекин унинг илтимосига жавобан бошини сарак-сарак қилиб шундай деди:

– Сизни ўзимга ҳамроҳ этолмайдурман. Сабаби – зим-мамдаги вазифа ниҳоятда оғир ва бу кези келганда, ҳатто қурбон бўлмоқни талаб қилгай. Мен эса Сизнинг ёш жонингизга жабр қилишни истамайдурман. Сиз доим гул-гул очилиб юришингиз тарафдоридурман. Сиз Муҳаббатсиз, Муҳаббатнинг мантутирик Тимсолисиз!

– Ташаккур, Шоирим! Агар сўзларингиз рост эса, мен Муҳаббатнинг Мантутирик Тимсоли эсам, Сиз-

нинг зиммангиздаги вазифани бажаришда энг даркордурман-ку! Ахир дунёдаги жамики эзгу ниятлар, эзгу ишлар Мұҳаббатдан бошланган, Мұҳаббатдан яралған-ку!

– Боракалло, бегойим! Шу боис мен Сизнинг мангы яшашингизни, келажак авлод қалбига ҳам ишқ, инсоний муҳаббатнинг мангуда баҳор уруғларини сочишиңгизни истайман ва ўзимнинг хатарнок сафаримда Сизни ҳамроҳ этолмагайман.

Мен устозим васиятига кўра, юракларда сўнаётган хокисор, инсоний муҳаббатни аланглантириш учун Олов олиб кетмоқдадурман ва бу йўлда ўзим ҳам Оловга айлансанам не ажаб! Мен Мұҳаббат Олови билан Лоқайдлик ва Қабоҳат салтанатига ўт қўядурман! Ўт! Алвидо, Гулнигор! – Ошиқ Бухорий шу сўзларни айтар экан, ўтовни тарк этиш учун шиддат билан ўрнидан турди. Лекин у иссиқ қум устида қаққайиб турад, шинам ўтов ҳам, Гулнигор ҳам ва сопол кўзачадаги муздек қимиз ҳам йўқ эди. У ташналиқдан тарам-тарам ёрилган лабларини ялади. «Бу не сир-синоат? Наҳот Гулнигор ҳам сароб бўлса?! Эрта тонгдан аллақандай сирли, ақд бовар қилмас учрашувлар... Бухорога яқинлашганим сайин сирли воқеалар кўпаймоқдадур...»

Бўрондек бостириб келган ҳис-тўйғулар уни ларзага солган, кўкси ачишар, чап курагидаги ўқ-ёй яраси оғриб, азоб бермоқда эди. Шунга қарамай Ошиқ қадамини тезлаштириди. «Мен тезда она шаҳримга етмоғим лозим. Устоз «Мен сизни кўзларим тўрт бўлиб кутмоқдаман!» деба неча марталаб айтдилар-ку! Ул зоти шарифни интизор этмак – мен учун шаккоклик билан баробардур...»

Ошиқ Бухорий бархан тепасига кўтарилиб, қўлини пешонасига соябон қилди-да, уфққа тикилди. Кўм-кўк сомон ҳошияси сарғиши-қизил ранг билан кесишган нуқтага узоқ, кўзлари жимиirlагунча тикилди. Бирдан қалқиб кетди, кўксининг туб-тубидан «Аллоҳга шукур! Хазорон шукур!» деган нидо отилиб чиқди ва шунинг баробарида кўз ёшлари сел бўлиб қўйилдилар... Уфқда Минораи Калон элас-элас кўзга ташланиб турарди.

Саҳрода узоқ вақт йўл босиб, сароблардан, айниқса, бугун кўз ўнгида содир бўлган сирли воқеалардан юрак олдирган Ошиқ бу ҳам кўзимга ғалат кўринмаяптиими-кан дея уфқдан кўз узолмасди. Йўқ, энди уфқда кўри-наётган Бухоро сароб эмас, ҳақиқат эди!

– Эй, она шахрим! Сендан олисда шунча йиллар дарбадар кездим, шунча йиллар сенинг озод, исёнкор руҳинг мадади-ла умр-басар қилдим. Мана, Аллоҳга шукроналарки, яна сенинг дийдорингга етдим! – хитоб қилди Ошиқ Бухорий ва бардоши тугаганидан, она шахрига тезроқ етиш учун югурга бошлади. Ҳа, йиллар юки қаддини дол қилган қария югурмоқда эди!

У қоқилиб, туртиниб, йиқилиб туриб узоқ югурди. Сўнг чарчаб йиқилди ва иссиқ қумга кўкрак берганча юзтубан ётаверди.

У қанча ётганини билмайди, бир маҳал аллақандай товушдан ҳушёр тортиб, кўзларини очган эди, тепасида ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги йигит ва қизни кўрди. Икки ёш бараварига «Ассалому алайкум, ота-хон!» дейишди қўлларни кўкракларига қўйиб.

Ошиқ Бухорий ўзининг афтода аҳволидан мулзам бўлиб, ўрнидан турди, саломга алик олди-ю, ёшларга савол назари билан бокди. Йигитчанинг мўйлаблари сабза урган, қомати дуркун, самбитдек, кўзлари чақнарди. Қизнинг соchlари қирқта ўрилган, бошида ироқи дўппи, янги очилган атиргул мисол гўзал, қучоги қизил, сариқ чўл лолаларига тўла эди.

Йигитча тараффудланиб сўз қотди:

– Бобожон, сизга нима бўлди? Мабодо ёрдамимиз керак эмасми? Биз ҳам Бухоро томонга бормоқдамиз...

Чолнинг чехраси ёришиб кетди. «Эҳ, яратганга шукур! Юрагига ишқ меҳмон бўлган ёшларки ўзларини унутиб, етти ёт бегона, афтодаҳол чолга салом бериб, унга ёрдам таклиф этдиларми, демак, ҳали одамгарчилик ўлмаган, ўлмайдур ҳам!» – Ошиқ Бухорий хурсанд бўлиб, ёшлар билан ёнма-ён одимлай бошлади. У икки ошиққа бирор сўз айтишга чўчир ва тезроқ Бухоро дийдорига етиш ҳақида ўйларди...

Қумликлар тугаб, йўлда чексиз пахта далалари, боғроғлар, оппоқ, қандайdir япасқи уйлар кўзга ташлана бошлади. Йўлда учраётган одамлар унга унчалик ташна бўлмаган тилда сўзлашишар, Ошиқ Бухорий «Ассалому алайкум!» деган ширин қаломдан яйраб бораарди.

Олдинда Ошиқ Бухорийга яхши таниш бўлган Қоракўл дарвозаси қаққайиб турар, ажабланарлиси шунда эдики, дарвоза якка-ёлғиз, уни ўраган баланд деворлар кўринмасди.

Дарвоза ёнига етиб келишгач, қўл ушлашиб олган икки ёш, икки ошиқ у билан хайрлашдилар:

– Хайр, бобожон! Соғ бўлгайсиз! Қачон бизнинг ёрдамимиз керак бўлса, марҳамат, хизматингизга ҳамиша тайёрмиз. Биз сизни яхши биламиз, сизни ҳамма яхши танийди ва пойиқадамингизга мунтазирдур! – деди қиз ширин тил билан.

Бухорийнинг дол қадди ростланиб, қўнгли кўтарилиди. «Эй, Аллоҳ! Бунчалар тили ширин бу тўтизабоннинг!»

Ошиқ Бухорий фотиҳага қўл очиб, ёшларга оқ йўл тилади. Улар одамлар оқимига қўшилиб, кўздан фойиб бўлишди. Бухорий уларни сўзсиз кузатиб турар экан, ўзига ажабланиш билан қараётган турли либос, турли туркӯ тароватли одамларга эътибор қилмас, лаблари эса сассиз пичирларди: «Эҳ, қариллик қурсин, қариллик! Бу икки ошиқ ким экан, десам, улар менга бегона эмас, қадрдонларим, жигарбандларим-ку! Нечун мен уларни таниёлмадим? Эвоҳ! Ҳа, ҳа, бул икки ошиқ. Инсониятнинг Ишончи ва Мұхаббатидурлар! Мұхаббати ва Ишончи!»

**Ромитан – Дўрмон – Тошкент  
1995 йил август – 1997 йил июнь**



# БОЙҚҮНГИР ЛОЛАЛАРИ

---

ҚИССА

**Ухла аскар, ухла бепарво,  
Тушларингга кирсин Бухоро...**

Бойқўнирда хизмат қилган  
бухоролик аскарлар оғзаки ижодидан

**I  
ПОЛВОН**

1968 йил кеч куз тунларининг бирида Бухородан жўнаб кетган поезд икки кеча-қундуз йўл босиб, қош қорайганда яйдоқ, чўл бағридаги Тўра Том бекатига етиб келди ва биз, бўлғуси аскарлар сафар халтадаримизни орқалаб, тезроқ тоза ҳавога чиқиб олишига ошиқдик. Бизни кузатиб келган сержантнинг айтишича, бекат аскарлар тилида Тўра Том эмас, турма том деб аталармиш. Бу сўзлар ҳарбий хизмат иштиёқи билан лиммо-лим юракларимизга қаттиқ ботган бўлса-да, кейинчалик сержантнинг эътирофи қариб доҳиёна эканлигига бир неча марта имон келтирдик. Лекин ҳозирча, 15–20 чоғли пахса уй ва бекат биносидан иборат бу гадойтопмас гўша номи тилларда достон бўлган Бойқўнир космодромининг дарвозаси эканини биттамиз ҳам билмасдик. Ва бу ўринда воқеалар ривожидан бир оз ўзиб ҳикоя қилишимга тўғри келади. Бу ерлар фақат марказий матбуотда Бойқўнир деб аталар, тўрт томон, минглаб чақирим масофада ракеталар-у ҳарбийлардан бўлак ҳеч зоф йўқ, фазогирларнинг мўъжазгина шаҳарчаси Тўра Томдан 2–3 чақирим нарида, Сирдарё соҳилида жойлашган, аскарлар уни соддагина қилиб «10-майдонча» дейишарди. Лекин майдончаларни том маънода тушуниш керак эмас. Бу манзилларда қитъалараро ядро ракеталари учирладиган ер ости шахталари, космик кемалар парвоз этадиган ер усти майдончалари яқинида аскарлар яшаши, хизмат қилиши ва дам олиши учун озми-кўпми шароитлар бор эди.

Бу ҳақда батафсил ҳикоя қилишимнинг боиси шундаки, Бойқўнир номи яқин-яқинларгача сир-асрор, улуғворлик билан йўғрилганди.

10-майдонча Бойқұнғирнинг юраги әмас, бу ерда космодром оқсусыларды яшашар, асосий қора мәжнат аскарлар гарданида, улар эса юзлаб чақирим құм ичкарисида хизмат қилишга маҳқум әдилар.

10-майдончада анча-мунча аскарлар ҳам бўлиб, улар раҳбарият, айрим ўта маҳфий бўлимлар, алоқа хизматида әдилар. Яна бу ерда кичик командирлар тайёрлаш мактаби, бир неча қурилиш ва автомобиль баталъонлари бор эди. Эҳтимол, яна аллакимлар, алларнarsалар бўлгандир. Уларни айтмаганим учун шаҳар солномачилари мени кечиришар. Ўшанда мен, 19 яшар аскарнинг билганим шу эди. Бундан кўпроқ билган, билмоқчи бўлган аскарлар билан маҳсус бўлим шуғулланар ва бу ҳақда 12253-қисм ҳарбий трибунал буйруқларини бизга тез-тез ўқиб бериб туришарди.

Хуллас, умумий ҳарбий мажбурият ҳамда тақдир тақозоси билан ўша тунда мен ва бир гурӯҳ ҳамشاҳарларим усти ёпиқ машиналарда қарийб юз чақирим йўл босиб, 95-майдончага етиб келдик. Биз учун тайёрлаб қўйилган аскарий таомларни нари-бери тановул қилиб, казармага жойлашгач, донг қотиб қолдик.

Эрталабки нонуштадан сўнг қисмимиз қип-қизил чўлда жойлашгани маълум бўлди ва бу руҳимизни беҳад тушириб юборди. Улкан шаҳарлар, ям-яшил ўрмонлар, мовий кўз маҳбубалар тўғрисидаги орзулар бир зумда чиппакда чиқди. Биз, урушдан кейин тугилган авлод қишлоқларда «уруш-уруш» ўйнаб катта бўлгандик, ҳарбий хизматга жон-жаҳдимиз билан ошиқардик. Бу – хаёлимида аллақандай улуғвор фоялар, улкан ишлар билан йўғрилганди. Бу ерда аскарлар жанговар навбатчиликда турган, қачон, қаерда портлаши номаълум бўлган қитъалараро ядро ракеталарига хизмат қилишар, уларни қўриқлашар, янги-янги шахталар барпо этишаркан. Бу ҳеч қандай жасорат талаб қилмайдиган, зерикарли ишдай туюлди бизга ва қалбларимизни беадад бир дард, ўз-ўзимиздан қониқмаслик ҳисси чулғаб олди. Баҳтимизга командирларимиз, сиёсий ходимларнинг аксарияти ўз ишини пухта билган, зукко одамлар экан. Улар тез

орада, бутун инсоният тақдири шу яйдоқ чўлнинг ҳар ер-ҳар ерида, барханлар сийнасига яширинган ракеталарга тўғридан-тўғри боғлиқ эканига бизни ишонтирилар.

Чўлнинг худудсиз кенгликларида изгирин шамоллар эсар, кўк юзини қоп-қора буултлар қоплаган, қовжироқ янтоқ ва явшонлар беҳол тебранишар, бу манзара юракка ҳазин туйгулар олиб кирав, ер-у кўқдан соғинч, андуҳ ҳислари ёғиларди гўё. Уйни тарк этганимиздан бўён эндиғина бир ҳафта ўтган бўлса-да, биз қаттиқ зерикардик, қадрдан юртни қўмсардик.

...Кечга томон бошланган совуқ ёмғир борган сари кучаяр, дераза ойнасига шитирлаб урилаётган томчилар товушига қулоқ тутганча ухлаб қолган эканман, бир маҳал гулдиракдек товушдан уйғониб кетдим.

– Р-р-о-о-т-т-а-а, подъём!

– Тревога!

Бир зумда рота оёққа қалқди. Олатасир бошланди, тез кийиниб, сафга турдим. Бир ҳафта мобайнида тез ечиниб-кийинишнинг машқини олганимиз қўл келди. Соат миллари тунги учни кўрсатиб тураг, кун бўйи ер тепиб, чарчаган оёқларим ловуллар, уйқуга тўймаган кўзларимни зўрга очардим.

– Ҳе, отасининг гўрига! – норози тўнғиллади ҳамюртим Самад бир пой этигини ушлаганча сафга келиб қўшилар экан, – шундай ажойиб тушнинг белига тепди-да, кошки эди, давомини кўришнинг иложи бўлса... У ҳамон этигидан қўлини олмас, афтидан пайтавасини яхши ўрай олмаганди. Рота командирининг жарангдор товуши янгради:

– Р-р-о-о-т-т-а-а-а, смирно! Командамни эшит!

– Бугун тунда қаттиқ ёмғир 90-учиш майдончасига ракета олиб борадиган темир изнинг анчагина қисми-ни ювив кетибди. Қисм командирининг буйруғи шундай: темир йўлнинг бузилган қисмини тонггача тиклашимиз шарт. Бу – жанговар топшириқ. Эрталаб шу издан ракета учиш майдончасига ўтказилиши керак. Взвод-взвод бўлиб машиналарга чиқилсин!

Борган сари кучайтган ёмғир остида югуриб, бир маромда гуриллаб турган усти ёпиқ баҳайбат машиналарга чиңдик ва зим-зиё, кимсасиз чўлда чамаси ярим соатча йўл босганимиздан сўнг кучли проҗекторлар билан ёритилган ялангликка етиб келдик.

Қисм командири, штаб бошлиғи ва яна шунга ўхшаш катта-кичик бошлиқлар гуриллаб ёнаётган гулханлар ёнида шалаббо кийимларини бир оз қурилган бўлиб, алланималар тўғрисида баҳслashiшар, юзлари серташибшиш, тунд эди.

Ёмғир пўлат излар остидаги қўтартмани ювиб кетган, биздан олдинроқ етиб келган аскарлар машиналар тўхтовсиз ташиб турган майдада тошлар, шағал билан шу ерни мустаҳкамлашарди. Биз ҳам тайёрлаб қўйилган белкурак, мисранг чўкичларни олиб ишга киришиб кетдик. Кўп ўтмай, совуқ ёмғир суюк-суягимизгача ўтиб, ҳатто пайтаваларимиз ҳам шалаббо бўлди.

Навбатма-навбат кийимларимизни қуритиб, яна қўлга белкурак олардик. Шу тахлит тонггача ишладик. Ёмғир ҳам сира тинай демасди. Болалар ҳолдан тойиб фингший бошлади. Умрида бунаقا оғир ишни кўрмаган менга ўхшаганларнинг бўладигани бўлди, қўлларимиз шишиб, қонга беланди.

– Биз мардикорликка эмас, аскарликка келганимиз-ку, ахир, – йифламсираб қўлларига «куҳ-куҳ»ларди нимжон ҳамюртимиз Усмон.

– Ҳе, содда, аскар мардикор эмас деб сенга ким айтди? – деди кийимларини қуритаётган Ризо.

У биздан 1–2 ёш катта, унча-мунча ҳаётий тажрибаси бор эди чамаси.

Суҳбатни жимгина эшитиб турган штаб бошлиғи гапга аралашиб:

– Лочинлар, кўникаверасизлар энди. Буниси ҳолва ҳали. Яна шуни қулоқларингга қуийиб олингки, билмасангиз – ўргатамиз, истамасангиз – мажбур қиласамиз.

Биз жимиб қолдик. Кўзлари ўйнаб турувчи, ўрта бўй қаримсиқ штаб бошлиғини бир ҳафтадаёқ ёмон кўриб ултургандик, устига-устак, шалаббо кийим-бош, оч қорин-у аччиқ изифиринда унинг сўзлари оғир ботарди.

Кимдир сўкинди. Штаб бошлиғи турган ерида бир сапчиди, кўзларини ола-кула қилиб ўшқирди:

– Но, но, полегче! Сўкинишни кўрсатиб қўяман сен босмачиларга, – у ўзбекчани сал-пал тушунарди афтидан. Яхшиям ким сўкинганини билолмай қолди. Акс ҳолда, жазолаши турган гап эди.

Бу орада катта-катта идишларда биз учун нонушта олиб келишди ва иссиққина бўтқани совуқ ёмғирга қўшиб паққос туширгач, бир оз жонимиз кириб қолди. Энди штаб бошлиғи ҳам кўзимизга унчалик ёмон кўринмасди. У ҳам шаштидан тушиб нари кетди.

Эрталаб соат тўққизларда ишни тугаллаб, сафга тизидик. Лаънати ёмғир ҳам тинди. Қисм командири саф олдига келиб, қўлини чаккасига қўйди-да, «Жанговар топшириқни бажарганингиз учун ташаккур эълон қиласман!» – деди.

\* \* \*

Штаб бошлиғи ҳақ бўлиб чиқди. Ташвиш-азобларимиз кун сайин ошаверди, уйни соғинишга, фусса чекишига ҳам вақт тополмай қолдик. Взводимиз командирининг ўринбосари, Фарбий украиналик сержант Харитонов бизга шунча кўп машқ бажартирар эдики, кечки овқатга ҳам ҳолимиз бўлмай сулайиб қолардик. У золим эса, тунги йўқламадан сўнг ҳам бизни ухлагани қўймай, кийиниш-ечинишга, Ленин хонасининг полини тиш чўткаси билан совунлаб ювишга мажбур этар ва бундан лаззатланарди.

Пичоқ суюкка бориб тақалгач, ундан қасд олиш ревясини туздик. Аввалига, ўзимизнинг йигитлар наубатчи бўлган тунда сержант Харитоновнинг яп-янги этиги ҳожатхонага элтиб ташланди. Золим сержант эрталаб сафга кечикиб шарманда бўлди, взвод командирларидан танбех эшитди. Лекин унинг зулми баттар кучайди. Шунда биз бир қулоқ шишапахта топиб, кечалари ухламай чиқсин деб, сержантнинг кўрпа-тўшагига жойлаб ташладик. У эса қутуриб кетиб, бизни қайта-қайта навбатдан ташқари хизматларга жўната-верди.

Ха, дарвоқе, бу орада қиши келиб, шундай қаттиқ со-  
вуқ бўлдики, кўчага чиққанимизда пахтали шим, пийма  
кийиб, юз-кўзимизни Москва остонасида асир тушган  
немисларга ўхшаб сочиқ билан танғиб боғлардик. Ётоги-  
миздаги иситиш қувурлари ёрилиб кетди. Шу совуқдаям  
Харитонов бизни аямас, картошка тозалаш, ўтин арра-  
лашга навбатдан ташқари пайдар-пай юбораверарди.  
Картошка тозалаётганда бармоқларимиз, ўтин аррала-  
ганда киприкларимиз қисир-қисир музга айланарди.

Агар баҳтли бир тасодиф бўлмагандан, муттаҳам Харитонов бизни қачонгача қўйнарди, буни ҳеч ким билмасди.

Янги йил арафасида қисмда эркин кураш бўйича мусобақа ўтказиладиган бўлди. Ҳаммага рақиб топилди-ю, «Мен эркин кураш бўйича Фарбий Украина чемпиониман» дея керилиб юрган Харитонов билан майдонга тушадиган одам йўқ эди. Харитоновнинг гавдаси ҳўқиздай, вазниям ҳаминқадар, шу боисдан унинг оғирлигига тенг рақиб топилмаётганди. Маслаҳатлаша бошладик. Лекин орамизда Харитоновни енга оладиган киши борлигига кўзимиз етмасди. Жуда қийналиб кетдик. Ризо чидаб туролмади:

– Майли, мен чиқаман. Лекин ўзимниям, сизларни ям шарманда қилмасам гўрга эди.

Ризо рост гапиравди. У Харитоновни енгиши даргумон. Рози бўлмадик. Финал олишуви бошланишига эса салмоқли дақиқалар қолганди.

– Йигитлар, – деди бир чеккада жимгина ўтирган Тоҳир. – Харитонов билан мана мен чиқаман!

Ҳаммамиз анграйиб қолдик. Чунки армияга бутун умри чўлда кечган бу чўпон йигит Харитоновнинг тенг ярмидан келарди.

– Девона бўлдингми? – қичқирдик бараваракайига, – у сени бир силтаса, сұякларингни йигиб ололмай қолласан-ку! Қўй, чемпион бўлавермайдими?

– Йўқ, жўралар, – мийифида қулди Тоҳир, – йигит кишига ўлиш бор, қайтиш йўқ! У ахир, қачонгача бизни қийнайди?

Тоҳир бир сўзли экан, уни ниятидан қайтариб бўлмади ва ҳар икки рақиб майдонга тушдилар. Юрагимиз увишиб Тоҳирдан кўз узмасдик.

Харитонов мийифида кулганича, нописандлик билан даврани бир-икки айланди ва зил-замбил қўлини Тоҳирнинг елкасига ташлади. Ташлагани ҳамоно, «Ё, Али!» деган кучли бир ҳайқириқ зални ларзага солди, Тоҳир рақибининг қўлини ҳарпанжа қилиб, сўнг елкасидан ошириб, ерга чунонам кўтариб урдики, Харитонов бир неча сония қўмирламай ётди.

Қарсак, ҳуштакбозлик бўлиб кетди. Командирлар жазавага тушиб бақиришарди:

– Браво, Юсупов! Молодец, джигит! Настоящий чемпион!

Шармандаи шармисор бўлиб гиламда ётган Харитонов билан ҳеч кимнинг иши йўқ, Тоҳир қисмнинг, биз учун эса Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони бўлган эди.

Ташқаридай майин қор учқунлаган шу қаҳратон тунда биз Тоҳирни қайта-қайта қучиб, қайта-қайта ўпдик ва баҳтдан сархуш бўлиб, донг қотиб ухладик. Энди сержант Харитонов бизни камситолмаслигига ишончимиз комил эди.

## II ҚАҲРАТОН

Бойкўнир Иттифоқда, эҳтимол дунёда ягона нодир маскан бўлгандир. Бу ернинг ўзига хос шеваси, лугати бор эди. «Стакан» – қитъалараро ядро ракетаси турадиган еrostи шахтаси, «Старт» – космик ракеталари учириладиган майдонча, «режим хизмати» – ракета учирилиши арафасида, 45 даражали совуққа қарамай хизматдан бўш аскарларни, бутун гарнizonни 10–15 чақирим чўл ичкарисига ҳайдаб кетишга бош-қош бўладиган, бадқовоқ полковник Лаухин тасарруфидағи маҳсус бўлинма, таъбир жоиз бўлса, «жазо отряди», «Вася» – уч ойлик улоқчадек мушук.

Дарвоқе, Васянинг тўлиқ исми Василий Михайлович бўлиб, штаб бошлигини ёмон кўрганимиздан унинг номи билан мушукни атаган бўлсақда, жониворни ҳаммамиз беҳад суюрдик. Ошхонадан қайтган бирор киши Василий Михайловични қуруқ қўймас,

биров қанд, биров мой, яна биров гўшт билан сийлар, эркатойимиз кун сайин эмас, соат сайин семириб борар ва у миннатдорчилик сифатида, ётогимиз навбатчилари олдидан бир қадам нари кетмай, тунни тонгга уларди. Туни билан мижжа қоқмай бир ерда ўтиришга мажбур аскарлар учун Василий Михайлович жуда ажойиб эрмак эди. Лекин бу командирларимизга унчалик ёқинқирамасди, ҳарбий низомга хилоф, дея хархаша қилишар, биз, бутун рота Васянинг ёнини олгач, ноилож қолишарди. Менимча, сотқинлик, чақимчилик бўлмаган гўша дунёда мавжуд эмас. Одамлар яшаган ҳар бир маскан инсониятнинг бу қабиҳ иллатидан холи бўлмайди. 95-майдонча ҳам бундан мустасно эмасди ва кимдир штаб бошлиғи Василий Михайловичга 1-ротада фоятда семириб, гердайиб юрган мушук унинг «шарафига» номлангани шипшиштган.

Бу хабарни эшитганимиздан сўнг Васянинг тақдиридан хавотирланиб қолдик. Чунки штаб бошлиғи ёвуз одам эканига бизда шубҳа қолмаганди.

Василий Михайлович адашига очиқ ҳужумга ўтмади. Шундай қилса, обрўйи тўкилишини у яхши биларди. У ротамизда ўтказилган сиёсий машгулотларда бир-икки маротаба иштирок этиб, «Сизларда сиёсий тайёргарлик жуда бўشاшиб кетибди» деб шаъма қилди. Бу шаъма нимага қаратилгани бизга аён, штаб бошлиғи мушукка шу номни ким қўйганини аниқлай олса, «совет офицерини ҳақоратлади» дея ҳарбий трибунал судига топширишдан ҳам тоймаслигини яхши билардик. Хайриятки, бу номни ким қўйганини аниқлашнинг имкони йўқ эди. Лекин штаб бошлиғи кечиримли одамлар тоифасидан эмасди, у биз ва Васядан қандай қасд олишини ўйлаб, ўйимизга етолмасдик.

\* \* \*

Қозогистоннинг қаттиқ совуқ аралаш машҳур шамоли кучайгандан-кучаяр, қулоқ, бурун, қўл, оёғини совуққа олдирган аскарлар сони ошиб борар, пахталик пўстинга ҳар қанча ўралмайлик, бу даҳшатли қаҳратондан омонлик йўқ эди. Совуқнинг кучини тасаввур

этишингиз учун бир мисол айтаман: ошхонада кружкага қўйилган иссиқ чой орадан бир неча дақиқа ўтмай, юпқа муз парчаси билан қопланиб қоларди.

Ана шундай оғир шароитда ҳам Бойқўнгир юраги уриб турар, мاشаққатли навбатчилиг-у соқчиликлар гарданида, улкан аслаҳаҳонага айлантирилган чўлнинг кўз илғамас кенгликларида янгидан-янги ядро ракета комплекслари барпо этиш учун кечакундуз кураш кетарди.

Марказий-газета журнallарда эса қуролланиш пойгасини тўхтатиш, Совет Иттифоқининг фоят тинчлик-севар сиёсати ҳақида қоп-қоп сафсаталар босилар, сиёсий ходимлар биз билан машғулот ўтказаётганда қуролсизланиш ҳақида гапирав эканлар, кўзимизга тик қараёлмас эдилар. Сабаби қуролланиш пойгасининг энг олдинги марраси ракета беркитилмаган бирор гўшаси қолмаган ана шу чексиз саҳрова эди, буни ҳаммамиз тушунардик. Ҳафта сайин жанговар ва космик ракеталар фазога парвоз этар, уларнинг ҳар бири учишидан оддин хавсизликни таъминлаш учун аскарларни аксарият ҳолларда тунги ширин уйқудан уйғотиб, чўлга олиб чиқишар, шу қаҳратонда 10-15 километр йўл босиб, режим вақти тугагунча қумликларда дийдираб санқишига мажбур эдик. Ракеталар қулав тушиши хавфи бўлганидан, режим хизмати қисмларда саноқли соқчилардан бўлак ҳеч кимнинг қолишига рухсат бермас, биз қисмда қолаётган дўстларимиз билан хайрлашаётиб, «қўрқма, агар ўлиб-нетиб қолсанг, оркестр билан кўмамиз», дердик. Чунки чўлга бутун гарнizon билан кўчиб чиқишлиар мутлақо кераксиз, режим хизматидагилар давлатнинг пулини бекорга олиб юришибди деб ҳисоблардик. Лекин тез орада юз берган воқеалар биз янгишганимизни кўрсатди.

...»Геркулес» типидаги ракетани учиришга қизғин тайёргарлик кетар, айтишларича, бу парвоз космосни ўзлаштиришда инқилоб бўлиши керак эди. Шу боисдан тараддуд ўта махфий тарзда олиб бориларди. Одатда, навбатдаги ракета қачон парвоз қилишини штабдаги дўстларимиз орқали соат-у дақиқаларигача билар-

дик. «Геркулес» парвози ҳақида эса ҳеч ким, ҳатто командирларимиз ҳам билишмасди. Биз узоқ кутдик, парвоздан эса ҳадеганда дарак бўлавермади. Охири, жонимизга тегиб, эсламай қўйдик. Сирасини айтганда, парвоз бизни қизиқтирмас, балки шу қаҳратонда яна қачон чўлга ҳайдаб чиқаришларини аниқ билиб, шу сарсон-саргардонликка озми-кўпми тайёргарлик кўриб қўймоқчи бўлардик, холос. Тайёргарлик деганим, газниқоб халтасига бир бурда қора нон, икки-уч музлаган пиёс солишдан иборат эди.

\* \* \*

Тун. Зим-зиё тун... Зулмат қаъридан Муаттар чиқиб келаяпти.

– Муаттар, Муаттар... нега хат ёзмайсан, кутавериб юракларим қон бўлди-ку...

– Қандай ёзаман, қаёққа ёзаман? Манзилингиз аниқ эмас-ку?!

– Нега аниқ эмас, Бойкўнирга деб ёзавер. Бойкўнирда деб ёзавер, Жамол биттаман. Ўзбекистонда сен ҳам биттасан.

– Йўқ, хат ёзмайман, ўзим ёнингизга учиб бораман!

– Уч-и-и-и-б келолмайсан, келма. Қанотларингни соvuқ олади. Бу ер жуда соvuқ. Ҳамма жой, чўл ҳам, уйлар ҳам, юраклар ҳам соvuқ, қаҳратон, муз...

– Мен соvuқдан қўрқмайман, Жамол ака. Қиз боланинг қайнок юраги олдида соvuқ нима деган гап? Наҳот шуни билмайсиз, ахир, шоирсиз-ку – шоир-а!

– Йўқ, мен шоир эмасман, шоирликни вақтингча қўйиб турамиз, ҳозир оддий аскарман.

– Нима бўлсаям, мен юракларингиздаги музни эритишим керак, музни! Ахир юракда муз билан, муз юрак билан қандай яшайсиз?

– Фақат юрак эмас, қўллар, оёқлар, киприклар ҳам муз ва лекин мана, бинойидек яшайпмиз. Яшайверамиз...

– Йўқ, йўқ, бундай яшаб бўлмайди. Бундай яшаш мумкин эмас!..

Шундай деганича Муаттар аллақандай нурдан барқ уриб турган чиройли юзини қўллари билан беркитди,

нозик бармоқлари орасидан биллурин ёш томчилари сизиб тушди.

– Йифлама, Муаттар, ахир кўз ёшларингга арзигулик гап бўлгани йўқ-ку! Йифлама!

– Йифлайман, сизнинг юрагингиз шунчалар муз бўлар экан, мен қон йифлайман...

Мен Муаттар томонга талпиндим, унинг кўз ёшларини артмоқчи, юпатмоқчи бўлдим. Лекин жойимдан қимир этолмасдим, оёқларим ерга михпарчин этилганди гўё. Бор товушим билан бақирдим, лекин Муаттар товушимни эшитмас, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Иложисизликдан нима қилишимни билмай, яна унга талпиндим. Муаттар эса шахт билан ўтирилди-ю, тез юрганича мендан узоқлаша бошлади. Телба шамол унинг майдада гулли чит кўйлагини тортиб ўйнар, қирқта ўрилган тим қора соchlари белида тўлғонарди. У тобора узоқлашиб, кўм-кўк туман бағрига сингиб кетмоқда эди.

«Кетма, Муаттар!» Овозим бўғилгудай қичқирдим ва худди шу аснода аллақандай кўзга кўринмас бир куч мени қаттиқ силкита бошлади. Чўчиб кўзларимни очганимда тепамда Усмон турар, рота сафга тизилган, қисқа-қисқа буйруқлар янгарди.

– Тур-е, кунда! Одам ҳам шунчалар қаттиқ ухлайдими?! Муаттар, Муаттар, деб бўкиришини қаранг. Ҳозир командир Муаттарни кўзингга кўрсатади. Бўл тезроқ! Тревога ! Режим!

– Апил-тапил кийиниб, сафга югурдим. Командир бир ўқрайди-ю, ҳар қалай, жазоламади. Йўлга тушдик.

Чўл осмони мусаффо, юлдузлар фужон ўйнаб, ёрқин нур сочишар, ана шундай ҳаво очик тунларда совуқ янада авжига минарди.

Тунги соат 2, уйқунинг айни ширин пайти бўлганидан, кўпчилик аскарлар кўзлари юмуқ ҳолда қадам ташлашар, мен эсам ҳамон Муаттар билан бўлган сухбат таъсирида эдим. Бу учрашув фойибона эканлигига ишонгим келмас, кўзларим йиртилгудай бўлиб поёнсиз зулмат қаъридан Муаттарнинг гўзал сиймосини излардим. Унинг кўзлари ҳам, қирқта ўрилган соchlари ҳам тун рангида, уларни қоронги тундан ажратолмасам не

ажаб? Муаттарнинг юзларини яна кўраман, дея астойдил ишондим. Ана шу ишонч туфайли шамолнинг дилгир увиллашини, киприкларимга инган музни унутдим. Икки соатлардан сўнг режим хизмати белгилаб берган жойга етиб бордик. Ҳар ер-ҳар ерда гулханлар ёқилди, чўлни чумолидек босган гарнizon аскарлари олов атрофига тўпландилар. Суҳбат авжига чиқди Ҳамманинг оғзида «Геркулес», «Инқилоб» сўzlари эди. Командирлар ҳар замонда соатларига бетоқат назар ташлаб қўйишарди.

Ниҳоят юлдузлар бирин-кетин хиралашиб, уфқ қирмизи тус олди. Олисда оппоқ шамдек бўлиб турган ракета – «Геркулес» кўзга ташланди. Ҳамманинг нигоҳи уфққа қадалди.

Бойқўнирнинг телба шамоллари онда-сонда ёғадиган қор чўлни бир текис оқартиришига йўл қўймас, ястаниб ётган қумликлар қуруқ дастурхондек оқ, сариқ, кулранг товланиб ётар, бу олачалпоқ хилма-хиллик аро «Геркулес» фоят улуғвор кўринарди. «Геркулес»га маҳлиё бўлиб, орадан қанча вақт ўтганини билмай қолдим.

Бирдан уфққа фоят кучли қизил аланга «лоп» этди. Гумбураш ер-у кўкни ларзага солди. Чўл жуда ёришиб кетди ва қуюқ тутун, олов селига чулғангандек ракета баландга кўтарила бошлади. У баландлаган сайин гумбураш кучайиб борар, назаримда ер ёрилиб кеттүдек эди. Бепоён қумликлар, уларга қўшилиб бутун вужудимиз титрар, айниқса, тиззалар қалтироғини босиш қийин эди.

«Геркулес» бир неча сония тикка парвоз этди, сўнгра кутилмаганда қиялай бошлади ва кўп ўтмай, кўз зўрға илғайдиган тўлқинсимон барханлар ортига қулақ тушди. Аввалгисидан ҳам даҳшатлироқ гумбураш қулоқни қоматга келтирди. Ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетди. Бир оз фурсатдан сўнг «Ана сенга, Геркулес», ана сенга инқилоб хитоблари янгради. Командирлардан бири ўзи ҳам ишониб-ишонмай изоҳ берди

Белгиланган траекториядан чиқиб кетгани учун радио орқали команда билан ўзлари портлатиб юборишиди. Уни энди бошқариб бўлмасди.

Аскарлар орасида ғала-ғовур бошланди. Портлаш сабабларини ҳар ким ўз билганича изоҳларди. Командирлар бақириб-чақириб, ғовурни босмоқчи бўлишар, лекин уларга ҳеч ким қулоқ солмасди. Атроф ёришиб, ракета қулаб тушган ерга ҳосил бўлган тўқ жигарранг тусдаги улкан қўзиқорин кўзга яққол ташланганида, ғала-ғовур янада кучайди. Чунки ядро бомбаси портлаганида айнан шундай қўзиқорин пайдо бўлади, деб бизга кўп марталаб уқтиришган эди.

Аскарлар орасида ваҳима бошланди. Битта-яримта асаби бўшлар йиғлаб юборишиди. Шунда ердан чиқдими, осмондан тушдими, билмадим, қаршимизда юзлари қип-қизариб кетган режим хизмати бошлифи, полковник Лаухин пайдо бўлди. Жуда хунук башараси учун биз ўзбеклар тилида унинг маҳфий лақаби «иблис» эди.

– Молчать!!! Не пониковать!!! Нюни распустили! Солдаты, защитники называются вашу мать! – чўлни бошига кўтариб бўкирди полковник қўзларини ола-кула қилиб, унинг ракета гумбирлашидан паст бўлмаган овози ҳаммани ўзига келтирди. Жимиб қолдик.

Лаухин ҳам ўзини сал босиб олиб, тушунтира бошлади:

– Ну – «Геркулес» типидаги ракета, унинг ҳеч қанақа ядро заряди йўқ. Фақат, ана шу қўзиқорин шаклини олган ёқиғиси заҳарли. Уни тўйиб ҳидлаган одам зурриёдсиз қолиши мумкин. Бахтга қарши, Шимолдан эсаётган шамол ана шу ёқиғи портлашидан ҳосил бўлган газларни биз томонга ҳайдаяпти. Шу боис жанубга қараб 2-3 соат югуришимизга тўғри келади.

Командирларимиз яна тилга кирдилар. Қисқа-қисқа командалар янграй бошлади. Чўлни мўр-малаҳдек босган аскарлар жунбишга келди, нари-бери сафланди. Ҳаммамиз оёқни қўлга олиб, йиқилиб-турив югура бошладик. Буни агар бирор четдан кузатса, фаройиб манзаранинг гувоҳи бўларди, эҳтимол. Лекин ўшандада ҳамманинг фикри-зикри лаънати қўзиқориндан мумкин қадар узоқроқ қочишда эди. Биз орқа-ўнгимизга қарамай жон-жаҳдимиз билан югурадик.

Кўп ўтмай қора терга ботдик. Чўлни ҳарсиллаш, асабий сўкинишлар босиб кетди. Пахтали шим, пиймаларда югуриш тўрнинг азоби эди. Сафларнинг энг охирида қўйларни ҳайдаётган чўпондек бўлиб секин юраётган «УАЗ» машинасида полковник Лаухин келар, ундан бўлак неча минглаб кишининг ҳаммаси пою пиёда эди.

Биз 2–3 соат эмас, қарийб тушгача, ўша лаънати қўзиқорин борган сари катталашиб, бўшлиққа сингиб кетгунга қадар оёқни қўлдан қўймадик. Неча мартараб йиқилиб-турганимиз ёлғиз худога маълум. Охири ҳамма ўзини қор босган явшонлар, янтоқлар устига тап-па-таппа ташлади. Шу қадар ҳолдан тойган эдикки, ҳеч кимнинг қимирлашга мадори йўқ эди. Тўда-тўда ётган аскарлар узра тамакининг енгил хушбўй туруни суза бошлади. Сал ўзларига келиб улгурган йигитлар ҳазил-мутойибани бошладилар. Ҳазил-хузулнинг ўткир тифлари йиглаб юборган аскарларга қаратилган, улар ҳам ўз-ўзларидан кулишарди. Усмонни эсладик. Ротада соқчиликда қолиш унинг чекига тушганди. Бутун чўл даҳшатидан остин-устин бўлганда, учиш майдон-часидан шундоқ, 5–6 чақирим берироқда казармада бечора Усмоннинг ҳоли нима кечди экан?

Кечга томон оёқларимизни зўрфа судраб қисмга кириб келдик. Казарма эшиги ёнида бизни қаршилаган Усмоннинг чеҳраси аянчли эди.

– Нима, жудаям қўрқиб кетдингми, Усмон? – сўрадим мен.

– Қўрқиши ҳам гапми, ўлиб қолай дедим. Шошганимдан аввалига газниқоб кийишини ҳам унутибман.

Зарари йўқ, – гапга аралашди Самад, «жуда нари борса, зурриёдсиз қолишинг мумкин экан, «иблис» шунаقا, – деди.

Усмоннинг ҳазиллашадиган ҳоли йўқ эди. Самадни жеркиб берди:

– Ҳе, оғзингдан ел олсин! Ўзинг шу ерда бўлганингда кўтардим аҳволингни. Зурриёдсиз қоласан эмиш, ундан кўра ўлганим яхши эмасми?

– Бўлди, узр, жўражон, – муроса қилди Самад, – ҳалиям юрагинг отнинг калласидай экан. Бизнинг ёни-

миздаги айрим хезалаклар қўрқувдан бўкириб юбо-ришиди-ю...

Биз Усмонни юпатиш билан овора эканмиз, ротада гала-ғовур бошланди. Ҳамма бир бўлиб, эркатойимиз Василий Михайловични изларди. Вася эса ҳеч қаерда кўринмасди.

Мушук топилавермагач, йигитлар Усмонни айблай кетишиди.

– Ерга кириб кетмагандир-ку, наҳот кўрмаган бўлсанг?

– Ўлай агар, – қасам ичарди Усмон, – ўша, сизларни кузатиб чиққани, казармага қайтиб келгани йўқ. Ўзим ҳам уни узоқ изладим.

Бутун рота гуруҳ-гуруҳ бўлиб Васяни излай бошладик. Қисмнинг биз бормаган бурчаги қолмади. Ҳамма ёқни афдар-тўнтар қилдик. Василий Михайловичдан дарак йўқ эди.

Ҳаммамиз бу штаб бошлиғи Василий Михайлович-нинг ўчи эканини юрак-юракдан ҳис этсак-да, севими муштугимиз қурбон бўлганига ишонгимиз келмасди.

Орадан уч кун ўтди. Қисм чўчқаҳонасига гўнг то-залагани борган аскарлар Васянинг тарашадай қотиб қолган мурдасини топиб келдилар. Жонивор икки ўқ билан отиб ўлдирилганди.

### III ЛОЖУВАРД ОСМОН

Тинкамизни қурилган қаҳратоннинг куни битиб, баҳор келди. Ўркач-ўркач барханлар сийнаси илиб, ҳаво келинчак бўсасидай ҳарорат оди ва биз, иссиқ ўлка фарзандларининг анча жонимиз кириб қолди. Қизил, ним пушти, оч-сариқ чўл лолалари тупроқдан бош кўтардилар. Қиши бўйи ўзининг ғариб манзараси билан юракларимизни эзган ҳудудсиз кенгликлар ям-яшил тус олди.

Чошгоҳ. Осмон шу қадар беғубор, кўм-кўк эдики, тикилиб қараганда кўз тинарди. Тобора баландаётган қуёш нурларига тўла чўл мавжланарди. Мен ва Самад

10-майдончада топшириқни бажарып, ўз қисмимизга, 95-майдончага қайтиш учун назорат-текширув пости ёнида машина кутардик. Постдаги сержант ва аскарлар ҳужжатларимизни текшириб, уларнинг тўғрилиги-га ишонч ҳосил қилишгач, машина тўхтатиб беришга ваъда қилдилар.

Сабр-тоқат билан кута бошладик. Машинадан эса ҳадегандада дарак бўлавермади.

Осмон ҳам, қуёш ҳам тобора юксалиб борар, барқутдек ял-ял ёнаётган чор-атроф кўзни қамаштирас, баҳор ҳидига тўла эпкин димоқни қитиқдарди. Бир маҳал қарасам, Самад елкасидан сафар халтасини ҳам олмай, ўтирган жойида пинакка кетибди. Уни уйғотиб юбор-маслик учун секин ўрнимдан турдим-да, шлагбаум ёнида турган сержант билан чақчақлаша бошладим..

Худди шу пайт оппоқ «Волга» шлагбаум теккудек бўлиб қаттиқ тормоз берди. Сержант ҳайдовчининг ҳужжатларини текшираётганда машинанинг орқа эшиги очилиб, ундан оппоқ кийинган бир қиз тушди.

Ҳужжат текшираётган сержантнинг ҳам, менинг ҳам оғзим очилиб қолди. Қизнинг қошлиари қайрилма, қўнғир-қора соchlари ёрқин юзларига ярашиб тушганди. Эгнида оқ ҳарир кўйлак, билагига қора сумкача осиб олганди.

Сержант ҳайдовчининг ҳужжатларини қайтариб бериб, тўлин ойдек нурланиб, бизга нимтабассум билан боқиб турган қизга мурожаат этди:

– Марҳамат қилиб ҳужжатларингизни кўрсатсангиз.

Қиз янада беғубор жилмайди.

– Ҳужжатларимми, жоним билан!.. Мана!

Қиз сумкаласидан қизил рангли гувоҳнома олиб, сержантга узатди. Унинг овози ўзидан-да чиройли, ёқимли эди. Сержант сурати девор бўлиб, гувоҳномани қўлига олди, бир унга, бир қизга қаради-да, қайтариб берди. Сўнг секингина сўради:

– Сиз полковник Дубининнинг кимлари бўласиз?

Қиз қувлик билан чиройли кўзларини сузди.

– Бу ҳарбий сир, лекин майли, сизга айтганим бўлсин. Полковник Дубининнинг қизиман.

Қиз шундай деди-да, лабларидә ўша ақд шоширувчи табассум билан машинаға ўтири. Сержант шлагбаумни күттарди. Машина ўрнидан қўзғолди. Қиз ойнадан қўлини чиқарип биз билан хайрлашган бўлди.

Анчагача ҳар иккимиздан ҳам садо чиқмади. Қиз бизни сеҳрлаб, ерпарчин қилиб кетганди. Охири сержант тилга кирди:

– Полковник Дубининни танисанг керак?

– Таниганда қандоқ, сиёсий бўлим бошлигини танимай бўларканми?

– Эй, худойим, – деди сержант чуқур «уф» тортиб, – одам боласи ҳам шунчалик чиройли бўладими? Бунаقا гўзал қизни умрим бино бўлиб бирингчи қўришим.

Қиз таърифи билан банд эканмиз, ёнимизга улкан «Урал» машинаси келиб тўхтади. Сержант ҳайдовчинг ҳужжатларини текширгач, менга «мана шу машинада кетасизлар», деди. Дарҳол бориб Самадни уйғотдим.

...Машина бир маромда гувиллаш билан олис йўл танобини тортар, асфальтдан кўтарилаётган иссиқ ҳовур кўнгилни беҳузур қиласарди. Самад кўзларини бир нуқтага тикиб, жим ўтирап, мен эсам бундан бир неча дақиқа олдинги учрашув хаёли билан банд эдим. Оддимиздан оққушдай учиб ўтган қиз ва Муаттар ўртасида ўхшашлик излардим.

Шу тахлит қанча йўл босдик, билмайман, бир вақт Самад ҳузур қилиб эснади-да, менга қараб жилмайди.

– Ҳа, нега бунча пишган калладек тиржаяпсан?

– Эҳ, – ширин тамшанди Самад, – биласанми, тушибимда оппоқ ҳарир кўйлак кийган бир паризодани кўрдим, соchlари узун, қар-қарали қалпоқ кийган эмиш-у, негадир русча гапирамиш. Ҳайрон бўлдим, бизнинг паризодлар русча гапирмасди шекилли?

Мен кулиб юбордим:

– Ўргилдим, уруслабон паризодингдан! Сен уни тушингда эмас, ўнгингда кўрдинг-ку! Машина кутаётганимизда, пост ёнидан паризоддан ҳам чиройли бир қиз ўтиб кетди, ўшани айтаяпсанми?

Самаднинг аччиғи чиқди.

– Нима, мени жиннига чиқармоқчимисан? Мен ўнгимда қиз-пиз күрганим йўқ. Тушимни айтаяпман сенга!

– Самад, тушунсанг-чи, ҳеч қанақа русча гапирадиган паризод йўқ, фақат ўша қизнинг ҳужжатлари ни текширишаётганда у сержант билан бир муддат гаплашди. Мудраб ўтирганингда шу гаплар қулогингга чалинган бўлса керак.

Самад ҳайрон бўлиб елка қисди. У паризоднинг ўнг эканига, мен эсам туш эканига ишонмасдик. Ҳар иккимиз ўз сўзимизда туриб олгандик.

Шу аснода машина қаттиқ бир силкиниб тўхтади. Қисмимизга етиб келгандик.

– Сен нима десанг дегин-у, лекин мен у паризодни тушимда кўрдим, – деди Самад машинадан тушганимиздан сўнг.

У маъюс тортган, овози ҳам ғамгин эди. Мен индамадим. Самаднинг юрагида қаттиқ соғинч, андуҳ уйғонганини сезиб туардим, ўзим ҳам шу учрашув туфайли Муаттар тўғрисида зўр бериб ўйлаётгандим. Ундан ҳамон хат олганим йўқ эди.

Казармади «базми жамшид»нинг устидан чиқдик: йигитлар таътилдан қайтиб келган Шерназарни қуршаб олиб, у келтирган олма, анор, майиз, туршак ва яна алланималарни ҳафсала билан, пок-покиза туширмоқда эдилар. Шерназар оғзи қулоқ-чаккасида, уларни мамнун кузатиб туарди. У биз билан қучоқлашиб кўришди ва даврага таклиф қиди. Самад иккимиз ҳам енг шимариб, «ишга киришдик».

Жомадоннинг таги кўриниб қолгач, йигитлар Шерназарга янги куч билан савол ёғдира бошладилар. Ризо эса бизнинг даврага кечикканимизни назарда тутиб изоҳ берди:

– Жамол, Самад! Шерназарни табриклаб қўйинглар, бу хумпар, ўн кун таътилга бориб, уйланиб қайтибди.

– Э, қойил, шу гап ростми, Шерназар?

– Ҳа, энди, шунақа бўлиб қолди, – деди Шерназар оғзининг таноби қочиб. – Отам ҳамма тайёргарликни кўриб қўйган эканлар, борганимдан сўнг уч кун ўтгач, тўй бўлди. Келин ўз қариндошим.

Шерназар кўқрак чўнтағидан авайлаб бир сурат олиб, бизга узатди. Суратда 17–18 ёшлар чамасидаги, атлас кўйлак, ироқи дўппи кийган дўндиққина бир қиз нимтабассум билан қараб турарди.

«О-о-о, зўр-ку, дидингга қойил, Шерназар!» хитоблари янгради.

Аскарлар уйланиш, чимилдиқ ва ҳоказоларни ипидан-игнасиғача суриштира бошладилар. Бахтдан сархуш Шерназар ҳаммасига эринмай, соддалик билан жавоб берар, илмоқли саволлардан хафа бўлмай жилмайиб қўярди.

– Хў-ў-ўш, уйланиш яхши эканми? – сўрайди бир неча овоз бирваракайига.

– Яхши экан, жўралар, жуда маза! – дейди Шерназар ширин энтикиб.

– Нимаси яхши, нимаси маз-за? – гувиллайди овозлар.

– Шу, ҳаммасиям яхши-да, чимилдиқ, юмшоққина ўрин... Чимилдиқни овқатга тўлдириб қўйишида, писта-бодом дейсанми, майиз-у новвот дейсанми... – Шерназар эринмай чимилдиқда еган овқатларини санайди.

– Сен чимилдиқда фақат овқат едингми ёки бошқа бирор иш ҳам қилдингми? – унинг жигига тегмоқчи бўлишади йигитлар. Шерназар хафа бўлмайди, сухбатни давом эттиради.

– Янгаларчи, янгалар пойлоқчилик қилишмадими? – яна саволга тутамиз бир ҳафталик кўёвни.

– Пойламоқчи бўлишганди, мен уларга дангалини айтиб қўя қолдим. «Ҳой, янгалар, мен аскарман, Қозоғистоннинг чўлида ракеталарга пойлоқчилик қилавериб, жуда уста бўлиб кетганман. Уларнинг инжиқлиги бир қизникидан қолишмайди», дедим. Кейин бизни тинч қўйишиди. Энди, янгалар менга бегона эмас-ку, ҳазилни тушунишади-да, – деди Шерназар.

Шерназарнинг хатти-ҳаракатлари бир оз ўзгарган, у бизга «сенлар ҳаётда ҳали нимани қўрибсанлар» қабилицада сал баланддан назар ташлаб қўярди.

Шу оқшом биз, бўйдоқлар куёвлик баҳтига муюссар бўлган бу содда, тўпори йигит билан жуда узоқ сухбатлашдик.

Орадан кўп ўтмай, бўлинмамиз мусаффо, салқин тонгларнинг бирида чексиз қум уммонининг 191-майдонча аталмиш тўшасига етиб келди. Биз деворларидан ҳур-ҳур шамол ўтиб, тунда томидан юлдуз кўринадиган бир чордеворга жойлашдик. Чордевор бу ердан юз қадам нарида жойлашган 191-жанговар қитъаларро ядро ракетаси комплексини барпо этиб, яқинда жўнаб кетган ҳарбий қурувчилар ротасининг вақтинчалик манзили экан. Кулол мундида сув ичади деганларидек, саноқли дақиқалар мобайнида Америка қитъасига ета оладиган замонавий жанговар ракета комплекси барпо этган ҳарбий қурувчилар яшаган, энди биз истиқомат қилишимиз лозим бўлган маскан чўчқахонадан кам фарқ қиласди.

Бу ўринда жанговар ракета комплекси ҳақида сизда тасаввур ҳосил бўлиши учун, қисқача маълумот беришимга тўғри келади.

Жанговар ракета комплекси ер қаърига 40–45 метр кириб кетган «стакан», унга туташ неча ўнлаб ер ости хоналари, электр станцияси ва бошқа ёрдамчи хизматлар учун керакли ускуна, анжомлардан иборат. Хоналарнинг бир қисми ракетани учирашга, бир қисми ер ости навбатчилигидаги аскарларга хизмат қиласди. Хоналарнинг бирида ракетани учирувчи кнопкa жойлашар, унинг ёнида офицерлар туришар ва бу ердан Москва, Бош штаб билан тўғридан-тўғри алоқа мавжуд эди. «Стаканда» эса, бизга душман мамлакатнинг қайсиdir шаҳрини бир неча дақиқада кунпаякун қилишга қодир ракета сақланарди.

Ҳикоя қилаётганларим оддий аскарнинг ақли етиб, кўзи илғаган нарсалар. Совет фани, ҳарбий техникасининг энг сўнгги ютуқларига асосланган бу даҳшатли қирғин қуроли ҳақида батафсил маълумот бериш ўша соҳа мутахассисларининггина қўлидан келади, холос. Менинг вазифам ва илинжим эса, қуролланиш пойгасининг азобларини елкаларида кўтарган оддий ўзбек аскарларининг кечинмаларини кўрсатишдан иборат.

Хуллас, Бойкўнирнинг энг олис гўшасидаги 191-майдонча қуриб бўлинган, лекин ҳали унга жан-

говар ракета ва каллак қўйилмаган, ана шу вазифани амалга ошириши лозим бўлган ҳарбий ва фуқаро мутахассисларга бўлинмамиз кўмаклашиши керак эди. Биз асосан қора ишларни бажаардик.

191-аталмиш бу лаънати майдонча қисмимиздан неча юз чақирим олисда бўлиб, хат-хабар 20 – 25 кунда бир маротаба олиб келинар, боз устига, қорин тўйдириш аҳволи ҳам ҳаминқадар эди.

Тўрт томон яйдоқ чўл. На кино, на хат-хабар, на газета-журнал бор. Кучимиз фақат тўртта-бешта бўлиб, чақчақлашишга етар, суҳбатларнинг асосий мавзуи уй, бош қаҳрамонлари юрагимизга яқин кишилар эди.

Ундан хат-хабар жуда кечикиб келиши бизни зериктирас, айниқса, хотинидан анчадан бери мактуб ололмаётган Шерназар жуда сиқиларди.

Аввалига йигитлар унинг қийиналаётганига унчалик эътибор қилишмади. Лекин орадан икки ой ўтиб, ҳам Шерназар хотинидан хат олмагач, уни очиқдан-очиқ мазах қилишга ўтдик.

Хотин зоти нима эканини ва бу мавжудот вақти келиб, айрим шўрлик эркакларни не қўйларга солиши мумкинлигини ўшандада билмаган биз, бўйдоқлар бечора Шерназарни йифлатардик.

– Нима, у сенинг юзингдан ой кўрибдими, бирортасининг этагини тутиб кетгандир-да... – дердик биз.

– Уйга борсам уни нима қилишни, ўзим биламан, – дерди Шерназар бўғилиб.

– Хў-ў-ўш-ш? Нима қиласан?

– Ўзим биламан, ўзим, аҳмоқлар, эш-шаклар, ваҳшийлар! – Шерназар ҳўнграб йифланча даврадан қочиб кетар, кеч тушганча чўлда тентираб юрар, ҳатто, айрим пайтларда кечки овқатга ҳам келмасди. Биз уни қийнаб ҳузур қилардик. Лекин ўз навбатида, таниш қизлардан хат ололмаётган бошқа йигитлар, жумладан, ўзим ҳам фамгин тортардим ва мен Шерназарни юпатишга ҳаракат қилардим. Шерназар юпанмас, тонггача «уф» тортиб, ўринда ағанаб чиқарди.

Ниҳоят, 191-майдончадаги ҳаётимизнинг учинчи ойи охирларида Шерназар хотинидан бирданига бир

даста хат олди. Биз Шерназар қувончдан эсини йўқотиб қўяди ёки яна йиглаб юборади деб ўйлагандик. Йўқ, Шерназар синикқина жилмайиб, мактубларни олди-ю, чўнтағига солиб, биздан нари кетди. «Қани, ўқи-чи, хотининг нима ёзибди?» деган саволларга парво қилмади. Шундан сўнг хизмат тугагунча, у бирорвга кўнгил очмади. Оломон унинг қалбидаги энг соф, энг бокира туйгуларни ҳақоратлаган, топтаган эди...

#### **IV** **ЖИЙДА ГУЛЛАГАНДА**

Бу қайсиdir генералнинг маст-аласт буйруғи эдими ёки мақтанчоқдигими, билмайман. Май ойининг ўрталарида биринчи рота аскарлари кўч-кўронни кўтариб, машиналарда бир кеча-кундуз тўхтовсиз йўл босиб, Сирдарёning овлоқ соҳилига етиб келдик. Соҳилдаги жийдазорлар чунонам қийғос гуллаган эдики, дарёдан эсаётган эпкинга қўшилган муаттар ҳид кишини маст этарди. Мен ҳозир ҳам ўша кунларни эсласам, димогимда жийда гули ҳидини туйгандек бўламан.

Биз, қўлига ҳатто болта ушламаган аскарлар каттапар ва уларнинг болалари учун ёзги қўналга барпо этишимиз керак экан. Бизни шу ишга йўллаган бошлиқ ҳар қанча арақзада бўлмасин, аскарларнинг эмас, балки ўз фойдасига «адашар», янада аниқроқ айтадиган бўлсак, «бilmасанг – ўргатамиз, истамасанг – мажбур қиламиш» шиорининг ғоят ширин ижроси эди бу. Начора, армияда буйруқлар муҳокама этилмайди. Ҳатто улар аҳмоқона бўлса-да. Бизга берилган буйруқнинг ҳам аҳмоқона эканлиги тезда билиниб қолди.

Соҳилда 8-10 кишилик чодирлар тиклаб, жойлашиб олдик-да, ишга киришмоқчи бўлдик. Лекин иш қаерда дейсиз? Болта топилса, мих топилмас мих топилса ёғоч йўқ эди. Устига-устак, орадан уч кун ўтиб, ўзимиз билан олиб келган қоқ нон ва консервалар тугагач, оч қола бошладик. Қисмимиз неча юз чақирим олисда, алоқа қилишнинг иложи йўқ, бизни олиб келган машиналар ўша куниёқ ортига қайтганди.

Офицерлар алоҳида чодирга ўрнашиб олиб, дарёдан лаққа балиқ овлаб, арақхўрлик қилишарди. Бу шўрликлар қисмнинг инжиқ командирлари ва улардан ҳам инжиқроқ хотинларидан вақтингча қутулганларига шукур қилар эдилар. Биз ҳам Бойқўнғир ҳудудини вақтингча бўлса-да, тарк этганимиздан шод эдик.

Улар пиширган балиқ шўрванинг хушбўй ҳиди соҳилини тўлдирап, очлик азоб беряётган аскарлар дарёning лойқа тўлқинларига тикилиб, паловхонтўра, тухумбарак, нўхат шўрва ва яна аллақандай тансиқ таомлар тўғрисида хаёл сурардилар. Командирларимизни хасисликда айблаб бўлмас, 5–6 кишига мўлжаллаб пиширилган шўрвани юз кишига етказишнинг сира иложи йўқ эди.

Чўнтағида озроқ пули, ҳаётий тажрибаси бўлган аскарлар темир йўл бекатига қатнаб, амаллаб қорин тўйдирап эдилар. Лекин аксарият аскарларда пул ҳам, тажриба ҳам йўқ эди. Уруш тугаганидан сўнг 4–5 йил ўтиб туғилган бизнинг авлод очликнинг ҳақиқий башарасини билмасди. Бу ерда унинг машъум кўланкаси бус-бутун намоён бўлди. Ҳамма жой тўкин-сочин паллада оч қолиш жуда ёмон бўларкан. Орамизда бўйи ики метрга яқин, бир ўтиришда 4–5 кишининг овқатини туширадиган россиялик азamat йигитлар кўп эди. Уларнинг очликка чидаши айниқса қийин бўлди. Бечоралар жийдазорларни ағдар-тўнтар қилиб, юмронқозик тутиб олардилар-да, янтоқ оловида «кабоб» пишириб пок-покиза туширадилар.

Хайриятки, ҳар қандай тубан одамлар орасида ҳам бир-ярим инсофлиси учраб туради. Рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Ежов шундай одам экан. У бир неча-кундуз темир йўл бекатида қолиб кетиб, озроқ макарон топиб келди ва дарёning лойқа сувида қайнатиб, бизни сийлади. Лекин лейтенантнинг яхши ният билан қилган иши бизни баттар азобга қўйди. Йигитлар ёппасига қоринларини чанглаб қолдилар. Жуда аҳволи ёмонлашганларни лейтенант арақ билан даволашга мажбур бўлди.

Охир-оқибат, очликдан силласи қуриб, серрайиб қолган болалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, темир йўл бекатига

туташ, Хархут номи билан аталадиган қозоқ овулига қатнай бошладилар. 10–12 пахса уйдан иборат ночор, қашшоққина овул юздан ошиқ аскарни баҳоли қудрат боқа бошлади.

Соҳилдаги ҳаётимизнинг учинчи ҳафтасида бизни эслаб қолишиди чамаси, кунларнинг бирида, офтоб ботар маҳал қисмдан озиқ-овқат ортилган машина келди. Кабинада қип-қизил юзлари арақ зарбидан бужмайган, чўмичдек бурни кўкрагига тегай-тегай деб турган маст-аласт интендент хизмати капитани армани Бабаян ўтиради. Уни кўриб, кўнгилларимизга ёқилган чироқ сўнгандек бўлди. Чунки аскарлар нонини тия қилувчи энг катта каламуш шу муттаҳам эканини ҳаммамиз яхши билардик. Лекин тия қилинган бўлсада, ўз нонингга нима етсин? Капитаннинг буйруғи билан машинадан нон, мой, бошқа озиқ-овқатларни бир зумда туширдик. Энг охирида бир қути арақни офицерлар чодирига элтиб қўйдик. Кейинчалик етиб келган миш-мишларга қараганда, лаънати Бабаян бизга тегишли озиқ-овқатларнинг ярмидан кўпини йўл-йўлақай сотиб, пулини чўнтакка урган, командирларимиз оғзини мойлаш учун бир қути арақ олиб келган экан.

Шундан сўнг, аскарнинг нони кўр қилгур Бабаян ва командирларимиз яна икки кечакундуз кўз очмай, арақҳўрлик қилдилар. Биз ҳам қорнимиз овқатга тўйганига хурсанд эдик.

Мен жийда гуллари ҳидига фарқ бўлган соҳилда соатлаб ўтириб, бўтана тўлқинлардан кўз узмасдим. Баъзан дарё ёқалаб узоқ-узоқларга кетардим. Сир соҳилининг бетакрор гўзаллигига энди ошно бўлаётган эдим.

Саҳармардонда ҳаммадан один уйғониб, оқимга қарши бир чақиримча йўл босиб, дарёнинг бурилиш ерига етиб олардим-да, тик қирғоқда тарвақайлаб ўсган қари жийда остидаги тошга ўтириб, қуёш чиқишини томоша қиласдим.

Бу пайтда ҳаво жуда мусаффо, ҳамма ёқ сокин, сатҳида майда тўлқинлар юргилаётган дарё жи-мир-жимир оқиб ётарди. Уфқ аввал ложувард, сўнг қонталаш тус олиб, тўлқинлар ол рангга бўялар, катта-

кон қызил олмадек қүёш сув узра секин-аста күтарила бошларди. Бу манзарага маҳлиё бўлиб, соҳилда чош-гоҳча қолиб кетардим.

Менинг тонгда фойиб бўлишларимни ротада ҳар ким, ҳар хил баҳолар, кўпчилик қорин тўйдиргани Хархутга кетган, деб ўйларди.

Кунларнинг бирида, қари жийда тагига энди ўрнашиб олган ҳам эдимки, лейтенант Ежов келиб қолди. У, афтидан, мен билан изма-из келганди. Истар-истамас ўрнимдан турдим.

– Салом бердик, ўртоқ оддий аскар! – деди у қўлинни чаккасига олиб бориб.

Индамадим.

– Хўш, – деди Ежов, – бу ерда нима қилаётганингни билсан бўладими?

– Бўлади, – дедим мен. – Қўёш чиқишини томоша қиляпман.

– Қўёш чиқишини чодир ёнида томоша қилсанг ҳам бўлади-ку. Бунинг устига, лагерни бизнинг рухсатимизсиз тарк этишинг ҳарбий интизомни бузиш ҳисобланади, – деди сиёсий ишлар бўйича ўринбосар.

– Майли, интизомни бузган бўлсан, жазоланг, – дедим жойимга қайтиб ўтирап эканман.

– Қўйсангчи, гап сени жазолашда эмас, фақат ҳар тонг йўқолиб қолишинг мени ажаблантирди. Энди билсан, табиат ошиғи экансан. Тўғрисини айт, шоир-поир эмасмисан ишқилиб, – деди лейтенант жилмайиб, ёнимга келиб ўтирап экн.

– Ҳозирча шоир эмасман, лекин шоир бўлиш ниятим бор.

Ежов «уф» тортди. Иккимиз ҳам бир муддат жим қолдик. Дарёдан енгил шабада эсар, нариги соҳилдан қўй-қўзилар маъраши эшитиларди.

– Эҳ, агар билсанг, мен ҳам бир вакълар бинойидек шеърлар ёзар эдим. Айримлари газетада ҳам босилган. Турмуш ташвишлари билан бўлиб, ҳаммасини йифиштирдим. Шеър ёзиш билан тирикчилик ўтказиб бўлмас экан. Ўйландим, хотин, бола-чақа, рўзгорнинг қора қозони аста-секин юрагимдан шеъриятни сиқиб чиқарди. Агар

бilsang, rus aёli дунёда энг бардошли, энг жафокаш аёллардан. Лекин шундай нусхалари ҳам учраб турадики, нақ аждаҳонинг ўзи. Ана ўшандайи пешонангга битса, шўринг қуригани, қасдингни арақдан олаверасан ва қарабсанки, қирқقا кирмай, адои тамом бўласан, – деди лейтенант овозида чексиз армон билан.

У 30–32 ёшлар чамасидаги, оқ-сариқдан келган чайир йигит эди. Фақат ич-ичига ботган кўзлари ниҳоятда фамгин, кенг пешонасига эрта ажин тушганди.

Шу тонг иккимиз узоқ суҳбат қурдик. Лейтенант Сергей Есенин, Александр Блок ва Анна Ахматоваларнинг шеърларини ёддан айтиб берди. Айниқса, Ахматованинг «Мен сева оламан» шеърини айтаётганида мовий кўзлари ёлқинланиб, овози титраб кетди.

– Сен баҳтлисан, – деди у елкамга қўл ташлаб, – Шарқ шоирлар юрти. Шарқ шеърияти – буюк шеърият. Сирасини айтганда, Бухоро ва Тошкентда яшаб, шоир бўлмаслик мумкин эмас. Эртаксимон юрtingда мен бир неча бор бўлганман.

Куёш дарё юзини мунаvvар этган, биз соҳил ёқалаб секин-аста одимлардик.

– Тонгги сайрларингга расман руҳсат берилди деб ҳи-соблайвер, – деди Ежов қўналғага етиб келганимиздан сўнг ва бир оз тараддулангач, чодирга кириб кетди.

Ежовнинг руҳсатидан руҳланиб, сайру саёҳатларни тағин ҳам авж олдиридим. Соҳилнинг яқин беш-үн чақирим атрофдаги мен бормаган бурчаги қолмади.

Кунларнинг бири эски қабристонга бордим. Янтоқ босган паст-баланд қабрлар оралаб узоқ тентирадим. Гувиллаб шамол эсар, қабрлардан аллақандай сас келарди: «Ҳой, ўғлон, сен бу ердан нима изляпсан? Қўй, бусиз чирқираётган руҳимизни безовта этма!».

«Йўқ, йўқ, – фикран жавоб қайтардим мен. – Руҳингизга ҳурмат бажо келтиргани келдим-ку!»

Мени ваҳима босди, бу ердан тезроқ кетгим келди. Дарё анча олисда, ярқираб кўзни қамаштириб турарди. Қадамни тезлатдим. «Ҳой, ўғлон!», «Ҳой, ўғлон!» дея гувиллаган овоз ҳамон таъқиб этар, аллаким қуваётгандек эди.

Дарё томонга янада тезроқ югурда бошладим. Бирдан гувиллаш ҳам, мени чорлаётган овоз ҳам тинди олисда чанг-тўзон кўтарилиб, мен томонга қуюндей ела бошлади. Даҳшатли ҳайқириқ, дупур-дупурлар еру кўкни остин-устин қилиб юборди. Оёқни қўлга олиб, дарё томонга югурда бошладим. Негадир, дарё мени бу балодан халос қиласи, деб ўйлардим.

Қанча югурдим, билмайман, бир маҳал дупур-дупур жуда кучайиб, от кишнагани эшитилди. Ўгирилиб қарасам, мени таъқиб этаётган қора қуюн йилқи уюри экан. Сал ўзимга келдим, «ҳар қалай, ажина, арвоҳ эмас, отлар экан-ку!»

Уюр тиккага дарё томон елмоқда эди. Энди мен дарё томон югуришдан тўхтаб, Шимолга қараб чопа бошладим. Бир неча дақиқадан сўнг оппоқ чангга бурканган уюр мендан эллик қадамча наридан елдек ўтиб кетди-ю, қумлоқ соҳилга ўйилиб, сув ича бошлади..

Чанг-тўзон тарқаб, уюр ортидан келаётган, қош-киприклирагача оппоқ гард қўнган отлиқ кўринди. Менинг сувотдан тез узоқлашаётганимни кўриб, узун қамчиси билан «Тўхта!» ишорасини қилди. Тўхтадим, отлиқ менга яқинлашгач, эгардан тушди. Салом бердим. Отлиқ, 65–70 ёшлар чамасидаги қозоқ чол, алик олди-ю, жилмайди.

– Ҳа, ширағим, қўрқиб кетдингми? Қўрқма, йилқи одамни босмайди.

Чол хуржундан кичкина сопол кўзача, пиёла олди-да, унга оппоқ сутдай суюқлик қўйиб менга узатди:

– Иш, ширағим, шубат. Туя сутидан.

Муздай ичимликни ҳузур қилиб симирдим. Ўзимизнинг айронга ўхшаб кетаркан. Пиёлани қайтариб чолга миннатдорчилик билдиридим. У шубатдан ўзиям бир пиёла симирди-да, мени саволга тутди:

– Ўзбекмисан?

– Ҳа.

– Ўзбекистоннинг қаеридансан?

– Бухорданман.

– Ҳа, Пухорданмисан, Пухор яхши шаҳар дейишиади. Ҳеч бормаганман. Ўзи мен Хархутдан бошқа жойни

кўрмаганман, ширағим, – деди чол овозида аллақандай надомат билан. У билан хайларишиб, изимга қайтдим.

\* \* \*

Ниҳоят, 10-майдончадаги амалдорлар бизни бу ерга юбориб, хато қилганларини узил-кесил тушуниб етдилар шекилли, қисмдан чопар келди ва йўл тараддудини кўра бошладик.

Жўнаб кетиладиган кун арафасида, тушдан кейин соҳилнинг ўзимга қадрдан бўлиб қолган гўшаларини кезиб чиқиб, тик қирғоқдаги ўша қари жийда остидан туриб, дарёни сўнгги марта томоша қилмоқчи бўлдим.

...Куёш аёвсиз қиздирап, иссиқ гармседан кўнгил бехузур бўларди. Жийда остига етиб келиб, бир оз дам одим, дарёдан эсаётган шамолга кўксимни тутдим. Гимнастёрка жиққа ҳўл, баданимга ёпишиб турарди.

Дарё сатҳи мени шубат билан сийлаган чолнинг серажин юзига ўхшар, қуёш нури сон-саноқсиз олтин тангачаларга бўлинниб, майда тўлқинлар елкасида оқиб кетарди.

Мен бу манзарага маҳлиё бўлиб узоқ ўтиредим. Сўнгра бирдан аллақандай ваҳима чулғаб олди-ю, қулогимга яна ўша қабристондаги сингари фалати товушлар эшитила бошлади. «Ҳой, ўғлон, биз сенга руҳимизни безовта қилма, деган эдик-ку!»

Кўнглим ғашланиб, атрофга алангладим. Ҳеч ким кўринмайди. Бирдан, тўрт-беш қадам нарида тартиб билан тахлаб қўйилган кийим-бошга кўзим тушди. Сесканиб кетдим. Дарёда чўмилаётган одам кўринмасди. Беихтиёр, кийимлар томонга қадам ташладим. Униқан фуражка, калта енгли лейтенант погонли гимнастёрка, камар, шим, бошмоқдар... Кийимлар лейтенант Ежовники эди. Кўнглим ёмон бир нарсани туйиб, баданим увишди. Тўрт томонга югуриб Ежовни излай бошладим. «Ўртоқ лейтенант! Валентин Александрович! Қаердасиз, Валентин Александрович? – бор овозда бақирадим мен.

Тезда бутун рота оёққа қалқди. Бир неча соат мобайнида чор атрофдаги тўқайзор-у чакалакзорларни

қадам-бақадам кезиб чиқдик. Ежовнинг ўзи тугул, изи ҳам йўқ эди. Йигитлар соҳил ёқалаб, сувга тикилганичча, узоқ-узоқларга бориб келдилар. Хархутдан моторли қайиқда етиб келган қозоқ йигитлари дарё камарларини, нариги соҳил ёқаларини кезиб чиқдилар. Бефойда.

Қоронғи тушди. Кўзларим жиққа ёш, ўз чодиримга қайтар эканман, қулоғимга ўша машъум товуш эши-тилди:

«Йиглама, бекорга бўзлама, ўғлон! Сен излаган йигит аллақачон чўкиб кетди. Унинг руҳи поки биз томонга парвоз этаётир. Ҳа, биз томонга парвоз этаётир!..»

## V БАРХАНЛАР ИЧКАРИСИДА

Узун бўйли, елкалари букчайган, доимо дала ҳарбий кийимида юрадиган, қисм командирининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари майор Кузнецовни аскарлар «Кузя» дейишар, биз, ўзбеклар тилида эса унинг лақаби «пишган калла» эди. У доимо тиржайгандек, тишининг оқини кўрсатиб юрганидан, шу лақабга сазовор бўлганди. Йўқ, у қувноқ ёки нимтабассумга мойил одам эмас, юз тузилиши шунаقا эди, холос. Дарвоҷе, у тишининг оқини кўрсатиб юрарди дедим. Бу унчалик тўғри эмас, чунки майор астойдил истаганида ҳам, тишининг оқини кўрсаголмасди. Кўп тамаки чекканидан тишлари, сигарет ушлайдиган бармоқларигача сарғабиб кетган, юзлари, кўзлари ҳам заъфарон тортганди.

Кузя – Пишган калла жуда кам гапирав, «қўйсангчи, ҳе, онангни сени!»дан бўлак бирор калима сўз билмасди.

Тақдир ўйинини қарангки, сиёсий тайёргарликдан «аъло» баҳо олиб, уйга бориб-келиш учун ўн кеча-кундузлик таътил билан тақдирланганимда, Пишган калла менга жуда меҳрибон бўлиб қолди ва бу дилсўзлик, ҳадя этилган бир сидра оҳори тўкилмаган аскарий сарупо билан ифодаланди. Умрида одам аҳлига бир оғиз яхши сўз айтмаган бу кимсанинг менга кўрсатаётган эътиборидан ҳайрон эдим. Тўғрида, қисм командири

ўринбосари қаерда-ю, эндигина бир йил хизмат қылган оддий аскар қаерда? У мени Тўра Том бекатигача кузатиб қўймоқчи бўлганда, ҳайратим янада ошди. Бу ҳайратга фақатгина поездга ўтириш олдидан чек қўйилди.

– Жорик, – деди Пишган калла ялинчоқ товуш билан елкамга дўстона қўл ташлаб. – Бухоро томонларда топилади, деб эшитаман, менга бир оз наша олиб келсанг... – Майор галифе шими чўнтағига қўл суқиб, бир даста ўн сўмлик чиқарди.

Шу топда унинг башараси ҳақиқатан ҳам куйдирилган каллага жуда ўхшаб кетарди ва унга бу номни қўйган сўзамол йигитларимизга яна бир карра қойил бўлдим.

– Пулнинг кераги йўқ, шундоқ олиб келаман, – дедим талмовсираб.

Қўрқиб кетгандим, ҳар қанча ёш, тажрибасиз бўлсамда, шундай маҳфий манзилга наша олиб келиш Турма Том эмас, ҳақиқий турма билан тугашини билардим.

Шу ернинг ўзида бундай номаълум ишни қилмасликка онт ичдим-да, майорга «Ташвишланманг, албатта, олиб келаман», дедим.

– Олиб келмасанг, ўзингга қийин бўлади, бола, – деди у энди сўз оҳангини ўзгартириб.

Лекин мен Москва-Ашхобод тезюарар поезди бўлмасига киришим биланоқ Турма Томни, лаънати Бойқўнирни, Пишган калла ва ҳамма-ҳаммасини унутдим. Бутун ўй-хаёлим қари отам ва Муаттарда эди.

Қадрдан Бухоро мени биринчи қор билан қарши олди. Деразадан қор ёғишини томоша қилиб, отам билан узоқ суҳбатлар қурдим. Оппоқ сеҳр-жодуга бурканган тоқ-у гумбазлар аро Муаттар иккимиз менинг қора погонларим, унинг қизил рўмоли қордан оқариб қолганча кездик. Аскар топшириқларини бажардим. Ўн кунлик таътил ўн дақиқадек ўтди кетди. Озодликдан Бойқўнирдек улкан аскарий турмага сира қайтгим келмас, лекин бунинг ҳеч иложи йўқ эди. Қисмга қайтиб келганимдан сўнг Пишган калла билан бўлиб ўтган ёқимсиз суҳбат тафсилотини айтиб ўтирмайман. Фақат суҳбат охирида Пишган калла илондай вишиллаб айтган сўзларини эслашга тўғри келади.

– Яхши, яхши, – деди у мен ҳеч нима олиб келмаганимни билгач, – сен түнкага командирни алдаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Лаънати осиёлик!

Командирнинг гаплари суяқ-суягимдан ўтган бўлсада, индамадим. Чунки сиртдан қараганда вақтингчалик ҳақиқат у томонда, мен ваъдамнинг устидан чиқмаган эдим. Аслини олганда эса, у мени жиноятга унdagанини ҳисобга олмаётганди.

\* \* \*

Қиш, баҳор, ўтиб, хизматимизнинг сўнгги ёзи келди. Баҳорда ям-яшил ўт-ўланлар, лолаларга бурканган чўл бир ҳафтага қолмай жизғанак бўлди ва чор-атроф яна кўзни толиқтирувчи сариқ, тўқ жигаррангга бурканди. Бойқўнирнинг қиши қанчалик қаҳрли, қаҳратон бўлса, ёзи шунчалар жазирама, казармалар яқинида етимлардек мунғайган яккам-дуккам гужум, терак дарахтлари соясида ҳарорат 50 даражага етарди. Хизмат қишдагидан ҳам баттар оғирлашди. 95-майдончага сув ташиб келтирилар, шу боис айрим пайтлар юви ниш ёинки ичиш учун бир қултум сувга зор бўлардик ва бизни шу чўлга келтириб ташлагани учун тақдирни лаънатлардик.

Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, Пишган калла мен билан қайта юзма-юз бўлмаган, бирор азият етказмаган, демак, орамиздаги жанжални унутиб юборган, деб ўйлардим. Лекин кўп ўтмай янглишганимни англашим.

...Иссиқ тонгларнинг бирида бадантарбия пайтида уч чақирим масофага югурмоқда эдик. Кимдир оёғимдан чалиб юборди. Қаттиқ мункиб кетдим, юзтубан ийқилишимга оз қолди. Бу бедодликка жавобан, шахт билан ўгирилдим-у, ортимдан келаётган қозоқ йигити Муҳаммаджоновнинг юз-кўзига аралаш қаттиқ мушт туширдим. Муҳаммаджонов додлаб юборди-ю, сафдан чиқди.

– Ҳой, танинг соғми сенинг, мен чалганим йўқ-ку! – деди увой-войлаганча кўзини ушлаб.

Саф бузилди, аскарлар тўзгиб кетдилар. Югуришни истамаётган йигитларимиз учун яхши баҳона топилган эди.

Бадантарбия машгулоти барбод бўлди. Бунинг сабабчиси мен эдим. Муҳаммаджонов мени чалиб юборганини таң олмас, йигитлар ҳақиқий айбдор ким эканини айтишмас, чунки чақимчилик армияда жуда ёмон қусур саналарди.

Муҳаммаджоновнинг кўзи кўкариб, шишиб кетди, воқеадан хабар топган рота командири мени уч кечакундуз авахтага ҳукм этди.

Иш пачава бўлганди. Чунки 95-майдончанинг авахтаси, унинг жуда қаттиққўл коменданти Пчелкин ҳақида даҳшатли ҳикоялар қилишар, устига-устак, қуёш тифидаги товуқ катагидек камераларни кана босган дейишарди. Авахтада ўтирган йигитларни беҳад қийнагани учун комендантура старшинаси Темуршоевни аскарлар уйига қайтишаётганда поезддан улоқтириб юборишиган эмиш. Комендант Пчелкин авахтадаги аскарларни йиқилиб қолгунча югуртиармиш ва ким йиқилиб қолса, қамоқ муддатини яна узайтиармиш... Авахта соқчилари овқатнинг сарасини ўzlари еб, сарқитни қамалганларга берармиш ва ҳоказо...

Ҳамюорт йигитлар кўнглимни кўтаришар, ҳақиқий айбдорни албатта аниқлаб, боллаб таъзирини берамиз дейишар, Самад ва Усмон мени овқат билан таъминлаб туришни зиммаларига олишганди.

Бу орада сержант Харитоновни болохонадор қилиб сўккани учун Ҳасан исмли озарбайжон йигити ҳам уч кеча-кундузлик авахтага ҳукм этилди. Кўнглим бир оз ёришгандек бўлди, чунки Ҳасан жуда шўх, қизиқчи йигит бўлиб, у билан қаерга бўлса ҳам боришига ҳам рози эдим.

Нонуштадан сўнг бизнинг камар ва ҳужжатларимизни олиб қўйиб, энди авахтага жўнатамиз, деб туришганида, саф олдида кутилмаганда Пишган калла пайдо бўлди.

– Командир, – деди у рота командирига юзланиб, – мана шу икки лочинни менинг ихтиёrimга берсанг. Булар учун маҳсус топшириқ бор.

Майор тиржайганича мен ва Ҳасангга ишора этиб турарди.

Улар олдиндан келишиб олган экан шекилли, рота командири ҳам дархол рози бўлақолди ва Пишган калла бизни эргаштириб штабга жўнади. Кўнглим ёмон бир нарсани сезиб, таъбим хиралашди.

– Ҳасан, дўстим, ҳушёр бўл, Кузя бизни ёмон бир балога гирифтор қилмоқчига ўхшайди, – дедим.

– Кўйсангчи, гардаш, у маҳсус топшириқ бор деяпти-ку, – деди Ҳасан соддалик билан қирғий бурнини қашиб.

– Эҳ, тентак, қамалган аскарга қанақа маҳсус топшириқ бўлсин?

Ҳасан «билмасам» дегандай елка қисди. Мен эсам Пишган калла түядек кекчи эканини энди англаб етгандим ва ҳар қандай кутилмаган ҳолатларга ўзимни тайёрлар эдим.

Орадан сал фурсат ўтиб, Пишган калла юк машинаси кабинасига ўтирди-да, бизни теппага чиқишига ундан, шоғёрга «ҳайдা» ишорасини қилди.

Олов селига гарқ чексиз қум уммонида кетиб борардик. Иссик кўнгилни беҳузур этар, қулоғим остида сувнинг шарқираган овози эшитилар, кўзим олдини кўмкўк парда қоплаганди. Бу ўринда шуни эътироф этишим керакки, чўлда хизмат қилган пайтимда, ёзда машинада қаёққа қараб йўлга чиқмайлик, мен қирғофида улкан толлар ўсиб, кўм-кўк сув шарқираб оқиб ётган сой бўйига етиб келамиз, деб астойдил ишонардим. Манзилга етиб боргач, қумга «тап»-«тап» сакраб тушганимиздан сўнг, кўнглим беҳад бузиларди. Қулоғим остида сувнинг шарқираши тинмасди.

– Гардаш, ҳой гардаш, – мени туртди Ҳасан жим кетавериш жонига теккач, – кўп ғам чекаверма, бизни ўлдиришмас ахир, ҳар қалай икковимиз бир-биrimиздан боҳабар бўламиз.

Ярим соатлардан сўнг қисм чўчқаҳонасига етиб келдик. Бу ердаги қўланса ҳид иссиқ ҳаво билан қўшилиб, димоқни ёргудек эди. Чўчқаҳона ҳам номигагина бўлиб, бир неча бостирма ва икки ертўладан бўлак, ҳеч вақо йўқ эди.

Ертўлада уч чўчқабоқар яшар, уларнинг бири дум-думалоқ, сарғиш соchlари пешонасига тушиб туралади.

диган рязанлик йигит Миша Мижуев ротамиз рүйхатида туар, биз билан бир кунда ҳарбий хизматга чақирилганди.

– Лочинлар, – деди Пишган калла Ҳасан иккимизни энг чеккадаги бостирма ёнига бошлаб бориб, – мана шу ерда етмиш қадамлик ёғоч девор барпо этасизлар. Роппа-роса уч кунлик иш. Хоҳланг – кундузи ишланг, хоҳланг – кечаси. Агар айтган муддатда ишни тутатмасангиз, ўзингиздан кўрасиз.

Майор бир ёғоч қути мих, бир болта ва аррани қўлимизга тутқазиб, атрофда уюм-уюм бўлиб ётган, ку chucknинг оёғидек эгри-буғри ёғочларга ишора қилди-да, жўнаб кетди. У биз уч кун нима еб, нима ичамиз, қаерда ухлаймиз, бу ҳақда гапирмади.

Биз аввалига майордан тез ва осон қутулганимизга хурсанд бўлдик. Лекин қўлга болтани олиб, қуёш тифида ярим соатча ишлаганимиздан сўнг дурадгорликдан мутлақо хабари бўлмаган бу одамлар бу ишни бир ойда ҳам тутатолмаслигига амин бўлдик. Боз устига, офтоб уриб, жон таслим этиш ҳам ҳеч гап эмасди.

Уст бошимиз тердан шалаббо, дақиқа сайин сув ичгимиз келарди... Шу тариқа тишни-тишга қўйиб, тушгача ўн қадамча жойга нари-бери девор тикладик. Эгнимизда труси, этик ва панама (Туркистон ҳарбий округи аскарлари ёзда киядиган бош кийими)дан бўлак нарса қолмади. Ҳолдан тойиб, бостирма соясига ўтиридик.

– Эҳ, қанийди, бир косагина муздек айрон бўлса! – дедим ташналиқдан тилим танглайимга ёпишиб.

– Қўй, гардаш, юрагимни тирнама, ҳозир сен-у мендан ана у, балчиқقا беланиб ётган чўчқанинг қадри баланд. Ейдигани ҳам, ичадигани ҳам ёнида... – деди Ҳасан авзойи бузилиб. – Агар Харитонов панароқда қўлимга тушиб қолса борми, бўғиб ташлайман. Бу Кузя деганинг ҳам, нақ ҳайвоннинг ўзи экан. Ҳе, маҳсус топширифинг бошингни есин!

– Қўй. Ҳасан, хафа бўлма, авахта коменданти Пчелкиннинг қўлига тушсак, аҳволимиз бундан баттар бўларди-ку!

– Баттар бўлиб кетмайдими, ҳар ҳолда у ерда еган-ичганинг тайин эди-да! – жигибийрон бўлди Ҳасан.

У бечора ҳаддан ташқари ориқ, узун бўлганидан, очликка тоби йўқ эди.

– Шу ердаям одамлар бор-ку, очдан ўлмасмиз, – дедим уни юпатиб. Сўзимни тугатмай, қаршимизда Миша Мижуев пайдо бўлди.

– Юринглар, йигитлар, худо берган ризқ-насибани баҳам кўрайлик. Кузя сизларга овқат юборадиган анойилардан эмас, – деди у беғубор жилмайиб.

Чўчқабоқарларнинг ертўласи салқингина экан, анча жонимиз кириб қолди. Кўп ўтмай, столда бир буханка қора нон, товада жизиллаб турган картошка ва беш кружка сут пайдо бўлди. Сутни қўриб, Ҳасан бир сапчиб тушди, кўzlари ола-кула бўлиб, бақирди:

– Ҳой, Мишка! Тўғрисини айт, чўчқанинг сутими бу?! – у ўз кружкасини олиб иргитмоқчи бўлганди, Миша унинг қўlinи ушлаб тушунтириди.

– Тентаклик қилма, иккита сигиримиз ҳам бор. Ишонмасанг, юр, кўрсатаман.

Лекин Ҳасан сутни ичишдан қатъий бош тортди.

– Бўпти, – муроса қилди Мижуев, – сут ичмасанг, спирт ичарсан?

У каравот остига кўл узатиб, филофи ҳўл сувдонни илиб олди.

Ҳасаннинг кўzlари шўх чақнаб кетди.

– О-о, спирт? Спирт ичарам! Заҳар бўлса-да, ичарам!

Бешовлон бир сувдон спиртга, шунча миқдорда сув қўшиб, томчисини ҳам қолдирмай ичиб юбордик. Ҳаммадан олдин Ҳасан маст бўлиб қолди ва савағичдай узун бармоқлари билан кўzlарини ишқаб, ҳўнг-ҳўнг йиглай бошлади.

– Қишлоқда ёлғиз онам қолган. Онамни соғиндим. Жуда соғиндим. Булар эса онамни сўкишади. Харитоновни қайтариб сўккандим, қамоқча хукм этишди. Қамаш керак бўлса, аввал Харитоновни қамаш керак-ку, у биринчи бўлиб онамни сўқди-ку! Вай-вай, бу қандай бедодлик, – зорланарди у.

Ҳасан йиглай-йиглай ухлаб қолди. Биз ҳам пинакка кетдик.

Үйғонганимизда қош қорая бошлаган, ҳаво ҳарорати анча пасайган эди. Ҳасан иккимиз яна құлга болта-аррани олиб, ишимизни давом эттира бошладик. Миша ва унинг шериклари бизга ёрдамга келишди. Ойдин тунлар ва салқин тонглардан фойдаланиб, чүчқабоқарлар ризқига шерикчилик қилиб, икки кеча-кундуз ишладик. Лекин бешовлон тер түксак-да, топширилган ишнинг ярмини ҳам утталады. Ҳафа бўлиб кетдик. Қўлимизда болта-ю, хаёлимиз «Энди Пишган калла бизга яна қанақа қийноқ ўйлаб топар экан?» деган ўй билан банд, ишимизда эса унум йўқ эди.

Учинчи кун чошгоҳда Пишган калла келди. У биз баъжарган иш қўлами билан танишгач, бошини сарак-сарак қилганча ёнига имлади.

У бақириб-чақирмади, сўқмади, қўзимизга тик боқиб, лабида заҳарханда билан шундай деди:

– Командир буйругини бажармабсизлар. Бунинг учун ҳар икковингни ҳам ҳарбий трибунал судига топшиrim, қаматиб юборишим мумкин. Лекин мен олижаноб одамман, сенларга яна енгил жазо бераман. Қисм ошхонаси учун иккита чўчқа сўйиб берасизлар. Шу билан авахта муддатингиз ҳам тугайди.

Ҳасан ҳам, мен ҳам қотиб қолдик. Биз ҳар қандай оғир жазога ўзимизни тайёрлаган бўлсак-да, бунчалик зарбани кутмагандик. Ич-ичимдан қўтарилиб келаётганд қаттиқ fazab ва титроқни зўрға босиб. Ҳасангага тикилдим. Унинг юзи янада қорайиб кетган, тишлирини қисганча, ниманидир зўр бериб ўйларди. «Оббо, хаёл суришга топган вақтингни қара-ю!» дедим ўзимча ва Пишган каллага юзландим.

– Ўртоқ майор, мен бу буйруқни бажармайман!

Пишган калла пинагини ҳам бузмади.

– Бажармай қаёқقا ҳам борардинг? Сен, маҳмадона, низомни ўқигансан, командир билан баҳслашиш нималарга олиб келишини биласан-ку!

– Биламан. Отиб ташласангиз ҳам майли. Лекин мен чўчқа сўймайман. Буни ўзимга ҳақорат деб ҳисоблайман.

– Яхши, яхши, гапиравер. Ҳақиқатан ҳам тилинг жуда бурро экан. Хўш, сен Муҳаммаджоновга туширган мушт ҳақорат бўлмай, мукофот эдими?! – вишиллади Пишган калла.

– У ўз номаъқулчилиги учун калтак еди, – дедим мен.

– Ҳа, баракалла, мана энди ўзингга келдинг! Сен ҳам номаъқулчилигинг учун азият чекяпсан. Қайтар дунё дейдилар буни, азизим...

Мен куни-кеча сигир сутини чўчқа сути деб ўйлаб, жазаваси қўзиган Ҳасандан нажот кутардим. Лекин Ҳасан негадир фавқулодда хотиржам эди. Баҳсимизни узоқдан кузатиб турган Миша ёнимизга келди.

– Ўртоқ майор, қўйинг, уларни бу ишга мажбур этманг. Мусулмонларда чўчқа ҳаром ҳисобланади. Боз устига, бу жониворларни дуч келган одам сўёлмайди-ку. Биз ўзимиз ҳар кунгидек сўяверамиз. Ҳеч кимнинг ёрдами керак эмас, – деди у.

Пишган калла башарасида чексиз нафрат барқ уриб, Мишага ўқрайди.

– Оддий аскар Мижуев! Ким эканингизни унутяпсиз! Менга ақл ўргатишни бас қилинг! Бирорларнинг ёнини олгунча, ўз гуноҳдарингиз тўғрисида ўйлаб кўрсангиз, яхши бўларди! – деди у таҳдиди овозда Мишани сизлашга ўтиб.

Миша жимиб қолди. Унинг ранги оқарган, мовий кўзларида қўрқув ва айни вақтда нафрат ифодаси на-моён эди.

«Эй, худо, бу не кўргилик?! Умрида ҳатто чумчуқ бошини кесмаган одамни чўчқа сўйишга мажбур этсалар» дея фикран фарёд этаётган эдим, шу чоққача мумтишлаб ўтирган Ҳасан тилга кирди:

– Товариш майор! Қани, беринг пичоғингизни, нечта чўчқа бўлса, сўйиб ташлайман!

– Ҳой, Ҳасан, жинни бўлдингми? Чўчқа бир пишқирса, эсинг оғиб қолмасин яна!

Ҳасан менга ўқрайди ва ўт чақнаётган кўзлари билан «жим тур» маъносида им қоқди.

Пишган калла мамнун иршайди. Мижуевга пичноқ олиб келишни буюрди-да, худди меҳрибон устоздек,

Ҳасанга чўчқа сўйишининг «нозик» томонларини тушунтира кетди:

– Бунинг ҳеч кўрқадиган ери йўқ, сендан талаб қилинадигани, қўлинг қалтирамай пичоқни мўлжалга – қоқ юрагига урсанг бўлгани. Бир неча зарбадан сўнг тил тортмай ўлади, марра сеники... – Майор оғиз кўпиртириб сўзлар, бизни таҳқиrlаётганидан ҳузурланарди.

Банг ва арақ эс-хушини ўғирлаган майор Ҳасаннинг юzlари ҳаддан ташқари қорайиб кетганига, кўзларида телбавор, ёввойи бир ўт чақнаётганига эътибор қилмас, мен эсам дўстимнинг важоҳатидан хавотирда эдим. Бу орада Мижуев келиб қолди ва қўлидаги ярим қулочча келадиган пичоқни Ҳасанга узатди. Қолган воқеалар бир неча сонияда содир бўлди. Мишадан пичоқни олган Ҳасан мушукдек сапчиб, Пишган калланинг бўғзига чанг солди, ўзига қараб қаттиқ тортди ва оёғидан чалиб юборди. Қўлари чўнтагида, бемалол валақлаётган, бундай ҳужумни сира кутмаган жаброловчимиз ўроқ тортилган жўхоридек қулади. Ҳасан чаққон ҳаракат билан унинг устига миниб, тиззасини кўкрагига босди ва пичоқни майорнинг лиқиллаб турган кекирдагига тиради. Мен ва Миша беихтиёр улар томонга ташланган эдик, Ҳасан пичоқни майорнинг кекирдагидан олиб бизга ўқталди:

– Яқинлашсаларинг, икковингниям, сўйиб ташлайман! – унинг бир неча сония олдин ўт сачраган кўзлари қонга тўлган, овози хириллаб чиқарди.

Миша иккимиз турган еримизда қотиб қолдик. Биз жуда аянчли манзара гувоҳи эдик. Ҳасаннинг тиззаси остида ётган майор қаршилик кўрсатмас, фуражкаси бир чеккага думалаб кетган, оқара бошлаган, сийрак соchlари пешонасига ёпишган, қулранг кўзлари нурсиз, шуурсиз боқарди. Ҳасан уни бўралаб сўкар, дағдаға қиларди.

– Ё ҳозир бизни хўрлаганинг учун кечирим сўрайсан ёки чўчқаларингдан олдинроқ нариги дунёга жўнайсан! Ҳе, онангни сенинг! Кўпак!

Гапиришга имкон яратиш учун Ҳасан майорнинг гирибонини бир оз бўшатди. У чуқур тин олиб, эшитилар-эшитилмас хириллади:

– Кечиринглар мени, йигитлар... Бу кунимдан ўлғаним яхши...

– Агар бизни сотсанг, бари бир пайт пойлаб, сўйиб ташлайман, билиб қўй, – деди Ҳасан.

У майорнинг шалвираб ётганини кўриб, бир оз шаштидан тушган эди. Рақибининг гирибонини қўйиб юбориб, ўрнидан турди ва пичоқни бостирма ортига отиб юборди.

Миша майорнинг ўрнидан туришига кўмаклашди, фуражкасини ердан олиб, чантини қоқиб узатди. Пишган калла аянчли, афтодаҳол қиёфада бостирма соясига ўтди. Чўнтағидан эзғиланиб кетган сигарет олиб туатди, чуқур «уф» тортди. Ҳасан ўн қадамча наридан бизни сўзсиз кузатиб турарди.

– Бира тўла ўлдириб қўя қолсаларинг бўларди. Ҳамма гавғолардан қутулардим. Хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлди, дея мукофотга тақдим этишарди... – Пишган калланинг овози титраб чиқсада, нурсиз кўзлари, заҳил башарасидан қўрқув излари йўқолган, унинг ўрнини ўша иржайланнамо заҳарханда эгалламоқда эди.

– Сиз хафа бўлманг-у, ўзингиздан ўтди, – деди Миша юрак ютиб.

– Ҳамма гапирса ҳам, сен гапирма. Булар билан энди ора очиқ, сўз бердим. Лекин сен билан ҳисоб-китоб ўзгача бўлади, – деди Пишган калла ва секин юриб Ҳасаннинг ёнига борди. Ҳасан ҳушёр тортиб ҳурпайди. У афтидан, ўз қизиқонлиги оқибатларини ўйламоқда, чунки агар иш чаппасидан кетса, ҳар иккимиз интизомий жазо батальонига равона бўлишимиз тайин эди.

– Қани, қўлни ташла, осиёлик ёввойи, – деди майор Ҳасанга ориқ, узун қўлинни узатар экан, – гап шу ерда қолсин. Қариганда аскардан калтак еди деган маломатга сира тобу тоқатим йўқ.

Ҳасан бу сўзларга ишониш-ишонмаслигини билмай қўл узатди.

Шу билан авахта муддатимиз тугади ва тушликка яқин қисмга қайтиб келдик. Йигитлар бизни худди у дунёдан қайтганларни кутгандек кутиб олишди. Самад

ва Усмон ҳатто оби дийда ҳам қилишди. У шўрликлар, авахтада овқат билан қўллаб туришга ваъда бериб, бизнинг қаердалигимизни ҳам билишомаган экан. Ким тамаки тутқазди, ким гугурт чақиб беради, кимдир елкамизга шапатилайди, хуллас, йигитлар бизни жуда талтайтириб юборишиди.

Чўчқаҳонадаги воқеани ҳеч кимга айтмадик. Пишган калла ҳам сўзининг устидан чиқиб, бизга азият етказмади.

\* \* \*

Хизматнинг сўнгги ёзи охирлаёзган, биз тушимизда ҳам, ўнгимизда ҳам Бухорони кўрардик. Барча сухбатларимиз шу мавзуда, томогимиздан овқат ҳам яхши ўтмас, нуқул кун санаардик. Ана шундай дилгир кунларнинг бирида «чўчқабоқар Миша Мижуев бедарак йўқолиби» деган хунук хабар тарқалди. Командирларимиз типирчилаб қолдилар. Аввалига қисмимиз, сўнг бутун гарнizon аскарлари чўлни қадам-бақадам кезиб чиқдик. Миша ҳеч қаерда йўқ эди. Унинг уйига, ҳарбий комиссариатга кетма-кет телеграммалар жўнатилди. Ҳарбий прокуратура жуда кўпчиликни, жумладан, мен ва Ҳасанни ҳам сўроқ қилди. Ҳеч қандай натижа чиқмади. Мен баъзи-баъзида Пишган калланинг Мишага дағдага қилиб, «сен билан ҳисоб-китоб ўзгача бўлади», деган сўзларини эслаб, сесканиб кетардим. Лекин бу сўзлар замирида қандай сир яширин эканини билолмасдим.

Оғир кунда бизга мадад берган оқкўнгил йигит Мишанинг тақдири мени беҳад ташвишлантирас, шубҳа-гумонларимни бирорга айтолмай, қийналардим.

Кунлар кетидан-кунлар ўтди. Лекин Мишадан дарак бўлмади.

\* \* \*

Бойкўнирни тарқ этганимга қарийб қирқ йил бўляпти. Бу маскан билан боғлиқ қўп воқеалар унтилиб кетди. Лекин Миша йўқолиб қолганидан сўнг, орадан бир неча ой ўтгач, қисмга етиб келган онанинг аҳволини, кўзларида қотиб қолган даҳшатни ҳамон

унутолмайман. Одмигина чит кўйлак кийиб, эски дуррача ўраган, оқ-сариқ соchlари паришон бу аёл ҳамон тушларимга киради. У ҳатто, сичқон ҳам ўтолмайдиган сон-саноқсиз назорат-текширув постларидан қандай ўтгани, олис қўмликлар ичкарисидаги бу масканга қай тахлит етиб келгани ўзига ва ёлғиз худога маълум.

Мишанинг онаси штаб олдида бир кечакундуз тик турди. У йифламас, гапирмас, фақат кўзларидағи даҳшат юрак бағримизни эзарди. Биз унга нон, мой, қанд олиб бордик, командирлар ҳам атрофида парвона бўйдилар. Лекин она қиё ҳам боқмас, лаблари аранг «Миша, Мишенька...» дея пичирларди, холос.

Эртасига эрталаб, она гойиб бўлди. Штабдаги югурдакларнинг айтишларича, «махсус бўлим»дагилар уни уйига кузатиб қўйиш учун олиб кетишганмиш...

**Ромитан,  
1992 йил, май – июнь**



# СЕВИШ ХҮКҮКИ

---

ЯНКОР

Мен бутун умр Ўзимни изладим... Мен бир умр Сени изладим... Мен умрим бўйи Севги изладим.

Дарвоқе, 19 ёшимда сени топгандай бўлдим. Аммо менинг Севиш ҳуқуқимни рад этдинг...

Мен эса ўзимни сенга Ошиқ этиб сайлаган эдим.

Биз бир гурухда ўқирдик. Ниятимиз ўқитувчи бўлиш эди. Аммо менинг юрагимда шоир бўлиш орзузи бор эди. Буни барча ҳамтаълим дўстларимиз биларди, биргина сен билмасдинг, аниқроғи, билишни истамасдинг.

Ёнма-ён турганимизда ҳам мени кўрмасдинг, сўзларимни эшитмасдинг, гўёки бу ёргу жаҳонда Қодир деган тоғлик йигит йўқ эди назарингда. Кибрли нигоҳларинг юрак-юрагимни ўртаб юборарди. Лекин бир калима сўз айта олмасдим. Сени кўрдим дегунча сўзимдан ҳам, йўлимдан ҳам адашиб кетаверардим.

Бу орада воқеалар шиддат билан ривожланиб, афгон урушига жўнашним маълум бўлиб қолди.

Анча енгил тортдим. Чунки сенинг сервиқор, таҳқирли нигоҳларингдан эҳтимол вақтинча, эҳтимол умрбод қутулардим.

Жўнаб кетишимга бир кун қолганда сени институт боғидаги ўриндиқда холи учратдим.

Сен узоқ вақт қўлингдаги китобдан бош кўтармадинг. Ниҳоят менга кўзинг тушди, майнин, қайрилма қошлиаринг хиёл чимирилди, лабларингда заҳарханда пайдо бўлди.

– Э, ҳа, шоири замон, Сизмидингиз? Йўл бўлсин?

– Хе, шу, эртага армияга жўнаяпман... Йигитлик бурчимни бажариш пайти келди...

Қиз билинار-билинмас қизартирилган майнин дудоқларини қимтиб, менга бир муддат тикилиб турди. Сўнгра ўша заҳархандага мос оҳангда кесатди.

– Оқ йўл, шоир! Сиз йигитлик бурчини бажаришга жуда лойиқсиз!

Қиз барча курсдошларим қатори Афғонистонга жўнаб кетаётганимни яхши биларди. Шу боис унинг гап оҳангидаги совуқлик суюк-суягимдан ўтиб кетди.

«Наҳот у очиқдан-очиқ менга ўлим тилаётган бўлса, ахир урушга кетаётганимни яхши билади-ку! Менинг севишдан ўзга гуноҳим йўқ-ку!»

Сурати девор бўлиб ўриндиқдан турдим.

– Хайр, соғ бўлинг, – дедим овозим зўрга чиқиб, – мени баъзи-баъзида эслаб туринг.

Нега шундай дедим, нега тошюрак қиздан илтифот кутдим?! Ҳамон билмайман.

– О, о, албатта, шоир, сиздай йигитни унутиб бўладими? Сиз дунёда якка-ягонасиз... Алвидо, дўстим!

Эвоҳ, бу совуқ ҳайкал бунчалар шафқатсиз бўлмаса! У юрагимни баттарроқ қонлантириди, атайлаб «Хайр!» эмас, «Алвидо!» деди.

Мен ундан тез узоқдашдим ва ортимга сира қайрилиб қарамадим. Лекин бари бир озурда юрагим унинг ёнида қолган ва қиз юракка истаганча ханжар уриши мумкин эди.

Уни илк, йигитлик ишқи ила севардим. Дунёда энг чиройли қиз деб ҳисоблардим. Ўзи ҳақиқатан ҳам жуда чиройли эди, қиз тушмагур. Узун, эгма киприклар, луччак шафтоли янглиғ қирмизи ёноқдар... Кўзлари жон олгувчи жаллодлар эди мен учун. Биргина нигоҳ ила сув қилиб юбора оларди. Шу боис унинг ҳар қандай соvuқ, қўпол муомаласига ҳам чидар эдим.

\* \* \*

Аскарлар тилида «шайтонлар ўқув юрти» дея ном олган сержантлар мактабига ўқишига қабул қилинди.

Мактабда жанг «санъят»ини ўргатишар экан.

Бу «санъят»нинг ҳадисини олганимдан сўнг Афғонистонга жўнадим.

1986 йил ёз палласида учоқ бизни бир неча соат мобайнида Регистон саҳросининг Қандаҳор аталмиш гўшасига элтиб ташлади.

Ҳаво-десант қўшиналари таркибидаги алоҳида гуруҳда хизмат қила бошладим. Жуда муҳим жанговар вазифаларни бажаришга мўлжалланган бу батальон

аслида собиқ Иттифоқ Қуролли күчлари бош штаби бош разведка бошқармасыга қарашли бўлиб, сирсақдаш учун ҳаво десант қўшинлари таркибиға кири-тилган экан.

Қандаҳор табиати жуда қаҳрли бўлиб, майин қум зарралари кўз очиргани қўймайди, тунлари қўзғала-диган кескир шамширдай шамол бутун вужудингни фалвир қилиб ташлайди. Кундузи, туш пайтида эса жа-зира маиси қўнгурларни ташлайди.

Уруш авжи қизғин паллага кирган, «Қора лола» аталмиш машъум учоқлар Иттифоқ шаҳарларига «300-юк» (тобут)ларни тез-тез олиб борар, бу «Афғон халқига би-родарлик ёрдами» аталмиш хунрезликнинг ҳақиқий башарасини кўрсатиб туарди.

Сержантлар мактабида «одам ўлдириш илми»ни хийла ўргангандан бўлсан-да, ҳали жангта кириб улгурма-гандим. Шунинг учунми, биринчи муҳорабадаёқ ўққа учақолсан ёмон бўлмасди, дея хаёл сурардим.

Негадир ҳалок бўлсан, мени яхши кўриб қоларми-кансан, дея умид қиласардим. Пушаймон бўлиб кўз ёши қилишингни, «Мен, ахир, сизни севардим! Севардим-у, ишқим юрагимда пинҳона эди, сизга билдирамасдим» дея фарёд чекишингни истардим. Аммо Қандаҳор чў-лидаги аскарий қўналғадаги биринчи кечадаёқ бу хом-хаёллар нақадар аҳмоқона эканлиги аён бўлди.

Ярим тунда отишма бошланиб, қаттиқ гумбурлаш само бағрини тилкалаганда, биз, янги келганлар, ҳам-мамиз чодирни йиртгудек бўлиб, ташқарига отилдик. Бу қилифимиз жанг кўрган аскарларнинг қаттиқ кул-гисига сабаб бўлди.

Ана шунда ўлишни сира-сира истамаслигимни, ми-ямда чарх ураётган хаёллар рад этилган севги алами эканлигини англаб етдим. Ва ҳаётга, яшашга бўлган муносабатим кескин ўзгарди. Қандай бўлмасин, се-нинг муҳаббатингга сазовор бўлиш ҳақида зўр бериб ўйлай бошладим.

Энди елкамдаги қарийб тўрт пуд келадиган сафар-халта, қўлимдаги йирик калибрли «Утёс» (Қоя) пулемётининг оғирлиги ҳам унчалик билинмасди.

Ҳар куни сенга хаёлий мактуб ёзардим. Эҳ, агар бу мактубларнинг биргинасини ўқиганингда ҳам мени севиб қолишинг аниқ эди. Мен шоир бўлиш орзуисида эдим ахир. Шоирнинг севгилисига ёзган мактуби оддий бўлмайди.

Қандаҳорнинг учқур шамоллари хаёлий мактубларимни сенга албатта етказади деб ўйлардим. Шеърий мактубларимни пичирлаб шамолларга ўқирдим. Аслида ана шу мактублар туфайли кейинчалик шоир бўлиб етишган бўлсам не ажаб?

Чодир туйнуғидан юлдузлар фужғон ўйнаган саҳро осмонига тикилиб ётардим. Негадир юлдузлар кўзимга жуда ёрқин кўринарди. Бир маҳал кўзим илиниб туш кўрибман.

Бошига одмигина чит дурра ўраган онагинам мен томонга талпиниб илтижо қиласидилар, «Болагинам, тақдир тўфонлари сени қайларга учириб кетди? Сени соғиниб юракларим қон бўлди-ку! Қаердалигингни билdir ахир! «Дала почтаси» деб ёзадиган хатларингдан ҳеч нима тушуниб бўлмайди.

Қодиржон, ўғлим! Кўзларим тўрт бўлиб сени кутаман, қишлоғимизнинг ўзинг билган энг чаққон, энг сувлув қизлари ҳам сенга интизор!

Об-бо, онагинам-еъ, ошиқдигимни қаердан билди экан? Дарвоҷе, оналар ўғиллари кўнглидан ўтганини фойибдан билишади, дейдилар-ку!

Онажон, муниисгинам, мен ҳақиқатан ҳам ошиқман. Лекин қишлоғимизнинг тоғ лоласидек дуркун ва гўзал қизига эмас, улкан шаҳарнинг гўзал, серноз, инжиқ дилбарига ошиқман. У эса мени писанд қилмайди.

Бирдан чўчиб кўзларимни очдим, туйнуқдан хира-гина нур тушиб турарди. Онам билан бўлган суҳбат туш эдими ёинки яқинда онамдан келган мактубмиди, билолмай ҳайрон эдим. Кўксимнинг чап томони симсим оғирди.

\* \* \*

Шундай қилиб, Қандақордаги аскарий ҳаётим бошланди.

Бу орада иссиқ кучайғандан кучайиб, жазирамада қандай жон сақлашни билмай қолдик. Иссиқ ўлка фарзанди эсамда, жуда безовта бўлардим. Жазирама зўридан караҳт бўлиб, алаҳлаб қолардик баъзи-баъзида.

Аскарлик ҳаёти эса секин-аста бизни уруш гирдо-бига тортмоқда эди. Энди бошимиз тепасидан ҳуштак чалиб ўтадиган снаряд гумбурлашидан чўчимай қўйғандик. «Қария» аскарлар эса бизни мазах қилишмас, балки жангнинг оддий қонун-қоидаларидан сабоқ беришарди. Биз билан бирга сержантлар мактабидан келган 40 нафар йигитдан ҳар сафар икки нафари «қария»лар гуруҳига қўшилиб жангга бораарди.

«Қария»лар шундай дейишарди: «Қандақордай худо қарғаган масканда омон қолишининг бирдан-бир омили – ўқдонингда ўқ, сувдонингда сув тугаб қолмаслигидар. Дарвоҷе, ёнингда доим тамаки ва гутурт ҳам бўлгани маъқул. Фақат илло-билло пистирмада ётганингда асло чека кўрма, ўзингни-да, гуруҳни-да нобуд қилганингни билмай қоласан. Душман деганинг жонивор, тамаки ҳидини уч чақирим масофадан сезади».

Жанг кўрган аскарлар биз сержантлар мактабида ўқиган жанг назарияси, хомаки машқларни амалда қўллашни ўргатишарди. Қўллай олмадингми, «300-юк» бўлиб «Қора лолада» уйингга жўнайсан.

«300-юк»да эса жисму жонингдан нима қолгани командиринг ва ёлғиз Аллоҳагина аёндир. Ҳатто ота-онанг ҳам сирдан воқиф бўлишмайди. Тобутни очишига рухсат берилмайди. Қиссадан ҳисса шуки, тобутда сал одамшаванда кўриниш учун ўз ғамингни ўзинг ейишинг керак. Бир бошга бир ўлим! Қўрқма, қўрқдингми, адо бўлдинг! Унда ҳатто тобутта-да етолмайсан!

Бу бадҳазм гапларни қулогим илиб оларди-ю, бари бир кўз олдимдан сенинг сервиқор чеҳранг кетмасди. Энди сира ўққа учгим йўқ, қачон дийдорингга етар эканман дея ширин хаёл сурардим. Сен билан бўлажак учрашувда нималар дейишни ўйлардим.

Осиёлик бўлганим сабаб чеҳрам ерлик аҳолига ўхшаб кетарди. Буни командирлар ҳам, аскарлар ҳам эътироф этишарди.

Алоҳида муҳим жанговар амалиётларни бажаришга мўлжалланган маҳсус батальонимизнинг асосий вазифаси хориждан келадиган қурол-яроғ карвонларини йўқ қилиш, уларнинг душманлар қўлига тушишига йўл қўймаслик эди. Барча жангчиларимиз топшириқни бажаришга афгонларнинг миллий кийимида боришарди. Миллий кийим деганим бу – қора салла, қора нимча, узун этакли оқ қўйлак, иштон. Бундай либосда жанг қилиш анча қулай эди.

Кўп ўтмай комбат буйруғи билан соқолимни ўстирдим, сўнг худди афгон мужоҳидларига ўхшаб қолдим.

Мен афгон қишлоқларига 2-3 шеригим билан разведкага борардим. Афгонлар билан маҳаллий тилда шундай гаплашардимки, улар мени ўз миллатдошлари деб ўйлаб, меҳмонга таклиф этишар, баъзан юрак сирларини айтишарди.

Мен разведка, жанг, одам ўлдириш илмининг ҳадисини олгандим. Шунинг баробарида юрагимда, шууримда ҳам ўзгаришлар содир бўлаётганини сезиб турардим. Энди саросимага тушмай совукқонлик билан одам ўлдирардим, виждоним сира қийналмасди. «Мен сержантман, буйруқни, қолаверса, бурчимни бажаряпман», деб ўйлардим. Агарда юрагимни остин-устин қилиб юборган бир воқеа юз бермаганида, билмадим, иш нима билан тугарди. Ашадий каллакесарга айланиб кетармидим? Чунки маҳсус гуруҳимиз, қуролли кучлар бош штаби бош разведка бошқармаси тасарруфидаги энг сараланган бўлинма бўлиб, биз қурол-яроқ карвонини эгаллаб олиш баробарида, унинг барча қўриқчиларини битта қўймай қириб ташлардик.

...Навбатдаги карвонни тор-мор этиб, БТР ва ҳарбий машиналарга ўлжа олинган қурол-яроқларни ортиб, қўналғамизга қайтаётиб, чўл этагидаги гаригина афгон қишлоқчасидан ўтмоқда эдик. Бирдан том бошида турган қирмизи қўйлакли, 17-18 ёшлилар чамасидаги қизни қўриб қолдим. Кўзларига кўзим тушгач,

юрагим «жиз» этди. Фақатгина «жиз» этди эмас, балки турган жойимда бир сапчиб тушдим-у, унга янада қаттиқ тикилдим. Қиз қуйиб қўйгандек сенга ўхшар, айниқса, кийик кўзларига монанд шаҳло кўзлари худди сеникидек эди.

Мен ўзимни ўнглаб олмасимдан ортимизда автомат тариллади...

Томда турган қиз қаттиқ қалқиб кетди-ю, худди «қарс» этказиб синдирилган гул бутогидек икки букилиб томдан қулади.

Бир неча дақиқада кўз ўнгимда содир бўлган бу қа боҳат мени тамоман гангитди, жазавага тушдим. Автоматимни олиб орқадаги машинада келаётган, қизни ўлдирган бадкорни отиб ташламоқчи бўлдим. Шерикларим қўлимдан қуролни тортиб олдилар, юз-кўзимга сув сепиб ўзимга келтирдилар. Шунча вақтдан бери ажал, қон орасида юриб, асабларим жуда таранглашган экан, ҳадеганда жазавам босилмасди. Мен «Жаллод, қизда нима айб» дея бақирап, қўкрагимга муштлаб фарёд қиласмиш эдим.

Қўналғага етиб келганимиздан сўнг, бир неча тинчлантирувчи уколдан сўнг, чодирда ухлаб қолибман... Уйғонганимда тепамда қуролдош дўстим Саша туради.

– Ҳа, мужоҳид, сенга нима бўлди?

Ҳеч нима демадим, гапиришга мажолим йўқ эди.

Саша бир муддат у ёқ бу ёқдан гапириб ўтириди чодирдан чиқар экан, шундай деди:

– Бардам бўл, ўзингни қўлга ол! Ҳали олдинда жуда муҳим амалиётлар бор!

Лекин ўзимни қўлга олишим жуда қийин кечеётганди, қизнинг икки букилганча томдан қулаш ҳолати кўз ўнгимдан кетмасди. Афғон қизининг сенга ўхшашлиги мени ларзага солган, аллақандай, қонсираган аскарнинг ўқига учган бечоранинг кўзларидаги «Гуноҳим нима эди?» деган саволига жавоб тополмасдим. Бу ҳодиса қалб мувозанатимни бузиб юборганди. Энди урушнинг ҳақиқий башарасини, унинг жирканч қиёфасини аниқ кўраётгандим.

Шу тахлит ўзим билан ўзим олишиб, қийналиб юрдим. Комбат мендаги ўзгаришни сезмай қолмади. У қаттиққұл, чүрткесар, лекин жуда адолатли одам бўлиб, бирор аскарнинг бекордан-бекорга ўққа учишига йўл қўймасди. Ҳаммамизга оталарча муносабатда бўларди. У мени ўз чодирига чақиритириб очиқчасига гаплашди.

– Коля (у мени шундай атарди), брось ты это! Ўз-ўзингни еб битиришингдан кимга наф? Сени уйда отаонанг, суюклигинг кутяпти. Ўзингни қўлга ол! Воқеани менга айтуб беришди. Бу иш файриихтиёрий тарзда содир бўлган. У тегишли жазосини олди. Лекин жанг кўриб юрган киши сифатида қуролдошингни тушунишга ҳаракат қил. Буни жанг синдроми дейишади. Аскар жангдан сўнг унинг тафсилотларини узоқ вақт унута олмайди, тушларида жанг қиласди. Айримлар жанг тафсилотларини бир умр унутолмайди.

Ўша воқеа ҳам айнан жанг таъсирида содир бўлгани аниқ. Бояқишиш аскар ҳамон жанг қиласман деб ўйлаган. Ахир ўша амалиётда 9 йигитимиздан ажralганимизни яхши биласан-ку!

Комбат чуқур «уф» тортди, гугурт олиб тамаки тутатди. Ҳузур қилиб тутун симирап экан, кўзларимга тик боқиб шундай деди:

– Биз аскарлармиз, Ватан буйругини бажаряпмиз. Начора, қон тўкишга тўғри келади. Биргина илинж кўнглимга чироқ ёққандек бўлади. Биз карвонларни қириб ташлаб, тортиб олаётган қурол-аслаҳалар тинчликка хизмат қиласди. Ишлатилмай қолган минг-минглаб қурол аслаҳа, неча ўн минг, юз минг кишининг ҳётини сақлаб қолади! Уқдингми, ўртоқ сержант?

– Уқдим, ўртоқ майор!

Комбат чодиридан хийла енгил тортиб чиққан бўлсамда, ҳамон қарама-қарши ҳислар оғушида эдим. Мен ноҳақ, ўққа учган бегуноҳ афгон қизи сиймосида ҳамон сервиқор, лекин жуда чиройли чеҳрангни кўрардим, сендан айрилиб қолмадиммикан деган фикрдан чўчиб тушардим.

Уруш, хунрезлик оқибатида кўнглимнинг энг олис, қоронфи бурчагига бекиниб олган Севги, Мухаббат, Се-

виш, Севилиш иштиёқи ноўрин отилган биргина ўқ туфайли жунбишга келган, ўз ҳақ-ҳуқуқини сўраб, исён кўтармоқда, бекордан-бекорга қон тўкилишини лаънатламоқда эди.

Аскарий қўйналғада эса ҳаёт давом этар, соқчилик, ошхона навбатчиликлари, қорин, энгил-бош ғами, онда-сонда эса байрамлар, спорт мусобақалари... Хуллас, кўкракни намга бериб, ғам чекишга мутлақо вақт йўқ. Шўх, ерга урса кўкка сапчидиган разведкачилар зеришишга қўйишмасди.

Лекин уруш – ҳис-туйфу, кўнгил бўшлиқ, кўнгил хушлик эмас, унинг шафқатсиз, ҳеч нимани, ҳеч кимни аямайдиган ўз қонуниятлари бор.

Тез орада юз берган воқеалар буни яна бир карра исботлади. Аввало ҳаммамиз яхши кўриб «Ота» дея атайдиган комбатимиз хизмат поғоналарида юқори-лаб, бош штабга ишга кетиши маълум бўлди. Севимли командиримиз мартабаси ошганидан хурсанд эсак-да, бу биз учун хушхабар эмасди.

Комбат вертолётга чиқишдан олдин биз билан саф олдида хайрлашаётиб шундай деди:

– Сизларнинг олдингизда виждоним тоза, ҳеч бирорвингизга хиёнат қилганим, бекордан-бекорга ўққа учирганим йўқ. Ни пуха, ни пера, ребята!

Вертолёт осмонга парвоз этди. У кичкина заррадай бўлиб, кўздан йўқолиб кетгунча кузатиб турдик. Сўнгра саф тарқади. Кўнглимиз негадир ғаш эди. Бекорга хавотирланмаган эканмиз.

Янги комбат саф олдида биринчи бор пайдо бўлганиданоқ ҳеч кимга ёқмади. Айтишларича, у ҳаво-десант полкида ишлаган, жанговар тажрибага мутлақо эга бўлмаган «штаб каламуш»ларидан экан.

Кўп ўтмай унинг ўта такаббур, шуҳратпараст, ҳеч кимни ўзига яқинлаштирумайдиган, шошқалоқ бир кимса экани ҳам аён бўлди.

Батальонимиз БРБ таркибидаги энг пешқадам саналарди. Янги комбат келгач, бирин-кетин кўнгил-сизликлар рўй бера бошлади. «300-юқ»лар кўпайиб кетди.

Комбат аскарларни қирилиб кетиш хавфи аниқ бўлган амалиётларга ҳеч иккиланмай юбораверар, сира виждони қийналмасди.

Бу орада хавфсизлик кучларидан фоят махфий шифрограмма олинди. Унда тез орада қурол-яроғ ортилган катта карвон Қандаҳор чўлларидан ўтиши, тахминий йўналиши маълум қилинганди. Карвон хавфсизлигини таъминлашга 300 дан ортиқ мужоҳид сафарбар қилингандиги тахмин этиларди.

Шуҳратпарат комбат оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолди. У бир зарб билан карвонни яксон этиб, ўзини кўрсатиб қўймоқчи эди. Шу боис олинган махфий хабарни қайта текшириб ўтирмай, шошқалоқлик билан ишга киришди.

...Кўнгил беҳузур бўладиган даражада иссиқ ёз оқшомларининг бирида махсус гуруҳимиз буйруқ олди: Қобой қишлоғи атрофида ўрнашиб олиб, карвонни кутиб ётишимиз лозим эди. Карвон қишлоққа яқинлашганида, асосий кучларимизга хабар қилиб, улар этиб келгунча жангга киришимиз режалаштирилганди. Айтишларича, бу карвон Афғонистон уруши тарихида энг иириги бўлиши мумкин эмиш.

Оқшом қоронгилиги қуюқлашгач йўлга тушдик.

Ойсиз, диққинафас оқшом ягона иттифоқчимиз бўлиб, оғир сафархалталар, автомат, йирик калибрли пулемёт, гранатаминомётлар билан йўл босиш гўрнингазоби эди.

Қишлоққа яқинлашганимизда гуруҳимиз иккига бўлинди. Капитан Александр Турчанинов бошлиқ ўн кишилик бўлинма қишлоққа кираверишдаги тепаликка ўрнашди. Мен майор Мельниченко бошлиқ ўн кишилик бўлинма таркибида эдим.

Тун тобора қуюқдашайтганидан фойдаланиб қишлоқ чеккасидаги ташландиқ мол қўрасига бекиниб олдик. Кўранинг пахса деворлари бир қулоч келар, қўланса ҳид димоқни ёргудек, нафас олиш жуда қийин эди.

Қишлоқ уйқуга кетган, «милт» этган чироқ кўринмайди, ҳатто итларнинг акиллаши ҳам эшитилмасди.

Амаллаб тунни ўтказдик. Тонг гира-ширасида «дух»ларнинг биринчи, иккинчи, сўнгра учинчи дозорини<sup>7</sup> ортиқча шовқин-суронсиз, ими-жимида қириб ташладик. Лекин душманларнинг тўртинчи дозори велосипедларда ҳаракат қиласар экан. Улар бизнинг қаерга беркинганимизни билиб қолишиди. «Велосипедчилар»-нинг бири асосий кучларга хабар беришга улгурди.

Шундан сўнг ёзнинг нисбатан салқинроқ тонги бир неча дақиқа давомида қиёмат-қойимга айланди.

Уч юздан ошиқ мужоҳид «Аллоҳу акбар!» дея ҳайқирганча биз яширинган қўналга томонга ташландилар. Биз ҳам барча ўқотар қуролларимизни «тилга» киритдик. Гранатаминомётлар ишга тушди. Жанг жуда қизиб кетди. Кучлар сира teng эмасди. Лекин биз асирга тушишни хаёлимизга ҳам келтирмай жанг қиласардик. Чунки душманлар Асадободда жанг қилган «спецназ» батальонининг асирга тушган аскарлари қулоқ, бурунларини кесиб, кўзларини ўйиб олиб, сўнгра бошларини тош билан мажақлаганларини эшитгандик.

Душманлар тобора қутуриб ҳужум қилишар, пахса деворли қўра тандирдай қизиб кетганди.

Биз ҳам йирик калибрли пулемётлар ўқи билан ҳужум қилувчиларни тутдай тўкардик.

Охир-оқибат, душманлар гранатаминомётлар ёрдамида вақтингчалик қўналғамизни бутунлай вайрон этишиди. Жанг қарийб беш соатдан буён давом этаётганди. Биз, ўн кишилик гуруҳдан 4 кишигина қолгандик. Яхшиям Турчанинов гуруҳи душманларнинг анча қисмини ўзига қаратиб жанг қилаётганди.

Вайрон бўлган қўра ёнмоқда, биз бутунлай ҳолдан тойгандик. Қаттиқ яраланган майор Мельниченко жон таслим қилмоқда эди. У сўнгги кучларини йифиб менга илтижо қилди: «Коля, сув бер, ичим ёниб кетяпти!»

Сувдонимдаги сўнгги томчиларни қопқоҷага йифиб, ярадорнинг лабига тутдим.

Майор сувга интилди, томоғи андак ҳўл бўлгач, кўзларини мангуга юмди...

<sup>7</sup> Дозор – назорат

Биз уч киши қолғандик, ҳамон ўқ ёмғирини тұхтат-масдик. Бир маҳал не күз билан күрайки, душманлар биз томонға тұпни тұғрилаб мұлжалга олишяпти.

«Ана энди тамом!» ўйладим даҳшат ичида ва жон ҳолатда гранатаминомётни ўша томонға тұғрилаб нишонға оддим-да, тепкини босдим.

Даҳшатли гумбурлашдан ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетди. Мен мұлжалга аниқ урдимми ёинки тұп ўқи құрага келиб тушдими, билолмай қолдим!

Сўнгра бирдан елкамга қаттиқ зарба тегди, чалқанчасига қулақ ҳушдан ажрадим. Жанг қизифида, ўқ еб қулагунимга қадар оёғимдан яраланиб, этигим қонға тұлғанини ҳам сезмаган эканман...

Мол қўрасида қонға беланиб ҳүшсиз ётар эканман, «СУ» самолётлари душманлар устига ракета ёғдириб, уларни тұмтарақай қылган, ёрдамга етиб келган бронегуруҳ омон қолган аскарларни ўлим ҳалқасидан қутқариб олган.

\* \* \*

Ҳарбий госпиталда қўзларимни очганимда нигоҳим оппоқ кийимдаги, мовий қўзи ҳамшира қизга тушди. У менга бир муддат тикилиб турғач, шундай деди:

– Энди сен ўлмайсан, аскар! Бошгинанг тошдан экан, юзга кирасан, юз ёшга!

Ҳамшира шундоқ ёнгинамда эди, лекин унинг сўзлари худди тоғ ўнгирларидагидек гумбурлаб акс садо берди. Бошим қаттиқ оғрир, қулоқларим шангиллар, оёғим, қорним, елкам дока билан танғиб ташланған, жароҳатларимдан қон сизиб турарди. Ўзим ҳамон ўша сўнгги жангда эдим гүё. Душманлар бостириб келишяпти, мен сувнинг сўнгти томчиларини майорнинг тарам-тарам ёрилган лабларига томизяпман...

Мана, замбарак бир силкиниб биз томонға снаряд отди... Қаттиқ гумбурлаш эшитилиб, ҳамма ёқ остин-устин бўлди.

Ётган еримда сапчиб тушдим. Ҳамшира устимга эгилиб сув тутди, кафтини пешонамга босди. Мен эса юлқиниб ўрнимдан турмоқчи, гүёки артиллерия заптидан ларзага келаётган хонани тарк этмоқчи бўлардим.

– Ѕтақол, жоним, ором ол! Жанг аллақачон тугади. Сен госпиталдасан...

Шу тариқа бир неча кун мобайнида секин-аста ўзимга кела бошладим. Жанг даҳшати шовқин-сурон тингандек эди-ю, энди сукунат юрагимни эзарди, қуроддош дўстларимни излардим. Майор Мельниченко ва яна саккиз аскар дўстим «Қора лола»да уйларига қайтганларини билмасдим. Сўнгги жанг тафсилотларини ҳали ҳеч ким айтиб бермаганди. Фам-аламдан тилка-пора бўлаётган кўксимга кун келиб «Қизил юлдуз» ордени ва «Жасурлиги учун» медали тақиб қўйишларини билмасдим...

Кунларнинг бирида ўша мовий кўзли ҳамшира қўлимга бир мактуб тутқазди. Хат онамдан эди. Мактубни очар эканман, ўзимни қайтадан ҳаётга келгандай хис эта бошладим. Гўё шунча воқеа – қон, ўлим, йўқотишлар юз бермагандек онг-шуурим фоят мусаффо, ўзим жуда хотиржам бўлиб қолган эдим. Кўз ўнгимда онаизоримнинг муnis, меҳрибон чеҳраси гавдаланаарди.

«Болажоним, – илтижо қиласарди онагинам, – қаерларда қолиб кетдинг? Нега хат ёзмай қўйдинг? Сендан хабар кутавериб девона бўлаётдим-ку! Отанг кечалари ухламай нуқул «уф» тортади, тамаки чекади. Мен эсам йигига зўр бераман...»

Қайдасан, ўғлим, паҳлавоним, хабар бер! Биз ёнингга учиб борамиз. Кўнглим сезяпти, сенга бирор кор-ҳол бўлган...»

Мен сесканиб қўзларимни юмиб очдим. Узоқ давом этган уйқудан уйғонгандек эдим.

Онамнинг мактуби ўқ-дорисиз, қон, алам, дод-фарёдсиз, урушсиз, тинч, осуда ҳаётга қайтиш йўлидаги биринчи қадам бўлди.

Бу тўрт томонида ҳамон одам ўлдиришлар давом этаётган госпиталда содир бўлди. Ҳа, уруш давом этаётган бўлса-да, мен энди ҳаётга қайтганимга ишона бошлагандим.

Сўнгги жангга отланганимизда жазирама ёзниг фоятда иссиқ оқшоми эди. Энди бўлса куз яримлаб қо-

либди. Госпиталнинг мўъжазгина чорбоқчасида гуллар мунғайиб, дараҳтларнинг барги сарфайиб, уларга куз нуқси урибди. Тоғ томондан эсган сар-сари шамолга кўкрак тутиб тўйиб-тўйиб нафас олдим. Юрагимда яшаш ишқи жўш ура бошлади.

Кейин бирдан кўксимнинг чап томони симиллаб оғрий бошлади. Ёдимга сен тушиб кетдинг.

Урушдаги қарийб бир ярим йиллик ҳаётим давомида сени нуқул тушимда кўрардим, сенга фақат ҳаёлий мактублар битардим ва Қандаҳорнинг майин қум заралари аралаш телба шамоллари уларни сенга албатта етказади, дея умид қиласдим.

Онамдан мактуб олганимдан сўнг ҳаёлот дунёсидан ҳақиқий ҳаётга қайта бошладим ва сенга бўлган муҳаббатим тақдиди ҳақида ўйлашга тушдим. Урушга жўнашим арафасида сен «Алвидо!» дея қайта учрашишга хоҳишинг йўқлигини очиқ-ойдин изҳор этган эдинг. Сенинг видолашувингда менинг урушдан қайтмаслигимга пинҳон ишора ҳам бор эди. Мен, шоирликка даъвогар йигит, бу машъум кесатиқни сезмаслигим сира мумкин эмасди. Сен эса парвойи палак, мени имкон қадар қаттиқроқ хафа қилиш илинжида эдинг.

Начора, мен ошиқ эдим, ҳамон ошиқман, чидашдан ўзга чорам йўқ. Сенинг муҳаббатингга сазовор бўлишга ишонмасам-да, Севги, Муҳаббатдан умидим бор. Зеро, мен урушда қон кечиб, жон олиб, жон бериб, Севиш ҳуқуқини, Севги ҳуқуқини қайтадан қўлга киритдим.

Севиш ҳуқуқи... Севги ҳуқуқи... Севилиш ҳуқуқи...

Севги бу ҳаёт, Яшаш ҳуқуқи. Ҳаёт, Яшаш, Севги ҳуқуқини мен қонли, омонсиз жангларда Аллоҳдан сўраб олдим. Ёш умрим, афғон тупроғида қолиб кетган дўстларим ҳақи-ҳурмати шундай қилдим. Ноҳақ ўқза учган ўша афғон қизи, қолаверса, сен учун шундай қилдим...

\* \* \*

Мұйжазгина чорбоқчада тирамоҳнинг ҳазин оҳанглари кезиб юрибди. Ҳиндиқуш томондан эсган салқин шамоллар хаёлларимни яна аллақаёқларга учирив кетмоқчи. Лекин энди мен тизгинни қўлдан чиқармай, осойишта ҳаёт ҳақида ўйлайман.

Мен урушни ёмон кўраман. Лекин дунёи дунда урушдан ҳам ёмонроқ бир қабоҳат борки, унинг номи Лоқайдликдир. Лоқайдлик – қалб кўрлиги. Урушлар ана шу қалб кўрлиги оқибатида содир бўлади.

Юрагида севиши ҳуқуқи бўлган одам лоқайдликдан йироқдир.

Кун келиб сенинг тош юрагингда ҳам Севги пайдо бўлишига умид қилиб қоламан...

\* \* \*

Мен бир умр ўзимни изладим... Мен бутун умр сени изладим. Мен ҳамон Севги излайман!

**2015 йил 27 февраль – 3 марта**



# САХРОДАГИ ЁЛГИЗ ДАРАХТ

---

ЭССЕ

***Китобхонлик сири ва сехри.  
Ёзувчилик мактаби борми? Бор бўлса,  
бу мактабда ким, қандай таълим олади?  
Ижодкор танҳолиги***

Онам Ҳикматой Ражаббек қизи вафот этганларидан мен 17, Яҳё акам 30 ёшда, отам Абдуваҳоб Фозил эшон ўғли боқий дунёга риҳлат қылганларида акам 36, мен 23 ёшда эдим. Оиласиздаги 7 нафар ўғил-қиздан 5 таси уруш, очарчилик йилларида вафот этишган, фақат иккинчи фарзанд – акам ва энг кичик ўғил – мен омон қолгандик. Шу боисдан биз йўқсизлик саҳро-сидаги икки дараҳт мисол бир-биримизга суюнардик.

Кишилик жамияти, агар таъбир жоиз бўлса, сувсиз, қақроқ саҳрого ўхшайди. Бу жамиятнинг ички қонуниятлари жуда шафқатсиз. Шунча одам орасида ўзингни жуда ёлғиз, гариб сезасан. Ўз тенгинг, ҳамфикр, маслақдошинг, юлдوزи юлдузингга тўғри келадиган киши бўлмаса, саҳродаги ёлғиз киши ҳолига тушасан. Инсон бир умр ўзини худди ўзидек ёки ота-онасиdek тушунадиган кишини излайди. Бу жуда мушкул иш.

Мен бир умр акамдан ўргандим, тақлид қилдим. Бутун умр у кишидай тартиб-интизомли, илмли бўлишга интилдим. Акам тавсия қилган китоблар, газета-журнallарни ўқиб касб эгалладим. Ҳар доим акам юрган йўлдан юрдим, у киши кийган кийимларни кийиб оёққа турдим.

Албатта, менинг ўз тақдирим, мақсадим бор эди. Акамнинг сояси эдим, фақатгина у киши туфайли ёзувчи бўлиб етишдим, дея олмайман. Кейинчалик тушуниб етдимки, ёзувчи бўлиб етишиш фақат ёзувчи бўлишга аҳд қилган одамнинггина иши экан.

Биз барча ака-укалардек доим ҳам бир фикрда бўлавермасдик, баъзан қаттиқ баҳслалиб, аразлашиб қолардик. Айтмоқчиманки, қайсиdir мақсадга етишга бел боғлаган киши ёнида яқин инсони бўлса яхши

экан. Акам китоблар дунёсига ошно этгач, ёзувчи бўлиш мен учун улуғ мақсадга айланди. 1–2 синфларда ўқиб юрган кезларимда у нуқул «Сен ёзувчи бўласан!» дея такрорлашни хуш кўради.

Мен жуда ҳайрон бўлардим. Тўғрида, ёзувчи қаерда-ю, энди зўрга саводи чиқаётган мишики бола қаерда? Боз устига, хийла шўх, эрка ва ўйинқароқлигим оқибатида З-синфгacha ёмон ўқигандим. 5 нафар фарзандини тупроққа топшириб, бизга қараб қолган отам ва онам мени унчалик тергашмасди.

Ёзувчи бўлиш болалиқдаги орзуим эмасди. Ўшандада кўпчилик тенгқурларим сингари ҳарбий учувчи бўлиш ниятида эдим. Нима сабабдан бундай қарорга келганимни билмайман. Ҳар қалай, бу Шўро мафкураси таъсири бўлса керак. Урушдан кейинги йилларда ҳарбийлар, учувчилар, Шимолий қутб тадқиқотчилари ҳаётидан кўплаб кинофильмлар кўрсатилар, сон-саноқсиз бадиий адабиётлар чоп этиларди. Шуларнинг ҳосиласи ўлароқ, ўғил болаларнинг аксарияти учувчи бўлиш орзусида эди.

Аммо ўшандада учувчилик ҳам, ёзувчилик ҳам мендан етти тош йироқда, ўртоқларим билан кўча чангитиб копток тепардим, сой, анҳор, ҳовузларда чўмилардим. Ўзимни кўп хавф-хатарга қўярдим.

Иссиқ ёз кунларининг бирида колхоз электростанцияси ёнидаги улкан ҳовузга чўмилгани бордик. Ўртоқларим бирин-кетин ҳовузга калла ташладилар. Менинг кўзим эса оёқ тагида ётган япалоқ темир қопқоқларга тушди. Ҳар бири камида икки кило келадиган бу қопқоқларни сим билан қўлимга боғладим. Болалик эканда, қопқоқлар яхшироқ сузишимга ёрдам беради деб ўйлабман.

Қаёқда дейсиз? Ҳовузга шўнгишумни биламан, лаънати қопқоқлар мени тўппа-тўғри сув тубига тушири-ди-қўйди.

Ҳарчанд уринмайин, қўлларимни халос этолмадим, ичим сувга тўла бошлади. Ўзимни йўқотар даражага етдим. Қаттиқ дод солмоқчи бўлдим. Лекин оғиз-бур-

ним тўла сув, додлашнинг иложи йўқ эди. Ҳушимни йўқотаёзганимда қандайдир чайир қўллар мени озод кўтариб олди. «Ана, энди тамом! «Сув одам» еб қўяди!» ўйладим даҳшатга тушиб. Сув остида яшайдиган одам ҳақида кўп эртаклар эшигандим-да.

Шундан сўнг нима бўлганини билмайман. Кўзларимни очганимда тепамда ўртоқларим туришар, акам эса лаънати қопқоқларни қўлларимдан ечиш билан банд эди. Ўшанда қаердандир пайдо бўлган акам чўкканимни кўриб турган ва ортимдан сувга сакраган экан.

\* \* \*

1955 йилда Яҳё акам еттига кириш имтиҳонини ҳам «аъло» баҳога топшириб, Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишига кирди. Институт домлалари профессор Мустақим Мирзаев (марҳум) бошчилигида уйимизга ташриф буориб, ушбу воқеа муносабати билан ота-онамга миннатдорчилик билдиришди.

Акам институтнинг учинчи курсига ўтгач, менинг тарбиям билан жиддий шугулана бошлади.

Аввалига у менга ҳар хил жуда чиройли, суратли китоблар совфа қила бошлади. Бу китобларни маза қилиб томоша қиласадим-да, сўнгра бир чеккага йиғиштириб қўйиб, яна копток тепиш билан машғул бўлардим. Ҳар ҳафтада уйга қайтадиган акам мени ўша китоблар юзасидан эринмасдан имтиҳон этар, билимидан қониқмай жиғибийрон бўлар, баъзи-баъзида қулогимни яхшилаб чўзид қўярди.

Охир-оқибат акам бу кетишда мендан «ёзувчи» тугул оддий китобхон ҳам чиқмаслигига кўзи етиб, услубини ўзгартирди. У ёшимга мос, турли воқеаларга бой эртак китоблар келтира бошлади. У энди китоблардаги воқеалардан оз-оз сўзлаб бериб, қизиқишимни оширасди. Ана шу мени узил-кесил «таслим» қилди!

Дарвоқе, ўшанда қишлоғимизда электр йўқ, оқшомдан тонггача хира чироқ ёруғида тинимсиз китоб ўқир-

дим. Отам ва онам бола пақир күздан айрилиб қолмасин, дея ташвишга тушиб, акамга китоб олиб келишни тақиқдашибди. Мактаб кутубхона мудираси Исматова ҳам турли баҳоналар билан китоб бермай қўйди.

Бошимга қора кунлар тушди. Акамнинг «нозик педагогик услуб»лари ўз ишини қилиб улгурган, энди китобсиз туролмасдим.

Кўп ўтмай «китобсиз» кунларим ота-онам кўрсатмалари билан содир бўлаётганини англааб етдим. «Кенжा ўғил» ҳақ-ҳуқуқини ишга солиб, «агар китоб бермас экансизлар, мактабга бормайман!» деб туриб олдим.

Бу яқинларим учун кучли зарба эди. Яна китоблар уммонига фарқ бўлдим. Лекин бошқа «болаларча сўллик» касаллигини енгиб ўтишга тўғри келди. Дуч келган китобни ўқишим акамга ёқмади. У танлаб-танлаб китоб ўқишга ўргата бошлади.

«Робинзо Крузо», «Геклерри Финнинг бошидан ке-чирганлари», «Хазиналар ороли», «Капитан Грант болалари»... Бу рўйхат жуда узундан-узоқ эди. Кўз ўнгимда, онг-шууримда шунчалар бой ва рангин дунё намоён бўлдики, тамомила «китоб жинниси»га айландим, бадиий адабиёт дунёсида яшай бошладим.

Бунинг ҳам айрим ёмон томонлари бор экан. Мен бадиий адабиётдан бошқасини тан олмай қўйгандим, дарслик китоблар бир чеккада мунғайиб ётарди. Так-поран тазиик чораларига дучор бўлдим (ахир, оилада иккита ўқитувчи бор эди-да) ва бошқа фанларни ҳам яхши ўзлаштира бошладим. Учинчи синфни битирганимда «аълочи»лар сафидан ўрин олиб улгургандим.

Бу орада китобхоналигимнинг бошқа бир муаммоси чиқиб қолди. Воқеалар ривожига қизиқиб, нима билан тугар экан деган ўй билан, машҳур китобларни жуда тез ўқиб, «қўлдан ўтказа бошладим».

Табиатан жуда синчков акам буни дарҳол сезиб қолди.

Кунларнинг бирида акамга «Робинзон Крузо»ни ўқидим дея мақтандим.

– Китобни ким ёзган экан, – сўради у.

– Билмайман, – дедим мен.

– Бош қаҳрамони ким? – яна сўради акам.  
Мен яна билмаслигимни айтдим.

– Ана холос, – деди акам, – ким ёзганини билмасанг, бош қаҳрамон ким эканини айтолмасанг, бу қанаقا китоб ўқиш бўлди?

Шундан сўнг китобларни тез ўқимаслигим, уларни яхши ўзлаштириб, ёдда сақлаш им учун акам мени тез-тез тергаб турди. Охир-оқибат бу «касаллик»ни ҳам енгигиб ўтдим.

Бу ўринда воқеалар ривожидан бир оз ўзиб ҳикоя қилишга тўғри келади. Мен журналистика бўйича иккинчи олий маълумот олганимдан сўнг, Москвада чоп этиладиган «Журналист» журналида китобларни тез ўқиш, ўзлаштиришга бағишлиланган йирик мақола чоп этилди.

Бир гал учрашганимизда акам сўраб қолди.

– Жўрабой, «Журналист»даги мақолани ўқидингми?

– Ҳа, – дедим мен акам буни нега сўраётганини фаҳмлагандек.

– Қойилман, – деди акам жилмайиб, – сен бу усулни йигирма беш йил аввал, болалигингдаёқ эгаллаган эдинг. Лекин бари бир, бу усулнинг зарарли томонлари ҳам бор. Тез ўқиган китобингдан ҳузур, лаззат ололмайсан.

– Ака, – дедим, мен ҳамон ўз фикримдан қайтмай, – ҳамма китобдан ҳам лаззат олиб бўлмайди. Тез ўқиш у ёқда турсин, варақлаб чиқиши кифоя қиласидиган китоблар жуда кўп. Уларнинг ҳаммасига кўпроқ вақт ажратиш имкониятим йўқ-ку!

– Ким билади, – деди акам ўзининг азалий одатича мийифида кулиб, – эҳтимол, сен ҳақдирсан. Лекин мен китобни тез ўқиёлмайман-да...

Азалий баҳсимиз шу тариқа якун топган бўлса-да, акам ўз фикридан қайтмаган экан, етук ёшимда яна бир карра «имтиҳон» этди. Мен бу имтиҳондан «муваффақиятли йиқилдим».

– «Ўткан кунлар»даги Отабек Марғilonда қайси қабристонда бир кеча тунаган эди?

Мен хийла довдираб, хаёлга зёр бердим, қабристон номини эслашга ҳаракат қылдим. Ҳарчанд уринмайин, ёдимга келмасди.

– Ана, күрдингми, – деди акам тантанавор охангда, – тез ўқишининг оқибати бу! Отабек Хўжамаоз қабристонида бир кечада тунаган.

– Ака, «Ўтган кунлар»ни синчиклаб ўқигандим, ҳамон қайта-қайта ўқийман-ку! – дедим мулзам бўлиб.

– Бари бир, эслаб қола олмабсан-ку!

Китобни қайта варақлаб, акам ҳақ эканига ишонч ҳосил қылдим. Қабристон номи ҳамон ёдимда турибди.

\* \* \*

Яна болаликка қайтиб ҳикоя қиладиган бўлсам, ўша йилларда китоблар дунёсига тобора чуқурроқ кириб борардим. Фақат китоб ўқиш билан чегараланмай, ўқиганларимни битта қўймай ўртоқларимга, синфдошларимга сўзлаб берардим.

Ҳикояларим хийла қизиқарли эди шекилли, тенг-қурларим жон қулоқдари билан тинглашар, турли саволларга кўмиб ташлашарди. Мен билганим, ақдим етганича жавоб берардим. Билмаганларимни эса бемалол тўқиб ташлардим. Шундай тўқирдимки, буни ҳеч ким сезмас, китобдаги воқеалар янада ривожланиб, мазмуни ҳам назаримда «кучайиб» қоларди.

Болаларнинг қизиқиб тинглашлари файратимни жуда ошириб юборар, китоб ўқиш – «китоб тўқиши»да давом этардим. Китоб тўқиши деганимда асар воқеаларини дўстларим ҳаётига мослашга интилардим. Фожиали китоблар охирини яхшироқ, нурлироқ тугаллашга ҳаракат қилардим, холос. Энди билсам, мени ларзага солган буюк китоблар болалик ҳаётимга улуғ бир кўтаринкилик, нур олиб кирган, шу боис барча асарлар эзгулик ғалабаси билан якун топиши, қаҳрамонлар эса баҳтли бўлишига интилган эканман.

Китоблар... Сон-саноқсиз, ранг-баранг китоблар... Қизиқарли ҳаёт... Энди мен фақат воқеалар ривожи

билингина чегараланиб қолмай, Мұйжиза, Яңгилик, Хүшхабар, аниқроғи, Яңги бир Ҳаётни излардим.

Бахтимга отам жуда қызықувланып, янгиликка ўч одам әдилар. Шунинг натижасида қишлоқда бириңчи бўлиб уйимизда радиоприёмник пайдо бўлди.

«Ватан-47» деб номланган бу сарғиши, чиройли қутини илк бор кўрганимдаги ҳайратимни сўз билан ифодалашим жуда қийин эди.

Бир неча катта-кичик батареядан қувват оладиган мўйжиза қучоққа зўрға сифар, уни тинглаш учун уйимиздан ҳамқишлоқларимиз қадами сира узилмасди.

Мен ўзим кутган, интилган Яңги Ҳаётни ана шу қути орқали топа бошладим.

«Ватан-47» баралла гапириб, бизни Дунё янгиликларидан хабардор этар, қўшиқ куйлар, ва баъзан эртага қор-ёмғир ёғишини айтар, баъзида эса, аччиқ-тизиқ гаплардан ҳам қайтмасди.

Мен жуда хурсанд эдим, радио ёнидан бир қадам нарига жилмасдим. Лекин кап-катта одамлар қандай қилиб бу қутига сикқанига сира ақдим етмас, отамдан сўрасам у киши ҳазидан нарига ўтмасдилар. Мен-ку бола эдим, лекин катталар ҳам сирдан воқиф эмасдилар.

Бир куни Сирож бобо деган қўшнимиз отамдан дабдурустдан сўраб қолди.

– Домулло, бу қутингизга кап-катта одамлар қандай сиғади-я? Сира ақдим бовар қилмайди!

Отам яна ҳазил қилдилар.

– Энди, Сирож бобо, бу одамлар шу қутига мослаштирилган-да.

Сирож бобо бошини сарак-сарак қилас, кўзлари ҳайратга тўла эди.

Радио бола шууримда тўнтариш ясади. Воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилас экан, тасаввуримда бутунлай янги олам гавдаланарди. Табиатни бутунлай бошқача тасаввур эта бошладим. Бу китоблар уйғотган, дунёни рангин бўёқларда тасаввур этиш ҳиссини янада ривожлантирди, мустаҳкамлади. Олис денгизлар, тоғлар, шаҳар-қишлоқлар, коинот, галактика ҳақида

эшитган радиохикоялар туфайли, Дунё ҳақида ўз фикрим, қарашларим пайдо бўла бошлади. Қолаверса, Буюк Олам ҳақидаги ана шу тасаввур орқали ўз дунёмни кашф этдим.

Улкан адаб К.Паустовский ёзувчи учун тасаввур қила олиш қобилияти ҳал қилувчи кучга эга эканини алоҳида таъкидлайди. Чунки инсон ниманидир тасаввур этар экан, уни юрагидан ўтказади. Юрагидан ўтказдими, демак, албатта, бунга ҳис-туйғулар, интеллект аралашади. Тасаввур, ҳис-туйғуга йўғрилган интеллект бадиий асар қон томиридир Эҳтимол, юраги десам ҳам муболага бўлмас.

Радио уйғотадиган тасаввур шуниси билан жуда но-дирки, бу ҳатто ўша жисм, табиат манзараси, ҳодисаси ҳақида ҳаётдагидан ҳам кучлироқ бўлиши мумкин.

Масалан, радиони бир жойда, бир пайтда неча киши бирга тинглаётган бўлса, улар кўнгли, шуурида туғиладиган тасаввур ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Сабаби инсон онгидаги тасаввур унинг илми, дунёқараши, аҳвол-руҳияси, касби ва бошқа жуда кўп омиллар таъсирида юзага келади. Ҳатто энг яқин, қондош-жондош кишилар ҳам бир хил тасаввур қила олмайдилар.

Шу тахлит отам ва акамдан сўнг радио энг яқин маслаҳатчим, маслакдошимга айланди. У яқинларимни мен беришим керак бўлган сон-саноқсиз саволлардан халос этди. Бахтим шунда эдики, тез орада радиодан бўлак яна бир маслаҳатчига эга бўлдим. Бу юрагимда ҳайрат ҳисларининг янада алангаланишига сабаб бўлган газета эди.

Акам институтни битириш арафасида Фиждуvon туманига ўқув амалиётини ўташга жўнади ва у ерда бир неча ой қолиб кетди.

У отамга тез-тез хат ёзар, мен ҳам бу мактубларни қизиқиб ўқирдим, бундан бениҳоя лаззат олардим. Чунки акам ўзининг Фиждувондаги ҳаёти, педагоглик фаолияти ҳақида жуда қизиқарли ҳикоя қиласарди. Мактубларни қайта-қайта ўқирдим, онамга ўқиб берардим. Акамни беҳад согинган онам кўз ёш тўкарди.

Ҳозир ўйлаб қарасам, акамнинг бу мактублари мен учун журналистика, қолаверса ҳаёт мактабининг илк сабоқлари бўлган экан.

...Баҳор фасли, ҳовлимиздаги ўрик, гилослар қийғос гуллаган, ҳаво чечак ҳидига тўла эди. Отам мактабдан жуда хурсанд қайтдилар. Қўлларида икки букланган «Ўқитувчилар газетаси» (ҳозирги «Маърифат») бор эди.

– Буни қара, онаси, Яхёжоннинг мақоласи чоп этилибди!

Онам жуда севиниб газетани қўлларига олдилар. Икковлашиб ўқий бошладик. Иккинчи саҳифада «Розаҳон педагог бўлади» сарлавҳали мақола эълон этилган, остига Яхё Ваҳобов, амалиётчи-талаба, сўзлари битилган эди. Акам ўз курсдоши ҳақида жуда самимий лавҳа ёзган экан. Уни онамга қироат билан ўқиб бердим.

Ушбу мақола мактабда, қишлоқда кўп шов-шувларга сабаб бўлди. Ҳамма отамни, онамни табриклиди. Бу мақтовлардан мен ҳам қуруқ қолмадим. Энди «аъло»га ўқиётганим сабаб ўқитувчиларим бу ҳам акасидан қолишмайдиган йигит бўлади», деб қўйишарди.

Ана ўшанда мен газета нима эканини сал-пал англантек бўлдим.

Орадан бир неча ой ўтгач, отам яна уйга газета кўтариб келдилар. Яна уни учаламиз бирга ўқидик. Бу гал акам ёзган шеър ўша пайтнинг энг нуфузли газетаси ҳисобланмиш «Қизил Ўзбекистон (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)да чоп этилган экан.

Ўша йилларда Карим Мўминов ижросидаги «Гилос» қўшиғи жуда машҳур эди. Қўшиқдаги «Сени кўрдим гулзорда, гилос пишганда боғда», деган мисраларни кўпчилик хиргойи қилиб юрарди.

Акамнинг «Қизил Ўзбекистон»да эълон қилинган шеъри ана шу машҳур қўшиққа пародия бўлиб, ундаги мана бу мисралар ёдимда қолган:

*Мен сени кўрдим қишилоқда, қўй қўзилаган чоқда,  
«Яримта»дан бош оғриб, туролмайсан оёқда.  
Сочсиз бош тоғса ўхшар, бўгзинг харосга ўхшар,  
Бир келганда уч қўйни ютганинг ростга ўхшар.  
Раҳбарман деб керилма, тайёр ошга югурма,  
Халқимга юк бўлгунча, ўлсангчи ичиб сурма!*

Бу пародияни ўша пайтнинг машҳур карикатура-чи рассоми Воробейчиков безаганини яхши эслайман. Раҳбарман деб керилган семиз, бақалоқ нусханинг ҳажвий сурати роса боплаб чизилганди. Кайфи тароқ кимса улкан портфель устида ўтирибди. Тўртта гиддиклари бу портфелни қўй-қўзи-ю қўчқорлар судраб кетишяпти.

Оиласиз аъзолари бу суратни томоша қилиб, шеърни қайта-қайта ўқиб, қотиб-қотиб кулардик.

– Об-бо, Яҳёжон-ей, роса боплабди-ку бу бюрократни! – дедилар отам.

Биз газетани бир неча кун қўлдан қўймадик. Отам курсанд бўлиб ўзларининг ёшлик йилларини эсладилар. Ўтган асрнинг 20-йилларида «Бухоро ахбори» газетасида «Тош» ва «Ниш» тахаллуслари билан фельетонлар чоп эттирганларини айтдилар.

Газетада эълон қилинган биргина ҳажвий шеър оиласизга байрам олиб келди. Туманда, вилоятда хийла шов-шув бўлди. Оддийгина талаба йигитга кўпчилик эътибор қила бошлади.

Шу воқеадан сўнг газета ва акамга бўлган ҳурматим янада ошди.

Бу орада акам институтни имтиёзли диплом билан битириб, мактабимизда она тили ва адабиёти ҳамда тарих-география фанидан дарс бера бошлади.

Ўқувчилар унинг жуда қаттиққўл ва талабчанлигини дарҳол ҳис этишди. У мен ўқийдиган 5-синфда она тили ва адабиёт фанини ўқитарди. Очигини айтадиган бўлсам, акамнинг талабчанлиги энг аввало мендан

бошланарди. Бундай дейишимга сабаб, муаллимим барча фанлардан «5»га ўқиётган бўлсамда, менга она тили ва адабиётдан «5»дан кўра «4»ни кўпроқ қўярди. Аччиғим чиқиб, баъзан отамга шикоят қилганимда, акам «Ўғлингиз «5» олишига ҳали анча бор», дея терс жавоб берарди.

Ким билади, балки шу «4»лар туфайли адабиётга қизиқишим янада ортгандир? Мен «аъло» баҳо олиш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қиласар эдим. Ана шунда акам баъзан «ҳиммат» қилиб «5» қўярди.

1963 йилда уруш йилларида тўхтатиб қўйилган туман газеталари фаолияти қайта тикланди. Республика матбуотида лавҳа, очерк ва шеърлари мунтазам эълон қилиниб турган акам газета масъул котиби этиб тайинланди.

Туман газетаси таҳририяти Ромитан тумани марказидаги пахта қабул қилиш масканидаги бир неча хонага жойлашганди. Хоналар шифти баланд, деразалари катталигидан жуда ёруғ, лекин қишида совуқ бўларди. Ўша пайларни эсласам, ҳамон баданим жунжикиб кетгандай бўлади. Лекин кўнглимда ажиг бир илиқдик туюман. Сабаби мен бутун умримни бахш этган газетачилик ишига илк бора шу хоналарда меҳрим тушди.

Акам газетада ишлай бошлаганида 7-синфда ўқирдим. Баъзи-баъзида велосипедда туман марказига борганимда унинг ишини соатлаб кузатиб ўтирадим. Газета ишининг жуда қизиқарли, тезкор оқими мени бутунлай маҳлиё этганди.

Бирин-кетин газета саҳифалари ишланар, сўнгра улар босмахонада чоп этилар, қарабисизки, тирик тарихга айланарди.

Кўз ўнгимда содир бўлаётган мўъжизага мафтун бўлмасликнинг сира иложи йўқ эди. Чунки мен газетачиларни, уларнинг қаҳрамонларини, рўй бераётган айрим воқеа-ҳодисаларни ўз кўзим билан кўриб туардим. Кўп ўтмай улар кун, ҳафта, ой тарихига айланниб қоларди.

\* \* \*

Таъбир жоиз бўлса, китобхонлик кемасини фарқ этувчи қоялар кўп бўлар экан. Насрий асарларни ҳузур қилиб ўқиб юрган кезларимда шеърий китобларни деярли ўқимасдим. Тўғрироғи, шеърни негадир тан олгим келмасди. Акам яна ёрдамга келди.

– Бўлажак ёзувчи шеърни кўп ўқиши, яхши тушуниши керак. Сен эса олди-қочди воқеалар кетидан қуваяпсан. Ёзувчи бўлмоқчимисан, демак, шеър ўқишинг, ўқигандা ҳам уқиб ўқишинг керак. Чунки назм ва наср бир-бирини тўлдириб, бир-биридан куч олиб туради. Шеърни қанча кўп ўқисанг, кўнглинг шунчалар юксалади.

Фикримча, шеърият ва наср мен-у сендеқ ака-укалардир. Янада аниқроқ айтадиган бўлсам, шеърият – ака, наср – ука, журналистика эса кичик ука. Шеърият ҳис-туйфу, ҳаяжон, рангин, чиройли, оҳангдор сўзларга таянса, наср – фикр, воқеа-ҳодиса, фалсафий хуласаларга асосланади. Журналистика далиллар, янгиликлар, юз берган долзарб воқеалар асосида кун, ой, йил, давр тарихини яратади. Нима, қачон, қаерда юз берди ва нега юз берди деган саволларга жавоб топади. Албатта, улар бажарадиган айрим вазифалар бир-биридан фарқ қиласди.

Лекин шундай пайтлар бўладики, ака-укалар ўрин алмашибади, бир-бирларидан ўзиб кетишибади. Худди ука акадан, шогирд устозидан ўзиб кетгани каби. Тарихда кичик ука деганим, журналистика назмдан ҳам, насрдан ҳам ўзиб кетиб, газетанинг биргина хабари дунёни остин-устин қилган пайтлар кўп бўлган.

Хиросима ва Нагасакида Америка томонидан ташланган атом бомбаларининг портлатилиши тўғрисида матбуот, радио-телевидение хабарлари катта шов-шуввларга сабаб бўлганди. Чунки бу оммавий қирғин қуролининг инсонга, инсониятга қарши биринчи қўлланилиши эди. Ва бу ҳақда журналистика биринчи бўлиб ахборот берди.

Албатта, адабиёт – шеърият ва наср ҳам қараб тургани йўқ. Бу даҳшатли жиноят ҳақида кўплаб назмий-насрий асарлар яратилди.

Акам худди институт профессоридай маъруза ўқирди. Албатта, мен, ўша пайтда ўспирин, буларнинг ҳаммасини тушунардим, дея олмайман.Faқат улар қон-қонимга, жон-жонимга акамнинг ўгитлари орқали сингиб кетгани аниқ.

Мен мактаб дарслекларидан Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Александр Пушкин, Михаил Лермонтов, Владимир Маяковский, Ҳамид Олимжон шеърларини ўқирдим, албатта.

Кейинчалик акам ўша пайтларда эндиғина танила бошлигар Абдулла Ориповнинг «Митти юлдуз», Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони» шеърий китобларини келтириб бергач, шеъриятга қизиқа бошладим.

Ҳозир бунинг сабабларини таҳдил этиб, шундай хуносага келдимки, замондош шоир, ёзувчиларни тушуниш, ёзганларини кўнгилга яқинроқ олиш нисбатан осонроқ экан.

Яна бир қизиқ томони, китобхон китобдан энг аввало ўзини, ўзи билган ҳаётни, одамларни, ўзлигини излар экан.

Ўнинчи синфни тугаллашим арафасида туман газетасида акамнинг бир шеъри босилиб чиқди. Бу ўшандага ҳаваскор шоир машқи бўлса-да, бир умрга хотирамда муҳрланиб қодди, уни ҳамон ёддан айтаман.

*Шафтолининг шохлари ларзон,  
кийик кўзлар боқар оралаб,  
Эҳтиётсиз кулманг, қизларжон,  
юрагимни пора-поралаб.  
Шафтолининг шохлари ларzon,  
ажаб хилват шафтолизор,  
Қилиб қўйди ишқида сарсон,  
энди бўлса, кўринмайди ёр...*

Бор-йўғи бир бандгина шеър. У болалиқдаги жуда содда ва бокира хотираларим билан боғлиқ. Ва мен

ўша хилват шафттолизорниям, уни оралаб боқсан ки-йик кўзли қизларниям билардим. Шу боис ушбу мисра-лар мен учун фоят қадрли эди.

Ўнинчى синфни битириб, акам ўқиган институтга кириш учун ҳужжат топширдим. Имтиҳонларни яхши топширган бўлсамда, талабалик насиб этмади. Ўшанда имтиҳон баҳоларидан бўлак яна айрим томонлар ҳи-собга олинарди.

Акам мени туман босмахонасига ишга жойлашти-риб қўйди. Кўлда газета матнини терадиган устага шо-гирид тушдим. Бу ишни хийла ўзлаштирганимдан сўнг босма машинасида газетани чоп этишни ўргандим. Га-зетани тонггача чоп этардик. Тонгда янги кун билан бирга янги газета эндиғина ўтган кунлар тарихи бўлиб дунёга келарди.

Газетанинг янги сонини биринчи бўлиб ўзим ўқир-дим, бундан беҳад завқланардим, журналист бўлиш иштиёқи тағин ҳам кучайиб бораради.

1967 йил 21 январь куни онам вафот этдилар. Ёмғир аралаш қор ёққан қишининг бу куни тақдиirimning энг қора санаси бўлиб хотирамда қолди.

Қабристонда шўртантг кўз ёшларимни ёмғир аралаш қорга қўшиб ютар эканман, ҳаётимда илк бора йўқо-тиш дарди нечоғлик оғир эканини юрак-юракдан ҳис этдим. Онамнинг қабрига акам билан ёнма-ён туриб тупроқ ташлаётib, акамга янада кўпроқ суюнишим ке-раклигини англай бошладим.

Тез орада акам воситачилигига мени туман газета-сига ишга таклиф этишди. Ромитан туман газетаси-нинг ўша пайтдаги муҳаррири Сайли Ҳайитов (марҳум) ишга қабул қилиш ҳақидаги аризамни қаторасига З маротаба ўқигач, унга имзо қўйди. Муҳаррир хона-сидан чиққанимиздан сўнг бу ҳақда акамдан сўраган эдим, у кулиб шундай деди:

– Сайли ака жуда пишиқ одам. Агар аризангдан имловий хато топганида сени ишга қабул қилмас эди. Тўғри-да, аризасидан хато чиққан мусаҳҳиҳ газетада хато ўтказиб юбормайди, деб ким кафолат бера олади?

Шундай қилиб, муҳаррирнинг гаройиб «тест»идан ўтгач, газетада мусахҳихлик қила бошладим.

Бу хийла мураккаб иш экан. Ўшанда газетада чоп этилиши лозим бўлган мақолалар аввал гранкада ўқи-либ, сўнгра саҳифада бошқатдан ўқиларди.

Кунларнинг бирида гранка ўқир эканман, бирдан сесканиб кетдим, кўз олдим қоронфилашгандек бўлди. Мен онам вафотларига атаб акам ёзган шеърни ўқиёт-ган эдим.

*Туш кўрибман, тушимда бир вақт  
қабристонда юрган эмишман,  
Зулумотда қалтираб беҳол,  
бардек титраб турган эмишман.  
Онажоним қабридан шу чоқ  
эшишилмиш мунгли бир садо,  
«Болажоним, совқотмадингми,  
нечун эгнинг юпун, бенаво?»  
Қаранг, тупроқ бўлгач ҳам яна,  
фарзандини ўйларкан она!..*

Кўз ёшларим ўз-ўзидан қўйилиб келар, мен ҳамон ўша, қабристонда совуқ қор ва ёмғир аралаш ютганим – кўз ёшларимнинг ўзартанг таъмини унутмагандим.

Айтмоқчи бўлганим, шеър юракдан чиқса, у ўқув-чининг юрагига бориб етса, бу шеъриятга ошно бў-лишнинг энг мақбул, қулай ва яқин йўли экан. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳаётдан олинган, мен кўрган, билган, юракдан ўтказган воқеаларга боғлиқ жуда содда, жўн шеърлар шеъриятга ошно қилди. Мен шоир бўлиб етишмадим, лекин бу насрий асарларимни ёзишга катта ёрдам берди.

Инсонлар ҳар бир бадиий асардан ўзларини, тақ-дириларини излайдилар. Топсалар беҳад баҳтиёр бўлиб бу асарни қўлдан сира қўймайдилар.

Бу ўринда воқеалар ривожидан бир оз ўзиб, ҳикоя қилишимга тўғри келади.

2001 йилнинг август ойи охирлари эди. Янги роман устида иш бошлагандим, қулогум ҳеч нимани эшифтас,

кўзим матндан бўлак нарсани кўрмасди. Бехосдан телефон жиринглади. Гўшакни кўтарганимда акамнинг ҳорғин товушини эшилдим.

– Жўрабой, ҳозир жуда бандлигингни ҳам, бундай пайтда қулоғингга ҳеч бир гап кирмаслигини ҳам яхши биламан. Лекин сендан бир илтимос, айрим қоидаларингдан шу кун андак чекинсанг? Онамнинг қабрларини зиёрат қиласлик. Шу кеча тушимга кирибдилар... Мен бир соатларда етиб бораман...

Қишлоқ чеккасидағи қабристонда »Қуръон«дан суралар тиловат қилиб, дуо-ю фотиҳа қилар эканмиз, ўша, акам ёзган шеърни айтиб бердим. У жуда таъсирланди.

– Қара-я, қирқ йилда ҳам бу шеърни унутмабсан-да! Аллоҳ сенга кучли хотира берганини болалигингдаёқ сезгандим, шу боис ёзувчи бўласан деб такрорлашдан чарчамасдим.

– Онаси вафотига атаб ёзилган шеърни ҳеч ким ҳам ёддан чиқармаса керак!

– Фикрингга қўшилмайман. Мен бу шеърни ўзим ёзган бўлсамда, эслаёлмайман-ку!

– Ҳамма гап шунда-да. Ўзингиз ёзганингиз учун унчалик таъсирланмагансиз, шу боис эсингизда қолмаган.

– Билмасам, – мийифида кулди акам, – ўзи биз баҳслашмай туролмаймиз. Ахир таъсирланмай шеър ёзиб бўладими?

Шу воқеадан икки ойча вақт ўтгач, акам тўсатдан вафот этди.

\* \* \*

Ўша олис 1967 йил январь ойида акамнинг туманимиз газетасида эълон қилинган шеърини газетхонлар кўлма-қўл ўқидилар. Чамамда, улар бу шеърдаги она сиймосида ўзларининг волидаи муҳтарамаларини кўрган эдилар.

Мен газетада икки йил мусаҳҳиҳ, кейин радиоташкилотчи мухбир бўлиб ишлаганимдан сўнг 1968 йилда ТошДУ журналистика факултетига ўқишга кирдим.

Кузда армия сафига чақирилиб, аввал Қозогистондаги Бойкүнғир космодромида, сүнгра Узок Шарқ Амур вилоятининг Совет-Хитой чегараси бўйлаб «Мустаҳкамланган район» (укрепрайон)да ҳарбий хизматни ўтадим.

Ўқишини битирганимдан сўнг яна Ромитан туман газетасида ишлай бошладим. Газета иши мен учун ёзувчилик мактаби бўлди. Мен ҳамон бу мактабнинг ўқувчиси, акам эса ўқитувчиси эди. У бошловчи журналист, ёзувчи сифатидаги изланишларимни синчковлик билан кузатиб борар, керак пайтда керак маслаҳатни берар, хатоларимни эринмай тузатар, жуда ҳаддан ошириб юборган пайтларимда жиддий таңбех ҳам эшитиб турадим. Бу пайтда акам «Бухоро ҳақиқати» газетасида ишлар, ўзининг лавҳа, очерк, шеърлари билан танилиб қолган эди.

Ромитан Бухоро вилоятининг ҳудуд жиҳатдан жуда иирик тумани ҳисобланади. Бир томони Амударё соҳилари, қўшни Хоразм вилояти, Туркманистон, яна бир томони чексиз Қизилкум чўллари... Ана шу туман газетаси мухбири сифатида кўп сафар қиласардим, бу жуда катта ҳаётий тажриба манбаи эди.

Газетада ўн йилча ишлаганимдан кейин акам адабиёт ҳақида тонготар суҳбатларимизнинг бирида шундай деди:

– Биласанми, бир қарич пайтингдан кузатаман, сенда ёзувчи бўлиш учун ҳамма сифатлар бор. Лекин ҳозиргидек ишлаб, яшайверсанг, жиддий ёзувчи дея эътироф этилишининг даргумон.

Мен гангиб қолдим. Чунки ҳар доим «Сен ёзувчи бўласан» дея қўнглимни қўтариб юрадиган акамдан бундай сўзларни сира кутмагандим.

– Нега энди? – дедим зўрга овозим чиқиб.

– Шунинг учунки, – деди акам кўзимга тик боқиб, – газета иши, рўзгор ташвишларидан бери келмаяпсан, бадиий ижодга жуда кам вақт ажратаяпсан. Ҳақиқий ёзувчи бўлиб етишиш учун ўзингни бутунлай бадиий ижодга бағишлиашинг керак. Акс ҳолда, ёзганларинг

ҳеч кимга керак бўлмайди! Мен сени аяшим мумкин. Лекин сен ўзингни сира аямаслигинг керак. Аядингми, тамом!

Бир нарсани тушунишингни истардим. Ўз ҳаётий тажрибамдан, хатоларимдан хулоса чиқариб, гапиряпман. Мен эҳтимол, катта шоир бўлолмасман. Лекин сен албатта ёзувчи, жиддий ёзувчи бўлиб етишишинг керак!

Ҳа, бу гал акам мени сира аямаётганди, сўзлари мўлжалга бехато урилган ўқдек эди. Қайсарлигим тутиб эътиroz қилдим.

– Ахир ўзингиз газета – ёзувчилик мактаби дея таъкидлайсиз-ку!

– Ҳа, – деди акам сал шаштидан тушиб, жилмайганича. – Мактаб экани рост, бироқ бу мактаб ўқувчиси жуда иродали, тиришқоқ бўлиши керак. Сен ҳозир катта ҳаётий тажриба эгаси бўлаяпсан. Бу яхши, лекин шунинг ўзигина кифоя қилмайди-да. Биламан, жуда кўп ўқийсан. Энди ўқиганларингдан хулоса чиқариш, таҳдил этиш ва жуда кўп ёзиш, қўлингни ром этиш пайти келди. Ахир ёзувчи фақат ўқиш билан ёзувчи бўлиб қолмайди-ку! Ўзи ҳам қойиллатиб, кўп ва хўп ёзишни билиши керак.

Ўшанда биз эрта тонггача баҳслашдик.

Шундан сўнг ўзимнинг унда-бунда эълон қилинаётган хом-хатала ҳикояларимга танқидий баҳо бера бошлидим ва анча вақтгача ёзмай ҳам қўйдим.

Узоқ вақт жаҳон насли дурдона асарларини мутолаа қилдим. Пушкин, Лермонтовнинг бетакрор қиссалари, Толстой, Драйзер, Достоевский, Тургенев романларини, Чехов, Горький, Бунин, Куприн, Лондон, Хемингуэй ҳикояларини қайта-қайта ўқидим. Ҳали ҳеч нимани ўрганмаганимни юрак-юракдан ҳис этдим. Ўзим ёзган асарлардан бутунлай кўнглим қолди. Аросат сахросида эдим гўё.

Ана шу ҳолатда ҳали дунёқараши бутунлай шаклланиб улгурмаган инсон йўқсизлик уммонида фарқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Акам зимдан кузатиб юрган экан, тушкунликка тушишга йўл қўймади.

Бу гал у ҳеч қандай дашном бермади-ю, лекин Толстойнинг бир фикрини айтди. «Агар ёзмай туралсанг, ёзмаганинг маъқулроқ...»

Бу сўзлар мағзини чақиши учун жуда кўп ўйландим. Ёздим, йиртиб ташладим, яна ёздим яна йиртиб ташладим. Мен учун шанба, якшанба, байрам кунларининг асл мазмуни йўқолиб, бутунлай бошқа маъно касб этди. Энди бўш вақтларимнинг ҳаммаси бус-бутун ўқиш, ёзиш ва яна ёзишга бағишлиданадиган бўлди. 20 йилдан кўпроқ умрим шундай кечди. Ва ниҳоят, республика матбуоти, адабиёт нашрларида ҳикоя, қисса, романларим эълон қилина бошлади. Илк китобим нашр этилди. Тўғри, бу давр мобайнида газетада ишлашни бас қилганим йўқ, туман, вилоят, республика газеталарида ишни давом эттирудим.

Бу қайдларим билан акамни камчиликлардан бутунлай холи инсон, жуда зўр ижодкор дейиши ниятида эмасман. «Тун бирла тонг аросинда» шеърий тўплами «Бухоро» нашриётида чоп этилган акам назм майдонида бирор нимага эришдими-йўқми, бу ҳақда фикр айтиш адабиётшуносларга ҳавола.

Мен илгари сурган фикр шундан иборатки, акамдан олган Адабиёт дарслари бир умрга татиди. Ана шу сабоқ туфайли қизиққон, қайсар, ҳиссиётга бериувчан бўлсамда, кишилик жамияти уммонида лоқайдлик, худбинлик, ҳасад, риё касридан чўкиб кетмадим.

Ижод аҳли кўнглида ўз-ўзини танқид қилиш ҳисси хийла кучли. Шундан келиб чиқиб, қайсарликни табиатимдаги энг катта қусур деб ҳисоблардим ва ҳозир ҳам шу фикрдаман.

Акам эса бу қусурни ёзувчи учун ижобий хислат дея ишонтиришга ҳаракат қиласарди.

– Тўғри, – дерди у, – қайсарлик кимлар учундир жиддий қусур саналар, лекин сен ёзувчисан, ўз фикринг, дунёқарашингда событ бўлиш учун қайсарликка маҳкумсан. Бунинг устига, романдек йирик жанрда ижод қилишда сабр-бардошинг қайсарликка қоришиб кетганини эҳтимол, ўзинг ҳам билмай қоларсан? Сен,

бала, куляпсан, гапларимга ишонмаяпсан чоғи? Ахир қачон уйингга келсам, иш столига мук тушган бўласан, бир кеча-кундузда бу ишга 15-16 соат сарфлайсан. Ҳамма байрамда дам олиб, хурсандчилик қилса, сен қоғоз-қаламдан бўшамайсан. Сени мақтаётганим йўқ, балки ижодкор қисмати шундай бўлиши кераклигига ишонтиromoқчи бўляпман, холос. Мен ҳам шундай ишлаганимда аллақачон катта шоир бўлиб кетардим. Такрор айтаман, ижодкорнинг ўз мақсадига етиш йўлидаги қайсарлиги иллат эмас, фазилатdir!

Оббо, акагинам-ей, у менинг ҳамма камчиликларимни яхши билгани ҳолда аяб шундай деяётган эди.

– Сен жуда катта ёзувчи бўлиб етишишинг, унвон, мансаб-мартаба эгаси бўлишинг керак, дея ўлиб-тирилаётганим йўқ. Оддийгина, хокисор ёзувчи бўлсанг, кифоя.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинганимда биринчи бўлиб акам табриклиди ва шундай деди:

– Шу ном сен учун улуф мартабадир. Энди хотиржамман. Бу ёғини ўзинг биласан!

Бу ёғини ўзим билдим, билишга интилдим. Зеро, ёзувчилик бадиий ижод ёлғизлик, танҳоликдир. Ёзувчи ёлғиз бўлмас экан, ҳаётни, инсонни, энг аввало, ўз-ўзини тадқиқ этолмайди. Ҳақиқий фикр, мушоҳада, руҳан, жисман танҳоликда туғилади. Ёлғизлик шундай бир юкки, ўқтам мардлар учун яралган, деган эди бир шоир.

Ёлғизлик – бадиий ижоднинг таркибий қисмидир. Ижодкор бу ғала-ғовур ҳаётда, дунёи дунда ўзини танҳо ҳис этмас экан, ишида самара, унум бўлмайди.

Аммо ижодкор ёлғизлиги оддий эмас, балки ёруғликка олиб келгувчи, охири баҳайр танҳоликдир.

Чингиз Айтматов эътироф этганидек, адаб танҳоликда ижод этади. Бироқ бу ижоддан минглаб, миллионлаб кишилар баҳраманд бўлади. Боз устига, ҳассос носир айтганидек, ёзувчи борми, йўқми, китобхон албатта бор, албатта бўлади! Шу боис ижоддаги ёлғизлик ҳаётбахш ёлғизликдир демоқчиман.

Зеро, ёзувчи қалам ва қофоз билан ёлғиз қолган-дагина Аллоҳ ато эттан илоҳий күч-қудратни сезади. Фақат танҳоликда ҳаётнинг ҳақиқий мазмунини күчлироқ идрок этади. Эзгулик, қабоҳат ва яна кўп нарсалар талқини қайта кашф этилади. Ана шу ҳолатдагина ҳақиқий ижод сурури, унинг асл моҳият, мазмуни, адабиёт аталмиш улкан сўз стихияси қонуниятлари очилади. Бу шундай ҳаётбахш, шунинг баробарида жуда оғир ёлғизлиқдирки, унинг ҳақиқий юки йиллар, юз ийлилк ва минг йилликлар билан ўлчанади.

Ҳақ сўз учун ёлғизликка маҳкумлик – фожиа эмас, балки бахтдир. Зеро, ҳақиқий адабиёт ўйин-кулги, яқинлар, дўстлар даврасида, мағрур, масрур пайтларда яратилмайди. Юқорида санаган ҳолатларим ёзувчи учун фақатгина ҳаётий материал, қолаверса, қандайдир тин олиш, таскиндир, холос.

Инсонни ларзага солувчи, юксакликка кўтарувчи, яшаш, яратишга чорловчи қудратли Сўз фақат танҳоликда, илоҳий сўз сеҳри, сири, залворли юки, ўша минг йиллик ёлғизлик юки остида яралади.

Бундай ҳолатда ижодкор жуда ночор, мискин, хокисор, қолаверса, аросатда бўлади. Зеро, у қалами остида чақнаётган, ёнаётган, куяётган ва ўз ижодкоринида алангасида кул қилиши мумкин бўлган фош этувчи, яратувчи сўзни излайди. Ҳа, фақат излайди! Топадими, йўқми бу ёлғиз Аллоҳ ва Бақт ҳукмида.

Ижодкор илоҳий сўз ҳажрида ёнар экан, у ёш боладек беозор, содда, қариядек донишманд ва инжиқ, ҳукмдордек қатъиятли,adolatli, кези келганда шафқатсиз бўлиши керак. Сўз изловчи энг аввало ўзига, яратаетган сўзига нисбатан шафқатсизdir.

Ижодкор ёлғизлигининг кучи шундаки, бу танҳоликда сўз санъаткорининг ўз дунёси яралади ва бу дунё моддий дунёдан фарқли ўлароқ, абадиятга хизмат қиласиди. Бу дунёнинг қонуниятлари жуда шафқатсиз. Зеро, ҳақиқий бадиий ижод Ибодат, Истиғфор, ўзни унутиш, Ҳақ олдида рост сўзлаш, сохталик, хушомад, риёв ва нопокликдан мутлақ узоқликдир. Ижод жараё-

ни жазава, жунун, ўзни тўлигинча илоҳиёт ихтиёрига топширишдир.

Бир сўз билан айтганда, бу жараён оёқнинг ердан, қўлнинг осмондан узилиши – фақат ўз-ўзинг билан қолиш. Мен айнан ана шундай ҳолатдагина қўнгилдаги-дек ёза оламан. Бошқа пайтларда доим нимадир халал бериб туради.

Адиб танҳолиги – ўзига хос, омма, оломон орасидаги ёлғизлик, жуда оғир, мураккаб қисмат саналади. Оила, дўст-биродарлар, жамоа орасида ёлғиз бўлиш учун ментинdek сабр-бардош, кучли иродада талаб қилинади. Бунинг номи ижодкор қисмати деб аталади. Омма орасида танҳо бўлиш учун ижодкор ҳаётда жуда кўп нарсадан, керак бўлса, ширин жонидан ҳам кечишига тўғри келади.

Бу эссени ёзгунга қадар кўп иккиландим. Қанча иккиланмайин, бари бир ёзишга қарор қилдим. Ушбу хотираларнинг кимгадир фойдаси тегса, деган умид учқуни қўнглимни ёритиб турди. Чунки адабиёт институтлари, адабиёт олий курслари бўлса-да, фикримча, «ёзувчи», «шоир» деган диплом берадиган бирор бир мактаб, ўқув юрти йўқ.

Ёзувчилик, шоирликнинг ҳақиқий мактаби бу – ҳаётнинг ўзи, ҳаётий тажриба, тинимсиз мутолаа, лоқайдликдан жуда ийроқ бўлган қалб, бировнинг дардига шерик бўла олиш қобилияти ва яна мен билган-билмаган нимарсалар. Лекин энг асосийси, бу аввал Аллоҳ ато этган иқтидор...

Қизифи шундаки, ушбу дорилфунунни ҳар бир ижодкор ўзича қабул қиласи, фақат ўзигагина хос бўлган услубда ўрганади, олдидаги вазифани адо этади. Бадиий ижод идрок этилган зарурат амалга оширилиши лозим бўлган вазифадир.

Ўз хаёлларим билан банд эканман, Янги йилнинг иккинчи куни ҳам ярмидан оғди. Секин радио қулоғини бурадим, ўтли ноладек бир қўшиқ янграй бошлади. Бир қўшиқки, ёндирувчи, ўйга толдирувчи қўшиқ. Ва айни дамда миямда тўхтовсиз чарх ураётган ўй-хаёларимга ҳамоҳанг.

Тоғлардаги қизгалдоқ энди менга дүст-ұртож,  
Гулхан бўлиб ловуллар боялардаги гул-япроқ.  
Олмани отдим отганга, дийдаси тош қотганга,  
Дунё бўлсин қоронги, ўз дўстини сотганга.

Ишонгандим ёримга, суюкли дилдоримга,  
Ёрим мени алдади, қулоқ солмай зоримга.  
Олмани отдим отганга, дийдаси тош қотганга,  
Дунё бўлсин қоронги, ўз ёрини сотганга!

Қўшиқ баланд пардада янграйди, паришон хаёлларимга аланга оралагандек бўлади.

Ҳа, бу қўшиқ адабиёт маҳсул бўлмиш шеър ҳосиласи. Адабиёт сотмайдиган дўст, сотмайдиган ёрдир.

Акам сотмайдиган дўст эди, сотмайдиган дўст-ёрга – Адабиётга ошно қилди.

\* \* \*

Мен кузда туғилганман, бу фаслнинг салқин саҳарлари, қуёшли кунларини беҳад яхши кўраман. Лекин афсуски, акам вафоти ҳақидаги шум хабарни куз тонгларининг бираиди эшитдим. Эшитдим-у, кўзим ёшга тўлиб, дийдаларим олдида саҳродаги икки дараҳт наомён бўлди.

...Акам Яҳё Абдуваҳоб ўғлидан жудо бўлганимда 52 ёшга тўлган эдим, ҳозир бб ёшдаман.

...Саҳродаги икки дараҳт... Саҳродаги ёлғиз дараҳт... Тилимга акам вафотидан хийла олдин битган «Куз» шеъри келяпти:

Кечки сокинликда куздан бир нидо,  
«Қани, энди хуш қол, ўглон!» дегандай.  
Сояга ўраниб кун бўлар адo:  
Улгурмасанг – гамгин, улгурсанг – шўх най...

*Күнлар садо бўлиб қолар юракда,  
Кейинроқ бир фурсат янграмоқ учун.  
Доим қўлоқ солмоқ керак юракка,  
Умрингнинг мазмунин англамоқ учун!..*

***Ромитан,  
2013 йил 15 декабрь – 2015 йил 2 январь***

## **МУНДАРИЖА**

Муаллифдан.....	3
<b>Ошиқ Бухорий қиссалари (туркум)</b>	
Муқаддима .....	6
Бухоро маликаси ( <i>биринчи қисса</i> ).....	23
Ибтидо ва интиҳо ( <i>иккинчи қисса</i> ) .....	89
Қизил қуюн ( <i>учинчи қисса</i> ) .....	139
Хотима.....	226
Бойкўнир лолалари ( <i>қисса</i> ).....	235
Севиш ҳуқуқи ( <i>ҳикоя</i> ).....	277
Саҳродағи ёлғиз дарахт ( <i>эссе</i> ).....	293

*Адабий-бадиий нашр*

**ЖҮРД ҒОЗИЛ**

**ОШИҚ БУХОРИЙ ҚИССАЛАРИ**

Туркум, қисса,  
хикоя, эссе

Мұхаррір  
Мұхайё РИХСИБЕКОВА

Мусаҳҳих  
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий мұхаррір  
Үйғун СОЛИХОВ

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишига 2017 йил 02.03 да рухсат этилди.

Бичими 84x108<sup>1\32</sup>.

Босма табоги 10,0. Шартли босма табоги 16,8.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.

Адади 3000 нусха (I завод: 500 нусха). Буюртма № 195.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru